05990005358
5358

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Тарих институти

Зияева Доно Ҳамидовна

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 930.1 (09) (575.1)

Туркистонда миллий озодлик ҳаракати XX аср тарихшунослигида (1916 йил қўзғолони ва 1918-1924 йиллар истиқлолчилик ҳаракатини ўрганиш муаммолари)

Тарих фанлари доктори илмий даражаси учун тақдим этилган

ДИССЕРТАЦИЯ

07.00.09.-Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар усуллари

РНТТ

ТОШКЕНТ-1999

МУНДАРИЖА

КИРИШ 3-26

I БОБ. Туркистонда миллий озодлик учун халқ қўзғолонлари давр талқинида

1-§. Туркистонда 1916 йил қўзғолонига доир манбалар.. 28-58

2-§. Совет ҳокимиятига қарши 1918-1924 йиллардаги халқ қўзғолонлари ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашлар. 58-90

II БОБ. Миллий озодлик ҳаракатларининг совет тарихшунослиги: ғайри-илмий концепция ва унинг моҳияти

1-§. 1916 йил қўзғолонининг большевикча-ленинча концепцияси. 92-146

2-§. Совет тарихшунослигининг «босмачилик» концепцияси. 146-197

III БОБ. Хорижий тарихшунослик: асосий илмий хулосалар

1-§. 1916 йил қўзғолони хорижий тарихшунослик талқинида 201-211

2-§. Хорижий тарихшуносликнинг 1918-1924 йиллардаги кураш воқеалари ҳақидаги асосий илмий хулосалари. .212-241

IV БОБ. Мустақиллик даври: муаммони ўрганишда кескин бурилиш

1-§. 1916 йил қўзғолони мустақиллик даври тарихшунослигида. 244-254

2-§. Истиқлолчилик ҳаракати: янгича талқин ва муаммолар.. 255-294

ХУЛОСА 295-309

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигини янги тарихий даврда - давлат мустақиллигига эришиб, туб ислоҳотлар, янгиланиш ва тараққиёт сари улкан одимлар билан якунлаётган Ўзбекистон республикасида илм-фан, хусусан тарих *фани соҳасида ҳам жуда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда.* Тарих фанининг илмий-услубий ва назарий асослари, мақсад ва вазифалари, жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини қайтадан кўриб чиқиб, мутлақо янгича баҳолаш билан белгиланган бу ўзгаришларга давлатимиз раҳбарияти давр талаби, тарихий ҳақиқатни тиклаш ва англаб етишга бўлган ҳаётий, маънавий эҳтиёж ва зарурият сифатида алоҳида эътибор қаратмоқда[1], зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш йўли билан қўллаб-қувватламоқда[2].

Бундай ўзгаришлар шароитида, яъни тарихий тадқиқотларни илмий, услубий, назарий асосларининг янгича мезонлари *қарор топаётган бир шароитда тарих фанида мустақиллик даврига* қадар ҳукмрон бўлган мустабид тузум мафкураси андозаларига, уларнинг асоратлари, қолдиқларига батамом барҳам бериш, эскича фикрлашдан халос бўлиш зарурияти кун тартибида турган энг долзарб вазифалардан бири эканлиги шубҳасиз.

Бу вазифа эса ўз навбатида совет даври тарихшунослигининг илмий ҳаққонийликдан йироқ бўлганлигини, унинг услубий-назарий, манбавий асослари чекланган, синфийлаштирилган ва

---

[1] И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Мулоқот. 1998, №5.
[2] «Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги «ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қарори. // Ўзбекистон овози. 1998 й. 28 июль.

сохталаштирилганлигини аниқ мисолларда кўрсатиб бериш, илмий асосда фош этишни тақозо этади. Бу масалани мазкур тадқиқотда тарихимизнинг маълум даврдаги аниқ бир муаммоси, яъни, Туркистонда XX асрнинг дастлабки чорагида - 1916-1924 йилларда мустабид Россия империяси ва совет давлатига қарши олиб борилган халқ ҳаракатларининг совет тарихшунослигининг тахлили мисолида очиб бериш мумкинлиги ушбу мавзунинг алоҳида аҳамияти ва долзарблигини белгилаб беради. Лекин тадқиқотнинг долзарблиги фақат шу билан чекланмайди, балки даврий чегараси, йўналиши ва қамрови жиҳатидан фақатгина совет тарихшунослигини эмас, балки хорижий тарихшунослик, мустақиллик даври тарихшунослигини ҳам қамраб олган мазкур тадқиқотнинг муҳим илмий-назарий, сиёсий, тарихий, тарбиявий ва амалий аҳамияти ҳамда ҳаққоний тарихимизни тиклаш зарурияти билан ҳам белгиланади.

Маълумки, Туркистонда чор хукумати ва совет ҳокимиятига қарши олиб борилган халқ ҳаракатлари, миллий озодлик курашлари ҳақида XX аср тарихшунослигида мутлақо қарама-қарши, зиддиятли қарашлар ҳукм суриб келди. Хорижий тарихшунослик ва совет тарихшунослиги деб ажратилган икки йўналишда бу хусусда кескин гоявий кураш, мурасасиз тортишувлар кечди. Асримизнинг 90-йилларидан бошлаб, яъни собиқ совет давлати ва тузуми барбод бўлиб, Ватанимиз давлат мустақиллигига эришилгач, мутлақо янгича шароитда, ҳур фикрлик ва ошкоралик муҳитида, ўтмишга холисона ёндошиб, ҳаққоний тарихни яратиш мақсадида ривожланаётган ватан тарихшунослигида бу хусусдаги илмий ҳақиқатни тиклаш, уни тўғри, хо-

лисона баҳолаш учун катта имкониятлар юзага келди. Бу вазифани амалга ошириш эса бутун XX аср давомида турлича ижтимоий-сиёсий тузум шароитида, ҳар хил маънавий-мафкуравий муҳитларда, турли тилларда ва йўналишларда ривожланган илмий қарашларни ўрганишни тақозо этади. Турлича концептуал асосларда яратилган тадқиқотларни тарихшунослик нуқтаи-назаридан тахлил этиш эса, ўз навбатида уларнинг назарий, *услубий, манбавий асосларини, илмий қимматини баҳолашга,* аниқ масалалар бўйича илмий хулосаларни, кам ўрганилган ёки мунозарали масалаларини белгилаб олишга имконият беради, сохта ва ҳаққоний илмий қарашларни фарқлашга, илмий ҳақиқатни тиклашга йўл очади. Ушбу муаммога доир илмий ҳақиқатнинг тикланиши эса ўз навбатида Туркистонда Россия империяси ва совет давлатига қарши курашлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг тикланишига хизмат қилиши шубҳасиз. Тадқиқотнинг муҳим илмий-назарий аҳамияти айнан шу билан белгиланади.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Диссертацияда Туркистонда (унинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кирган вилоятларида) XX асрнинг дастлабки чорагида мустабид тузум - Россия империяси ва совет давлати ҳукмронлиги ҳамда зулмига қарши олиб борилган халқ ҳаракатлари - 1916 йил қўзғолони ва 1918-1924-йиллардаги кураш воқеалари тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилади. Ҳар икки тарихий ҳодиса 20-йиллардан бошлаб то ҳозирги кунга қадар нафақат ватан тарихшунослигида, балки хорижий тарихшуносликда ҳам муҳим ва долзарб мавзу бўлиб келганлиги назарда тутилган ҳолда, тадқиқотнинг

даврий чегараси XX аср доирасида белгилаб олинди. Тарихшунослик тахлили қуйидаги уч йўналишда амалга оширилди:

1. Совет тарихшунослиги. 1920-90-йил.
2. Хорижий тарихшунослик. 1920-90-йиллар.
3. *Мустақиллик даври тарихшунослиги. 1991 йилдан ҳозирга қадар.*

Тадқиқотда ватан тарихшунослигига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда хорижий тарихшуносликнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, асосий илмий хулосалари таҳлил этилди.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади Туркистонда XX аср бошида олиб борилган *миллий озодлик ҳаракатларининг энг оммавий ва кескин* кўриниши бўлган 1916 йил қўзғолони ва 1918-1924 йиллардаги курашлар ҳақида бутун XX аср давомида илгари сурилган илмий қарашларни шаклланиш ва ривожланиш жараёнини ўрганиш, асосий илмий хулосаларни аниқлаш, муаммонинг бугунги кундаги ўрганилиш даражасини баҳолаш ва навбатдаги долзарб вазифаларни белгилашдан иборатдир.

Диссертант мазкур тарихий ҳодисалар ҳақида турли даврларда ва йўналишларда ҳамда турли услубий-назарий ва концептуал асосларда яратилган тадқиқотларда илгари сурилган илмий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланишига ҳукмрон тузум, ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий муҳитнинг қай даражада таъсир ўтказганига алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, турли илмий қарашларнинг манбавий асосларини ўрганиш, уларнинг холислик, ҳаққонийлик даражасини аниқлаш мақсадини кўзлаб, ўз олдига муаммони маълум даражада манбашунослик нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш вазифасини

қўйди. Бунда муаллиф асосий эътиборни ушбу даврда илгари сурилган ижтимоий сиёсий қарашларни, замондошларнинг фикр мулоҳазаларини ўрганишга қаратди. Шу асосда ҳар икки воқеа ҳақидаги тарихий ҳақиқатни аниқлаш мақсадини кўзлади.

Ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

-замондошларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларини қиёсий ва холисона тахлил этиш асосида 1916 йил ва 1918-1924 йиллар воқеаларининг асоси моҳияти, сабаблари, мақсадларини аниқлаш;

-мазкур тарихий воқеалар ҳақидаги дастлабки илмий-қарашларни, уларнинг шаклланиш жараёнини ҳамда бунда замондош ижтимоий-сиёсий қарашларнинг тутган ўрнини аниқлаш;

-совет тарихшунослигидаги 20 йилларда эътироф этилган нисбатан холисона қарашларни, муаммони синфий асосда баҳолаш йўлидаги дастлабки уринишларни ва бунга нисбатан миллий зиёлиларнинг кескин қаршилигини акс эттирган мунозараларни ёритиш;

-1916 йил қўзғолони ва 1918-1924 йиллардаги курашлар ҳақида «большевикча» концепциянинг ишлаб чиқилиши ва унинг зўрлик билан қарор топиш жараёнини ёритиш, большевикча концепциянинг ғоявий, назарий, манбавий ва услубий асосларини тахлил қилиш, унинг синфий чекалнганлигини ва ўта сиёсийлаштирилганлигини кўрсатиб бериш;

-хорижий тарихшуносликда мазкур муаммолар хусусида илгари сурилган илмий қарашларнинг шаклланиши жараёнини, уларнинг манбавий асосларини тахлил этиш, асосий илмий хулосаларни, муаммоларни аниқлаш;

-Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги қўлга киритилиши билан юзага келган мутлақо янгича шароитда тарих фанида юз берган туб ўзгаришлар, услубий, назарий, илмий асосларнинг янгиланиши туфайли мазкур муаммоларни холисона ёритиш имкони юзага келгани, уларга мутлақо янгича ёндошувлар шаклланганини шу давр илмий тадқиқотлари тахлили мисолида ёритиб бериш, илмий натижаларни умумлаштириш, кам ўрганилган, мунозарали масалаларни аниқлаш;

-мазкур муаммога доир совет тарихшунослиги, хорижий тарихшунослик ва мустақиллик даври тарихшунослигини муаммовий асосда ўрганиш, уларнинг концептуал, назарий-услубий асосларини, илмий хулосаларини ўзаро қиёсий тахлил этиш, хорижий тадқиқотчилар билан илмий ҳамкорлик истиқболларини белгилаш.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Туркистонда Россия империяси ва совет ҳокимиятига, яъни мустабид давлатлар ҳукмронлиги ва зулмига қарши олиб борилган халқ курашларининг тарихшунослик нуқтаи назаридан комплекс, яъни биргаликдаги уйғун тадқиқи ҳозирга қадар амалга оширилмаган. Бу курашларнинг икки муҳим ва буюк ҳодисаси - 1916 йил қўзғолони ҳамда 1918-1924-йиллардаги ҳаракатлар алоҳида-алоҳида қатор тарихшунослик тадқиқотларга мавзу бўлган. Бу тадқиқотларни масалага ёндошуви, назарий-услубий асоси, даврий чегараси ва йўналиши жиҳатидан қуйидаги 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Совет давридаги тадқиқотлар.
2. Хорижий тарихшунослик намуналари.
3. Мустақиллик даври тадқиқотлари.

Совет даврида ушбу муаммоларни тарихшунослик нуқтаи-

назаридан тадқиқ этишга бағишланган тадқиқотлар ҳар икки кураш воқеаларининг синфий талқинини шакллантириб, мустаҳкам қарор топтириш ва ҳукмрон мафкура ақидаларига, расмий андозаларга мослаштиришга хизмат қилиш вазифасига бўйсундирилган эди. Бундай тадқиқотларга 30-йиллар бошидаёқ асос солинган бўлиб, бунинг сабаби ушбу воқеаларнинг синфий талқини ҳам айнан 30-йиллар бошида яратилгани билан изоҳланади. *Бунга қадар, яъни 20-йилларда ушбу мавзуда чоп* этилган илк нашрларнинг аксариятида масалага имкон даражасида холисона, тарихийлик нуқтаи-назаридан ёндошилган бўлиб, уларда нисбатан ҳаққоний қарашлар эътироф этилган[1]. Шу туфайли улар 30-йиллар бошида яратилган дастлабки тарихшунослик тадқиқотларида кескин танқид остига олинган.[2] Чунончи, 1916 йил қўзғолони тарихшунослигига доир П.Галузо мақоласида 20-йиллардаги барча нашрлар танқид қилиниб, муаммони бир томонлама ёритилганликда айбланади. Масалан, қўзғолонни миллий ҳаракат сифатида баҳолаган, уни синфий кураш бўлганини ҳаққоний тарзда инкор этган Т.Рисқулов «миллатчилик сари оғишмовчилик»да айбланади. Барча тадқиқотчилар 1916 йил қўзғолонини большевикча концепция асосида ёритишга даъват этилади, ундан четга чиқмаслик ҳақида огоҳлантирилади.

Дастлабки тарихшунослик тадқиқотлари расмий андозаларни зўрлаб қарор топтиришга хизмат қилганига совет ҳокимиятига қарши 1918-1924 йиллардаги кураш воқеалари тарихшунослигига бағишланган илк нашрлар ҳам мисол бўла олади. Бу масалага бағишланган П.Алексеенконинг

---

[1] Галузо П. За большевистскую концепцию истории восстания 1916 года в Средней Азии. // Туркменоведение, - 1931. №7-9.
[2] Алексеенко П. Что такое басмачество? - Т.: 1931.

«босмачилик» деган туҳмат тамғасини олган 1918-1924 йиллардаги воқеалар тарихини ўрганишга бағишланган рисоласида ҳам 20 йиллар нашрлари кескин танқид қилинади. Мазкур воқеалар сабабларини ҳамда моҳиятини холисона эътироф этишга уринган муаллифларнинг қарашлари инкор этилиб, бу ҳаракатнинг большевикча талқини тарғиб этилади.

Мафкуравий таъзийқ, ғоявий хужум бўлиб, тоталитар тузумнинг қатағон қилиш сиёсати авжга чиққан 30-йиллар давомида бундай даъватларга амал қилмаслик оқибати қандай фожеали тугагани тарихдан маълум. Хуллас, ўшбу муаммо тарихшунослигига доир тадқиқотлар дастлабки пайтларданоқ синфий кураш таълимоти ва ҳукмрон мафкура ақидаларига мослаштирилган, расмий андозаларни зўрлик билан, мажбуран тан олдириш, уларни тарғиб этишга хизмат қилди.

50-йил охири - 60-йиллардан бошлаб ушбу муаммо тарихшунослигида янги босқич бошланди. Синфий қарашлар чуқур илдиз отиб, расмий андозалар мустаҳкам қарор топган бу даврга келиб совет тарихшунослигининг тадқиқот объекти анча кенгайди ва эндиликда асосий эътибор хорижий тарихшунослик намуналари ҳамда яна 20-йиллар нашрларига қаратилди.[1] Бундай эътибор бежиз эмас эди, чунки 40-60-йилларга келиб инглиз, немис ва турк тарихшунослигида ушбу кураш воқеалари ҳақида 20-йиллардаги айрим илк совет нашрлари билан ҳамоҳанг, ҳаққоний қарашлар илгари сурилган эди. Бунга жавобан коммунистик мафкура маддоҳлари ғоявий хужум ҳамда сиёсий, мафкуравий таъзийқни янада авж олдирдилар, аниқ фактлар билан асосланган илмий мунозаралар олиб бориш

[1] Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. -Т.: 1962. Б.12-38; Зевелев А.И. Историография Советского Туркестана.; (Историография и источники по истории гражданской войны) -Т.: 1968.

ўрнига 30-йиллардаги анъаналарни, яъни асоссиз даъволар, ақидапарастлик, сиёсий айбловлар, муросасиз танқидларни давом эттирдилар[1].

70-80-йилларга келиб эса Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари, айниқса совет ҳокимиятига қарши 1918-1924-йилларда олиб борилган ҳаракатлар мавзуси ғоявий кураш майдонига айланди.[2] Афғонистонда 70-йиллар охирида юзага келган зиддиятли ва кескин вазият ҳамда бунда СССРнинг ҳал қилувчи салбий роль ўйнаши муносабати билан ҳар икки тизим ўртасидаги ғоявий кураш, (жумладан мазкур муаммо талқинида ҳам) ниҳоятда кескинлашди. Ҳеч бир ваколатсиз ўз зиммасига "жаҳон иқилоби"ни амалга ошириш "масъулияти"ни олган совет давлатининг халқаро муносабатлар ва ҳуқуқ нормаларини кўпол равишда бузиб, Афғонистоннинг ички ишларига ноҳақ аралашувида нафақат сиёсий, балки ғоявий, стратегик мақсадлар ҳам кўзланган эди. Афғонистонда авж олган ички ихтилофлар ва мураккаб зиддиятли вазиятни "инқилоб қонунияти" сифатида кўрсатиб, "байналминал ёрдам" баҳонасида мамлакатга

---

[1] Иноятов Х.Ш. Ответ фальсификаторам истории Советской Средней Азии. - Т.: 1962; Хидоятов Г. Правда против лжы. -Т.: 1964; Новоселов К. Против буржуазных фальсификаторов истории Средней Азии. -Ашхабад: 1962; Хидоятов Г.А. Ленинская национальная политика и современная идеологическая борьба. -Т.: 1972; Турсунов Х., Юсупов Э. К вопросу о характере восстания 1916 годы в Средней Азии. История СССР. - 1981. №15; Иноятов Х.Ш. Против фальсификации истории победы советской власти в Средней Азии и Казахстана. - Т.: 1976; Ленинская национальная политика в действии(ответ идеологам антикоммунизма, извращающим исторический опыт строительства социализма в Средней Азии и Казахстане).

[2] Абуталипов А. Басмачество в Средней Азии: домысли французских советологов и историческая действительность //Общественные науки в Узбекистане. - Т.: 1981. №7; Шу муаллиф. Правды истории не опровергнуть: против фальсификации басмаческого движения буржуазными идеологами //Коммунист Узбекистана. -1981. -№10; Критика фальсификаций национальных отношений в СССР. - М.: 1984; Актуалные вопросы современной идеологической борьбы. - М.: 1980.

қўшинларини киритган совет давлати у ерда ўз сиёсати, ғоялари, таъсир кучи ва мавқеининг хукмронлигини таъминлаш, социалистик лагерни кенгайтириш мақсадларини кўзлаб иш тутгани бугунги кунда яхши маълум. Совет тарихшунослигида совет давлатининг ана шу мақсадлари оқланиб, Афғонистондаги воқеалар билан Туркистондаги 1918-1924-йиллардаги совет ҳокимиятига қарши курашларни таққослаш асосида уларнинг тақдири ҳам бир, яъни "ҳалокатга маҳкум" деган ғоя асосланди.[1]

Москвада 1986 йилда чоп этилган янги асар[2] совет тарихшунослигининг бу мавзудаги энг "йирик" нашри, унинг "тажрибалари"нинг умумлашмаси эди. Унда хорижий тарихшунослик икки йўналишга - сохта ва ҳаққоний йўналишга ажратилган. Совет адабиётлари асосида, хорижий коммунистлар томонидан яратилган, аниқроғи совет нашрларининг чет тилидаги таржимаси, инъикоси бўлган асарлар "ҳаққоний" йўналишга киритилган, масалага холисона ёндошиб, унинг моҳиятини очиб беришга уринган ва совет тарихшунослигидаги расмий қарашларга зид, аммо ҳаққоний эътирофлар қайд этилган тадқиқотлар тарихни "буржуача сохталаштирувчилар» сифатида танқид қилиниб, қораланган. Энг ажабланарлиси ва муҳими шундаки, бу асарда совет ҳокимиятига қарши Туркистон халқлари олиб борган курашларнинг сабаблари, моҳияти ва мақсадлари ҳақида турли мамлакатларда, турли тилларда яратилган тадқиқотларнинг якдил илмий хулосалари аниқ асарлар мисолида (уларнинг муаллифлари ҳам кўрсатилади) аниқланиб, эътироф этилган, бироқ улар яна ўша эски мезонда

---

[1] Юсупов Э, Лунин Б.В. *Басмачество - орудие реакции / Исторические параллели.* - Т.: 1981.

[2] Зевелев А.И., Поляков Ю.А., Шишкина Л.В. Басмачество: правда истории и вымысел фальсификаторов. - М.: 1986

- ғоявий душман сифатида қораланган.

Хорижий тарихшунослик йўналишида айрим муаллифлар Туркистонда совет ҳокимиятига қари курашлар тарихига бағишланган совет тадқиқотлари талқинига тўхтаб ўтганлар. Бу ўринда Боймирза Хаит[1] (Германия), Тоҳир Чиғатой[2] (Туркия), Али Бодомчи[3] (Туркия) каби муаллифларнинг қарашлари алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, улар ўз тадқиқотларида ушбу муаммо совет тарихшунослигида нотўғри талқин этилаётганини алоҳида таъкидлаганлар.

Мустақиллик даврида ватан тарихшунослигида ушбу муаммога доир совет ва хорижий тадқиқотлар талқинига бағишланган бир неча номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Р.Ҳакимовнинг[4] совет даврида ёзилган, мустақилликнинг дастлабки ойларида - 1992 йил бошида ҳимоя қилинган, "босмачилик" ҳаракатининг инглиз-америка тарихшунослигига бағишланган номзодлик диссертацияси масалани мустабид *тузум мафкурасининг расмий андозаларида ёритган сўнгги* тадқиқот бўлди. Ушбу муаммонинг моҳияти, кураш сабаблари, мақсад ва натижалари, енгилишига олиб келган омиллар ҳақидаги инглиз-америка тадқиқотчиларининг қарашларини, асосий илмий хулосаларини яна бир бор умумлаштириб, кўрсатиб берган муаллиф уларни совет расмий андозалари нуқтаи-назаридан, яъни "буржуача сохталаштириш" сифатида баҳолади. Р.Ҳакимов бу муаммо талқини "ғоявий кураш"

---

[1] Dr. Baymirza Hayit. Some Promlem's of modern Turkistan History. An analisis of Soviet Attacks on the Allegel Falsifiers of hte History Turkistan. Dusseldorf. 1963.

[2] Tohir Chigatoy. Qizil imperialazm. Ankara. III. - 1967.

[3] *Ali Bodomchi. Turkistan va Anver Poso. 1917-1934. - Istanbul. 1975.*

[4] Хакимов Р. Зарубежная историография истории басмачества в Средней Азии. 1917-1932. (на материалах англо-американской летиротуры): Дисс. на соискании уч. степ. канд. ист. наук. - Т.: 1992.

майдонига айланганини алоҳида таъкидлаб, масалага айнан шу кураш манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндошди, илмий холисликка амал қила олмади, аксинча совет тарихшунослигида анъана бўлиб қолган сиёсий айбловлар билан чекланди.

Мустақиллик шарофати билан қарор топган ҳурфикрлилик ва ошкоралик мухитида муаммога мутлақо янгича асосда, мустабид мафкура таъзийқидан халос ҳолда ёндоша олган ёш тадқиқотчи Н.Хидоятованинг номзодлик диссертацияси[1] эса бу борадаги холисона изланишлар йўлида қилинган илк муваффақиятли қадам бўлди. Ўз изланишлари объекти ва даврий чегараларини 50-60-йиллардаги инглиз-америка тадқиқотлари билан белгилаган Н. Хидоятова ушбу муаммога доир бу даврда яратилган асарларда икки йўналишдаги қарашларни аниқлайди.

1. Консерватив йўналиш
2. Либерал йўналиш.

Консерватив йўналиш сифатида Н.Хидоятова совет ҳокимиятига қарши курашларни "нафақат Россияга, балки бутун русларга қарши, уларни Ўрта Осиёдан ҳайдаб чиқаришга қаратилган ҳаракат» сифатида баҳоловчи қарашларни, либерал йўналиш сифатида эса «бу курашлар совет ҳокимияти зўравонлигига жавобан бошланиб, бундай зўравонлик барҳам топиши билан тугатилган», деган мазмундаги қарашларни киритади. Консерватив йўналишни мутлақо хато, "курашни ирқчилик ва миллатчиликдек тор манфаатлар доирасидаги ҳаракат сифатида кўрсатишга олиб келувчи қараш" эканлигини

---

[1] Хидоятова Н. Басмаческое движение в современной советологии. Автореферат дисс... на соискание ученой степени канд.ист.наук. - Т.: 1993.

тўғри баҳолай олган муаллиф либерал йўналишни ҳақиқатга яқинлагини эътироф этади, бироқ "совет ҳокимиятининг зўравонлиги барҳам топгач кураш ҳам тугатилгани" ҳақидаги мулоҳазалар ҳақиқатни қай даражада акс эттирганига муносабат билдирмайди. Фикримизча, бунга бирдан-бир сабаб шундаки, гарчи Туркистонда совет ҳокимиятига қарши 1918-1924 йилларда олиб борилган курашлар моҳияти жиҳатидан миллий озодлик ҳаракати бўлганлиги Ўзбекистонда 90-йиллар бошидаёқ илмий жамоатчилик томонидан эътироф этила бошлаган бўлсада, кураш жараёни, босқичлари ва айниқса сўнгги даври ҳақидаги маълумотлар ҳали аниқланиб, улгурилмаган эди. Шу туфайли муаллифнинг бу борадаги тасаввурлари чекланган бўлиб, унга нисбатан муносабат билдириш ушбу муаммо тарихига доир қўшимча ва чуқур изланишларни тақозо этар эди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Н.Хидоятова муаммо тарихига мурожаат этиб, "босмачилик ҳаракати ҳақидаги ўз концепцияси" учун алоҳида ўрин ажратган ва унда совет тарихшунослиги қарашларидан мутлақо фарқ қилувчи ўз шахсий мулоҳазаларини дадиллик билан илгари сурган. Чунончи, «босмачилик» ҳаракати совет ҳокимиятининг зўравонлиги туфайли пайдо бўлган халқ ҳаракати бўлганини алоҳида таъкидлаб, хорижий манбалар билан асослашга ҳаракат қилган. Аммо манбавий асоснинг саёзлиги, тадқиқот кўламининг чекланганлиги туфайли курашнинг ривожланиш босқичлари ва сўнгги даври каби қатор масалаларда илмий асосланган хулосаларни илгари сура олмаган.

Мустақиллик даврида ватан тарихшунослигида ушбу муаммога доир совет адабиётларини тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этишда илк одим ташлаган тадқиқотчи Н.Норжиги-

това бўлди. Унинг бу муаммога бағишланган номзодлик диссертациясида[1] совет адабиётлари курашнинг айрим масалалари бўйича, яъни муаммовий асосда таҳлил этилади. Бунда тадқиқотчи совет даври нашрларида курашнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий сабаблари, унинг раҳбарлари фаолияти ва ҳаракатлантирувчи кучлари қандай баҳоланганини кўрсатиб ўтиб, совет тарихшунослигида бу масалалар бир томонлама - голиб томон манфаатлари нуқтаи-назаридан, чекланган доирада ёритилганини таъкидлайди. Н.Норжигитова бу курашлар ҳақидаги ўзаро зиддиятли, қарама-қарши қарашлар мавжудлигини қайд этиб, ҳар икки йўналишда юқорида қайд этилган масалаларга қандай ёндашилганини кўрсатиб ўтади.

Тадқиқотда илк бор кураш замондошларининг хотиралари, 20-йилларнинг айрим нашрари (илгари таъқиқланган), ҳамда маълум даражада архив маълумотлари илмий истеъмолга киритилган бўлиб, бу ҳол муаммо тарихшунослигида катта янгилик эди. Аммо муаммо тарихини чуқур ёритувчи маълумотлардан бехабарлик туфайли муаллиф баъзи масалаларда қатъий хулосалар билдиришга ошиқмай, ўз мулоҳазаларини илгари суриш билан чекланади. Мунозарали ва чуқур илмий асосланмаган бу мулоҳазалар, айниқса совет ҳокимиятига қарши курашни даврлаштиришда яққол намоён бўлади, чунончи бу ҳақда ўз шахсий мулоҳазаларини билдириб, Н.Норжигитова совет ҳокимиятига қарши курашлар дастлабки йилларда адолатли уруш бўлган бўлса, сўнгги йилларда, 1922-1923-йиллардан бошлаб талончилик, қароқчилик тусини олиб, ўз ижобий аҳамияти ва моҳиятини йўқотган, деган фикрга келади.

---

[1] Норжигитова Н. Туркистонда «босмачилик ҳаракати» тарихшунослиги. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация . - Т.: 1994.

Ушбу мулоҳаза ниҳоятда мунозарали, чуқур илмий асосланмаганлигини яна бир бор алоҳида таъкидлаб, курашнинг сўнгги даврларига оид расмий маълумотлар, матбуот хабарлари ўта сохталаштирилганлигини ва улар ҳукмрон, ғолиб тараф ижодига тааллуқли эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. "Босмачилик" ҳаракати сифатида қораланган бу курашни халқ таянчи, қўллаб-қувватлашидан маҳрум этиш асосида уни заифлаштириб, енгиш мақсадларини кўзлаган, бу йўналишда 1922-1923-йиллардан бошлаб қатъий чора-тадбирларни амалга ошириб, жуда катта тарғибот-ташвиқотлар олиб борган мустабид ҳукумат ушбу воқеалар ҳақида ҳаққоний ахборот ёки маълумотга йўл бермагани ҳақида қуйида батафсил тўхталамиз. Бу ўринда эса Н.Норжигитованинг курашнинг сўнгги даврига оид мулоҳазалари шошилинч ва илмий асосланмаганлиғини таъкидлаб, ушбу масалани ўрганиш муаммо тарихшунослиги олдида турган муҳим вазифа эканлигини қайд этиш лозим.

1916 йил кўзғолони тарихшунослиги ҳам худди 1918-1924 йиллардаги кураш воқеалари тарихшунослиги каби мустақиллик даврига қадар ўзининг тўлақонли ҳаққоний талқинини ололмади. Бу мавзуда 1991 йилгача яратилган тадқиқотлар[1] совет нашрларининг асосий хулосаларини, уларнинг шаклланиш ва қарор топиш жараёнини расмий андозалар чегарасида умумлаштириб бердилар, холос.

---

[1] Жакыпбеков Ж. Советская историография революционного и национально-освободительного движения в Средней Азии во второй половине XIX-начале XX вв.(на материалах Киргизии). Диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. - М.: 1986; Зияева Д.Х. Народные движения в Средней Азии в конце XIX-начале XX вв. в дореволюционной и советской литературе (Историография проблемы). АР на соискание ученой степени канд.ист.наук. - Т.: 1990.

Мустақиллик даврига келибгина 1916 йил қўзғолони тарихшунослиги илк бор холисона, мафкуравий таъзийқлардан *халос тарзда тадқиқ этила бошланди.* Бу борадаги изланишлар мазкур тадқиқот муаллифи томонидан олиб борилган бўлиб, уларнинг асосий натижалари диссертацияда ўз аксини топган.

Юқорида қайд этилган маълумотлар асосида хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, Туркистонда мустабид Россия империяси ва совет давлатига қарши курашлар тарихшунослигининг алоҳида олинган масалалар бўйича, яъни 1916 йил қўзғолони ва 1918-1924-йиллардаги кураш воқеалари тарихшунослиги бўйича ҳозирга қадар яратилган ва чоп этилган тадқиқотларда ушбу муаммолар ўзиниг атрофлича, қиёсий, *чуқур илмий талқинини ололмаган. Кураш воқеалари совет* тадқиқотларида ўзининг холисона талқинини ололмагани, ҳукмрон мафкура таъзийқи остида синфийлаштирилгани ва ҳатто сохталаштирилгани, расмий андозаларда ёритилгани туфайли уларнинг тарихшунослиги ҳам шу мақсадларга хизмат қилди. Янгича фикрлаш, масалага холисона ёндашувнинг илк намуналари бўлган мустақиллик даврининг дастлабки тарихшунослик тадқиқотлари ҳам муаммо тарихига оид билимлар ва изланишлар доирасининг чекланганлиги туфайли масалани чуқур ва атрофлича очиб бера олмади. Ҳар икки тарихий воқеалар тарихшунослигининг алоҳида йўналишлар - совет тарихшунослиги ва харижий тарихшунослик (инглиз-америка) йўналишларида ажратилган ҳолда тадқиқ этилиши бу муаммо тарихига доир қарашларинг шаклланиб бориш жараёнини жаҳон миқёсида таҳлил этиш имконини чеклаб қўйди. Юқорида қайд этилган тадқиқотларда масалага муаммовий асосда ёндашув бу воқеалар тарихшунослигининг шаклланиш жараёни

ва унга таъсир этган омилларни аниқлашга имкон бермаган. Натижада ҳар икки йўналишдаги, яъни хорижий ва совет тарихшунослигидаги ўзаро зиддиятли қарашлар қандай асосда, қай тариқа юзага келиб, қарор топгани очиб берилмади, уларнинг манбавий асослари аниқланмади. Ваҳоланки, бу илмий ҳақиқатни аниқлашда, уни холисона баҳолашда катта аҳамиятга эга.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалар асосида хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ҳозиргача Туркистон истиқлоли учун кураш воқеалари тарихшунослиги муаммовий, даврий ва концептуал асосда, ҳар бир йўналишни ўзига хос хусусиятлари ва илмий натижаларини аниқлаш асосида тадқиқ этилмаган. Ҳар икки тарихий воқеа - 1916 йил қўзғолони ҳамда 1918-1924-йиллардаги курашлар тарихшунослигининг худди шундай асосда комплекс талқин этиш ҳам ҳанузгача амалга оширилмаган. Моҳияти жиҳатидан бир хил, даврий жиҳатдан жуда яқин бўлсада, кўлами, даражаси, давомийлиги, уюшқоқлик даражаси ҳамда сиёсий мақсадлари жиҳатидан аввалгисидан кейингиси анча юқори савияда бўлган бу курашлар талқинидаги умумий ва ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, ўзаро солиштириш имконини берадиган комплекс тадқиқот хали яратилмаган. Бу ҳолатларнинг бари Туркистонда XX асрнинг дастлабки чорагида хукмронлик қилган, шаклан ҳар хил, моҳияти жиҳатидан эса бир хил бўлган мустабид давлатлар - Россия империяси ва совет давлатига қарши қаратилган энг йирик ва оммавий халқ ҳаракатлари тарихшунослигининг муаммовий, даврий, концептуал асосдаги комплекс тадқиқ этиш заруриятини асослаб беради.

Тадқиқотнинг назарий, услубий асослари. Диссертациянинг услубий асослари сифатида масалага концептуал, муаммовий ва даврий тадрижий асосда ёндашиш ҳамда қиёсий

таҳлил этиш танлаб олинди. Тадқиқотда тарихийлик, холислик тамойилларига изчил амал қилган ҳолда муаммо ижтимоий - сиёсий вазият билан боғлиқликда, давр руҳи ва хусусиятларини назарда тутган ҳолда тадқиқ этилди.

Диссертацияда тарихшунослик нуқтаи - назаридан ўрганилаётган муаммо, яъни 1916 йил қўзғолони ва 1918-1924-йиллардаги халқ ҳаракатлари ҳақида илгари сурилган турлича қарашлар тизими (концепциялар)нинг моҳияти, шаклланиши ва қарор топиш жараёни, манбавий асосларини таҳлил этиш, уларнинг илмий қимматини, ҳаққонийлик даражасини холисона, аниқ фактлар асосида баҳолаш ҳамда шу тариқа илмий ҳақиқатни англаш ва аниқлаштириш, кам ўрганилган, мунозарали, муаммоли масалаларни белгилаш йўли тутилди. Бунда фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) ва эркинлиги алоҳида диққат эътиборда тутилган ҳолда илмий адолат, ҳаққонийлик тамойилларига қатъий амал қилинди.

Ҳурфикрлик ва ошкоралик муҳитида, янгича дунёқараш қарор топаётган, миллий қадриятлар тикланаётган мустақиллик шароитида олиб борилган изланишлар маҳсули бўлган бу тадқиқотни яратишда йил сайин сайқал топаётган мустақиллик мафкурасининг муҳим асослари, Президент И.Каримовнинг[1] тарихий шахслар, алломалар, мутафаккирлар ва арбобларнинг ва қадимий шаҳарларнинг юбилей тантана-

---

[1] Каримов И.А. "Фан ватан равнақига хизмат қилсин. 1993 й. 5 ноябрь.//Биздан обод ва озод Ватан қолсин. - Т.: 1996. Б.79-80; Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. - Т.: 1998. Тарихий хотирасиз келажак йўқ //Мулоқот, 1998. №5. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин //Тафаккур, 1998. №2. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдиди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: 1997; Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: 1999.

ларидаги нутқларида, миллий мафкура, маънавиятга бағишланган асарларида, мақолаларида, олимлар, хусусан тарихчилар билан суҳбатларида қайд этилган фикр-мулоҳазалари, ўтмишга муносабат, тарих фанининг жамият ҳаётида тутган ўрни, унинг маънавий юксалишидаги роли, ҳаққоний тарихимизни яратиш вазифалари, тарихий хотира ҳақидаги қарашлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 1998 йил 27 июль фармонидаги кўрсатмалари[1] назарий асос бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, муаллиф тадқиқотнинг илмий раҳбари, тарих фанлари доктори Д.А.Алимованинг тарихшунослик фанининг мақсади, вазифалари, ривожланиш истиқболи ва муаммолари, услубий асослари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳамда бевосита мазкур мавзудаги изланишлар жараёнидаги илмий тавсия, кўрсатмаларидан кенг фойдаланди.[2]

Диссертациянинг манбавий асослари. Диссертант ўз изланишлари давомида тадқиқотга тарихшунослик объекти сифатида кенг ҳажмдаги адабиётлар, даврий матбуот материаллари, шунингдек, тарихий манба сифатида замондошларнинг хотиралари, кўрсатмалари, архив маълумотларини жалб этди. Адабиётлар асосан рус, ўзбек, қисман инглиз, немис, турк, тилларида чоп этилган илмий, илмий оммабоп асарлар, рисолалар бўлиб, уларни энг характерли ва муҳимлари

---

[1] Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида. // Ўзбекистон осози, 1998 йил, 28 июль

[2] Алимова Д.А.. Тарихий онг нима учун керак (ҳозирги замон тарих фани олдида турган вазифалар ҳақидаги мулоҳазалар) Халқ сўзи. 1998. 31 июль; *Алимова Д.А., Лунин Б.В. Работы историографов республики Узбекистана* // Отечественная история. 1997. №2. Алимова Д.А., Каримов Э. Задачи исторической науки на современном этапе // Общественные науки в Узбекистане. 1996. №11.

илмий истеъмолга киритилди, тарихшунослик нуқтаи-назаридан таҳлил этилди. Бунда энг аввало уларнинг манбавий асоси, масалага холисона ёнашуви, ҳаққонийлик даражаси ҳамда илмий қимматига алоҳида эътибор қаратилди, асосий масалалар - кураш сабаблари, моҳияти, мақсадлари ва натижалари ҳақида билдирилган хулоса ҳамда мулоҳазалар ўрганилди. Хорижий тарихшунослик намуналарини, айниқса ғарб давлатлари, АҚШдаги илмий марказлар ва уларнинг асосий мутахассисларининг ушбу муаммо тарихини ўрганишдаги ролини аниқлаш ва баҳолашда икки тузум ўртасидаги ғоявий курашлар давридаги йўналишлар, оқимлар (маккартизм, антикоммунизм ғоялари) четлаб ўтилди ва асосий эътибор тадқиқотларнинг илмий қиммати, хулосалари, натижаларига қаратилди.

Хорижий тарихшунослик талқинида ушбу муаммо тарихшунослигининг шаклланиши ва ривожланишида катта ўрин тутган мухожир ватандошлар - М.Чўқаев, Б.Хаит, А.З.Валидий Тўғон асарларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек хорижда "марказийосиёшунос" мутахассис сифатида танилган А.Парк, Р.Пайпс, О.Кэроу каби тадқиқотчиларнинг асарларига ҳам мурожаат қилинди[1]. Ушбу муаммога доир хорижий адабиётларнинг асл нусхасидан фойдаланиш имкони бўлмаганда иккиламчи манбалар, яъни уларга батафсил таъриф берилган асарлардан фойдаланилди. Масалан, немис, турк ва инглиз тилларида Туркистон ва унинг истиқлоли учун кураш тарихига доир ўнлаб мақолалар, йирик илмий монографиялар эълон қилган Боймирза Хаитнинг баъзи асарларини топиш ёки асл нусхасида (масалан немис тилида) ўқиш имкони бўлмага-

[1] Бу асарлар диссертациянинг тегишли қисмида кўрсатилган.

нида ушбу олимнинг барча ёзма асарларининг асосий мазмуни, моҳияти қисқача баён этилган, турк тилида 1994 йилда Анқарада чоп этилган тўпламдан[1] унумли фойдаланилди.

Шунингдек инглиз, француз тилларида чоп этилган ушбу муаммога доир баъзи нашрлардан ҳам шу асосда фойдаланилди.

Матбуот материаллари эса асосан 1916-1924-йилларда Туркистонда, аниқроғи Тошкент ва Фарғонада рус ва ўзбек тилида (араб графикаси, яъни эски ўзбек ёзувида) чоп этилган газеталар ва журналлардан иборат. Замондош ижтимоий-сиёсий қарашлар ҳамда ахборотларни акс эттирган бу газеталардаги маълумотларнинг аксарияти илмий истеъмолга илк бор киритилди. Замон руҳини акс эттирган, ўта танқидий муносабат ва тарихий ёндошувни, бошқа манбалар билан қиёсий таҳлилни тақозо этувчи бу маълумотлар тарихий ҳақиқатни тиклашда, уни сохталаштириш жараёнини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Бу газета ва ҳафталиклар рўйхати иловада *қайд этилган.*

Замондошларнинг қарашларини ёритувчи манба сифатида айрим шахсларнинг алоҳида кўрсатмалари (архивларда сақланиб қолган), бадиий тарзда чоп этилган хотиралари, совет тадқиқотчилари 20-50-йилларда ёзиб олган хотиралар ҳамда чет элга чиқиб кетган мухожир ватандошлар хотиралари, совет матбуотида 20-йиллар бошида қайд этилган фикр-мулоҳазалар ўрганилди. Уларнинг аксарияти (совет даврида ёзиб олинган хотираларининг маълум қисми ва баъзи расмий кўрсатмалардан ташқари) илгари илмий истеъмолга киритилмаган.

Архив маълумотлари. Бу маълумотларнинг жуда катта

---

[1] Dr. Baymirza Hayitning Esereri ve Faaliyetleri hakkinda Bildirilgen Fikirler. (Batu Avrupa, A.B.D. ve Sark). Cilt.- Ankara. 1994. S. 75-77.

қисми мустабид ҳукуматлар - Россия империяси ва совет давлати вакилларининг ижодига мансуб бўлиб, ўта танқидий ёндошувни талаб қилади. Уларда асосан воқеалар тафсилотига оид фактлар - қачон, қаерда қандай тўқнашув содир бўлгани ва қандай тугатилгани, қайси ва қанча қўшинлар жалб этилгани, шунингдек маъмурият фаолияти, унинг курашга муносабати, қўллаган чора-тадбирлари, ҳаракат иштирокчиларининг ижтимоий таркиби, талаб-истаклари, норозилик сабаблари, кураш сардорларининг шахси ҳақидаги турли-туман маълумотлар қайд этилган. Воқеаларни аксарият ҳолларда бир томонлама, ҳукмрон тараф манфаатлари нуқтаи назаридан талқин этган бу маълумотлар бошқа манбалар билан қиёсий таҳлилга муҳтож бўлиб, кўп ҳолларда воқеаларни маъмурият фойдасини кўзлаган ҳолда бузиб кўрсатган.

Бу маълумотлар ҳажми жуда катта бўлиб, асосан муаммо тарихига доир тафсилотларни қамраб олгани туфайли биз фақат зарур ҳоллардагина, илмий ҳақиқатни манбалар билан асослаш мақсадида, ўта танқидий рухда тегишли фонд маълумотларидан фойдаландик. (уларни рўйхати иловада қайд этилган.)

Диссертациянинг илмий янгилиги шундаки, унда илк бор 1916 йил воқеалари ҳамда 1918-1924-йиллардаги курашлар тарихшунослиги комплекс асосда, яъни биргаликда ва уйғунликда тадқиқ этилди. Ушбу муаммо тарихшунослигининг барча йўналишлари муаммовий, даврий ва концептуал асосда таҳлил қилинди. Шунингдек, ушбу муаммо тарихшунослиги илк бор мафкуравий таъзийқлар, сиёсий ва ғоявий чеклашлардан халос ҳолда, фикрлар хилма-хиллиги (плюрализм) эътиборда тутилиб, холисона ёндошув, ҳаққоний таҳлил асосида талқин этилди.

Диссертацияда тарихшунослик тадқиқотларининг аввалги анъаналаридан четга чиқилган ҳолда тарихий манбалар ва илк бор замондошларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, шахсий фикр-мулоҳазалари, хотиралари кенг жалб этилди. Шу асосда илк бор тарихий ҳақиқатни аниқлашда, илмий қарашларнинг шаклланишида ижтимоий-сиёсий қарашлар муҳим аҳамиятга эгалиги ҳақидаги янги илмий хулоса аниқ мисолларда асослаб берилади.

Шунингдек, диссертацияда илк бор мустақилликнинг даврий жиҳатдан анча қисқа, аммо моҳияти, янгиликлари, натижалари жиҳатидан катта аҳамиятга молик 8 йили мобайнида ривожланиб келаётган ватан тарихшунослигига катта эътибор қаратилди. Ушбу муаммо ҳақида шаклланаётган янгича қарашлар, ҳурфикрлик ва ошкоралик муҳитида аниқланган янги-янги маълумотлар асосида тарихий ҳақиқатнинг тикланиш жараёни таҳлил этилди. Мустақиллик даври тарихшунослигининг бу муаммога доир илмий ютуқлари умумлаштирилди.

Мазкур тадқиқотда муаммога илк бор жаҳон тарихшунослиги миқёсида ёндошилиб, ушбу курашлар тарихини нафақат ватан тарихшунослиги, балки хорижий тарихшуносликдаги долзарб, мунозарали, кам ўрганилган масалалари аниқланди, кейинги тадқиқотлар йўналиши, вазифаларини белгилашга ҳаракат қилинди.

Шунингдек, диссертацияда биз ўрганаётган муаммога доир хориждаги мухожир ватандошларнинг асарлари, хотиралари, немис ва турк тилларида чоп этилган илмий ва илмий оммабоп адабиётлар илк бор холисона баҳоланди. Хорижий тарихшуносликнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни ҳамда бунда алоҳида мутахассислар, мухожир ватандошлар ҳамда илмий

марказларнинг тутган ўрни, қўшган ҳиссаси ҳамда уларнинг ижодий ютуқлари ўрганилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти унинг натижалари, илмий хулосалари Ўзбекистонда тарихшунослик фанини ривожлантиришга хизмат қилиши, Туркистондаги миллий озодлик учун олиб борилган курашларнинг ҳаққоний талқинини яратишга ҳисса бўлиб қўшилиши билан белгиланади.

Диссертациянинг яна бир амалий аҳамияти шундаки, тадқиқотнинг илмий асосланган хулосалари Туркистонда миллий озодлик учун кураш воқеалари тарихининг кам ўрганилган ва мунозарали масалаларини аниқлашга, устивор вазифаларни белгилаб олишга, замондошлар онгини мустабид тузум мафкурасининг асоратларидан, унинг ақидалари таъсиридан, ғоявий андозаларидан халос этишга ҳам хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилган қарорида таъкидлаганидек, "...ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихига оид тадқиқотларни олиб боришда, уларни оммалаштиришда бир ёқлама ёндашувга, ўтмишни сохталаштиришга, мустамлакачилик мафкураси ақидаларига йўл қўймаслик ҳамда эски ғоявий андозалардан холи бўлган, замонавий илмий тафаккур асосларини ўзида мужассам этган, тарих илмининг истиқлолга хос фалсафасини ўзлаштирган тарихчи олимларни янги авлодини тайёрлаш"[1] тарих фани олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"// Ўзбекистон овози, 1998 йил, 28 июль

1 - БОБ

ТУРКИСТОНДА МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК УЧУН ХАЛҚ КУРАШЛАРИ ДАВР ТАЛҚИНИДА

Жамият ҳаётида, шу жумладан ўтмишда содир бўлган муҳим тарихий воқеалар ва жараёнларни тадқиқ этишда бу ҳақдаги замондош ижтимоий-сиёсий қарашлар талқини муҳим аҳамият касб этади. Зеро бу қарашларда ўша воқеалар, тарихий ҳодисаларнинг иштирокчиси ёки гувоҳи бўлган замондошларнинг фикр-мулоҳазалари мужассамланган бўлиб, улар муҳим тарихий манба ҳисобланади.

Муаммони тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этишда бу манбалар алоҳида эътиборга лойиқдир, чунки тарихшунослик тадқиқотлари биринчидан, воқеалар тарихи ва демак тарихий манбаларни мукаммал ўзлаштириб олишни тақозо этади, иккинчи жиҳатдан эса илмий қарашларнинг шаклланишида ижтимоий-сиёсий қарашлар алоҳида ўрин тутади.

Шу ҳолатлар назарда тутилса, 1916 йилда ва 1918-1924 йилларда Туркистон мустақиллиги учун олиб борилган кураш воқеалари тарихшунослигини тадқиқ этишда ҳамда уларнинг тарихини ўрганишда энг аввало бу ҳодисалар ҳақидаги замондош ижтимоий-сиёсий қарашларни талқин этиш зарурияти янада аниқлашади.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, ҳар икки тарихий ҳодиса - 1916 йил қўзғолони ва 1918-1924 йиллардаги қуролли курашлар мустабид тузум ҳукмронлиги шароитида содир бўлгани, моҳияти ва мақсадлари бир йўналишда бўлиб, шу тузум зулми ва истибдодига қарши қаратилгани туфайли улар ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашларнинг шаклланиши, мазмунида ҳам умумий жиҳатлар

кўп. Айни пайтда кураш ва қаршиликнинг давомийлиги, шиддати, уюшқоқлик ва ташкилий даражасидаги тафовут ҳамда мустабид ҳокимият қўллаган сиёсат, чора-тадбирлар ҳукмрон муҳит ҳар икки тарихий ҳодисага доир ижтимоий-сиёсий қарашларнинг ўзига хос хусусият-ларини ҳам белгилаб берганки, буни уларнинг ҳар бири мисо-лида алоҳида ва аниқ кўриш мумкин.

1-§. Туркистонда 1916 йил қўзғолонига доир манбалар

Аввало қўзғолон воқеалари тарихига қисқача тўхталиб, шуни қайд этиш лозимки, Россия империяси томонидан босиб олинган Қўқон хонлиги ва унга чегарадош қўшни хонликларнинг бир қатор йирик шаҳар ҳамда қишлоқларини бирлаш-тириб, 1867 йилда тузилган Туркистон генерал-губернаторлиги рус подшолигининг том маънодаги мустамлакасига айлан-тирилган эди. Бу ерда қарийиб ярим аср давомида иқтисодий-сиёсий, миллий, маънавий зулм кўринишларида авж олдирилган мустамлакачилик истибдоди, жабру-жафолар халққа жуда оғир кулфатлар, моддий-маънавий зарар, жисмоний талафотлар етказди, уларни тараққиётнинг энг қуйи поғоналарига қуллик даражасига солиб қўйди. Шу давр мобайнида мислсиз зулм ва адолатсизликка қарши халқ қаршилиги алоҳида шаҳар ва қишлоқлардаги ғалаёнлар тарзида тез-тез намоён бўлиб турсада, улар ҳарбий имкониятлар (қурол-аслаҳа ва ундан фойдаланиш лаёқати) мутлақо йўқлиги, тутқунлик, қатъий назорат туфайли оммавий ва кескин, уюшган тус олмас эди. 1916 йилнинг 25 июнида Россия императори томонидан қабул қилинган янги фармон[1] мазлум

[1] ЎзР МДА. Ф.1., 31-рўйхат, 100 йиғма жилд, В.144

халқ қалбида ловиллаб турган шу нафрат ва норозиликни оловга қуйилган ёғдек алангалатиб юборди. Бу фармонда яъни I жаҳон урушида кетма-кет мағлубиятга учраётган Россия манфаатларини кўзлаб Туркистондаги маҳаллий эркак аҳлини (19 ёшдан 43 ёшгача бўлган) фронт орти ноҳияларида мудофаа иншоотлари, истеҳкомлар қуриш учун сафарбар этишни буюрган бўлиб, унинг амалга оширилиши аҳолини ўз бокувчилари, рўзғор бошидан маҳрум этиб, шусиз ҳам огир аҳволини янада мушкуллаштиришb шубҳасиз эди. Фармонни зўрлик билан амалга оширишга қарши бошланган ғалаёнлар қисқа муддатда авж олиб, мустабид ҳукуматга қарши оммавий халқ қўзғолонларига айланди ва бутун Ўрта Осиёни қамраб олди. Қўзғолонлар шу қадар оммавий, умумхалқ тусини олдики, айрим жойларда уларнинг иштирокчилари 25000 - кишигача бориб етди. Қонли тўқнашувлар билан кечган қўзғолонлар мустабид ҳукуматни саросимага солиб қўйди.

Туркистонда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. Россиядан кетма-кет ҳарбий кучлар юборилди, жазо отрядлари ишга тушди. Туркистондан ажралиб қолишдан ҳавфсираб мустабид ҳукумат бор куч ва имкониятларини ишга солди, қўзғолонни *катта қийинчилик билан, ваҳшиёна бостириб, халқдан шавқатсиз* ўч олди.

Мустабид ҳукумат ўз зулми ва истибдодига қарши қаратилган бу халқ қўзғолони ҳақидаги ҳаққоний ижтимоий-сиёсий қарашларнинг эътироф этилиши, ошкор қилинишидан мутлақо манфаатдор эмас эди. Бироқ ижтимоий-сиёсий ҳаёт тобора фаоллашиб бораётган даврда содир бўлган, бутун Ўрга Осиё ва Қозоғистонни ларзага солиб, ярим йилдан ортиқ давом этган, аҳолининг барча *тоифа вакилларини, қатламларини қамраб*

олиб, ҳукуматни саросимага солган, Россия жамоатчилигига ҳам етиб борган бу муҳим тарихий ҳодиса ҳеч бир акс-садосиз ўтиб кетиши мумкин эмас эди.

Архив, матбуот маълумотлари ҳамда бошқа манбалар тадқиқидан маълум бўлишича, 1916 йил воқеалари ҳақида ўша даврдаги Туркистон ва Россия жамоатчилиги томонидан турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бу фикр-мулоҳазалар турли миллат вакиллари (маҳаллий ва ҳукмрон миллат), маъсул ва оддий шахслар, воқеаларга бевосита алоқадор ёки алоқадор бўлмаган замондошлар, қўзғолон иштирокчилари, гувоҳлари томонидан илгари сурилган. Шу асосда, яъни улар кимлар томонидан билдирилганига қараб қуйидаги қисмларга ажратиш мумкин:

I. Туркистондаги маҳаллий аҳоли, яъни қўзғолон кўтарган халқнинг қарашлари.

II. Россия жамоатчилиги вакилларининг фикр-мулоҳазалари.

III. *Мустабид ҳукумат ва маъмурият қарашлари.*

IV. Замондошлар - алоҳида шахсларнинг мутлақо шахсий фикр-мулоҳазалари.

Ушбу фикр-мулоҳазаларни ўрганиш жараёнида улар қандай маълумотларга асосланган, қандай вазиятларда (расмий ёки норасмий) ва қандай мақсадларда билдирилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим, чунки бу уларнинг холислик ва ҳаққонийлик даражасини аниқлаш учун муҳимдир.

1. Қўзғолончиларнинг фикр мулоҳазалари. Улар ўз навбатида бир неча гуруҳга бўлинади:

1. Халқ оғзаки ижоди намуналари.
2. Қўзғолончилардан кейинчалик - совет даврида ёзиб олинган хотиралар.

3. Қўзғолончиларнинг бевосита қўзғолондан кейин берган кўрсатмалари.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, мустабид ҳукумат ўз зулмига қарши кўтарилган қўзғолон ҳақидаги ҳаққоний ижтимоий-сиёсий қарашларни ошкора эътироф этилишидан мутлақо манфаатдор эмас эди. Ўзига қарши қўзғолган халқнинг мақсад ва талаблари, қўзғолон сабаблари билан қизиқиш у ёқда турсин, эшитишни ҳам ҳохламас, бунга имкон ҳам бермас эди. Бошидан кечирган жабру-ситамлари ҳақида ёзма маълумот бериш ёки эълон қилиш ҳуқуқ ва имконидан маҳрум халқ бу воқеаларнинг барча таърифу тавсифини ўз оғзаки ижодида - оғиздан-оғизга кўчиб юрган қўшиқ, шеър, хиргойи, лапарларида, бахшилари куйлаган достонларда баён этди. Қўзғолондан кейин бева қолган аёл андуҳи, фарзанд доғида куйган оналар дарди, оғир меҳнат ва ҳўрликдан қадди букилган мардикорлар хасрати, вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқлар таърифи, золим подшо ҳамда унинг амалдорлари зулмига қарши нафрат ўз аксини топган халқ оғзаки ижоди намуналари 1916 йил воқеалари тарихини ёритувчи энг муҳим, ишончли манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

2. Қўзғолончиларнинг хотиралари

Қўзғолон иштирокчиларининг бўлиб ўтган воқеалардан 20, 30, 40 йил ўтгач илмий тадқиқотчилар томонидан ёзиб олинган хотираларида алоҳида шаҳар ёки қишлоқларда содир бўлган ғалаёнларнинг қисқача гафсилотлари ўз аксини топган. Хотиралар совет тарихшунослиги вакиллари томонидан ёзиб олингани учун воқеалар баёни қўзғолоннинг болъшевикча талқини (концепцияси) доирасида ёритилади. Лекин 30-йилларда ёзиб олинган хотиралар 50 йилларда тўпланган хотиралардан

анча фарқ қилади, чунки бу даврда қўзғолон иштирокчилари анча ёш бўлган ва уларнинг хотирасида содир бўлган воқеалар яхши сақланиб қолган, бундан ташқари 30-40 йилларда 1916 йил қўзғолонининг қатор масалалари (масалан ундаги зиёлилар, рухоний ва мулкдорлар роли, Жиззах воқеалари) талқинига 50 йилларга нисбатан анча холисона ёндошилган ва бу қўзғолончиларнинг ушбу ходисалар ҳақидаги хотираларини ёзиб олишда катта роль ўйнаган. Қўзғолончиларнинг бир неча жилдларга жамланган хотираларидан маълум қисмигина (асосан Фарғона вилояти бўйича) чоп этилган.[1]

Самарқанд вилоятидаги қўзғолон иштирокчилари хотираларининг маълум бир қисми илмий истеъмолга киритилган, қолганлари эса архив захираларида қолиб кетган. Ваҳоланки улар (айниқса 30-40 йилларда ёзиб олинганлари) ҳозирга қадар чуқур ўрганилмаган ва жуда кўп масалаларни ойдинлаштириш имконини беради. Шу билан бирга қўзғолончиларнинг хотираларини ўрганишда уларни ёзиб олган тадқиқотчилар марксча-ленинча дунёқараш билан қуролланганлиги, хотиралар фикр эркинлиги шароитида эмас, мафкуравий тазйиқ остида ёзиб олинганлиги назарда тутилиб, уларга давр руҳи ва танқидий нуқтаи назардан ёндошиши лозим эканлигини ҳам кўрсатиб ўтиш лозим.

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қўзғолончиларнинг хотиралари 1916 йил воқеалари тафсилотларини аниқлашда муҳим манба бўлсада, қўзғолоннинг моҳияти ва мақсадларини, яъни унинг Туркистонда Россия ҳукмронлигига чек қўйиш мақсадида кўтарилганини кўрсатиб бера олмаган. Чунки

[1] Зияев Х. 1916 йил қўзғолони иштирокчилари. Т.: 1977.

қўзғолон бостирилгач, мустабид ҳукумат қўзғолончилардан шафқатсиз ўч олган, келгинди мустамлакачиларга нафрат, уларга нисбатан ишончсизлик қўзғолончиларнинг қон-қонига сингиб кетган. Мустабидликда Россия империясининг давомчиси бўлган совет ҳокимиятига ҳам халқ нафрат билан қараган, унинг зулмига, ҳукмронлигига қарши курашганларнинг аксарияти шу қўзголончилардан иборат бўлган.

Тенгсиз ва узоқ давом этган 1918-1924 йиллардаги курашлар маглубият билан тугагандан кейин мустабид совет хукуматига итоат этишга мажбур бўлган халқ барча нафрати, алами ва армонларини ичига ютган. 30-йилларнинг қатағони, мустабид хукуматнинг қон томиб турган қамчиси халқни ўз орзу-армонларини пинҳон сақлашга, ҳақиқатни эмас, давлат ва партияга маъқул сўзларни айтишга ўргатган, мажбур этган. Шу сабаблар туфайли ҳам қўзғолончилар ўз хотираларини хукмрон мафкурага маъқул тарзда баён этиб, унинг асл моҳиятини кўрсатиб ўтолмаганлар.

Лекин шундай бўлса-да, уларнинг қўзғолонларнинг турли тафсилотлари қайд этилган хотиралари муҳим манба сифатида катта аҳамиятга эгадир.

3) Қўзғолончиларнинг кўрсатмалари

Юқорида қайд этилганидек, қўзғолонни шафқатсиз бостирган мустабид Россия ҳукуматининг ҳукмронлиги шароитида қўзғолончиларнинг кўрсатмалари ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Лекин қўзғолон кўтарган халқнинг энг илғор вакиллари - жадидлар, зиёлиларнинг саъйи ҳаракатлари туфайли қўзғолончиларнинг кўрсатмаларини аниқлаш мумкин бўлган. Уларнинг фаол ҳаракатлари ва талаблари билан Туркистонга ташриф буюрган Россия Давлат Думаси депутатлари қўзғолончиларнинг

кўрсатмаларини ёзиб олганлар, воқеалар сабаби, оқибатларини аниқлаганлар. Шу кўрсатмалар асосида қўзғолон ҳақида Россия Давлат Думасида мажлисида ахборот берганлар. Мажлисдаги депутатлар *ахбороти айнан шу кўрсатмаларга* асосланган. Бу кўрсатмалар энг ишончли, ҳаққоний манба бўлиб, Дума депутатлари тилидан янграган. Дума мажлиси баённомаси[1] архив манбаларида сақланиб қолган бўлиб, у ҳақда Россия *жамоатчилигининг қарашлари таҳлилида* батафсил тўхталамиз, чунки Дума депутатлари айнан шу кўрсатмалар асосида Туркистондаги 1916 йил воқеаларини муҳокама қилиб, унга ўз муносабатларини ҳам билдирганлар. Яъни мазкур баёнот айни пайтда *Россия жамоатчилиги вакил*ларининг қарашларини ҳам акс эттирган.

II. Россия жамоатчилигининг қарашлари

1916 йил воқеалари ҳақидаги ҳукмрон мустабид давлат жамоатчилигиинг қарашлари қандай бўлганини Россия Давлат Думасининг 1916 йил воқеалари муҳокамасига бағишланган ёпиқ мажлиси мисолида аниқлаш мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, Россия Давлат Думасида Туркистондаги 1916 йил воқеаларининг муҳокама этилиши бежиз эмас эди. Бу, аввало, Туркистон зиёлиларининг, хизматлари бўлиб, уларнинг таниқли вакилларидан Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев. Мустафо Чўқаевлар 1916 йил июль августида Петербургга келиб, Давлат Думасига ўлкада содир бўлаётган воқеа-лар юзасидан арз қиладилар. Сафарбарлик ҳақидаги фармон-нинг адолатсизлигини таъкидлаб, бундай ҳолатга чек

[1] ЎзР МДА. Туркистон генерал-губернатори фонди. 31-рўйхат, 1100 йиғма жилд. В.253-379

қўйишни, аҳволни ўрганиш учун Туркистонга комиссия юборишни талаб қиладилар[1].

Уларнинг талаблари билан Россия Давлат Думасида Туркистондаги аҳвол билан бевосита танишиш учун меҳнаткашлар фракцияси вакили А.Керенский ва мусулмонлар фракцияси вакили Қутлуғ Муҳаммад Ботиргареев-Тевкелевлардан иборат комиссия тузилиб, ўлкага жўнатилади.

Депутатлар 15 августда Тошкентга ташриф буюрадилар ва 10 кун давомида Жиззах, Қўқон, Андижон, Самарқанд каби шаҳарларда бўлиб Мустафо Чўқаев таржимонлигида маҳаллий аҳоли билан юзма-юз (маъмурлар ва миршаблар иштирокисиз) суҳбатлашадилар[2].

Халқ содир бўлган воқеаларнинг сабаблари, тафсилот ва оқибатлари ҳақида рўйи-рост кўрсатма беради. Натижада депутатлар юз берган воқеалар хусусида энг ишончли манба - *кўзғолон кўтарган халқ берган маълумотлар асосида ҳаққоний* тасаввурга эга бўладилар. Туркистон вакиллари - зиёлилар талабига кўра 1916 йил воқеалари Россия Давлат Думаси муҳокамасига киритилиб, ўша йили 13 ва 15 декабрда, тор доирада, ёпиқ кенгашда муҳокама этилади.

Муҳокамада Туркистон вакиллари иштирок этмаганлар, чунки улар Дума Мусулмонлар фракциясига аъзоликдан маҳрум эдилар. Кенгашда Туркистондаги аҳвол ҳақида ўлкада бўлиб қайтган депутат А.Керенский ва мусулмонлар фракцияси вакили Мансуровлар ахборот берадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Думадаги аксарият депутатлар иқтисодий, сиёсий инқирозга юз тутган, инқилобий тўнтариш арафасида

[1] ЎзР МДА, ТГГМ фонди, 31 рўйхат. 1139 йиғма жилд.В. 3.
[2] Ўша ерда. В. 3

турган Россия императорининг мамлакатни якка тартибда бошқариш усулидан, яъни абсолют монархия тизими зулмидан ҳамда давлатнинг ҳарбий-сиёсий фаолиятидан мутлақо норози эдилар. Бундай кайфиятдаги депутатлар Россия манфаатлари учун ниҳоятда «зарур бойлик» ҳисобланган Туркистонда шундай ҳолатни юзага келганини, оммавий қўзғолон содир бўлганини шу ночор ҳукуматнинг "уқувсиз" сиёсатининг натижаси сифатида қабул қилдилар. Гарчи мустамлакачилик кайфияти уларни бир нафасга ҳам тарк этмасада, улар Туркистон воқеаларини муҳокама этишда ҳукумат ва маъмурият айбини аямай фош этиб, кескин танқид остига олдилар. Мажлиснинг тор доирада, ёпиқ эшиклар ортида ўтказилгани уларга бор ҳақиқатни ошкор этишга ҳамда ўзларининг Туркистонда олиб борилаётган сиёсат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини яширмай баён этишга имкон берди.

Дума мажлисида энг аввало депутатлар (А.Ф.Керенский, Жаъфаров) Россия Императорининг 1916 йил 25 июлда қабул қилган фронт орти ишларига сафарбарлик ҳақидаги фармони Россия Империясининг асосий қонунларига зид ҳолда қабул қилинганини кўрсатиб ўтадилар. Россия қонунларида Туркистон аҳолиси манфаатлари ҳимоя қилинмаган, албатта. Бу ўринда қандай ҳолат ёки вазиятда, кимлар ва қайси тартибда фронт орти ишларига сафарбар этилиши ҳақидаги қонун назарда тутилган бўлиб, 1916 йил 25 июль фармони шу қонунга зид ҳолатда, асоссиз қабул қилингани ҳақида сўз борган. Бироқ бундай қонунбузарлик ҳақида депутат Жаъфаров таъкидлаган қуйидаги фикрлар мустабид ҳукуматнинг Туркистонга нисбатан муносабатини кўрсатувчи маълумот сифатида алоҳида эътиборга лойиқ: " Мен шуни қайд этмоқчиманки. қирғиз, сарт,

туркманларга келганда қонун ҳамиша эътиборга олинмай қолади. Ҳамма нарсага ҳокимият кучи билан эришилади, бунинг учун маъмурлар, миршаблардан иборат катта куч мавжуд".[1]

Депутат А.Ф.Керенский эса ноқонуний фармон эълон қилингунга қадар Туркистонда уруш эҳтиёжлари учун қўлланилган чоралар хусусида қуйидаги маълумотларни қайд этади: " Уруш давомида (яъни 1 жаҳон уруши йилларида - Д.З.) маҳаллий аҳолидан узлуксиз суръатда мажбурий тўловлар олиб турилган. От, ўтов, асбоб-ускуна, хайр-эҳсон жуда катта миқдорда олинган ва бу маблағлар олинаётганда ҳар сафар "кўпроқ беринг, сизда уруш учун бошқа мажбурият йўқ ва бўлмайди", деб ишонтирилган. Маҳаллий аҳоли бу тўловлардан ташқари эркаклари урушга олиб кетилган рус оилаларига ҳам ёрдамлашган. Мени қўлимда эркаклари урушга келган рус оилалари учун маҳаллий аҳолидан 100.000 рубль *ҳисобида пул йиғилгани ҳақида маҳаллий маъмурлар* тайёрлаган ҳисобот ҳам бор".[2]

Депутат Жаъфаров ҳам маҳаллий аҳоли русларга меҳр-шафқат юзасидан ёрдам кўрсатиб, эркаклари урушга кетган оилаларнинг ерларида, хўжаликларида бепул ишлаб берганликлари ҳақида маълумотлар келтирадики, бундай маълумотлар бошқа манбаларда (айниқса расмий манбаларда) қайд этилайди.

Бундай тўлов, маблағ, хайр-эҳсон ва ёрдамлардан қониқмай, мустамлакачилик иштахаси тобора кучайиб борган мустабид хукумат фармон ижроси давомида ҳам ўз нафсини

---

[1] ЎзР МДА. *Туркистон генерал губернатори маҳкамаси фонди* (1Ф.). 31 рўйхат, 1100 йиғма жилд.В. 306

[2] ЎзР МДА Туркистон генерал губернатори маҳкамаси фонди(1Ф.). 31 рўйхат, 1100 йиғма жилд.В. 257-259

қондириш, аҳолини шилиш, бойлик орттириш ниятини кўзлаб, таъмагирлик ва порахўрликни авж олдиргани депутат А.Ф.Керенскийнинг кўзгалончилардан аниқлаб олган маълумотлар асосида қилган қуйидаги хулосаларида акс этган: "Маъмурият ушбу буйруқни олгач, ўзи учун янги, мислсиз олтин фаввора очилганини, бу худди эртакларлагидек, чексиз, бойлик орттиришнинг янги манбаи, аҳолини талаш, эзиш манбаи эканлигини дарҳол англаб етди. Фармондан олди-сотди тарзида, зудлик билан бойлик орттириш учун фойдаланилди... Жаноблар, мен алоҳида ҳолларга тўхталиб, алоҳида шахслар айбини санаб ўтирмайман. Бироқ бу ишларда фақат маҳаллий маъмурларни айблаётган ҳукуматга ўзимни кескин норозилигимни билдираман. Бу мутлақо нотўғри. Маҳаллий маъмурлар - элликбоши, қишлоқ оқсоқоли - рус маъмурларининг жосуслари холос, рус маъмурияти аҳолини шулар орқали талаган, эзган... Жаноблар, наҳотки, сиз рус маъмуриятини билмасангиз?! Наҳотки амалдор кийимидаги Иванов ёки Петровга бирор бир кишини, масалан Махмуднинг ёшини ўз фаросати билан аниқлаш имкони туғилганда, уларни қандай иш тутишини тасаввур эта олмасангиз? Туркистонда оилавий рўйхат йўқлиги, ҳарбий мажбурият йўлга қўйилмагани туфайли кишилар ёши ҳақида аниқ маълумот йўқ. Буни уларнинг ташқи кўринишидан аниқлаш лозим бўлган. Ана энди маъмурларни кимни ёши қанча эканлигини қандай аниқлашини тасаввур эта оласизми? Улар одамларнинг ёшини чўнтакларига солинган пулга қараб аниқлашган. Мен ўз кўзим билан кўрган 60 ёшли қария рўйхатга 30 ёш деб ёзилган, чунки 300 сўм пора тўлашга қурби етмаган. 25-30 ёшли йигитча эса бойваччалиги туфайли 50 ёш деб қайд этилган... Сиз қувилган, ҳайдалган,

таҳқирланган аҳолининг аҳволини бир тасаввур этиб кўринг. Эрлари тортиб олиниб, очарчилик, йўқчиликка гирифтор этилган аёллар аҳволини тасаввур этиб кўринг. Ғалаёнларни дастлаб ана шу аёллар бошлаган... Аҳолини бор-йўғини шилиб олиб бўлгач, таъмагирликнинг иккинчи босқичи бошланган, - улар ҳокимиятга қаршилик кўрсатгани учун ўлим жазоси билан қўрқитилиб, яна пул талаб этила бошланди. Жазодан қутулиш учун бери-лиши керак бўлган пулни аниқ миқдори ҳам белгиланган бўлиб, буни фақат маҳаллий аҳоли эмас, у ердаги руслар ҳам тасдиқлайди... Наманган, Қўқон ва бошқа майда шаҳарларда юзлаб, баъзан минглаб бегуноҳ кишилар ёши ва жинсидан қатъий назар тутиб келтирилган, қўллари боғланган ҳолда сақланган ва фақат пул тўлаганларгина озод этилган".[1]

Депутатларнинг халқ билан суҳбатларда аниқлашларича рус маъмурияти фармон ижроси давомида аҳолидан пул ундириш, бойлик тўплашнинг яна бошқа йўлини ҳам топган. Маҳаллий аҳолига фармондан пул тўлаш йўли билан озод бўлиш мумкинлиги эълон қилинган. Бу ҳақда депутат Жаъфаров шундай қайд этади: "Пул эвазига ўз ўрнига одам ёллаш аҳволни яна баттар чалкаштирган... Хатто бева аёлларни ҳам арзимас уй-жойни сотиб, мардикорлик мажбуриятини тўлашга мажбур этилган... Мардикорликка ҳатто фалаж бўлиб қолган беморларни ҳам ёзиб олишган, улар пул тўлабгина рўйхатдан ўчиши мумкин бўлган. Мардикорлик чеки тушмаган ҳовлилар мардикор берган оилалар учун пул тўлаган. Хуллас, маҳаллий аҳоли бир пайтнинг ўзида ҳам пул, ҳам мардикорлик мажбуриятини ўтаган. Пулга одам ёллаш чораси бойлар билан

---

[1] ЎзР МДА. Туркистон генерал-губератори маҳкамаси фонди. 31 рўйхат, 1100 йиғма жилд. В. 274-275

камбағалларнинг муно-сабатини кескинлаштириб, ўзаро низоларга сабаб бўлган".[1] Олий фармон ижроси давомида йўл қўйилган бу адолатсизликлар аҳоли норозилигини янада кескинлаштирган. Бусиз ҳам Туркистон аҳолиси учун ушбу фармон ижроси жуда катта қийинчиликлар туғдиргани ҳақида депутат А.Керенский жумладан шундай деган: "Ўша пайтда (яъни фармон ижро этилган ёз ойида - Д.З.) Туркистонда қишлоқ хўжалик мавсуми авжида бўлиб, 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркаклар далада, боғларда меҳнатда эди. Мусулмон аёллари остона хатлаб кўчага чиқмас, рўзғор эркаклар бўйнида эди. Шундай шароитда уларнинг номаълум муддатга олиб кетилиши ҳосилни йиғиш, бозорга чиқариш, пахта топшириш ишларини тўхтатиб аҳолини боқувчилардан маҳрум этарди. Ушбу фармон ижроси мутлақо иложсизлигини маъмурият ҳам яхши билган. Генерал-губернатор А.Н.Куропаткин вилоят губернаторларини фармон ижросини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш учун тўплаган кенгашида улар бу фармон ижроси иложсизлигини қайд этганлар. Фарғона вилояти губернатори А.И.Гиппиус эса фармон ижроси эмас, аҳолини қандай тинчитиш ҳақида бош қотириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган.[2]

Дарҳақиқат, рус маъмурияти фармон ижросига қарши кўтарилган ғалаёнлар оммавий қўзғолонга айлангач, жуда тез ва кескин чоралар кўришга киришди. 1916 йил 18 июль куни ўлкада ҳарбий ҳолат эълон қилинди ва яна қатор кескин тадбирлар белгиланди.

---

[1] ЎзР МДА. Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси фонди. 31 рўйхат, 1100 йиғма жилд .В. 315-320

[2] ЎзР МДА. Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси фонди. 31 рўйхат, 1100 йиғма жилд. В.315-320.

Бу ҳақда депутат Жаъфаров қуйидагиларни қайд этади: «Аввало маҳаллий аҳолига маъмурият рухсатисиз темир йўлдан фойдаланиш таъқиқланган. Бу ҳам камлик қилиб, барча рус маъмурлари ва офицерларига маҳаллий аҳоли таъзим қилиши лозим ва мажбурийлиги ҳақида махсус фармон қабул қилинган,... бу билан рус ҳокимиятининг обрўйини кўтармоқчи бўлганлар. Бу борада жуда кўп зўравонликлар қилинган. Бу мажбуриятни адо этмаганлар ё пул тўлаган ё калтакланган. Ҳатто шундай манзаралар бўлганки, отда кетаётган ҳурматли бир мўйсафид энг оддий, қуйи рус маъмурини кўрганда тезда отдан тушиб, қўлини кўксига қўйиб, унга таъзим қилишига тўғри келган. Бундай хўрликка чидолмаган кўпчилик маҳаллий зиёлилар эса кўчага чиқолмай, уйга тиқилиб ўтиришга мажбур бўлганлар. Агар сарт (маҳаллий аҳоли, ўзбеклар назарда тутиляпти- Д.З.) кўчанинг нариги бетидаги ёки орқасида келаётган маъмурни кўрмай қолиб, таъзим қилмаса ёки сотувчи савдо билан банд бўлиб, пештахта ортидан дарҳол югуриб чиқмаса, отлиқ киши дарҳол отидан тушиб таъзим этмаса, аямай саваланган".[1]

Депутат А.Керенский ибораси билан айтганда, «Россия тожидаги бебаҳо дур-гавҳар бўлган Туркистон»дан айрилиб қолмаслик учун ҳукумат бор маҳорати, куч қуввати, ваҳшийлигини ишга солди. Қўзғолончи ўта шафқатсизлик билан бостирила бошланди. Айниқса, қўзғолон кескин тус олган Жиззах уезди, Еттисув вилоятининг Пишпек, Пржевальск уездларида ғалаён-лар ўта ваҳшийлик билан бостирилганини Дума депутатлари нутқида қайд этилган қуйидаги маълумотлар тасдиқлайди.

---

[1] ЎзР МДА. Ф.1, рўйхат 1, 1100 йиғма жилд. В.322-323.

Депутат А.Керенский: "Жиззахда ғалаёнлар рўй берганда бу ерга пиёда артиллерия, кавалериядан иборат жазо отрядлари юборилди ва уларга йўлда учраган маҳаллий аҳолини ёши ва жинсидан қатъий назар қириб ташлаш буюрилди... Гўдаклар, қариялар ўлдирилди, Жиззах ғалаёнлари 13 июлда содир бўлган эди, 3 августда яъни орадан деярли бир ой ўтгач, қуйидаги буйруқ чиқарилди: «Жиззах шаҳрининг барча маҳаллий аҳолиси 3 кун ичида айбдорларни тутиб бермаса шаҳардан қувиб чиқарилсин. 7 август куни буйруқ бажарилди. Тонгда асосан, аёллар, болалар, қариялардан иборат омма тўп ўқлари остида уй жойидан чиқарилиб, чўлларга ҳайдалди, шаҳар эса бутунлай яксон этилди. Мен Жиззахда аввал бўлганман, унинг вайроналарини ҳам бориб кўрдим.. Мен жанубдар, икки фронтда - ҳарбий фронт ва Кавказ фронтларида бўлганман, лекин бунақасини кўрмаганман... Бироқ, бу билан чекланиб қолинмади. Шаҳар ва унинг атрофи давлат ихтиёрига мусодара этилди".[1]

Депутат Жаъфаров: "20.000 аҳоли яшаган Жиззах вайроналари юз берган ҳодисаларни сўзсиз ифодалайди. Бирон бир бутун бино қолмаган... Шаҳар ер билан яксон қилинган. Шаҳарни тўпдан ўққа тутишдан аввал талаганлар. Жазо отрядлари Жиззах уездига анча ичкари кириб, маҳаллий кийимдаги ҳар бир кишидан суриштирмай, ўч олганлар. Қўшни шаҳарга яширинганлар 2-3 ҳафта давомида очиқ жойда юролмай, яшириниб ётганлар, уларни қуёндек овлаганлар, жазо отрядлари кўзига ташланганлар сўзсиз ўлдирилган. Атроф

[1] ЎзР МДА. Ф.1, рўйхат 1, 1100 йиғма жилд. В.289.

қишлоқ аҳолиси юз берган ҳодисаларни даҳшат билан ҳикоя қиладилар".[1]

Ғалаёнлар шу тариқа ваҳшийлик билан бостирилгач, ҳукумат 15 сентябрдан фармон ижросига киришди. Туркистондан 123.300 киши мардикорликка сафарбар этилди. Улардан энг оғир ишларда, арзимаган ҳақ эвазига фойдаландилар. Сафарбар этилганларнинг жуда кўпчилиги меҳнатга яроқсиз бўлиб, пул тўлай олмагани учун мажбуран жўнатилган эди. Россиянинг қаҳратон қиш иқлимида уст-боши юпун, қорни оч, соғлиғи оғирлашган оддий ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум мардикорлар оғир жисмоний меҳнатдан, тиббий ёрдам, зарур шароит йўқлиги туфайли ёппасига касалланиб, очликдан, *совуқдан азоб чекканлар. Депутат Жаъфаров Россия Давлат* Думаси мусулмонлар фракциясига келган қуйидаги шикоят ва арз-додларга тўла мактубларни ўқиб берган: «Ишга олинганларга қаттиқ турма режими ўрнатилган. Қариндошлар билан учраштирилмайди. Озиқ-овқат узатиш учун дарвоза олдида солдатга пул бериш керак. Арзимас гуноҳ учун калтакланади..." Бошқа бир мактуб: "Ишчилар доимий суръатда соқчилар назоратида бўладилар. Ишчилар ҳаёт шароитлари чидаб бўлмас даражада оғир. Улар захда, сувда туриб ишлайдилар. Бараклар ҳам зах. Ишчилар ревматизм каби касалликлар билан оғир хасталанган. Уларга тиббий ёрдам кўрсатилмайди. Чарчаш ёки бетобликдан хасрат қилганлар уриб сўкилади. Энг оғир жазо - карцер".[2]

Бундай мактублар сони чексиз эди. Бироқ улар жавобсиз қолган. Чунки Россия Давлат Думаси бирор чора

---

[1] Кўрсатилган манба, В. 317.
[2] Кўрсатилган манба, В. 332-333.

кўриш ҳуқуқидан маҳрум эди. Барча ҳокимият якка ҳоким-император Николай II қўлида эди. Россия Давлат Думасидаги ушбу муаммонинг муҳокамаси юқорида қайд этилганидек, ёпиқ эшиклар ортида, тор доирада ўтказилади. Бу ҳол бир томондан барча маълумотларни ошкора, холисона эътироф этилишига, иккинчи томондан депутатлар, яъни Россия жамоатчилиги вакилларининг ушбу воқеаларга ва умуман, Туркистонда Россия империяси олиб бораётган сиёсатга нисбатан ўз муносабатларини ошкора кўрсатишларига имкон берган. Чунончи, Дума Кенгашининг ёзма баённомасидан маълум бўлишича, депутатлар қўзголонни бостириш жараёнида маъмурият қўллаган шафқатсиз чора-тадбирлардан даҳшатга тушиб ёқа ушлаганлар, ҳукуматни ўлкадаги *вайронагарчилик сиёсатини қоралаганлар, бироқ айни пайтда* "Россия тожидаги бебаҳо дур бўлган Туркистондан ажралиб қолмаслик, ундан унумли ва оқилона фойдаланиш йўллари" ҳақида бош қотирганлар, Тукистонда "мустамлакачилик сиёсатини маданийроқ ташкил этиш лозимлиги"ни алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Дума кенгашидан хабар топган император Николай П унда қайд этилган маълумотларнинг қанчалик тўғрилигини аниқлаш ва умуман, Туркистондаги аҳволни текшириш мақсадида Туркистон генерал-губернатори А.Н.Куропаткиндан 1916 йил воқеалари ҳақида ёзма ахборот ва ҳисобот талаб қилади.

Генерал-губернатор эса ўз навбатида ўлкадаги вилоят губернаторлари ҳамда уезд бошлиқларидан шундай ахборот талаб қилади. Шу тариқа 1916 йил воқеалари ҳақида Туркистон маъмурияти вакилларининг қарашлари ва ҳисоботлари акс эттирилган расмий ҳужжатлар юзага келади.

III. 1916 йил қўзғолони ҳақидаги мустабид ҳукумат ва маъмурият вакилларининг қарашлари, яъни расмий қарашлар. Расмий қарашлар ҳукмрон давлат манфаатларига хизмат қилгани, яъни унинг айбини - мустамлакачилик зулмини хаспўшлаб, қўзғолонни *ноҳолисона* баҳолагани шубҳасиз, чунки мустабид ҳукумат ҳақиқатни ошкор этилишидан, ўз кирдикорларини фош бўлишидан мутлақо манфаатдор эмас эди. Аммо 1916 йил воқеалари ҳақидаги хабаларнинг Туркистон доирасидан чиқиб, Россия Давлат Думасига етиб боргач, ҳақиқат ошкор бўлди. Қўзғолон сабаблари ва умуман, содир бўлган воқеалар алоҳида диққат эътибордаги масалага айланди. Император бу ҳақда кўрсатмалар беришни талаб қилгач, Туркистондаги мустабид ҳукумат *маъмурияти раҳбарлари бу ҳақда расмий, лекин* махфий равишда ахборот тайёрладилар.

Махфий суръатда қайд этилган расмий қарашлар жамоатчлик учун қайд этилган ошкора расмий қарашлардан тубдан фарқ қилган. Махфий расмий қарашларда маъмурият вакиллари қўзғолон воқеаларини изоҳлашга уринганлар ва бунда албатта, масалага хизмат манфаатлари нуқтаи-назаридан ёндошиб, айбларини яширишга уринганлар. Натижада барча масалада қўзголончилар қораланиб, ҳамма айб *маҳаллий амалдорларга тўнкалади. Маҳаллий амалдорлар* мардикорлик ҳақидаги фармонни нотўғри шарҳлаб, аҳолини норозилигини кучайтирганликда, улардан пора олиб, ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилганликда айбланадилар. Шунингдек расмий ахборотларда ҳукуматнинг қўзғолонни шафқатсиз бостириш фаолияти хаспўшланиб, бунга гўёки аҳолининг «экстремистик ҳаракатлари» сабаб бўлганлиги

ҳақидаги ёлғон омиллар баҳона қилиб кўрсатилади. Ҳарбий вазир С. Д. Шуваев Туркистон маъмуриятига Дума мажлиси баёнотидан нусха юбориб, унда қайд этилган маълумотлар қанчалик асослилигини изоҳлашни талаб қилади, маъмурият эса уларни имкон қадар инкор этиб, аҳволни мутлақо қоралаб кўрсатади, сохта кўрсатмалар беради.

Мазкур махфий расмий ахборотларда маъмурият раҳбарлари, вакиллари кўзғолон сабаблари ҳақидаги ўз шахсий мулоҳаза-ларини ҳам баён этадилар. Чунончи А. Н. Куропаткин импера-тор Николай II га 1917 йил 22 февралда йўллаган мутлақо махфий рапортида таъкидлашича, кўзғолонга "бевосита сабаб ва туртки Туркистон аҳолисини мардикорликка олиш ҳақидаги фармон бўлиб, унинг ижроси аҳолини оғир аҳволга солиб қўйган... бундан ташқари кўзғолонга аҳолининг турли қатламларида сўнгги 30 йил давомида тўпланиб келган норозилик ҳам сабаб бўлган"[1]. Бу норозилик сабабларини А.Н.Куропаткин ҳар бир вилоят доирасида кўрсатишга уринади. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини қамраб олган вилоятлардаги норозиликни изоҳлаб, бу ерда пахта хўжалигини ривож-лантирилиши аҳоли ҳаётида асоратли оқибатларга олиб келганини, кўрсатиб ўтади. Бу омилларни қайд этиб ўтган А.Н.Куропаткин уларни мустамлакачилик сиёсатининг асоратлари сифатида эмас, ҳукумат фаолиятида ҳисобга олинмаган ҳолатлар сифатида изоҳлайди, уларга барҳам бериш ҳақида эмас, балки келажакда «бундай кўзғолонларга йўл қўймаслик учун маъмурият ва ҳарбий кучни мустаҳкамлаш, бошқарув усулини янада кескинлаштириш»

---

[1] Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане.Сборник документов. М.: 1960. С. 80-100.

ҳақида бош қотиради, бу борада амалий таклифларни илгари суради.

А. Н. Куропаткин ҳарбий вазир Д. С. Шуваевга юборган мактубида ҳам -1916 йил 25 июнь фармони аҳоли орасида анчадан бери тўпланиб, тайёрланиб *келган норозилик* ҳаракатига туртки бўлганини таъкидлайди.[1]

Маъмурият вакиллари қўзғолоннинг сабабларинигина эмас, балки мақсад ва моҳиятини ҳам жуда яхши англаганлар. Айниқса, Россиядан ажралиш учун уюшган қуролли кураш ташкил этилган Жиззах қўзғолонининг моҳиятини жуда яхши англаганлар ва буни ўз кўрсатмаларида ҳам алоҳида қайд этиб ўтганлар. Масалан, бош ҳарбий прокурор В. Игнатович генерал-губернатор А. Н. Куропаткинга 1916 йил 31 декабрда *берган ёзма ҳисоботида "Жиззах уездидаги ҳаракатлар дарҳол* рус ҳукуматига қарши курашга айланганини,... бунга сабаб аҳоли орасида аввалги мустақиллик даврини қўмсаш, хотирлаш кучли эканлигини"[2] алоҳида таъкидлайди.

Қайд этилган маълумотлар кўрсатадики, ҳукумат ва маъмурият вакиллари 1916 йил қўзғолонининг сиёсий моҳияти ва сабабларини жуда яхши англаб етганлар ҳамда буни махфий ёзишмаларда ҳам эътироф этганлар. Бироқ жамоатчилик учун мўлжалланган ошкора расмий қарашларда бу ҳақда сўз ҳам бормаган. Аксинча, ошкора расмий қарашлар масалани мутлақо бошқача талқин этган бўлиб, махфий расмий қарашлардан тубдан фарқ қилади. Улар асосан Туркистон матбуоти саҳифаларида бериб борилган расмий хабарларда ўз аксини топган.

---

[1] ЎзР МДА,ТГГМ фонди, 31 рўйхат, 1100 йиғма жилд, В.144-166.
[2] ЎзР МДА,ТГГМ фонди, 31 рўйхат, 1100 йиғма жилд, В.101-111.

Расмий хабарлар "Туркестанские ведомости", "Семиреченские областные ведомости", "Туркестанский голос", "Туркистон вилояти газети", "Туркестанский курьер", "Асхабад" газеталари саҳифаларида чоп этилган бўлиб, улар орасида "Туркестанские ведомости" газетаси расмий нашр сифатида алоҳида ўрин тутади. Унинг саҳифаларида мунтазам суръатда чоп этиб борилган расмий хабарлар юз бераётган ҳодисаларни мутлақо тескари акс эттиради. Масалан, сафарбарлик билан боғлиқ илк хабарларда аҳолининг гўёки бу ишга бажонидил киришгани, «Ватанга ёрдам беришга тайёрлиги» таъкидланади.[1] Ҳатто Россия фуқаролари учун ҳам Ватан ҳимояси эмас, балки адолатсиз, бўлинган дунёни қайта бўлиш учун олиб борилган I Жаҳон уруши Туркистон аҳолиси учун қандай қилиб Ватан ҳимояси бўлиши мумкин эди.

Июль ойида Туркистон матбуотида сафарбарлик «муваффақиятли, кўтаринки руҳда кечаётгани» хабар қилинади.[2] Ваҳоланки айнан июль ойи давомида Туркистондаги деярли ҳар бир шаҳар ва ҳар бир қишлоқда маҳаллий аҳоли билан ҳарбий қўшинлар ўртасида кескин тўқнашувлар содир бўлиб тургани маъмурият архивида сақланиб қолган ҳужжатларда ҳам таъкидланади.[3]

Август ойи охирларига келиб, "Туркестанские ведомости" саҳифаларида генерал-губернатор А.Н.Куропаткиннинг сафарбарликни ўтказиш тартиби ҳақидаги буйруғи ва унга иловалар эълон қилинади. Унда буйруқдан бош тортганлар қурол кучи билан бостирилиши, айбдорлар оғир жазоланиши ҳақида

---

[1] Туркестанские ведомости, 1916. №157

[2] Туркестанские ведомости. 1916. №167

[3] ЎзР МДА.Фарғона ҳарбий губернатори фонди. 2-рўйхат. 152 йиғма жилд. В. 25-26 .

огоҳлантирилади. Иловада эса сафарбарликдан руҳонийлар, мансабдорлар, алоҳида "эътиборли шахслар" (яъни мустабид ҳукумат эътиборини қозонган бойлар) озод қилиниши маълум этилади[1]. Шу тариқа мустабид ҳукумат халқ орасида ўз тарафдорларига эга бўлиш, оммани бостиришда, сафарбарликни амалга оширишда шу тарафдорларга суяниш йўлини топади. Бироқ бу кўзлаган мақсадига бутунлай эриша олмайди. Қўзғолон энг кескин тус олган Жиззах уездида халққа айнан дин пешволари бош бўладилар. Улар мустабид ҳукуматнинг «марҳаматли» тузоғига илинмайдилар.

Газетада 19 сентябрь куни генерал-губернатор А.Н.Куропаткиннинг махсус фармони эълон қилинади. Унда сафарбарликни амалга ошириш жараёнида маҳаллий маъмурлар порахўрлик, таъмагирлик ҳолларига йўл қўйгани, бунинг учун улар ҳарбий ҳолат қонунлари асосида жазоланиши қайд этилади. Бундай ҳолатлар фақатгина маҳаллий маъмурлар эмас, рус маъмурлари - вилоят, уезд бошлиқлари томонидан ҳам йўл қўйилгани, аксарият ҳолда биргаликда, келишиб ҳаракат қилганлари турли манбаларда қайд этилган, бироқ расмий хабарларда бу айб фақат маҳаллий маъмурларга тўнкалади.

1916 йил воқеалари хусусида маҳаллий тилда чоп этилган ягона расмий газета - "Туркистон вилояти газети" ("Туркестанская туземная газета") саҳифаларидан ҳам холисона таҳлил ва хулосалар, ҳаққоний ахборот излаш бефойда. Унда чоп этилган хабарлар ҳам аксарият ҳолда сохта ва чекланган бўлиб, расмий қарашларни асослашга хизмат қилади. Дастлабки хабарларда сафарбарлик гўё маҳаллий аҳолига рус ҳукумати

[1] Туркестанские ведомости.1916. №185.

томонидан билдирилган ишонч, "Ватан олдидаги бурч" сифатида таърифланади, мустабид ҳукуматнинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармони Туркистонликлар учун гўё бир "марҳамат","илтифот","ишонч" ва ҳатто "оталарча ғамхўрлик" сифатида баҳоланади[1].

Жиззахдаги воқеалар ҳақидаги хабарда Жиззах шаҳрига юборилган жазо отряди бошлиғи -полковник Яванов тўранинг уездда тарқатган тўртта эълонномаси чоп этилган. Уларда Жиззах аҳлидан «иғвогарларга» қўшилмай, қайтиб келиши ва уйларидан оқ байроқ чиқариб қўйиб, тавба қилганини маълум этиши талаб қилинади, «иғвогарчилик қилғон фуқаролар битта қолдирмай нобуд қилиниши, ҳовли-жойлари вайрон этилиши ва подшоҳликка олиниши, иғвогарларни тутиб берганлар ўлимдан халос бўлиши» маълум этилади.[2] Бу ўринда Туркистон, хусусан Жиззах уездини Россиядан ажратиб олиш, мустақил бўлиш ниятида мустабид ҳукуматга қарши бош кўтарганлар «иғвогарлар» деб таърифланади.

Сафарбар этилган мардикорлар қисмати ҳақида матбуот эълон қилиган расмий хабарлар ҳам мутлақо сохта бўлиб, уларда мардикорлар "усти бут, қорни тўқ, кайфият чоғ, яхши шароитларда ўйнаб-кулиб пул ишлаётгани, моддий ёрдамга эҳтиёж йўқлиги" хабар қилинади[3]. Ваҳоланки, Россия Давлат Думасининг муулмонлар фракциясига мардикорларнинг арз-додга, хасрату-надоматга тўла мактублари узлуксиз суръатда келиб тургани депутатлар томонидан ҳам таъкидланган. Хуллас, матбуотда чоп этилган расмий хабарлар ва ахборотларнинг асосий қисми сохта маълумотларга асосланган бўлиб,

---

[1] Туркистон вилояти газети (Туркестанская туземная газета). 1916. №42-43.
[2] Туркистон вилояти газети. 1916. № 44.
[3] Туркестанские ведомости. 1916. № 250, 257

мустабид ҳукумат манфаатларига хизмат қилади. Улар *воқеаларнинг асл моҳияти, кўлами ва шиддатини, ўлкадаги* ҳақиқий аҳволни яширишни, ҳукумат обрўсига путур етказмасликни кўзлаган бўлиб, 1916 йил кўзголони воқеаларини "фармон ижроси вақтида айрим ақлсиз кишилар томонидан йўл қўйилган бемаъни қаршиликлар" сифатида кўрсатишга аҳолининг қолган қисми ортиқча қаршилик қилмаганини исботлашга уринади.

Ваҳоланки, ҳукумат архиви, яъни Туркистон генерал-губернатори ва вилоятлар ҳарбий губернаторлари маҳкамаларининг архивлари тегишли мансабдорларнинг турли шаҳар, вилоят, қишлоқларда содир бўлган ғалаёнлар ҳамда уларнинг тафсилотлари ҳақидаги хабарлари, телеграммалари, рапортлари, ахборотлари билан тўлиб тошиб кетган. Асосан ғалаёнлар тафсилотлари, яъни қачон, қаерда, қанча аҳоли қандай қаршилик кўрсатгани ва уларга қандай чора кўрилгани ҳақида баён қилувчи бу ҳужжатлар шу қадар кўп ва беҳисобки, уларни барчасини беистисно ўрганиш учун йиллар керак.

1916 йил воқеалари ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашларни аниқлаштиришга хизмат қилувчи манбаларнинг **IУ қисми алоҳида замондош шахсларнинг мутлақо шахсий фикр-мулоҳазаларидан** иборат. Улар орасида мустабид ҳукумат вакили, *Туркистондаги маъмурият раҳбари,* Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг ижрочиси генерал-губернатор А. Н. Куропаткиннинг норасмий, мутлақо шахсий, ошкор этишга мўлжалланмай ёзилган фикр-мулоҳазалари алоҳида диққатга сазовордир. А. Н.

Куропаткиннинг[1] кундалик дафтаридан шахсий таассуротлар *сифатида жой олган бу фикр-мулоҳазалари унинг* Туркистон генерал-губернатори лавозимига тайёрланганидан сўнг (1916 йил, август) ўлкадаги аҳвол билан яқиндан танишиш мақсадида вилоятлар бўйлаб қилган сафари чоғида битилган. 1916 йилнинг сентябрь-октябрь ойлари давомида амалга оширган сафари чоғидаги шахсий таассуротларини кейинчалик ошкор бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган А. Н. Куропаткин ўз қарашларини мутлақо холисона баён этиб боради. Гарчи мустамлакачи амалдор руҳи уни бир дақиқага ҳам тарк этмасада, оддий инсон сифатида ўз таассуротлари ва мулоҳазаларини баён этган А. Н. Куропаткин реал аҳволни ҳаққоний тасвирловчи маълумотларни қайд этади.

Энг муҳими ва қизиғи шундаки, унинг кундалигида сентябрь-октябрь ойларидаги сафари давомида қайд этилган маълумотлар август ойида Туркистонда бўлиб, аҳволни ўрганиб қайтган Дума депутатларининг кўрсатмаларига жуда мос тушади ва уларни тасдиқлайди. Бу айниқса, маъмурият вакиллари бўлган рус амалдорларининг порахўрлиги, ўз мансабини суистеъмол қилиш ҳолатлари, Еттисув вилояти ва Жиззахда ҳукумат қўшинларининг шафқатсиз фаолияти ҳақидаги маълумотларга тегишли бўлиб, улар бир-биридан бехабар, мутлақо бошқа-бошқа мақсадларда аниқланган ва қайд этилган, аммо бир хил мазмунга эга, яъни ҳақиқий аҳволни кўрсатиб беради. Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, А. Н. Куропаткин ўзининг расмий ахборотларининг бирортасида кундалигида қайд этилган маълумотларни кўрсатиб ўтмаган, аксинча баъзи ҳолларда ўз кундалигидаги шахсий

[1] Дневник Куропаткина // Красный архив. 1929. Том. XXXIV.

мулоҳазаларига зид кўрсатмалар берган. Масалан, расмий ахборотларида амалдорларнинг порахўрлиги ҳақида сўз юритиб, фақат маҳаллий амалдорларни айблайди, рус амалдорларининг бундай кидикорларини яширади, кундалик дафтарида эса бу масалада асосан, рус амалдорлари ҳақида ёзиб Фарғона, Самарқанд вилоятларидаги ҳарбий губернаторлар, уезд бошлиқлари бундай ҳол учун ишдан четлатилганини қайд этади.

Қўзғолон сабабларини аниқлаш мақсадида А. Н. Куропаткин ўз сафари давомида Еттисувдаги рус ва маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашган. Бу ҳақда ўз кундалигида қайд этиб ўтган. Унда ёзилишича, маъсул вазифаларда хизмат қилувчи ўқимишли руслар қўзғолонга маҳаллий аҳолининг ерлари тортиб олиниши сабаб бўлганини таъкидлаганлар. Маҳаллий аҳоли вакили инженер Тинишпаев ҳам қўзғолонга маъмурият фаолияти ва русларнинг адолатсиз муносабати сабаб бўлганини кўрсатиб ўтгани А. Н. Куропаткин кундалигида қайд этилади.

Шунингдек, А. Н. Куропаткин Авлиёота уезди бошлиғи Кастальский билан суҳбат тассуротини ҳам ёзади. Унинг ёзишича, Кастальский қўзғолонлар давомида рус қишлоқларига етказилган талафотлар атайин сохталаштирилганини, бир неча бор бўрттирилганини таъкидлаган.

А. Н. Куропаткиннинг ўз кундалигида қайд этишича, у Еттисувдаги рус деҳқонларининг фаровон, тўқ яшаётганига гувоҳ бўлган, лекин улар орасида жиноятчилар, аҳлоқсизлар кўплигини, маҳаллий аҳолинг мулки руслар томонидан талон-тарож этилганини аниқлаган.

Бундай холисона эътирофлар инкор этиб бўлмас муҳим ҳужжат албатта. Гарчи улар бошқа манбаларда ҳам кўрсатилсада, шахсан генерал-губернатор томонидан қайд этилгани алоҳида аҳамиятга эга. Лекин бу холисона эътирофлар А. Н. Куропаткиннинг оддий инсоний таассуротларигина холос. Улар бу амалдорни Туркистон халқига хайрихоҳ сифатида баҳолаш учун асос бўла олмайди. Чунки А. Н. Куропаткин нафақат амалда, ҳатто кундалигида ҳам ўзининг мустамлакачилик сиёсатининг бош ижрочиси эканлигини ёддан чиқармайди, чунончи у Еттисувдаги маҳаллий аҳоли ерларини қандай усулларда, тинчгина тортиб олиш, ёки уларнинг арзон ишчи кучидан унумли фойдаланиш мумкинлиги хусусида, ғалаёнларга йўл қўймаслик учун қандай чоралар қўллаш ҳақида бош қотириб, ўз мулоҳазаларини ёзиб боради.

1916 йил қўзғолони ҳақидаги замондошларнинг мутлақо шахсий қарашлари сифатида ғалаёнларда иштирок этганликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган Г. И. Бройдонинг 1916 йил 3 сентябрда Тошкент Суд Палатаси прокурори Адамовга берган кўрсатмасини ҳам қайд этиб ўтиш мумкин. Г. И. Бройдо кўрсатмалари[1] орадан 8 йил ўтиб совет матбуотида чоп этилган бўлсада, бу ўринда замондош гувоҳлиги сифатида эътиборга лойиқдир. У Еттисувдаги ҳаёт тарзи ва қўзғолонлар гувоҳи сифатида (эҳтимол иштирокчиси ҳам) маъмуриятнинг воқеалар давомидаги фаолиятини кўрсатиб берувчи қимматли маълумотларни қайд этади. У оддий кузатувчи сифатида ўз таассуротлари асосида Еттисув аҳолиси ҳаётининг энг оғир жиҳатлари, фожеали аҳволи, бунга олиб келган омиллар, ер-сув

[1] Бройдо Г.И. Материалы к истории восстания киргиз в 1916 году. // «Новый Восток». Кн.6. - 1924. С. 370-434.

масаласи ҳақида фикр юритади. Биз бу ўринда унинг бевосита қўзғолон ҳақидаги қарашларига тўхталамиз. Қўзғолон сабабларини Г. И. Бройдо ҳукуматнинг адолатсиз сиёсати билан изоҳлаб, ғалаёнларни шу сиёсатнинг бевосита натижаси деб ҳисоблайди.

Г. И. Бройдо ўзи гувоҳ бўлган воқеалар асосида маъмуриятнинг миллий низоларни атайин авж олдиргани, русларни қуроллантириб маҳаллий аҳолига нисбатан атайин гиж-гижлатгани, сохта ахборотлар, миш-мишлар тарқатгани ҳақидаги муҳим фактларни келтиради. Маъмуриятнинг бу борада олиб борган, онгли равишда, атайин уюштирган сиёсатига ҳамда ғалаёнларни оммавий қирғин билан бостириб, аҳоли ерларини тортиб олинишига гувоҳ бўлган Г.И. Бройдо "қўзғолонни ҳукумат шу мақсадларда атайин уюштирган", деган хулосага келади. Бундай асоссиз хулосага қуйидагилар сабаб бўлади. Биринчидан, Г. И. Бройдо ўзи гувоҳлигида содир бўлган даҳшатли воқеаларнинг кечинмалари таасуротига берилади. Иккинчидан, у бошқа вилоятларда ҳам шундай қўзғолонлар содир бўлганидан, ғалаёнлар бутун Туркистонни қамраб олганидан бехабар эди, у ҳатто "ўзбеклар умуман қўзғолон кўтармаган" деб ҳисоблаган. Мустабид ҳукуматни бутун Туркистон бўйлаб ўзига қарши қўзғолонни уюштиришдан сира манфаатдор эмаслигини ҳисобга олмаган. Учинчидан эса, Г. И. Бройдо мутлақо асоссиз суръатда Еттисувдаги маҳаллий аҳолининг ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураш имкониятларини бутунлай инкор этган. Уларни "на миллий ва на диний эркинлик учун курашга қодир эмасдирлар" деб камситган.

Бундай хато ва чекланган тасаввурлар уни пировардида "қўзғолон атайин уюштирилган эди" деган асоссиз хулосага олиб келган.

Г. И. Бройдонинг бу мулоҳазаси бошқа замондошлар, масалан Еттисувдаги ғалаёнлар гувоҳи инженер М. Тинишпаев, кейинчалик Т. Рискулов томонидан ҳам қайд этилган, лекин улар қўзғолонни халқнинг ўлкада чор ҳукумати "атайин олиб борган адолатсиз сиёсатига" табиий, қонуний қаршилиги, деб ҳисоблаганлар, маҳаллий аҳолининг курашга қодирлигини, мил-лий, инсоний ғурурини камситмаганлар, чунки улар шу халқ вакили сифатида унинг орзу-армонларини жуда яхши англар эдилар.

Шундай камчиликларга қарамай Г. И. Бройдо кўрсатмалари агар танқидий нуқтаи-назардан ўрганилса, Еттисув аҳолисининг 1916 йил қўзғолонига доир жуда кўп масалаларни аниқлаштирувчи муҳим маълумотларга эга. Лекин улар бошқа манбалар билан қиёсий асосда, танқидий нуқтаи-назардан ўрганилиши лозим.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, 1916 йил қўзғолони ҳақидаги замондош ижтимоий-сиёсий қарашлар агар улардан танқидий, қиёсий асосда фойдаланилса муаммо тарихини тиклаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бунда айни бир фикр-мулоҳаза ким томонидан, қандай мақсадда ва вазиятда (расмий ёки норасмий), қайси маълумотлар асосида илгари сурилганини, унинг холислик ва ҳаққонийлик даражасини аниқлаш муҳимдир. Акс ҳолда миллати, маслаги, дунёқараши, манфаатлари ва мақсадлари турлича, бир-бирига қарама-қарши бўлган замондошлар ёки расмий доираларнинг

чекланган маълумотлари муаммо ҳақида мутлақо нотўғри тасаввурларга олиб келиши шубҳасиз.

Ижтимоий-сиёсий қарашларни нафақат танқидий, балки ўзаро солиштириш ёки бошқа манбалар билан таққослаш асосида қиёсий ўрганиш эса ҳақиқатни аниқлаштиришга, ноҳақ ёки асоссиз фикр-мулоҳазаларни ажратиб олишга ёрдам беради.

Шунингдек, ижтимоий-сиёсий қарашлар ўз муаллифларининг маслаги, дунёқараши ва манфаатларини ҳам аниқлаш имконини беради, уларнинг воқеаларга муносабатини кўрсатади.

Ижтимоий-сиёсий қарашларнинг ҳаққонийлик, холислик даражаси содир бўлган воқеанинг ҳукмрон тузум ёки ҳукумат томонидан қандай баҳоланишига ҳам боғлиқ. Мустабид тузум шароитида содир бўлган воқеа шу тузум ёки сиёсат манфаатларига, талабларига зид бўлса, уни фош этишга ёки унга барҳам беришга йўналтирилган бўлса, бу ҳодиса ҳақидаги ҳаққоний ижтимоий-сиёсий қарашлар ошкоралика йўл топа олмайди, бунга имкон берилмайди, унинг ўрнига сохта, ҳукмрон доира манфаатларига мослаштирилган, ҳақиқатдан йироқ расмий қарашлар шакллантирилиб, уларга ижтимоий тус беришга уринилади. Айнан шу сохта қарашларни ҳаққоний ижтимоий сиёсий қарашлардан тўғри ва ўринли ажратиш лозим, чунки улар ҳақиқатни тиклашга эмас, уни сохталаштиришга хизмат қилади.

Шу ҳолатларни барчасини назарда тутиб, 1916 йил қўзғолони ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашларни илмий, қиёсий ва танқидий асосда ўрганиш натижасида хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, қўзғолоннинг сиёсий моҳияти, сабаб ва мақсадлари (яъни унинг Россия мустамлакачилигига қарши

қаратилгани, Россия ҳукмронлигидан қутулиш мақсадини кўзлагани)ни замондошлар тўғри англаб етганлар. Буни тор доирада, махфий ёзишма, кенгашларда таъкидлаб ўтганлар, лекин ошкор этишга имкон берилмаган, чунки бу ҳукмрон давлат манфаатларига зид эди. Ижтимоий-сиёсий қарашлар қўзғолоннинг шиддати, кўлами, умумхалқ характери, воқеаларнинг турли тафсилотлари, мавхум қирраларини ҳам аниқлаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Муаммонинг бевосита тарихига, яъни 1916 йил қўзғолони тарихига бағишланган илмий тадқиқотларда, адабиётларда бу муҳим манбалардан қай даражада ва қандай асосда фойдаланилган? Умуман, ижтимоий-сиёсий қарашлар илмий қарашларнинг шаклланишида қандай ўрин тутган? Улар илмий тадқиқотларда қандай акс этган? Бу борада қандай муаммолар, мавхум ва мунозарали масалалар бор? Бу саволларга кейинги бобларда 1916 йил қўзғолони тарихшунослигининг таҳлили асосидагина жавоб бериш мумкин.

2-§. Совет ҳокимиятига қарши 1918–1924 йиллар халқ курашлари ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашлар

XIX асрнинг II ярми ва XX аср давомида жаҳон саҳнасига йирик мустабид империя сифатида чиққан Россия давлати Туркистонда қарийб 130 йил давомида ўз мустамлакачилик зулмини ўтказиб келди. 1917 йилда Россияда содир бўлган Февраль инқилоби ҳамда Октябрь тўнтариши бу мамлакатда демократик тараққиётни таъминлай олмади, давлатнинг мустамлакачилик моҳияти ҳам ўзгармади, аксинча мустабидликда совет ҳокимияти Россия империясининг вориси бўлди.

1916 йилда Россия империясининг мустамлакачилик зулмига оммавий қўзғолон кўтариб, қаршилик кўрсатган Туркистон халқлари ўлкада зўрлик билан ўрнатилиб, аввалги зўравонликни яна давом эттира бошлаган совет давлатига ҳам қарши қуролли кураш бошлади. Бу кураш 1916 йил қўзғолонидан олинган сабоқлардан тегишли хулоса чиқариб, уюшган қуролли қаршилик тусини олди ва шу туфайли узоқ йиллар давомида мустабид ҳукумат уни енгишга муваффақ бўла олмади. Мустабид совет ҳокимияти Туркистон халқларининг ўз мустақиллиги учун олиб борган курашларини бостириш учун ҳарбий, сиёсий, иқтисодий чора тадбирларни, барча куч ва имкониятларни ишга солди. Бироқ асосий куч манбаи халқ бўлган бу курашни енгиш осон бўлмади.

Гарчи курашга сиёсий етакчилик, умумий раҳбарлик ҳарбий, иқтисодий таъминот етарли даражада бўлмасада, унинг маънавий ва жисмоний куч манбаи халқ бўлганлиги, яъни халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланиб тургани бу курашни кучлар нисбати тенг бўлмаган шароитларда ҳам узоқ вақтгача енгилмай туришини таъминлаб турди. Буни яхши англаган мустабид ҳукумат ўзига қарши қаратилган бу курашни маънавий жиҳатдан заифлаштириш, илдизларига болта уриш, кучсизлантириш учун уни халқ хайрихоҳлигидан, қўллаб-қувватлашидан маҳрум этиш йўлларини излади. Халқни курашдан бездириш, кураш сафларига парокандалик киритиб тўзитиш учун бу кураш ҳақида сохта салбий тасаввурлар уйғотишга, ёлғон ахборотлар тарқатишга киришди. Бундан кўзланган асосий мақсад курашнинг асл моҳиятини - унинг Туркистон озодлиги учун қаратилганини яшириб, бузиб кўрсатиш эди. Бу бир

тарафдан мустабид хукуматнинг мустамлакачилигини хаспўшлаш учун, иккинчи тарафдан халқ онгини чалғитиш учун зарур эди.

Сохта ва салбий тасаввурлар аҳолини курашга фаол тортилмаган қисмини ёлғон ахборотлар билан таъминлаб туриш учун ҳам керак эди. Маълумки, кураш асосан Фарғона вилоятида бошланиб кейинчалик бошқа вилоятларга ҳам тарқалган, лекин мустабид хукумат ва унинг ҳарбий кучлари жойлашган пойтахт Тошкент ва унинг яқин атрофидаги аҳоли курашга деярли тортилмаган. Курашнинг айнан Фарғонада бошланиб, авж олишига сабаби шундаки, мустабид хукумат ва унинг қўшинлари Тошкентда жойлашганлиги туфайли маҳаллий демократик хукумат - Туркистон мухтор хукумати Қўқонда тузилган (1917 й. ноябрь) ва шу ерда совет ҳокимияти томонидан қонга ботирилган (1918 февраль). Бунга жавобан бошланган кураш ҳам шу ерда - Фарғона водийсида авж олган. Кураш бошқа вилоятлар - Самарқанд, Сирдарё, умуман ҳозирги Ўзбекистонни қамраб олсада, Тошкент ва унинг атрофида авж олмаган, чунки ҳарбий кучлар, ёлғон ахборотлар аҳолини курашга фаол тортилишдан тортиб турган. Лекин пойтахтдаги зиёлилар уни фаол қўллаб-қувватлаб ўзаро алоқада бўлиб турганлар, чунки бу курашда бутун Туркистон мустақиллиги мақсадлари илгари сурилган. Шу сабабли ҳам бу кураш ўзининг ҳаққоний талқинини ололмаслиги муқаррар эди. Чунки бу хукмрон давлатга карши қаратилган бўлиб, унинг мустамлака-чилик моҳиятини фош этарди. Ҳақиқатни ошкор этиш, уни тан олишдан манфаатдор бўлмаган хукумат ўз айбини хаспўшлаш ва ўзига карши кучларни коралаш мақсадида бу курашга "босмачилик" деган тухмат тамғасини ёпиштирди. Унинг асл моҳияти ва мақсадларини бузиб, оддий қароқчилик,

талончилик сифатида кўрсатишга уринди. Аммо халқнинг ўзи гувоҳ бўлган, иштирок этган воқеаларни, ҳақиқий аҳволни унга қоралаб, бошқа бўёқларда кўрсатиш, уни ишонтириш осон эмас эди. Туркистон жамоатчилиги ўлкада юзага келган кескин ва огир ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазиятда бошланган бу кураш сабаблари, моҳияти ва мақсадларини қандай баҳолагани, унга қандай муносабатда бўлгани 1918-1924 йиллардаги матбуот ва нашрлар таҳлилидан намоён бўлади. Бу кураш воқеалари ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашларни фақатгина 1918-1922 йилларга мансубларини маълум даражада, нисбатан ҳаққоний деб эътироф этиш мумкин. Чунки 1922 йилдан бошлаб бу курашлар ҳақидаги сохта, сунъий тасаввурларни шакллантириш, тарғиб этишга зўр берилган, цензура назорати кучайтирилган. 1918-1922 йилларда ҳам ижтимоий-сиёсий қарашларни акс эттириши мумкин бўлган воситалар матбуот ва нашриёт ҳукмрон ҳукумат ихтиёрида бўлиб, унинг манфаатларига хизмат қилгани туфайли уларнинг холислик даражаси чекланган эди, бироқ 1918-1922 йилларда Туркистонда юзага келган кескин сиёсий, ҳарбий, ғоявий ихтилофлар, тўқнашувлар шароитида ва бошқа бир қанча сабаблар туфайли айнан шу йиллар давомида жамоатчилик фикрини бутунлай жиловлаш имкони бўлмаган. Шу туфайли содир бўлаётган воқеалар сабаби, моҳияти хусусида нисбатан холисона эътироф этилган фикр мулоҳазалар 20 йиллар бошидаги матбуот ва нашрларда ошкоралик юзини кўриб улгурган.

Совет ҳукуматига қарши олиб борилган кураш воқеалари ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашларни тавсифловчи манбаларнинг қолган қисми ошкор этишга мўлжалланмай,

маълум вазият ва аниқ мақсадларда баён этилган расмий ҳисобот, ахборотлар бўлиб, улар архив захираларида сақланиб қолган. Бу манбаларни ҳам, яъни архив маълумотларини ҳам бутунлай холис қарашлар ёки маълумотлар сифатида баҳолаш нотўғри, чунки уларнинг аксарияти ҳукмрон мустабид давлат вакилларининг масалага бир ёқлама ғаразли ёндошувининг маҳсули бўлиб, ўта танқидий муносабатни ва бошқа манбалар билан қиёслаш асосида ўрганишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 1918-1924 йилларда Туркистонда совет *ҳокимиятига қарши учун олиб* борилган курашлар ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашлар ҳам "босмачилик" деган туҳмат тамғаси остида шаклланиб борган. Манбалар таҳлилидан намоён бўлишича, бу сўз илк бор 1918-1919 йилларда совет хукумати ҳужжатларида қўлланилган. Бу ҳужжатлар совет хукуматига қарши курашаётган "қуролли тўдаларнинг" хужумлари ҳақидаги хабарлар бўлиб, уларнинг сардори сифатида Эргаш қўрбоши тилга олинган. Совет ҳокимиятига қарши қуроли тўдаларнинг кураши тобора уюшиб шиддатли тус ола бошлагач, 1919 йилдан бошлаб расмий манбаларда улар ёппасига "босмачилик" деб таърифлана бошланган. Шу *даврдан бошлаб бу сўз расмий ва норасмий* манбаларда, матбуотда ва умуман истеъмолда ўрнашиб борган. «Босмачилик» деганда огир иқтисодий танглик, сиёсий бебошлик, қаҳатчилик, очарчилик, ҳукм сурган ўша даврда кенг тус олган оддий талончилик билан бирга совет хукуматига қарши қуролли кураш ҳаракати ҳам назарда тутилиб, уларнинг ҳар иккаласи умумий бир ном билан таърифлана бошлаган. Кичик тўда ва гуруҳлар томонидан онда-сонда, гоҳ у гоҳ бу

ерда содир этиб турилган оддий жиноий талончилик билан онгли равишда, аниқ мақсадларда, мустабид хукумат қўшинларига қарши олиб борилган оммавий қуролли курашни бир қолипда баҳолаш - бу курашнинг моҳиятини бузиб кўрсатиш, қоралаш учун мустабид совет ҳукуматига жуда қўл келган. Совет ҳокимиятига қарши олиб борилган қуролли курашлар талончиликдан тубдан фарқ қилиб, сиёсий ҳаракат тусини олгани аниқ намоён бўлсада, мустабид ҳукумат уни "босмачилик" сифатида кўрсатиб, шу маънода изоҳлашга ҳаракат қилди. Шу тариқа "босмачилик" сўзи мутлақо асоссиз, *ноўрин қўлланилиб, истеъмолда қаттиқ ўрнашиб борди.* Аммо бу ном билан аталган кураш сабаблари, моҳияти ва мақсадларига замондошлар томонидан берилган баҳо ўз таърифига яъни "босмачилик" сўзининг маъносига мутлақо зид бўлиб, уни инкор этгани ўша давр ижтимоий-сиёсий қарашлари таҳлилидан аниқ намоён бўлади.

Бу кураш ҳақидаги ижтимоий-сиёсий қарашлар қуйидаги аниқ масалалар бўйича намоён бўлган:

1. Курашнинг келиб чиқиш сабаблари, моҳияти, характери.
2. Кураш мақсадлари, унинг иштирокчилари ва сардорларининг талаблари
3. Курашнинг куч манбаи.
4. Унга қарши мустабид ҳукуматнинг кураш тактикаси, амалий чора тадбирлар.

Бу масалалар хусусида воқеалар замондошлари - миллати, маслаги, ижтимоий келиб чиқиши, мақсадлари турлича, маъсул ёки маъсул бўлмаган, воқеаларга алоқадор ёки алоқадор бўлмаган шахслар, қарама-қарши фронт вакиллари - қўрбошилар, совет армияси ва ҳукумати

вакиллари, тегишли ташкилот ва мафкуравий бўғинлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб борганлар. Жамиятнинг турли тоифаларининг бу воқеаларга муносабатини аниқ тасаввур этиш учун бу масалаларга доир ижтимоий-сиёсий қарашларни баён этишда расмий, норасмий қарашлар, давлат ва хукумат арбоблари, вакиллари, ҳарбийлар, мустақиллик учун кураш фронти сардорлари, оддий замондошларнинг фикр-мулоҳазаларини алоҳида ажратиб кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

1. Курашнинг келиб чиқиш сабаблари, моҳияти, характери. *Бу ҳақда энг аввало оддий замондошлар фикрига* эътибор қаратиб, номаълум муаллифнинг матбуотда билдирган қуйидаги мулоҳазаларини келтирамиз: «Босмачилик» сўзи туркий халқлар тилларида қароқчи маъносини англатади. Бироқ биз "босмачилик" деб атаётган воқеаларни оддий қароқчилик деб баҳолаш катта хато бўлур эди. Туркистондаги совет ҳокимиятининг ўлкадаги аҳоли ҳамда унинг хўжалик хусусиятларини эътиборга олмай амалга оширган иқтисодий сиёсати айниқса Фарғонада мислсиз талончилика олиб келди. Зўравонлик билан амалга оширилган мусодаралар - савдо корхоналари, косибчилик устахоналари, молбоқарлар, ер эгаларидан *мол-мулкни тортиб олиниши маҳаллий аҳолида совет* ҳокимиятига нисбатан душманлик муносабатини юзага келтирди. Маҳаллий аҳолининг кенг қатламлари совет ҳокимиятидан норози бўлиб, унга қарши турган шундай шароитда Эргаш бошчилигида уюшган қароқчи тўдалар совет ҳукуматига қарши мунтазам курашувчи аксилинқилобий кучларга асос бўлди. Бу тўдалар билан кураш эса совет ҳокимиятидан норозиликни янада кучайтирди... Бу кураш давомида

маҳаллий аҳолини қириб ташлаш ҳолларини сира оқлаб бўлмайди».[1]

Яна бошқа бир замондош номаълум муаллиф эса "Сиёсий ходим ҳафтаномаси"да шундай фикр билдиради:"Босмачиликнинг пайдо бўлиши ва давом этаётганига сабаб Фарғонадаги совет ҳокимияти вакиллари мустамлакачи эканлигидадир. Бу алдамчи, талончилар собиқ пахта қабул қилиб олувчилардан иборат бўлиб, шусиз ҳам хонавайрон бўлган деҳқоннинг нонини қамчи билан савалаб тортиб оляптилар".[2]

Матбуот саҳифаларида нотаниш замондошлар қайд этган *бундай фикр-мулоҳазалар расмий манбаларда* - мафкуравий бўғинлар, партия ва сиёсий ташкилотлар ҳужжатларида, маъсул ва раҳбар шахсларнинг чиқишларида ҳам тасдиқланади. Чунончи, Туркистон Коммунистик партияси Марказий қўмитасининг тарғибот-ташвиқот бўлими шарҳларида таъкидланишича «...1918 ва 1919 йилларда Фарғонадаги босмачилик шубҳасиз умуммиллий ҳаракат эди, уни маҳаллий аҳолининг катта қисми қўллаб-қувватлади... Совет ҳокимияти дастлабки йилларда ўзининг расмий шиорларига қарамай амалда мустамлакачи (рус ва арман дашноқлари мустамлакачилиги) эди ва эски зўравонлик сиёсатини давом эттирар, баъзан эса ҳатто тўғридан-тўғри талончилик йўлини тутган эди. Айниқса Қўқон мухториятини яксон қилишда шундай бўлди".[3]

---

[1] В.К."Басмаческий фронт"// Коммунистическая мысль. 1920. №1. С.15-17.

[2] А.К-ов. Два голоса // Еженедельник политработника, 16 январь. 1921.

[3] Современное положение басмачества. Тезисы Агит. проп. ЦК КПТ // Туркестанская правда. - 1922. № 4.

Фарғона вилояти тарғибот бўлимининг ташвиқотчилар учун эълон қилинган шарҳларда эса бу ҳаракат сабаблари шундай изоҳланади:"Босмачилик чуқур иқтисодий силкинишлар заминида юзага келиб, минглаб кишиларнинг совет ҳокимиятига қарши оммавий ҳаракатига айланди,"босмачилик" ҳаракатининг энг муҳим пайти Қўқон мухториятини тор-мор этилиши ва дашноқлар хунрезлиги туфайли юз берди... Босмачиликнинг миллий характери дастлабки пайтларда совет ҳокимиятининг мустамлакачилиги, маҳаллий аҳолига нисбатан подшолик режимидан фарқ қилмайдиган муносабатда бўлиши туфайли қўллаб-қувватланди. (аҳоли томонидан Д.З.)".[1]

1919 йилда Туркистонда маҳаллий меҳнаткашлар орасида иш олиб бориш мақсадида тузилган ўлка мусулмонлар бюросининг Фарғона аҳолисига ўша йили мартда эълон қилган "Мурожаатнома"сида совет ҳокимиятига қарши курашнинг сабаблари ҳақида қуйидагилар қайд этиб ўтилади: "...кураш миллий зулм ва бир миллатнинг бошқа миллатни эзиши заминида авж олиб кетди. Фарғонада йўл қўйилаётган, пировардида бутун Туркистон аҳолиси учун машъум оқибатлар келтирадиган бебошликлар мусулмон аҳлини совет ҳокимиятидан бездирмоқда... Фарғона воқеаларининг авж олишига олиб келган яна бир сабаб... ҳамма ерда, айниқса Фарғонада ҳукумат таркибига, советлар, комитетларга кириб олган ўғри, жиноятчи, эски амалдорлардан иборат шахслар халқ манфаатини эмас, ўз чўнтаклари манфаатини кўзлайдилар, пора олдилар, бебошликлар қилдилар, ҳукуматдаги лавозимдан фойдаланиб ўзгаларнинг пул ва буюмларини эгаллаб олдилар.

---

[1] *Происхождение басмачества и борьба с ним. Агит.отдел Ферг.обл.* (Тезисы для агитаторов) // Красная Фергана. - 1927. № 67.

Қизил армияда ҳам худди шундай бўлди, унинг сафларида ҳам тинч аҳолини азоб укубатга солган зараркунандалар жуда кўпдир".[1]

Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган кураш сабаблари ҳақида шу ҳукумат таркибида хизмат қилган маҳаллий коммунистларнинг фикрлари қандай эди? Таниқли арбоб Назир Тўрақулов "Дарвеш" *тахаллуси билан* "Босмачилик" ҳақида ёзган мақоласида "...ойдан-ой, кундан-кун кўпаймоқда бўлган фақирлик устига Фарғонадаги мустамлакачилик ва дашноқ ваҳшати ёққа ўт қуйгандай бўлиб тушди, демакки, босмачиликнинг тагида иқтисодий ва ижтимоий иллатлар бордирки, бу "ўғри ва муттаҳамлар" идорасига бориб тақалади"[2] деган хулосага келади.

РКП(б) Мусулмонлар бюроси Раиси, Туркистондаги таниқли давлат арбоби Т.Рискулов эса 1919 йил сентябрда қилган маърузасида бу ҳақда қуйидагича фикр билдиради: "Кўқон мухториятининг тор-мор этилиши ва Бухоро воқеалари тинч мусулмон оммасида совет хукумати ҳақида салбий таассурот ва муносабат юзага келтирди. Бу воқеаларда сиёсий раҳбарлар йўл қўйган тузатиб бўлмайдиган хатолар мусулмон аҳолиси учун ниҳоятда огир оқибатлар келтирди, янги фронт - Фарғона фронтининг пайдо бўлишига олиб келди".[3]

Туркистон Марказий Ижроия Комитетини 1922 йил 18 июлда бўлиб ўтган IV пленумининг бешинчи кенгашида сўзга чиққан Халқ Комиссарлари Кенгаши Раиси Қ.Отабоев "босмачилик" ҳақида билдирган қуйидаги фикрлари ҳақиқатни янада

---

[1] Рыскулов Т. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. -Т.: 1923. С.67-68.
[2] Дарвеш. Босмачилик // "Фарғона". - 1921. № 9.
[3] Рыскулов Т. Кўрсатилган асар., С.54.

аниқлаштиради: "...босмачилик, - деган эди Қ. Отабоев, бизнинг Туркистондаги, эҳтимол бутун Шарқдаги барча ишларимизга улкан бир маломатдир. Хўш, тўрт йил давомида босмачилик наинки тугатилиши, балки аксинча унинг Фарғонада авж олиши, бутун Самарқанд, Сурхондарё ва Туркистон музофотларининг маълум қисмини қамраб олиши нима билан изоҳланади? Бу шу билан изоҳланадики, бизнинг шу тўрт йил мобайнида олиб борган ишларимиз маҳаллий аҳолининг асрлар давомида шаклланиб келган турмуш тарзига - урф-одат ва анъаналарига мутлақо зид эди... Тўрт йил мобайнида биз бу ҳаракатга ҳатто тўғри баҳо беришни ҳам билмадик, у халқ қўзғолони бўлгани ҳолда биз уни босмачилик деб атадик. Босмачилик моҳиятан талончилик деган маънони билдиради, бизнинг ушбу ҳаракатга берган нотўғри таърифимиз масалани ҳал этишда нотўғри ёндошувга олиб келди. Ва алал-оқибат тўрт йил давомида биз бу ҳаракатнинг бирон бир жиҳатини тугата олмадик".[1]

Маҳаллий арбобларнинг реал аҳволни холисона баҳолаб, уни тузатиш, зўравонликка барҳам бериш ҳақидаги қайғуришлари мустабид хукумат томонидан қай даражада эътиборга олингани номаълум, лекин совет ҳокимияти маҳаллий аҳолининг қуролли курашини аёвсиз бостириш учун ҳарбий чораларни давом эттиргани, юқорида номлари қайд этилган маҳаллий арбоблар 30-йилларнинг иккинчи ярмида "миллатчи" деган туҳмат тамгаси ёпиштирилиб қатағон қилингани тарихдан яхши маълум. Ватан ва миллат қайғуси, ҳақиқатни ошкора таъкидлаш ва ҳимоя қилиш каби

---

[1] Қайғисиз Отабоевнинг қайғулари. Турк МИК IV-пленуми 5-мажлисида сўзланган нутқи стенограммаси // Ўзбегим. Т.: 1992. Б.76-81.

фазилатлари, шу йўлдаги фаолиятлари учун улар мустабид ҳукумат томонидан шафқатсиз жазоланиб қатағон этилдилар.

Совет ҳокимиятига қарши Туркистон халқлари олиб борган курашлар ўша даврдаги ҳукмрон миллат ва мустабид ҳукумат вакиллари, раҳбарлари томонидан қандай баҳоланган? Тадқиқотларнинг кўрсатишича, улар ҳақиқатни тан олган, уни ошкора ё махфий бўлсада эътироф этган ҳолатлар ҳам бўлган.

Чунончи, Фарғона вилояти ҳарбий инқилобий қўмитаси раиси Ю.Кирш бу кураш сабабларини қуйидагича изоҳлаган: "Босмачилик Фарғонадаги мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир... Босмачилик ҳозир ҳам ғоявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Озиқ-овқат ташкилотларининг жойлардаги номаъқулчиликлари, ҳарбий қисмларнинг ўз-ўзини (аҳоли ҳисобига - Д.З.) "таъминлаши", ғалла монополиясининг жиноий йўл билан амалга оширилиши, тақсимот эса садақа тусини олиши чарчаган босмачиларга куч беряпти, янгиларини пайдо қиляпти, чунки барча мажбурият, оғирлик улар елкасига юк бўляпти...".[1]

Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган курашлар мутлақо адолатли эканлиги ва бунга мустабид ҳукумат фаолияти асосий сабаб бўлиб хизмат қилгани бошқа манбаларда, масалан архив захираларида сақланиб қолган расмий ёзишма, ахборот, ҳужжатларда ҳам алоҳида таъкидланади.

Масалан, Ўзбекистон МДА захираларида сақланиб қолган расмий ҳужжат Фарғона вилояти қўшинларига буйруқ матнида "босмачилик" сабаблари ҳақида қуйидагилар таъкидланади:

[1] Кирш Ю. Мечты и действительность// Еженедельник политработника - 1921. №6. (31 январь).

"Маҳаллий совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда амалга оширган ишлари билан ўзидан меҳнаткаш халқни узоқлаштирди... мусулмон меҳнаткашларини бойлардан ҳимоя қилиш ўрнига уларни таҳқирлаб, хўрлади... "босмачилик" деб аталаётган ҳаракат шу сабабли пайдо бўлди".[1]

Тошкентга Фарғонадаги аҳвол ҳақида хабар бериш учун юборилган вакилларнинг Туркистон МИК Раиси Казаковга ёзган мактубининг асл нусхаси бўлган бошқа бир ҳужжатда эса шундай маълумотлар келтирилган: "Ўртоқ Казаков!... фронт (Фарғона фронти - Д.З.) асосан бизнинг совет арбобларининг Қўқон воқеаларидан бошланган салбий фаолияти натижасида юзага келди... улар ичкиликбозлик билан банд, қароқчиларга курол ва патрон сотадилар, уездларга чиқиб тинч аҳолини талайдилар".[2]

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, Туркистонда яшаб фаолият кўрсатган, миллати, маслаги, мақсади турлича бўлган расмий ва норасмий шахслар совет ҳокимиятига қарши олиб борилган кураш сабаблари ва моҳияти ҳақида бир хил хулосага келадилар, яъни бу курашнинг сабаби совет ҳокимиятининг талончилиги, бебошлиги, мустамлакачилик сиёсати эканлигини якдил эътироф этадилар. Бу курашга уларнинг муносабати салбий ёки ижобий бўлишидан қатъий назар уларнинг эътирофлари курашнинг моҳиятини ҳаққоний баҳолаб, унинг қанчалар адолатли бўлганини яна бир бор тасдиқлайди.

Курашнинг мақсадлари, шиорлари, иштирокчилари ва сардорларининг талаблари. Расмий доира-

[1] ЎзР МДА. 17-фонд. 1 рўйхат, 1187 йиғма жилд. В. 308
[2] ЎзР МДА. 17-фонд. 1 рўйхат. 14 йиғма жилд. В. 74.

ларда, учрашув ва кенгашларда совет ҳокимиятига қарши кураш фронти ҳақида сўз борганда хукумат раҳбарлари кураш иштирокчиларининг мақсадлари, илгари сурган шиорлари ҳақида шундай маълумотларни келтирадилар. 1921 йил август ойида Туркистонда бўлиб ўтган расмий кенгашда Халқ Комиссарлари Кенгаши Раиси Қайғусиз Отабоев бу ҳақда шундай ахборот беради, "1921 йилнинг августларида Туркистон Советларининг Қурултойида Фарғона босмачилари совет ҳукуматига тинчлик музокаралари таклиф қилиб, диний, хўжалик ва сиёсий масалаларга тааллукли қатор шартлар қўйдилар. Бу шартлар шариатга йўл бериш, мачит, мадраса ва мактабларни очиб, қози маҳкамаларини тиклаш, бозорлар, деҳқончилик хўжалиги ва ҳунармандчилик корхоналарига эрк бериш, босмачи отрядларини қизил армия сафига қабул қилишдан иборат эди. Музокараларда барча тинч аҳоли иштирок этди ва демакки, бу талаблар айни пайтда аҳолининг талаби эканлигига шак-шубҳа йўқ эди".[1]

1922 йил 17 сентябрда партия кенгашида"РКП МК нинг сўнгги кўрсатмалари" ҳақида маъруза қилган М. С. Эпштейн (партия раҳбарларидан бири)нинг нутқидаги қуйидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир: "Мен босмачиларнинг варақаларида "большевик-коммунистлар ва совет ҳокимиятининг қизил империализмига қарши кураш. «Таъсис мажлиси орқали миллий мустақиллик, ўз тақдирини ўзи белгилаш учун кураш!», «ислом тантанасига монелик қилаётган зўравон-коммунистларга қарши кураш!» каби шиорларни ўқидим... Улар бизни «қизил империя» соҳиблари, деб айбламақдалар, бизни босқинчилик мақсадларини кўзлашда, чоризм каби ҳамма нарсани буюк

[1] Қайғисиз Отабоевнинг қайғулари // Ўзбегим. Т.: 1992. Б.83-84.

давлатчи руслар қўлига олишга уринишда айбламоқдалар. Уларни айтишича, биз мусулмон дини, урф-одатлари ва анъаналарини *таҳқирламоқдамиз*, сиқувга оляпмиз".[1]

РКП МК 1923 йил 9-12 июнда Москвада миллий республикалар ва вилоятларнинг маъсул ходимлари билан ўтказган тўртинчи кенгашда сўзга чиққан Туркистон миллий фаолларидан бири Хидиралиев нутқида ҳам ҳар бир қуролли босмачи ўзини миллий озодлик ҳимоячиси, ислом ва дин ҳимоячиси деб ҳисоблаб иш тутиши алоҳида таъкидлаган.[2]

Матбуот саҳифаларида чоп этилган хабарларда "босмачилар" деб қораланган кураш фронти шиорлари ва мақсадлари ҳақида шундай маълумотлар берилади: "Босмачилар қўмондони Кўршермат совет ҳокимиятидан тўлиқ мустақиллик... ва умуман, Россиядан ажралишни талаб қиляпти. Қароқчи тўдалар сардорининг бу талаби РКПнинг миллий дастурига мос келадиган яхши ният деб ўйлаш мумкин. Бироқ унинг чақириқларида миллий ҳаракат асослари яққол кўриниб турибди"[3]. "Кўршермат ишчи деҳқон ҳукуматига таъна қилиб, 15 кун ичида Туркистон учун мухторият беришни талаб этмоқда".[4] «Кўршермат..., Оллоёр ва... буржуазия, руҳонийлар вакиллари... биздан миллий-маданий мухторият, шариат, ислом, урф-одат

---

[1] Эпштейн М.С. Наша борьба с басмачеством. Последние директивы ЦК РКП. Т.: 1922. С.6.

[2] Четвертое совещание ЦК РКП. С ответственными работниками национальных республик и областей в Москве. 9-12 июня 1923 г. (Стенографический отчет). Строго секретно. М.: 1923. С.123.

[3] Антонов. Не национальное, а белогвардейское //Красная Фергана. - 1921. №6, 17 мая.

[4] Сольц И. Кўршермат и автономия // Красная Фергана. 1921. №70. (10 июля).

ва анъаналар дахлсизлигини, ҳаётни бузишни тўхтатишни талаб қилдилар".[1]

"Совет ҳукумати душманлари пахта компаниясини барбод этмоқчи. Яқинда Фарғона босмачилари сардорларидан бири Қозоқбой Андижон уезди фуқароларига мурожаат эълон қилди. Унда аҳолини пахта экмасликка, ғалла экинлари экишга даъват қилинади".[2]

Қайд этилган маълумотларни совет ҳокимиятига қарши кураш фронтининг сардорлари масалан, 1921-1922 йиллардаги ҳарбий қўмондон Шермуҳаммадбекнинг мустабид ҳукумат вакиллари билан олиб борган сулҳ музокаралари давомида илгари сурган қуйидаги талаб ва истаклари янада тўлдириб аниқлаштиради. Сулҳ шартлари сифатида у совет ҳокимиятидан қуйидагиларни талаб қилади,

1. Туркистонда миллий ва маданий мухторият.
2. Дин эркинлиги.
3. Халқ қозиларининг халқ томонидан сайланиши.
4. Вақф ерлари ва пулларини ерли халқ одатларича юргазиш.
5. Ер-сувни бурунги эгаларига қайтариш.
6. Молларни текшириш ва ҳукумат иҳтиёрига мусодара этишни тўхтатиш.
7. Шаҳарлараро эркин товар юритиш.
8. Эркин савдо.
9. Поездларда эркин юриш.
10. Солиқларни битириш.
11. Қизил қўшинлар талончилигини тўхтатиш[3].

---

[1] Верин. Мира и хлеба // Красная Фергана. 1921. № 92.
[2] Туркестанская правда. 1922. № 86.
[3] Босмачилар билан сулҳ музокаралари // Фарғона. 1921, №43: 15 сентябрь.

Қўрбоши Мадаминбек эса генерал Монстров ("крестьянлар армияси қўмондони) билан иттифоқчилик шартномаси тузиш мақсадида олиб борган ёзишмаларида унинг мақсади "большевиклар хукуматини ағдариб, хокимиятни умумий, тенг, яширин ва тўғридан-тўғри овоз бериш асосида сайланган халқ вакилларига бериш" эканини таъкидлаган".[1]

Совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган кучлар "аввал Қўқон мухториятининг сиёсий шиорларини, кейинчалик эса Туркистонни миллий жиҳатдан озод қилиш, диний эътиқод эркини ҳимоя этиш каби мустақил шиорларни майдонга ташлаганлари" таниқли арбоб Т.Рисқулов томонидан ҳам кўрсатиб ўтилган[2]. Бу фикрлар ҳукмрон миллатга мансуб замондош тадқиқотчилар томонидан ҳам қайд этилган.[3]

Расмий ҳужжатлар ҳам бу маълумотларни яна бир карра тасдиқлайди. Масалан, Туркистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг тарғибот бўлими шарҳларида бу кураш "...умуммиллий ҳаракат бўлиб, аҳолининг кўпчилиги қўллаб-қувватлагани,...унинг шиори миллий озодлик,аҳоли турмушининг дахлсизлигини ҳимоя этиш, уламолар ҳуқуқини сақлаб қолиш бўлгани" кўрсатиб ўтилади.[4]

Яна бир расмий ҳужжат - қўмондон Шермуҳаммадбекнинг большевикларга қарата эълон қилган қуйидаги "Мурожаатнома"си кураш иштирокчиларининг мақсадларини жуда содда ва аниқ ифодалаб беради: "Большевиклар! Сиз ўз

---

[1] Козловский Е. За красный Туркестан. Т.: 1926. Б.44.
[2] Рисқулов Т. Туркистонда босмачиликни йўқотиш масаласи // Туркистон. - 1923. 1 июль. №151.
[3] Скалов Г. Социальная природа басмачества // Коммунист. 1922. №7-8. (август-сентябрь).
[4] Современное положение басмачества // Туркестанская правда.1922. №19.

дўстларингизни ашаддий душманларингизга айлантирдингиз! 1918 йилдан бери қанчадан қанча вайроналик, курбон-ўлим келтирдингиз, адолатсизликлар қилдингиз! Нима яхшилик, каромат кўрсат-дингиз? Аҳолини хонавайрон этиб, қирғин қилганингизми? Фарғонани кўп миллионли аҳолисини йигитларга (улар ўзларини шундай атаганлар - Д.З.) айлантирган сабаблар шунда. Бизни дахлсиз қолдиринг, шунда биз тинчиймиз".[1]

Юқорида қайд этилган расмий ва норасмий манбаларнинг бар-часи совет ҳокимиятига қарши кураш фронтининг мақсад ва шиор-лари миллий озодлик, диний эътиқод ва хусусий мулк дахлсизлиги, мустақил ва анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолишдан иборат бўлганлигини якдиллик билан тасдиқлайди. Бир-биридан мутлақо бехабар ҳолда, турли вазиятларда эътироф этилган бу манбаларда келтирилган фикр-мулоҳазалар, маълумотларнинг бу қадар якдиллиги ва бир-бирини тасдиқлаши ҳақиқатга энг ҳаққоний гувоҳ бўлиб, уни инкор этиш ёки тан олмаслик, қоралашга хеч бир куч қодир эмас, чунки воқеаларнинг замондошлари тарихий ҳақиқатнинг энг ишончли гувоҳи ва одил хакамидирлар.

Юқорида қайд этилган маълумотлар асосида хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, "босмачилар" сифатида қораланганлар аслида миллий мустақиллик, дин, урф-одатлар ҳамда хусусий мулк дахлсизлиги, савдо эркинлиги каби умуммиллий ва умумхалқ аҳамиятига молик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий миллий манфатлар ҳимоясига отланган ҳақиқий ватанпарварлар эдилар.

---

[1] А. К-ов. Два голоса: Прокламация "победеносного" начальника войск Ислама Бек Шермухаммеда (Курширмата). // Еженедельник политработника. - 1921. №5. (16 январь).

Курашнинг куч манбаи. Кураш фронтининг асосий кучлари хусусида энг аввало матбуотда қайд этилган қарашларни қайд этиш лозим. "Минглаб ишсиз қолган пахта заводларининг ишчилари, иқтисодий бухрон орқали кўчада қолган минглаб чорикорлар, мардикорлар ҳам ишчилар билан босмачи тўдаларини қувватлантирур".[1]

"...босмачиликни маҳаллий буржуазия ва бойлардан ташқари маҳаллий деҳқонлар оммаси, чорикорлар, майда савдогарлар, косиблар тоифаси қўллаб-қувватламоқда".[2]

"...1918-1919 йилларда босмачилик зулм ва эксплуатацияга қаршилик сифатида бой ва камбағаллар томонидан қўллаб-қувватланди".[3]

"*...босмачилик кучаймоқда... ҳар бир бой, уламо, рус кулоқларининг уйи босмачилар қароргоҳи бўлиб қолди. Қизил аскарлар Фарғонанинг барча мусулмонлари босмачи эканлигини таъкидламоқдалар...*".[4]

Бу маълумотлар расмий манбалар, ҳужжатларда ҳам, маъсул шахсларнинг чиқишларида ҳам тасдиқланади. Масалан, Фарғона водийсида совет ҳокимиятига қарши кучлар билан кураш олиб борган биринчи № Кавказ дивизияси бригадаси сиёсий бўлими мудири К.Золоторев ўз кузатишлари асосида "маҳаллий аҳолининг бизни разведка (яъни қизил армия разведкаси - *Д.З.*) саволларига жавоб бермай, жим туриши ва айни пайтда "узун қулоқлар" орқали босмачиларга тез ва яшин

---

[1] Босмачилик қайдан чикди ҳам унинг билан кураш // Фарғона. - 1921. № 18. (2 июля).

[2] Гр. Кин. Ликвидация басмачества // Еженедельник политработника. - 1920. №1. (14 ноября).

[3] Современное положение басмачество. Тезисы Агитпроп ЦК КПТ // Туркестанская правда. - 1922. №19.

[4] Еженедельник политработника. 1921. №6. (31 января.)

тезлигида хабар етказиб туриши аҳолининг хайрихоҳлиги улар тарафида эканидан дарак беради" деган хулосани билдиради.[1]

Фарғонадаги ҳарбий дала экспедицияси раҳбари А.Лебедев 1921 йилда вилоятга қилган сафари чоғида "босмачилик оммавий ҳаракат тусини олгани"ни гувоҳи бўлганини таъкидлайди.[2]

Расмий манбаларда, масалан Туркистон фронтининг ҳарбий сиёсий аҳволи ҳақида тайёрланган ҳисобот ҳужжатида бу ҳақда қуйидаги фикрлар қайд этилган: "Биз уюшган, қуролланган душман билан эмас, балки совет ҳокимиятига душманлик муносабатида бўлган бутун аҳоли билан тўқнашяпмиз... босмачилик халқ урушидир".[3]

"Босмачилик"ка қарши курашувчи алоҳида Комиссия Раиси Қ.Отабоевнинг қайд этишича, «дастлабки пайтларда қизил армия қисмлари билан тўқнашувларда кўп ҳолларда "босмачи-лар" устун келганлар, чунки улар маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланганлар, қўмондонлик ва қизил аскарлар бутун аҳоли "босмачилар"дир, деган хулосага келганлар».[4]

Яна бошқа бир расмий манбада "босмачилар оддий қароқчи эмас, агар шундай бўлганда уларни аллақачон яксон қилган бўлардик. Босмачиларнинг асосий кучи манбаини совет ҳукуматидан ранжиган, азоб чеккан минглаб, юзлаб кишилар ташкил қилади".[5]

---

[1] Еженедельник политработника. 1921. №6. (31 января.)
[2] Ўша ерда.
[3] Военно-политическое положение Туркестана. Т.: 1921. Б.10-11.
[4] Қайғисиз Отабоевнинг қайғулари. Б.81.
[5] ЎзР МДА. 17 фонд. 1 рўйхат. 1187 йиғма жилд. В. 308.

Демак, "босмачилик" деб қораланган кураш фронти маҳаллий аҳолининг барча қатламлари ҳамда турли тоифа вакилларини қамраб олган умуммиллий, умумхалқ ҳаракати бўлиб, халқ томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан кенг қўллаб қувватланган.

Мустабид ҳукуматнинг кураш тактикаси. Бу масалада ўша давр жамоатчилиги томонидан турлича фикр-мулоҳазалар билдирилган. Кураш тактикаси ўзгариб турсада ҳарбий чоралар хеч қачон тўхталмаган. Дастлабки, яъни 1918 йил давоми - 1919 йиллар бошида мустабид совет ҳокимияти ўзига қарши бош кўтарган кучларга ўта шафқатсизлк билан муносабатда бўлиб, талончилик ва оммавий қирғинга зўр берган, ҳатто тинч аҳолини ҳам аямаган, бироқ 1919 йил мартида маҳаллий коммунистлар талаби билан тузилган Ўлка Мусулмонлар бюроси бундай сиёсатни бир оз бўлсада юмшатишга уринган. Чунончи, Мусбюронинг кенгашларида Фарғонадаги кескин муҳокама этилгач, қатор қарорлар қабул қилиниб, Туркистон хукуматидан уларни тасдиқлаб амалга ошириш талаб этилади. Бу қарорларда аҳоли норозилигига сабаб бўлаётган омилларга барҳам бериш, масалан, Фарғонада совет хукумати номидан жинояткорона фаолият олиб борган дашноқларни қуролсизлантириш, совет муассасалари ва партия ташкилотларидаги мустамлакачиларни ҳайдаш, қизил армия қўшинларининг талончилиги, зўравонлигига чек қўйиш, хукуматга қарши курашаётган тўдаларнинг иштирокчиларига умумий авф эълон қилиш ва уларни тўла ҳавфсизлигини кафолатлаш, вайрон бўлган хўжаликларни тиклашга моддий ёрдам бериш, бу ишларни амалга ошириш учун Фарғонага

махсус комиссия жўнатиш каби чора-тадбирлар қўллаш талаб қилинган.[1]

Ўша даврда ўлка сиёсий ҳаётида нуфузи ўсиб бораётган Мусулмонлар бюросининг талаби билан бу қарорлар Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси томонидан тўла гасдиқланган ва вилоятдаги зўравонликларни бир оз бўлсада, жиловлаш имконини берган.

Бироқ Туркистонга 1919 йил кузида В.И.Ленин имзолаган махсус фармон билан тузилган Турккомиссия ташриф буюргач, ҳукумат сиёсати яна кескинлашиб, шафқатсиз тус олган.

1920 йил 15 майда Турккомиссия раҳбарларидан бўлган М.В.Фрунзе босмачилар билан музокараларни тугатиб ҳарбий ҳаракатларни кучайтириш ҳақида қуйидаги буйруқни беради, "Буюраман:... босмачи тўдаларга кирган барча кишилар халқ душмани ва талончи деб ҳисоблансин ва турган жойида отиб ташлансин. Босмачиларга ёрдам берган ёки алоқада бўлган шахслар ва жамият ҳарбий ҳолатнинг энг шафқатсиз чораларига маҳкум этилсин".[2]

Натижада террор авж олиб, "босмачилар"нинг қариндош уруғини гаровга олиш, қаршилик иштирокчиларини қириб ташлаш чоралари қўлланила бошланди. Бу чора тадбирлар маҳаллий аҳолини қийноққа солади, аҳвол кескинлашади, қурбонлар янада кўпаяди.

1920 йил 17 май куни Москвага В.И.Ленин ҳузурига маҳаллий вакиллардан иборат Т.Рискулов бошлиқ Туркистон ҳукумат делегацияси ташриф буюради. Улар Турккомиссияни тугатиш, Туркистон фронти ҳарий инқилобий кенгаши

---

[1] Рыскулов Т. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. 1923. С..65-69.
[2] М.В.Фрунзе на фронтах гражданской войны. М.: 1941. С..306.

ҳукуқларини чеклашни талаб қиладилар, чунки Туркомиссия ва унинг ҳарбий инқилобий кенгаши Фарғонада ўта шафқатсиз чоралар қўллаб, вазиятни янада кескинлаштириб юборган эдилар. Бироқ, марказ ҳукумати бу талабларни инобатга олмади. Аксинча, бу делегация аъзолари Туркистон ҳукумати таркибидан чиқарилиб юборилди ва Фарғонада ҳарбий диктатура ўрнатилди, яъни ҳарбий ҳолат эълон қилинди.

Бироқ бу кескин чора-тадбирлар натижа бермади. Кураш янги тўлқин билан авж олиб кетди.

Табиийки, "босмачилик" деб қораланган миллий озодлик ҳаракатига муносабат, унга қарши кураш масаласи фақатгина давлат аҳамиятига молик муаммо бўлмасдан, бу курашдан четда турган ёхуд маълум даражада алоқадор бўлган замондошларни бефарқ қолдирмади. Уларнинг бу хусусдаги қарашлари имкон даражасида ўша давр матбуотида ўз аксини топди. Ушбу масала юзасидан билдирилган таклиф-истаклар қай даражада инобатга олинганидан қатъий назар, замондошлар қарашлари, фикр-мулоҳазаларини акс эттиргани туфайли эътиборга моликдир.

Совет ҳукуматига қарши умумхалқ курашининг асл моҳиятини тўғри англаган замондошлар унга барҳам беришнинг энг тўғри йўли - уларнинг талаб истакларини қондириш эканлигини англаганлар ва бу уларнинг қуйидаги фикрларида ўз аксини топган: "Босмачиликни... туркий халқларга миллий мухторият бериб,...ўз ҳокимиятларини тузиш асосидагина, миллий масалани ҳал этиш билан бутунлай тугатиш мумкин".[1]

Бу хусусда маслаги, миллаги, дини ва дунёқараши турлича бўлган замондошларнинг хулосалари, таклиф ва мулоҳазалари

---

[1] В.К. Басмаческий фронт // Коммунистическая мысль. - 1920. №1.

ҳам турлича бўлиб, улар орасида буюк давлатчилик шовинизми билан заҳарланган, мустамлакачилик руҳидаги миллатчиларнинг қарашлари алоҳида, эл-юрт ғамида ёнган, Ватан ва миллат фидойиларининг талаблари алоҳида ажралиб туради ва албатта миллатидан қатъий назар холисона, ҳаққоний фикр юритганлар ҳам учрайди.

Бу масала 1920 йил охири - 1921 йилларда "Еженедельник политработника", "Красная Фергана" саҳифаларида кескин мунозараларга мавзу бўлди.

Масалан, "Еженедельник политработника" газетасида *"Босма-чиликни тугатиш" мақоласига Гр.Кин деб имзо чеккан* муаллиф "босмачилар тўдаларига қароқчи унсурлардан, маҳаллий буржуазия ва бойлардан ташқари маҳаллий деҳқонларнинг кенг оммаси, шаҳар майда савдогарлари ва косиблари эргашиб, қўллаб-қувватлаб, хайрихоҳлик қиляптилар. Кенг жабҳада ҳужумга ўтилиши "босмачилик"нинг ташқи кўринишини йўқотяпти холос, уни юзага келтирган ҳодисаларни тугатмаяпти. Бошқа йўналишда иш тутиш лозим..."[1] деб ҳисобласа, биринчи Кавказ дивизияси сиёсий бўлим мудири К.Золотарев "Фарғона фронтига ёки бошқача қилиб айтганда босмачилар фронтига биз кўп куч сарфладик... ва очиқ тан олиш керакки, босмачиликни тугатишни яқинлаштириш ўрнига узоқлаштирдик, ...ҳанузгача босмачиликнинг ички моҳияти етарли баҳоланмаяпти, бунга енгилтаклик билан ёндошилмоқда, натижада Врангель ва Деникинларни енган мунтазам Қизил Армия ёмон қуролланган ва унчалик яхши ташкил этилмаган босмачи тўдаларга тенг кела олмаяпти... Фарғонада олиб борилаётган уруш усул ва моҳияти жиҳатидан партизанлик уруши бўлиб,

---

[1] *Еженедельник политработника. - 1920. №1 (14 ноябрь).*

унда ғалаба маҳаллий аҳолининг хайрихоҳлигини қозонган тарафга насиб этади, аҳоли хайрихоҳлиги ўнта ғалабадан тўққизтасини таъминлайди... бу хайрихоҳлик ҳақиқий харбий маънодаги хайрихоҳликдир, маҳаллий аҳолининг бизни развед-кага маълумот бермай уларга тез ва аниқ хабар етказиши бу хайрихоҳлик асосан босмачилар томонидан эканлигидан дало-лат беради, аҳолининг хайрихоҳлиги эса кучли тарафда бўла-ди... Хулоса шуки, аҳолидаги бу кайфиятни енгиш керак",[1] деб таъкидлайди.

Фарғона вилояти ҳарбий инқилобий қўмита Раиси Ю.Кирш "ҳозирги пайтда амалда бўлган ҳарбий диктатура сиёсати Фарғонада совет ҳокимиятини ўрнатиш учун мутлақо наф бермайди. Фарғонага бошқача ёндошув лозим. Ҳарбий фронт ёрдамида босмачилик тугатилади, деган фикр нотўғри. Бундай сиёсат Фарғонани харобга айлантиради. Фарғонани босмачилардан фақат қурол билан тозалаб бўлмайди. Бошқа *усул ва чоралар зарур" деб уқдирса, Фарғона инқилобий* кенгаши ҳарбий дала экспедицияси раҳбари А.Лебедев "хона-вайрон бўлган деҳқонларга, камбағалларга хўжаликни тиклаш учун моддий ёрдам керак, далаларда экишга ёрдам керак, аҳолига ҳеч бир миллий низосиз намунали муносабат керак. Бу айниқса қизил армия қисмларига тегишли..."[2] деб таъкидлайди.

Бундай даъво ва таклифлар мустамлакачилик руҳи қон-қонига сингиб, оддий инсоний ҳис-туйғулардан маҳрум бўлган, Туркистонни қурол ва қон билан бўйсундириш иштиёқидаги амалдорлар томонидан кескин қаршиликка учради. Шулардан бири Г.С. Горчаков бунга шундай муносабат билдиради: "уруш

---

[1] Еженедельник политработника. - 1921. №6 (31 январь)
[2] Еженедельник полиработника. 1921. № 6.

- бу уруш! Унинг мақсади душманнинг моддий ва жонли кучларини кириш ёки қўлга олишдир... бутун ҳокимият марказлаштирилиши ва инқилобий ҳарбий кенгаш қўлида бирлаштирилиши лозим!".[1]

"Красная Фергана" саҳифаларида совет ҳокимиятига қарши фронтни тугатиш масаласида авж олган мунозараларда аҳоли хайрихоҳлигини қозониш, "босмачилар" орасида синфий табақаланиш қилиб, уларни парокандаликка учратиш, совет ҳокимиятига оғдириш ҳақида билдирилган таклифларга жавоб бериб, маҳаллий арбоб Н.Тўрақулов киноя билан шундай фикр билдиради, "...босмачилар оддий ўғрилар эмас.. маҳаллий аҳолининг таянчи лозимлигини энди тушуниб қолдингизми? бу ҳақда 1918,1919, 20 йиллар бошида ўйлаб кўрмаганмидингиз? Илгари бундай гаплар Қўқон мухториятига тақалтирилганини ёдингизга солиб қўйиш керакка ўхшайди! Ўтган йил бошида қандай курашганингизни эслатиб қўяйлик. Босмачиларга таҳдидларга тўла атаманча хитоблар билан мурожаат қилиб, уларга қарши шафқатсиз кураш эълон қилдингиз, аҳолидан босмачиларни сотишни, тутиб беришни талаб этдингиз, қўшинларга буйруқни бажармаган қишлоқларни йўқ қилишни буюрдингиз. Қишлоқлар яксон қилинди, аҳоли таланди, айрим тўдалар тарқатилди. Хўш нима бўлди? Босмачилик тугатилдими? Мутлақо йўқ. Ҳаммага маълумки, партизанлик урушида ғалаба найза кучи билан эмас, аҳолининг у ёки бу тарафга муносабати билан таъминланади".[2]

Умуман, матбуотда бу масалада билдирилган бу таклиф мулоҳазаларнинг бир қисми вазиятни кескинлаштириб,

---

[1] Еженедельник полиработника. 1921. №7. (15 январь).
[2] Красная Фергана. 1921. №74.

"босмачилик"ни қурол кучи билан тугатишни, иккинчи қисми иқтисодий, сиёсий чоралар кўриб, муроса йўлини тутишни, учинчи қисми эса ташвиқот асосида босмачилар орасига парокандалик киритиб, енгишни назарда тутар эди. Тарих кўрсатадики, ҳукумат имкон даражасида зўрлик, бузғунчилик йўлини тутган, "дўппи тор" келиб, кураш кескинлашиб авжига чиққанда, маҳаллий коммунистлар зўри билан муросага, вақтинчалик, юзаки, арзимас ён беришларга мажбур бўлган.

Совет ҳукуматига қарши кураш олиб бораётган кучлар ҳам бу курашга барҳам бериб, тинч ҳаётга қайтишни истаганлари шубҳасиз. Бегуноҳ қурбонлар, вайроналик, ўлкага очлик ва кирғин келтираётган уруш ҳаракатларини тўхтатиш учун маълум шартлар асосида сулҳ тузишга рози бўлган йирик қўрбошилар ожизлик, кучсизликдан эмас, эл-юрт ғамини еб, ҳукуматни музокараларга чорлаганлар, амалий таклифлар билан мурожаат этганлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Халқ Комиссарлари Кенгаши Раиси Қ.Отабоевнинг қайд этишича, 1921 йил августида Фарғона фронти сардорлари совет ҳокимиятига расмий мурожаат билан чиқиб, тинч музокаралар таклиф этганлар, хўжалик, сиёсий ва диний масалалар бўйича шартлар қўйганлар.[1]

Аммо совет ҳукумати бу шартларни қабул қилмаган. 1921 йил 1 сентябрда қўрбоши Шермуҳаммадбек билан бўлиб ўтган музокараларда таклиф қилинган шартлар ҳам совет ҳукумати томонидан қондирилмаган. Кейинчалик кураш тўлқини пасаймагач, бу талабларнинг бир қисми юқорида қайд этилганидек, "сиёсий ён беришлар" сифатида вақтинчалик чора

[1] Қайғисиз Отабоевнинг қайғулари // Ўзбегим. Т.: 1992. Б.83.

сифатида амалга оширилади. Ён беришлар - вакф ерларини қайтариш, қози маҳкамаларини тиклаш, мачит мадрасалар очишга рухсат каби чоралар бўлиб, иқтисодий, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирлар эди. Миллий масалада ҳукумат миллий низоларга, ихтилофларга чек қўйиш, маҳаллий тилда бошқарувни жорий этиш тадбирларини қўлласада, миллий-озодлик масалалари ушалмас орзу бўлиб қолаверди. Бу масалалар синфий кураш, инқилоб ғоялари соясида кўмиб юборилди. Шу туфайли кураш давом этаверди ва 1922 йилда яна авж олди. Унга қарши кураш яна кун тартибининг муҳим масаласи, мавзуси бўлиб қолди. Айниқса ҳарбий матбуот бу масалага катта ўрин берди - мақсад қизил армия аскарларини курашга илҳомлантириш эди. Армия сафлари асосан мусулмон бўлмаганлар - руслар, украинлардан иборат бўлиб, уларни курашга сафарбар этиш учун сиёсий, ғоявий ташвиқот авж олдирилди. Қизил армия қисмларида махсус уюштирилган "сиёсий соат"ларда, суҳбатларда совет ҳокимиятига қарши курашнинг келиб чиқиш сабабларига мутлақо тўхталмаслик, бутун эътиборни бу фронтни қисқа муддатда тугатиш заруриятига қаратиш асосий вазифа эканлигини уқдириш лозимлиги" кўрсатилади.[1]

Курашда ватанпарварлик ҳислари ҳал этувчи омиллардан бири эканлигини миллий озодлик учун курашаётган Туркистон халқлари мисолида яхши англаган қизил армия кўмондонлиги рус, украин солдатларида бу ҳисларни уйғотиш учун шундай суҳбатлар ташкил этади:

"Туркистоннинг бойлиги нима?

---

[1] *Красная Казарма.* 1922. №2.

- Пахта, ундан Украина, Россияда чит тўқилади. Биз Туркистондан ажрасак, читдан ажраймиз.

- Рус қишлоқлари нега яланғоч?

- Фарғона пахта етиштирмаяпти.

- Нега?

- Босмачилар йўл қўймайди.

Туркистон Совет Россиясини пахта билан таъминлаши учун босмачиларни яксон қилиш керак. Туркистон хўжалигини тиклаш учун кураш - Россия хўжалигини тиклаш демакдир. Босмачиларни янчиш ўз - қишлоғингиз, ўз оилангиз мануфактураси учун курашдир".[1] Шу тариқа украин, рус солдатлари Туркистонда ўз юртларига керакли чит учун Туркистон халқларига қарши курашга илҳомлантирилади.

Қизил армия аскарлари билан ўтказилган сиёсий суҳбатлар махсус ташкил этилган деворий газеталар қуйидаги мавзу ва шиорлар остида бўлган: "Қизил армиянинг Фарғонадаги шиори - босмачиларни битта қолдирмай қириш!", "Қизил аскарнинг биринчи бурчи - босмачиликни тугатиш!" "Босмачиликни тугатиш учун аҳоли билан иттифоқ зарур!", "Босмачиларни тугатиш чит беради, читни қишлоқларга (рус қишлоқларига - Д.З.) етказамиз!".[2]

Бу ташвиқотлар, даъват ва шиорлар, айни пайтда совет ҳукуматининг нафақат ҳарбий, балки иқтисодий режалари ва мустамлакачилик манфаатларини ҳам ифодалар эди. Туркистон фронти қўмондони М.В.Фрунзе ҳам ўз ўрнида бу ҳақда шундай деган эди:"Босмачиликни тугатиш вақти етди... Шуни ҳам унутмаслик керакки, Фарғона фабрикаларни (яъни

---

[1] Красная Казарма. 1922. №2 (20 ноябрь).
[2] Красная Казарма. 1924. №20, 15 октябрь.

Россия фабрикаларини - Д.З.) халқни кийинтириш учун пахта билан таъминлайди".[1]

М.В.Фрунзенинг В.И.Ленинга юборган қуйидаги телеграммасининг мазмуни Фарғонада тинчлик ўрнатиш, «босмачилик»ни тугатиш мақсадларини янада аниқроқ ифодалайди:"... ...Марказнинг барча топшириқлари, хусусан пахта жўнатиш ҳақидаги топшириқлари тўхтовсиз бажарилаётганини, тез юрар поездлар жўнатилаётганини қатъий таъкидлайман. *Айрим ҳоллардагина - ишчилар етишмаслиги ва Фаргонадаги* босмачиликни қаттиқ кучайиши сабабли узилиш бўлиши мумкин. Шу муносабат ила фронтга ёрдамни кучайтириш *заруриятига эътиборингизни яна бирбор қаратаман*... Акс ҳолда анчагача пахта таъминотчиси Фарғонани йўқотиб қўямиз".[2]

Туркистонда "босмачилик"ни тугатиш асосида совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш Россиянинг "жаҳон инқилоби" иштиёқини, империячилик манфаатларини қондириш учун ҳам зарур бўлиб, бу ҳақда И.В.Сталин шундай деган эди: "Туркистон ўзининг географик жойлашуви жиҳатидан Россияни Шарқни эзилган мамлакатлари билан боғловчи кўприкдир, ана шуни назарда тутсак, Туркистонда совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш Шаркда инқилоб учун муҳим аҳамиятга эгадир".[3]

Мустабид ҳукумат "босмачилик" деб қоралаган, аслида мустақиллик учун олиб борилган ҳаракатга барҳам бериш тадбирларини қўллашида маҳаллий коммунистлар (ҳукумат аъзолари)нинг тутган йўли ўзига хос бўлиб, улар бу борада имкон доирасида иқтисодий, ижтимоий чораларни амалга оширишга, музокаралар олиб боришга ҳаракат қилганлар.

---

[1] М.В.Фрунзе на фронтах гражданской войны. - М.: 1941. С.308.
[2] М.В.Фрунзе на фронтах гражданской войны. С.282.
[3] Сталин И.В. Сочинения. Т.4. С.236.

Т.Рискулов, Н.Тўрақулов, А.Хидиралиев каби арбоблар амалий таклифлар билан чиқиб, бунга қисман бўлсада эришганлар. Н.Тўрақулов ўзининг "Босмачилик" номли мақоласига "Босмачиликни йўқ қилмоқ ҳаракатида доимо шу қоидани хотирадан чиқармаслик керакки, бир тарафдан уруш фатхиялари тартиб қилиб турилса, иккинчи тарафдан таълим, маориф, ташвиқот ва сиёсат тадбирлари кўрилса, учинчи тарафдан баробар таъмироти умумий ва иқтисод тадбирлари юритилиб турилиши лозимдир"[1] деб таъкидлайди.

Т.Рискулов эса "Туркистонда босмачилар ҳаракатини йўқотиш масаласи"[2] номли мақоласида бу борада хўжаликка доир чоралар сифатида очларга кўмак, деҳқонларга қарз, ер, меҳнат қуроллари, иш ҳайвонлари, уруғлик бериш, суғоришни йўлга қўйиш каби тадбирлар кераклигини, бунга нафақат Туркистон, балки Россия миқёсида маблағ ажратиш зарурлигини кўрсатиб ўтган.

Бу чоралар муҳим зарурият сифатида А.Хидиралиев томонидан ҳам таъкидланади.[3] Бу таклиф ва талаблар тўла бўлмасада, инобатга олиниб, амалга оширилган ҳамда уруш алангасидан вайрон бўлган хўжаликлар, очликка мубтало бўлган аҳолига қисман бўлса-да мадад бўлган. Бироқ бу борада амалга оширилган чора тадбирлар ушбу ҳаракатнинг асосий моҳияти ва мақсадини белгилаб берувчи илдизларни, яъни унинг сабабларини бартараф эта олмади, миллий озодликка имкон бермади.

---

[1] Дарвеш (Тўрақулов Н.) Босмачилик // Фарғона. 1921. №9 (14 июль)
[2] *Рискулов Т. Туркистонда босмачилар ҳаракатини тугатиш масаласи //* Туркистон. 1923. №51 (1 июль)
[3] Хидиралиев И. На помощь разоренному дехкану // Наш путь. 1923. №1 (1 июнь).

Иқтисодий чоралар, "сиёсий ён беришлар" унинг ички моҳиятини ҳал этмади. Бу тадбирлар мустабид ҳукумат ғалабасини ҳам таъминлаб бера олмади. Бу курашни бостиришда асосий ва ҳал қилувчи омил - ҳарбий кураш бўлиб, ғалаба совет ҳукуматининг моддий ва ҳарбий имкониятларининг устунлиги билан таъминланди.

Курашнинг бош ва асосий сабаби - Туркистон халқларига миллий озодлик бериш масаласи ҳал бўлмагани туфайли бу кураш 30 йилларнинг ўртасига қадар турли кўринишларда давом этди.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, "босмачилик" деган тухмат тамғасига учраган, мустабид совет ҳокимияти ҳукмронлиги ва зулмига қарши мустақиллик учун олиб борилган кураш хусусидаги ижтимоий сиёсий қарашлар ушбу воқеалар ҳақидаги замондошлар хотираси, таассуротлари, фикр мулоҳазаларини *акс эттириб, ҳақиқатга гувоҳлик беради, уни аниқлашга хизмат* қилади.

Замондошларнинг гувоҳлик беришича бу кураш мустабид совет давлатининг Туркистондаги мустамлакачилик, зўравонлик, талончилик фаолиятига қарши ўлка аҳолисининг табиий ва қонуний қаршилиги, жамиятнинг барча қатламларини қамраб олган умумхалқ кураши эди. Бу курашда миллий манфаатлар диний эътиқод ва хусусий мулк даҳлсизлиги, савдо эркинлиги ва умуман, анъанавий турмуш тарзини сақлаб қолиш, умумиллий манфаатлари Ватан, оила, рўзғорни ҳимоя қилиш мақсадлари кўзланган. Кучлар нисбати тенг бўлмагани туфайли узоқ ва қонли жанглар билан давом этган бу кураш шафқатсиз бостирилган.

Маслаги, дини, миллати, мақсади турлича бўлган замондошларнинг фикр-мулоҳазалари мужассамланган ижтимоий-сиёсий қарашлар буни якдиллик билан эътироф этиб, тўла тасдиқлайди.

Хўш, тарихий ҳақиқатнинг энг ишончли гувоҳи ва одил хаками бўлган замондош жамоатчиликнинг ҳаққоний эътирофлари ушбу муҳим тарихий ҳодисалар тарихини яратишда қай даражада эътиборга олинди? Тарихий ҳақиқатни тиклашда бу муҳим манбалардан қай даражада ва қандай асосда фойдаланилди? Улар ўзининг ҳаққоний, холисона илмий баҳосини ололдими? Илмий қарашларнинг шаклланишида ижтимоий-сиёсий қарашлар қандай ўрин тутди?

Бу масалаларни қуйидаги бобларда муаммо тарихшунослигининг таҳлили мисолида аниқлаштириш мумкин.

II- Б О Б

МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ СОВЕТ ТАРИХШУНОСЛИГИ: ҒАЙРИ-ИЛМИЙ КОНЦЕПЦИЯ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Маълумки совет тарихшунослиги 70 йилдан ортиқ, зўрлик билан ҳукм сурган, ўнлаб халқлар, миллатларни фожеали инқироз ёқасига олиб келиб,тарих саҳнасини шармандаларча тарк этган совет давлати ва тузуми манфаатларига хизмат қилишга мослаштирилган, марксча-ленинча таълимот ва коммунистик мафкура ақидаларига асосланган бўлиб, унинг *бош ва асосий мақсади халқлар тарихини эмас, синфлар ва* синфий кураш тарихини яратиш, ҳаётий бўлмаган ва жамият тараққиёти қонунларига зид бўлган ҳаёлий таълимот - коммунизм ғояларини улуғлаш, уни тарихий муқаррар зарурият сифатида кўрсатиш бу тузумни СССРнинг сохта ютуқлари мисолида тарғиб этиб, нафақат совет халқига, балки бутун инсониятга сингиришдан иборат эди. Шу мақсадларга хизмат қилиш ҳақиқатга зид сохта тарихни сунъий равишда яратиш учун совет тарихшунослигида илмийлик, ҳаққонийлик ва холисликдан йироқ бўлган, синфийлик, партиявийлик, марксча-ленинча дунёқараш асосларидан иборат тамойиллар, тадқиқот усуллари қарор топти-рилган бўлиб, бутун жаҳон тарихи, шу жумладан *Ўрта Осиё халқлари тарихи* ҳам шу мезонда талқин этилар эди.

Ўрта Осиё халқларининг миллий-озодлик учун олиб борган курашларининг совет тарихшунослигидаги талқини ҳам юқорида қайд этилган мақсадларга ва тамойилларга мослаштирилган эди.

Халқнинг бутун орзу-армонларини акс эттирган, унинг турли қатламларини қамраб олган, қанчадан қанча талафотлар ва қурбонлар билан кечган, мустабид тузум зўравонлиги ва зулмига қарши қаратилган бу курашлар тарихини шу ҳукмрон давлат, манфаатларига мослаштирилган синфий, марксча-ленинча талқини ҳақиқатни тўлиқ акс эттирмаганлиги шубҳасиз, лекин бу сохта тарих халқни ҳам қониқтирмаган. Халқнинг онгида, қалбида, ҳаётида чуқур из қолдирган кураш воқеаларининг совет тарихшунослигидаги талқини ҳақиқатни қай даражада акс эттирган эди? Бу курашлар тарихи, яъни ўзининг қонли кечмишини сохталаштирилишига халқ қандай муносабатда бўлди? Тарихий ҳақиқатни сохталаштириш жараёни қандай кечди? Бу сохта тарих қандай манбаларга асосланган ва воқеалар моҳиятини қандай баҳолаган эди? У қандай мақсадларга ва манфаатларга хизмат қилиши лозим эди? Ва ниҳоят, совет тарихшунослигининг илмий қиммати ва қиёфаси, тадқиқот усуллари қандай эди? Совет тарихшунослигидаги миллий озодлик учун кураш масалаларининг талқинига бағишланган адабиётлар, тадқиқотларнинг холисона таҳлили нафақат юқорида қайд этилган саволларга, балки тарихий ҳақиқатни тиклашга ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

1-§. 1916 йил қўзғолонининг большевикча-ленинча концепцияси

1916 йил қўзголони совет тарихшунослигида 20 йиллардаёқ алоҳида диққат эътибордаги мавзу мақомини олиб, 90 йилларга қадар ўз долзарблигини йўқотмади. Бунинг бир неча объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб улар асосан қуйидагилардан иборат эди:

1. 1916 йил қўзғолони XX аср бошида Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлган энг муҳим тарихий ҳодиса бўлиб, совет тарихшунослиги бу муаммони четлаб ўта олмас эди. Бу қўзғолон Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг хотираси, онги, дунёқараши ва ҳаётида чуқур из қолдирган, оғир иқтисодий ва демографик асоратлар, жисмоний ва моддий талафотлар билан тугаган бўлиб, улар учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга ҳодиса эди. *Халқнинг бу воқеа ҳақидаги аламли хотиралари, амалга ошмай* қолган армонлари, орзу истаклари жуда кучли бўлиб, қўзғолоннинг мағлубияти аччиқ сабоқ бўлган бўлса, кураш тажрибоси ўз кучига ишонч уйғотган эди.

2. 1916 йил қўзғолони мустамлакачилик истибдодига, мустабид давлат зулми ва ҳукмронлигига қарши қаратилган эди. Мустабидликда ва мустамлакачиликда Россия империясининг давомчиси, мероскўри бўлган совет давлати эса бундай ҳодисанинг такрорланишидан мутлақо манфаатдор бўлмаганлиги туфайли бу қўзғолон ҳақидаги халқ хотиралари ва тасаввурларини ўзгартириш, яъни уларни ўзи учун "зарарсиз-лантириш" мақсадини кўзлар эди, чунки 1916 йил қўзғолони мустабид давлатга қарши курашнинг юксак намуналаридан бири сифатида халқ онгида ва қалбида миллий манфаатлар, озодлик учун кураш хисларини алангалатиб юбориши шубҳасиз эди.

Ушбу муаммо совет тарихшунослигидаги энг долзарб муаммо сифатида ҳамиша диққат эътиборда бўлиб келди, юзлаб мақолалар ўнлаб монографиялар, катор илмий анжуманларга мавзу бўлди. Унинг большевикча, марксча-ленинча талқини яратилиб, йиллар давомида сайқал бериб борилди, бундай талқин ҳақиқатни тўла акс эттирмасада, зўрлик билан қарор

топтирилиб, нафақат илмий жамоатчилик, балки кенг халқ оммаси онгига сингдирилиб борилди.

1916 йил қўзғолонининг большевикча, марксча-ленинча талқини ушбу тарихий ҳодисанинг асл моҳиятини қандай баҳолаган эди? У ҳақиқатни қай даражада акс эттирган? Илмий тадқиқот тамойилларига, манбаларга қай даражада амал қилган? Бу масалаларни аниқлаш мақсадида жуда катта ҳажмдаги совет адабиётларининг ҳар бирини беистисно таҳлил этиш учун зарурият ҳам, ҳожат ҳам йўқ, чунки уларнинг 30 йиллардан кейин нашр этилганлари ягона андозада яратилган. 20 йиллардаги аксарият нашрлар эса ниҳоятда зиддиятли бўлиб, ҳатто бир асар муаллифи ўзининг фикрига ўзи зид бориб, уни инкор этиш даражасида чалкаш фикр юритиши, манбаларга эмас, пуч даъволар ва тахминий мулоҳазаларга таяниши бундай таҳлилни ниҳоятда чигаллаштиради. Шу туфайли совет та-рихшунослигини тадрижий тартибда, аниқ масалалар бўйича, муҳим ва характерли адабиётлар мисолида таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадрижий ва мазмун жиҳатидан олиб қараганда 1916 йил қўзғолонининг совет тарихшунослигидаги талқини қуйидаги асосий босқичларни босиб ўтган:

I. 20 йиллар - 1916 йил қўзғолони ҳақидаги илк илмий қарашларнинг шаклланиши ва уларни синфийлаштириш йўлидаги дастлабки уринишлар.

II. 30-50 йиллар - 1916 йил қўзғолони ҳақидаги "большевикча концепция", яъни муаммонинг большевикча талқини андозасининг ишлаб чиқилиши ва унинг мажбурий қарор топтирилиши.

III. 50-80 йилларнинг биринчи ярми - 1916 йил қўзғолони ҳақидаги марксча-ленинча баҳонинг юксак даражада сиёсатлаштирилиши, синфийлаштирилиши ҳамда унинг тарих фани, адабиёт, санъатда қарор топтирилиши.

IV. 80 йиллар охири - тарихий ҳақиқат сари илк одимлар.

Биринчи босқич, яъни 20 йиллар ўз навбатда иккига бўлинади:

1. 20 йилларнинг 1 ярми - 1916 йил қўзғолони тарихини ўрганиш йўлидаги илк тажрибалар. Илмий қарашларнинг шаклланиши.

2. 20 йилларнинг II ярми - 1916 йил қўзғолонини синфий кў-раш сифатида кўрсатишга уринишлар ва бунга қарши муносабат.

20 йилларнинг биринчи ярмида 1916 йил воқеалари тарихини ёритишга илк бор жиддий ёндошиб, бу мавзуга доир дастлабки илмий қарашларнинг шаклланишига муносиб ҳисса қўшган муаллиф Еттисув вилоятидаги ғалаёнлар иштирокчиси ва гувоҳи Турор Рискулов эди. Унинг бу мавзуга доир изланишларини совет тарихшунослигининг илк намуналари эмас, илмий тадқиқотнинг дастлабки тажрибалари сифатида эътироф этиш лозим, чунки бу даврда совет тарихшунослиги ҳали шаклланиб улгурмаган бўлиб, Т.Рискулов воқеалар замондоши бўлган бир тадқиқотчи сифатида ўзи гувоҳ бўлган тарихий ҳодисани илмий асосда ёритишга, баҳолашга уринади. Гарчи совет ҳокимиятининг раҳбарларидан бири сифатида ўзи яшаётган тузум, қарор топаётган мафкуранинг синфий моҳиятини яхши англасада, 1916 йил воқеалари моҳиятини баҳолашда унда синфий дунёқараш устуворлиги кузатилмайди.

Т.Рискулов ўз таассуротлари, хотиралари ҳамда илк бор илмий истеъмолга киритилган тарихий ҳужжатлар - архив

маълумотлари асосида 1916 йил қўзғолони моҳиятини баҳолаб, шундай хулосага келади: "Фронт орти ишларига сафарбар этиш ҳақидаги фармон қўзғолонга баҳона бўлди, холос. Подшо зулмига қарши қаратилган бу қўзғолоннинг асосий сабаблари Туркистонда чоризмнинг 50 йиллик узлуксиз мустамлака зулми натижасида юзага келган чуқур иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар эди".[1]

1916 йил қўзғолони ҳақидаги бор ҳақиқатни, унинг моҳияти ва сабабларини жуда қисқа, аниқ, тўғри ва лўндагина ифодалаб берган бу хулоса аслида ушбу тарихий ҳодиса ҳақидаги илмий қарашларга асос солиб, пойдевор, замин ҳозирлади. Гарчи мақола 1916 йил воқеаларининг Еттисув вилояти худуди мисолида ёритсада, муаллиф 1916 йил қўзғолони ҳақида Туркистон доирасида хулоса қилади. Ушбу мақолада Т.Рисқулов статистика бошқармасидан олинган маълумотлар асосида Еттисув аҳолисининг қўзғолон ва уни бостирилиши давомида кўрган моддий, жисмоний талафотлари, хукуматни 1916 йил 25 июнда қабул қилган фармон ижроси билан боғлиқ чора-тадбирларини илк бор аниқ фактлар билан ёритиб, муаммонинг илмий нуқтаи-назардан ўрганилишига асос солади.

20 йилларнинг биринчи ярмида 1916 йил қўзғолони ҳақида чоп этилган бошқа мақолалар ҳам асосан Еттисув вилоятидаги воқеаларга бағишланган бўлиб, бу ҳол бежиз эмас эди. Чунки Еттисув вилояти 1916 йил қўзғолонлари ниҳоятда кескин, шиддатли тус олиб узоқ давом этган, мустабид хукуматнинг шафқатсиз ўч олишига дучор бўлган бўлиб, бу ҳол ниҳоятда оғир иқтисодий, демографик оқибатларга сабаб бўлган, унинг

---

[1] Рисқулов Т. Из истории борьбы за освобождение Востока // Новый Восток. 1924. Кн.6. С.268.

бостирилиш жараёнида аҳолига жуда катта моддий ҳамда жисмоний талафот етказилган эди. Уларнинг асоратлари 20 йиллар ўртасида ҳам ҳали тугатилмаган, халқнинг алами, хотира-си ва дарди хали янги, турмуши ниҳоятда оғир эди.

Г.И.Бройдонинг мақоласи ҳам Еттисув воқеаларига бағишланган бўлиб, унга замондошларнинг шахсий фикр-мулоҳазаси сифатида юқорида тўхтаб ўтилган. Бу ўринда унинг қайд қилинишига сабаб, Г.Бройдонинг 1916 йилдаги ўз кўрсатмаларига 1924 йилда ёзган сўзбошиси унинг ушбу муаммога ёндошувини, бу ҳақда орадан 8 йил кейин билдирган қарашларини кўрсатиб берди. Унда муаллиф ўзининг юқорида қайд этилган "қўзғолон атайин уюштирилганлиги" ҳақидаги нотўғри, чекланган мулоҳазани илраи суради[1].

Қўзғолон гўё атайин уюштирилганлиги ҳақидаги бундай асоссиз мулоҳазалар 1916 йил қўзғолонига доир бутун Туркистонга оид маълумотлар ошкор бўлиб бориши билан барҳам топди. Уларнинг чекланган, асоссиз эканлиги кейинчалик бошқа муаллифлар (А.Шестаков, Е.Федоров) томонидан ҳам таъкидлаб ўтилди.[2]

20 йилларнинг биринчи ярмида 1916 йил воқеалари ҳақида илгари сурилган нотўғри мулоҳазалардан яна бири А.Миклашевскийга мансуб бўлиб, унинг таъкидлашича "қўзғолон нафақат рус ҳукумати, балки барча русларга қарши қаратилган эди".[3]

---

[1] Бройдо Г.И. Материалы к истории восстания киргиз в 1916 году // Новый Восток. 1924. Кн.6. С.434.

[2] Федоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. Т.: 1925. Б.55; Шестаков А. Восстание в Средней Азии в 1916 г. (к десятилетию события). // Историк-марксист. - М.: 1926. С.84-114.

[3] Миклашевский А. Социальные движения 1916 г. в Туркестане // Былое -Л.: 1924. №27-28. С.255.

А. Миклашевский ўз мулоҳазаларини аниқ фактлар билан эмас мустабид маъмуриятнинг адолатсиз миллий сиёсати билан асосламоқчи бўлади, бу миллий сиёсат миллий низоларга олиб келиши муқаррар эди, деб таъкидлайди. Хукуматнинг адолатсиз миллий сиёсатини мутлақо инкор этмаган ҳолда шуни қайд этиш лозимки, айрим жойлардагина хукумат айби билан содир бўлган миллий низолар 1916 йил қўзғолонида оммавий гус олмаган, қўзғолончилар тинч рус аҳолиси билан эмас, мустабид хукумат қўшини билан тўқнашганларини тарихий фактлар, ҳатто рус маъмурлари ҳам алоҳида таъкидлайдилар[1]. Тарихий ҳақиқатга эмас, юзаки ва тахминий мулоҳазаларга, чекланган, алоҳида истисно тарзида содир бўлган ҳолатларга асосланган бундай мулоҳазалар бошқа замондошлар томонидан қўллаб-қувватланмади, чунки улар ҳақиқий аҳволни акс эттирмас эди.

Е.Федоровнинг 1925 йилда чоп этилган Ўрта Осиёда миллий озодлик ҳаракати тарихига оид асарида ҳам 1916 йил қўзғолонига алоҳида тўхтаб ўтилган. Асарда 1916 йил воқеалари Туркистонда XIX асрнинг сўнгги чорагидан бошланиб давом этиб келаётган миллий озодлик курашининг энг йирик ва муҳим кўриниши сифатида баҳоланган бўлиб, қўзғолоннинг муҳим воқеалари аниқ фактлар асосида баён этилади.[2] Муаллиф қўзғолоннинг оммавий тус олганини, миллий-диний эркинлик мақсадларини кўзлаганини таъкидлайди, қўзғолончиларнинг қуролсиз, умумий раҳбарсиз бўлганлиги туфайли енгилганларини кўрсатиб ўтади. Шу тариқа 20 йилларнинг биринчи ярмидаёқ Т.Рисқулов, Е.Федоров тадқиқот-

[1] Восстание 1916 года в Среней Азии. Сборник документ. Т.: 1932. С.49.
[2] Федоров Е. Очерки национально-освободительного двжения в Средней Азии. Т.: 1925.

ларида 1916 йил қўзғолони ҳақидаги илмий қарашларга асос солинди. Илк бор тарихий манбалар илмий истеъмолга киритилиб, қўзғолоннинг миллий озодлик характерини эътироф этиш, тан олишга асос бўлди.

Шу билан бирга, 20 йилларнинг биринчи ярмида 1916 йил қўзғолони ҳақида юқорида қайд этилган чекланган, юзаки ва тахминий мулоҳазалар ҳам илгари сурилди, лекин улар ҳақиқий аҳволга зидлиги, асоссизлиги туфайли бошқа муаллифлар, замондошлар томонидан тан олинмади, танқид остига олинди ва тезда барҳам топди.

Бу даврда яъни 20 йилларнинг биринчи ярмида илмий қарашларга асос солган тадқиқотларнинг ўзига хос *хусусиятларидан бири муаммога тарихийлик нуқтаи-назаридан* ёндошишига уриниш, синфий таълимот таъсиридан, таъзийқлардан халос ҳолда эркин мушоҳада юритишга уриниш эди. Бундай фикрлашга маълум даражада имконият ҳам мавжуд эди, чунки бу йилларда ижтимоий-сиёсий ҳаётда қарор топа бошлаган синфий кураш таълимоти маънавий соҳада ҳали ҳукмга ўтмаган эди. Эндигина шакллана бошлаган совет тарихшунослигида синфий кураш таълимотининг таъсири сезилиб турсада, ҳали мустаҳкам қарор топиб улгурмаган эди. Бу жараён 20 йилларнинг иккинчи ярмида авж олиб кетди.

20 йиллардаги нашрлар, тадқиқотлар таҳлилидан намоён бўлишича, бу даврда эндигина шаклланаётган совет тарихшу-нослигига синфий қарашлар, синфий кураш таълимотини сингдиришда 1920 йилда Россияда, 1921 йилдан эса Туркистонда ўз фаолиятини бошлаган партия тарихи комиссиясининг роли беқиёс бўлган.

Ушбу комиссия намояндалари 1916 йил қўзғолони тарихига 20 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб алоҳида эътибор қаратдилар, чунки бунга қадар бу комиссия назоратисиз юз кўриб улгурган тадқиқотлардаги хулосалар ва қўзғолонга берилган таъриф болъшевикча мафкура тарғиботчиси бўлган бу комиссияни сира қониқтирмас эди. Бу эътибор 1916 йил қўзғолонининг 10 йиллигини нишонлаш муносабати билан аниқ намоён бўлди.

Энг аввало қўзғолоннинг ўн йиллиги муносабати билан партия тарихи комиссияси томонидан махсус шархлар *тайёрланиб, ВКП(б) Ўрта Осиё бюросининг тарғибот-ташвиқот* бўлимига халқ орасида оммалаштириш учун топширилади[1]. Айнан шу шархлар 1916 йил воқеаларига синфий нуқтаи-назардан ёндошишнинг илк намунаси бўлди. Гарчи шархларда ғалаёнлар оммавий тус олгани, мустамлакачилар ҳокимиятига қарши курашга, айрим жойларда эса қуролли қўзғолонларга айланғани эътироф этилиб, мустабид ҳукумат фаолияти қоралансада, 1916 йил воқеаларининг моҳияти, қўзғолончилар-нинг ижтимоий таркиби, мағлубият сабаблари мутлақо синфий асосда талқин этилади. Масалан, қўзғолоннинг енгилиш сабаблари унда қўзғолончилар дастури ва пролетариат раҳбарлиги йўқлиги билан изоҳланиб, деҳқон ва чорвадорлар «ишчиларсиз кураша олмаслиги,... улар бошчилигисиз ғалабага эришиш мумкин эмаслиги» таъкидланади. Шархларга "1916 йил қўзғолонидаги синфий кураш таҳлили" номли махсус боб киритилган бўлиб, унда 1916 йил воқеаларидаги турли тоифа вакилларининг роли синфий нуқтаи

---

[1] Божко Ф. Восстание 1916 года в бывшем Туркестане. К 10-летию *восстания (материалы для докладчиков). - Т.: 1926.*

назардан таҳлил этилади. Чунончи, мулкдорлар синфининг қўзғолондаги иштироки уларнинг моддий манфаатлари, мансаб ва ҳукмронликка интилишлари билан изоҳланади, "мулкдорлар 1916 йил воқеаларидаги иштироки билан қўзғолоннинг синфий моҳиятини хаспўшлаб, бузиб юборганликда, уни умуммиллий ҳаракатга айлантир-ганликда" айбланадилар. Шу тариқа қўзғолондаги камбағаллар роли оқланиб, бойлар роли (эътироф этилсада!) қораланади. Қўзғолоннинг империализм зулмига қарши қаратилгани алоҳида уқдирилиб, бу зулмга "барҳам берган" совет давлати улуғланади. Шархлар "совет ҳокимияти Ўрта Осиё меҳнаткашларига нима берди?" деган саволга жавоблар билан якунланади. Бу саволларга жавобларда қоғозда бор, аммо амалда ўз ифодасини топмаган ҳуқуқ ва имкониятлар, Туркистон халқлари ҳаётини чигаллаштириб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни қонуний изидан чиқариб юборган, инсон манфаатлари эмас, пуч ғоялар ва совет ҳокимиятининг ғаразли манфаатлари йўлида амалга оширилган тадбирлар кўкка кўтарилади. Бу савол-жавобларда ғаразли мақсадлар - аҳоли онгига «мустамлакачилика қарши қаратилган 1916 йил воқеаларининг қайтарилишига эҳтиёж йўқ, совет ҳокимияти мустамлакачи эмас, Туркистон халқлари бошига кулфатлар солган империализм туғатилди", деган мазмундаги тасаввурларни сингдириш мақсади кўзланган эди.

Шархларда умуммиллий манфаатлар салбий баҳоланиб, синфий кураш ғоясига устивор йўналиш берилади, бироқ қўзғолонни бутунлай синфий кураш сифатида баҳолашга жазм этилмайди.

Қўзғолоннинг 10 йиллиги муносабати билан эълон қилинган бошқа тадқиқотларда бу шархлардаги масалага

синфий ёндашув таъсири сезилиб турсада, муаммони тарихий нуқтаи- назардан таҳлил этиб, янги-янги маълумотларнинг илмий истеъ-молга киритилиши муамма тарихшунослигини маълум даражада
бойитади. Чунончи А.Шестаков[1] ва айниқса Т.Рискуловнинг[2] қўзғолоннинг 10 йиллиги муносабати билан чоп этилган рисола ва мақолаларида 1916 йил воқеаларининг сабаблари, муҳим ҳодисалари ҳақида янги маълумотлар аниқланиб, илмий истеъ-молга киритилади.

Масалан Т.Рискулов ўз тадқиқотларида қўзғолоннинг иқтисодий сабабларини, яъни мустамлакачилик сиёсатининг иқтисодий асоратларини кўчманчи, ярим кўчманчи, ўтроқ тарзда ҳаёт кечирувчи маҳаллий аҳолининг хўжалик ҳаётини аниқ фактлар билан таҳлил қилиш асосида очиб беради. Шунингдек, Т.Рискулов ғалаёнларнинг ривожланиб бориши, уларнинг шафқатсиз бостирилиши, 1916 йил 25 июнь фармонини амалга ошириш юзасидан қўлланган тадбирлари каби масалаларни ҳам Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси архивидаги ҳужжатлар асосида ёритиб беради.

Муаммо тарихшунослигига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган бу тадқиқот унда 1916 йил воқеалари мустабид ҳукуматга қарши кўтарилган умумхалқ қўзғолони сифатида ўзининг ҳаққоний баҳосини олганлиги туфайли большевикча мафкура мадҳоларининг кескин қаршилиги ва норозилигига, кетма-

---

[1] Шестаков А. Восстание 1916 года в Средней Азии в 1916 г. (К десятилетию события) // Историк-марксист. - М.: 1926. №2. С.84-114.

[2] Рыскулов Т. Восстание тезумцев Туркестана в 1916 году // "Очерки революционного движения в Средней Азии" сборник статей. - М.: 1926. С.151-199; Восстание туземцев Средней Азии в 1916 году. Кызыл Орда, 1927; О восстании казахов и киргизов в 1916 году // Красный Казахстан. - 1926. №1(май). С.14-34.

кет уюштирилган танқидлари, хужумларига дучор бўлди. Бу хужумни Туркистондаги марксчи-тарихчиларнинг энг кўзга кўринган вакилларидан бири бўлган Ив.Меницкий бошлаб берди.

Ив.Меницкий 1916 йил воқеаларининг Т.Рискулов томонидан "туземлилар", яъни маҳаллий аҳолининг қўзғолони сифатида таърифланишини кескин танқид остига олади. Унинг *таъкидлашича 1916 йил воқеаларининг бундай баҳоланиши* қўзғолоннинг синфий моҳиятини бузиб кўрсатади.[1] Ив.Меницкий 1916 йил воқеаларида мутлақо иштирок этмаган, ҳатто улардан бехабар бўлган бўлишига қарамай, ҳеч бир исбот ва далилсиз, ҳужжат ёки манбасиз қўзғолонни синфий кураш сифатида кўрсатмоқчи бўлади. Синфий кураш таълимоти ва ҳукмрон сиёсат манфаатларини кўзлаб, Ив.Меницкий тарихий ҳақиқатга, унинг гувоҳлари, замондошларининг кўрсатмаларига ва тарихий манбаларга қарши боради, уларни инкор этиб, "1916 йил қўзғолони маҳаллий меҳнаткаш камбағалларнинг келгинди (яъни рус) ва ўз маҳаллий эксплуататорларига, эзувчиларига қарши кураши бўлган, қўзғолоннинг миллий йўналишини (яъни унинг умуммиллат манфаатлари учун бўлганини) таъкидлаш сиёсий жиҳатдан зарардир"[2] деб уқдиради. Шу асосда умуммиллий манфаатлар ҳимояси учун кўтарилган халқ қўзголонини асл моҳиятини яшириб, ҳукмрон сиёсат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уни синфий кураш сифатида баҳолаш лозимлигини талаб қилади.

---

[1] Ив. Меницкий. О характере событий 1916 года в Туркестане (по *поводу статьи Т.Рыскулова) // "Коммунистическая мысль"*. - 1926. кн.2. С.151.

[2] Ив. Меницкий. О характере событий 1916 года в Туркестане. // Коммунистическая мысль. - 1924. Кн.2. С.

Ив.Меницкийнинг масалага бундай ёндашуви, яъни 1916 йил воқеаларини мутлақо асоссиз равишда синфий кураш сифатида кўрсатишга уриниши маҳаллий вакиллар - Т.Рискулов, Ю.Абдурахмонов каби қўзғолон воқеаларидан яхши хабардор замондошларнинг кескин норозилигига учрайди. Натижада «қўзғолон синфий кураш бўлганми ё миллий ҳаракатми?», деган мавзуда бахслар қизиб кетади. "Коммунистическая мысль" журнали саҳифаларида 1916 йил қўзғолонининг характери ҳақида 1926-1927 йилларда уюштирилган мунозаралар айнан шу мавзуга бағишланади. Мунозара давомида қўзғолон сабаблари, ижтимоий таркиби, унга нисбатан ўлкадаги рус аҳолиси, хусусан ишчиларининг *муносабати ва умуман, турли синфларнинг роли ва ўрни ҳақида* ҳам турли хил фикр мулоҳазалар билдирилади.

Қўзғолон характерини баҳолашда мунозара иштирокчилари - Ив.Меницкий, П.Галузо, Е.Федоров, А.Шестаков, Н.Кузьмин, Т.Рискулов, Ю.Абдурахмоновлар турлича фикр-мулоҳазаларни билдирадилар. Улар асосан қўйидаги уч хил мулоҳазани илгари сурадилар:

1. Қўзғолон синфий кураш эди (В.Меницкий, Н.Кузьмин. П.Галузо).
2. Қўзғолон миллий озодлик ҳаракати эди (Т.Рискулов).
3. Қўзғолон ҳам миллий, ҳам синфий кураш эди (Ю.Абдурахмонов, Е.Федоров, А.Шестаков).

Қўзғолонни синфий кураш сифатида баҳоланишига Т.Рискулов кескин қаршилик билдириб, унинг миллий озодлик йўналиши ва мақсадларини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрини қўллаб-қувватлаган Е.Федоров ва Ю.Абдурахмоновлар қўзғолон давомида айрим маҳаллий амалдорлар фармонни амалга ошириш учун рўйхат тузишда иштирок этганлиги туфайли

қўзғолончилар томонидан жазоланғани ҳақидаги воқеаларни назарда тутиб, "1916 йил воқеаларида синфий тўқнашув кўринишлари бўлган, лекин ҳал қилувчи аҳамият касб этмаган",[1] деган мулоҳазани илгари сурадилар. Ваҳоланки, манбалар таҳлилидан намоён бўлишича, маҳаллий амалдорлар синфий душман сифатида эмас, мардикорликка олиш ҳақидаги фармонни амалга оширишда қатнашганлиги туфайли жазоланган эдилар. Лекин кўп ҳолларда маҳаллий амалдорлар қўзғолончилар тарафида бўлиб уларни ҳукуматга қарши ғалаёнларга ундаганини архив манбаларида сақланиб қолган тегишли ҳужжатлар ҳам тасдиқлайди.[2]

Мунозарадаги баъзи иштирокчиларининг манбалардан бехабарлиги, асоссиз ғоялар ва синфий кураш таълимотига асосланиб хулоса чиқаришга уринишлари уларни ниҳоятда чигал ва зиддиятли мулоҳазаларга олиб келади. Хусусан, қўзғолонни синфий кураш сифатида кўрсатишга уринган Ив.Меницкий ўз *мақоласида 1916 йил воқеаларининг сабаблари* ҳақида тўхталиб, "Россия ҳеч қачон Туркистонга зулм ўтказмаган, уни ўз маҳаллий эзувчилари эзган".[3] деб таъкидлашгача боради. Шу тариқа бутун жаҳон жамоатчилиги гувоҳ бўлган, ҳатто большевиклар отаси В.И.Ленин ҳам тан олиб, эътироф этган тарихий ҳақиқат - Туркистоннинг Россия мустамлакаси бўлганлиги икки оғиз сўз билан осонгина инкор этилиб, пучга чиқарилади. Энг ажабланарлиси шундаки, унинг бу фикрларини Т.Рисқулов, Ю.Абдураҳмонов, Е.Федоровлардан

---

[1] Ю.А. По поводу статьи Т.Меницкого // "Коммунистическая мысль". 1926. кн.2. Б.155-157; Федоров Е. О восстании 1916 г. в Туркестане (тезисы) // *"Коммунистическая мысль". - 1926. кн.2. С.161-166.*

[2] ЎзР МДА, ТТГМ фонди, 1-рўйхат, 1132 йиғма жилд, 71-варақ.

[3] Ив.Меницкий. О характере событий 1916 г. В Туркестане // "Коммунистическая мысль". - 1926. кн.2. С.151-155.

ташқари мунозаранинг қолган иштирокчилари - П.Галузо, А.Шестаков, Н. Кузьминлар ҳам инкор этмайдилар, аксинча Н.Кузьмин уни ошкора қўллаб қувватлайди ҳам.[1]

Рус миллати вакилларидан фақат бир киши - Туркистонда Россия империяси ҳукмронлиги давридан яшаб келган, ҳақиқатга гувоҳ бўлган Е.Федоровгина бундай уйдирмага ҳақли эътироз билдиради Т.Рисқулов ва Ю.Абдураҳмоновларнинг кескин норозилигини маҳаллий вакиллар қараши сифатида тан олмаган марксчи-тарихчилар Е.Федоровнинг эътирозларини ҳам қабул қилмадилар ва унга ҳам ҳужум уюштирдилар. П.Галузонинг Г.Туркестанский тахаллуси билан Е.Федоровнинг 1925 йилда чоп этилган асарига[2] тақриз ёзиб, унда муаллифни кескин танқид остига олади. Е.Федоровни укувсизликда айблаб, асари "синфий таълимотдан мутлақо бехабар ҳолда ёзилган, талабга жавоб бермайдиган, ўқиш учун вақт сарфлашга ҳам арзимайдиган китоб" сифатида мутлақо қораланади. Ваҳоланки, бу асар Туркистонда миллий озодлик учун XIX аср охири - XX аср бошларида олиб борилган кураш воқеаларини аниқ маълумотлар билан, изчил тартибда, илмий асосда ёритиш йўлидаги илк уриниш бўлиб, масалага тарихий нуқтаи-назардан ёндашуви билан ажралиб турарди.

1926-1927 йиллардаги мунозара давомида 1916 йил қўзғолонида Туркистондаги рус ишчиларининг роли, *мулкдорлар-нинг иштироки масалаларида* ҳам баҳслар боради. Т.Рисқулов Туркистондаги рус аҳолиси қўзғолон давомида маҳаллий халқ томонида бўлмаганлигини, улар

---

[1] Кузьмин Н. О марксистском понимании восстания 1916 г. // "Коммунистическая мысль". - 1925. кн..2. С.183-193.

[2] Федоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. - Т.: 1925.

мустамлакачилик руҳи билан суғорилганлиги туфайли қўзғолончиларга шу нуқтаи-назардан қараганларини воқеалар гувоҳи сифатида таъкидлайди, бироқ Ив.Меницкий ҳамда унинг тарафдорлари буни инкор этиб, уларни асоссиз равишда оқлашга уринадилар. Қўзғолондаги мулкдорлар иштирокини эса, тан олишни истамайдилар акчинча буни мутлақо асоссиз равишда инкор этадилар, чунки бу ҳол *уларнинг 1916 йил воқеаларини синфий кураш эканлиги* ҳақидаги даъволарини пучга чиқарар эди.

Аниқ тарихий фактлар, замондошларнинг ишончли кўрсатмаларига эмас, ҳаёлий назарий ақидалар ва даъволарга асосланган марксчи-тарихчилар ҳар қанча уриниб, чиранмасин, қўзғолонлар гувоҳи ва иштирокчиси бўлган Т.Рискуловнинг асосли хулосаларини инкор этишга, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатишга муваффақ бўла олмадилар. Бунда албатта Т.Рискуловнинг қатъияти катта роль ўйнади. Бироқ улар Т.Рискуловнинг ҳаққоний эътирозларини ҳам тан олмадилар. Шу сабабли мунозара натижасиз тугади. Лекин 1916 йил қўзғолонини синфий кураш сифатида кўрсатиш мақсадида уюштирилган хужумлар муваффақият қозона олмади.

Бироқ бу большевикча мафкура тарғиботчилари ва уларнинг маддоҳлари бўлган марксчи-тарихчиларнинг вақтинчалик мағлубияти, мажбурий чекиниш эди, холос. Мамлакатда тоталитар тузум мустаҳкам қарор топиб, чуқур илдиз отиб улгурган, ёппасига хужумга ўтиб, ўз кучини кўрсата бошлаган 30 йиллар бошига келиб бу масала яна кун тартибидан жой олди. Бу сафарги хужум қўзғолоннинг 15 йиллиги муносабати билан уюштирилди. 1931 йилда САНИИР (Ўрта Осиё Инқилоб тарихи илмий-тадқиқот институти) ва

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг маданий ташвиқот бўлими томонидан қўзғолоннинг 15 йиллиги муносабати билан тайёрланган *махсус шархлари*[1] эълон қилинди. Шархларда 1916 йил қўзғолонининг миллий-озодлик характери эътироф этилади. Лекин у Россия ҳукмронлигига эмас, Россия империализмига қарши қаратилгани таъкидланган эди. Қўзғолоннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида бутун халқ эмас, "пролетар ва ярим пролетар унсурлар, деҳқонлар ва чорвадорлар" қайд этилади, улар «Россия империализми ва маҳаллий эксплуататорларга қарши бош кўтаргани» деган фикр алоҳида таъкидланади. "Усти ялтироқ, ичи қалтироқ" қабилида иш тутилиб, гўёки қўзғолоннинг "миллий озодлик ҳаракати" тан олинади, *бироқ аслида эса синфий кураш сифатида талқин* этилади. Мулкдорлар роли тамомила инкор этилмаса-да, уларнинг иштироки умуммиллий эмас, синфий манфаатлар билан изоҳланади. Хуллас, қўзғолоннинг барча масалалари, моҳияти ва мақсади большевикча мафкура манфаатларига ҳамда синфий кураш таълимоти ақидаларига тўла мослаштирилган концепция ишлаб чиқилади. Унинг мажбурий суръатда оммавий тан олинишини эса тоталитар тузумнинг зўравонлик механизми, ғоявий-мафкуравий бўғинлари таъминлаб берди. Ўша йилиёқ матбуотда П.Галузонинг "1916 йил қўзғолонининг большевикча талқини учун" номли мақоласи эълон қилинди. Унда қўзғолоннинг большевикча концепцияси (яъни талқини - Д.З.) учун кураш - партиянинг бош йўли учун курашдир... 1916 йил қўзғолони ҳақидаги тортишувлар - бу Ўрта Осиёда социализм куриш ёки қуришга қарши кураш" эканлиги алоҳида

[1] Восстание 1916 года в Средней Азии. Тезисы культпропа Средазбюро ЦК ВКП(б) и САНИИР к 15-й годовщине восстания. - М.-Т.: 1931.

таъкидланди[1]. Аниқроғи большевикча концепцияни тан олишдан бош тортиш оқибатлари ҳақида огоҳлантирилди. Тоталитар тузум авжга чиқиб, унинг зўравонлик механизми ишга тушиб кетган, қатағонлар бошланиб, "синфий душманлар", "социализм душманлари" зўр бериб қидирилаётган 30 йилларнинг 1- ярмида бу концепцияга қарши чиқиш оқибатлари қандай тугаши мумкинлигини замондошлар жуда яхши англар эдилар. Шу туфайли ҳам бу концепция ҳеч бир қаршиликсиз қарор топиб, тан олинди, ундан бир қадам ҳам четга чиқмаслик мажбурий тус олди. Эндиликда яратилажак тадқиқотлар шу концепцияга асосланиши, яъни аниқроғи барча тарихий фактлар шу қарашларга мослаштирилиши шарт эди. Масаланинг шундай ҳал бўлишини нафақат тегишли мафкуравий бўғинлар, балки ҳукмрон тизим, ижтимоий-сиёсий вазият ва ўтказилаётган сиёсат осонгина таъминлаб берди. 20 йилларда муаммони синфийлаштиришга кескин қаршилик билдирган Т.Рискулов ҳам 30 йиллар ўртасига келиб шу концепция доирасидан бир қадам ҳам четга чиқишга жазм этмади, чунки даҳшатли қатағонлар арафасида у ўзининг 20йиллардаги шижоати ва ҳақиқатпарварлиги, миллатпарварлиги учун «жавоб бериши» муқаррарлигини жуда яхши ҳис этиб турар, унинг бошига ноҳақ ўлим соя солиб, ўч олишга шайланарди. "Миллатчи", "панисломчи", "пантуркчи" каби сиёсий айбловлар Т.Рискуловни "итоат билдириш"га ундаб, 20 йиллардаги дадил ҳаракатлари, миллий манфаатлар учун жонбозликлигини оғир «гуноҳ» сифатида юзига сола бошлаган эди.

---

[1] Галузо П. За большевистскую концепцию восстания 1916 года в Средней Азии (К 15-летию восстания) // Туркменоведение. 1931. №7-9.

Шу туфайли Т.Рискулов 20 йиллардаги ҳаққоний сўзларидан воз кечиб, гўёки «хатоликларга йўл қўйганини» тан олишга, тавба қилишга мажбур бўлди. Унинг 30 йиллар ўртасида, яъни қўзғолоннинг 20 йиллиги муносабати билан чоп этилган мақолалари[1] 20 йилларда илгари сурилган ҳаққоний қарашларига мутлақо зид бўлиб, большевикча концепцияга тўла мослаштирилган эди. Бироқ бу «тавба-тазаррулар» уни қатағондан сақлаб қололмади. Совет ҳукумати, *большевикча мафкура*, тузум учун ақлли, ватанпарвар, халқига содиқ, мустақил фикрловчи вакиллар эмас, шу тузум ва мафкурага кўр-кўрона итоат этиб, уни улуғловчи гумашталар керак эди. Т.Рискулов бундай ишончга сазовор эмас эди. Шу сабабли у ўзининг ҳаққоний қарашлари, юксак орзулари билан бирга қатағон этилди. Т.Рискулов каби юзлаб миллий зиёлиларнинг бундай қисмати замондошларни ўз хотира ва армонларини юзага чиқармасликка, аламларини ютишга, партия ва мафкура чизган чизиғидан чиқмасликка ўргатди. Ижод аҳли ҳам бундан мустасно эмас эди. Шу тариқа зўрлик билан қарор топган болъшевикча концепция 30-40 йиллар давомида яратилган барча тадқиқот-ларга андоза бўлиб хизмат қилди, қўзғолоннинг 20 ва 30 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикаларида тегишли мафкуравий бўғинлар ҳамда илмий текшириш муассасалари томонидан эълон қилинган расмий шарҳларда[2] 1916 йил қўзғолонининг 1931 йилда эълон қилинган

---

[1] Рыскулов Т. Восстание в Средней Азии в 1916 году // Борьба классов. 1936. №6.

[2] Тридцатилетие национально-освободительного восстания 1916 г. (материалы для докладов). Отдел пропаганды и агитации ЦК КП(б) Киргизии // "Советская Киргизия". -1946 №7 (14 сентябрь); Материалы к докладу о двадцатилетии киргизского восстания 1916 г. Фрунзе. 1936; Восстание 1916 г. в Узбекистане (тезисы к 30 летию со дня восстания). - Т.: 1946.

большевикча талқини янада мустаҳкамланиб, исбот талаб қилмас аксиома тусини олиб борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1916 йил қўзғолонининг совет тарихшунослигида ижобий баҳо олиши, уни синфий нуқтаи-назардан бўлсада, миллий озодлик ҳаракати сифатида эътироф этилиши ушбу муаммо тарихшунослигининг ривожланишига маълум даражада имконият яратиб берди.Бу ривожланиш ниҳоятда чекланган доирада, большевикча концепция асосида кечган бўлсада, янги тарихий фактларни аниқланиши, манбаларни ўрганилиши ижобий аҳамиятга эга бўлиб, муаммонинг тарихшунослигини маълум даражада бойитиб борди. Бу даврдаги изланишлар асосан икки йўналишда олиб борилди.

1. Муаммонинг манбаларини ўрганиш.
2. Қўзғолон тарихини алоҳида республикалар доирасида ёритиш.

Илмий нуқтаи-назардан олиб қараганда ҳар икки йўналиш ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, иккинчи йўналиш, яъни муаммо тарихини тиклаш биринчи йўналиш натижаларига асосланиши лозим эди. Бироқ масалага холисона ва илмий нуқтаи-назардан эмас, тор сиёсий ва синфий манфаатлар нуқтаи-назаридан ҳамда мафкуравий мақсадларда ёндошган совет тарихшунослигида бу мутаносиблик қўпол суръатда бузилгани 30-йиллар нашрлари мисолида яққол кўзга ташланади.

Бу даврда аксарият ҳолларда манбалар тарихни тиклаш учун хизмат қилмади, чунки улар большевикча концепциянинг кўп талабларига жавоб бермас эди. Манбаларни ўрганиш ҳам ўз навбатида икки йўналишда олиб борилган:

1. Қўзғолончиларнинг хотираларини тўплаш.

2. Архив маълумотлари, ҳужжатларини тўплаб, чоп этиш.

Қўзғолончиларнинг хотиралари қўзғолоннинг 15, 20 ва 30 йиллиги муносабати билан уюштирилган илмий экспедиция-ларда ёзиб олинган бўлиб, улар замондошларнинг фикр-мулоҳазалари сифатида муҳим аҳамиятга эга. Бироқ хотираларни ёзиб олган тадқиқотчилар қўзғолоннинг большевикча талқини ва марксча-ленинча дунёқараш билан қуролланганликлари назарда тутилса бу хотиралар ҳақиқатни қай даражада акс эттирганини тасаввур этиш қийин эмас. Қўзғолоннинг тафсилотлари, ривожланиб бориши ва бостирилиши ҳақида аниқланган маълумотлар муҳим тарихий қимматга эга албатта. Бироқ 30-йиллардаги қатағон, таъзийқ ва қувғинлар шароитида қўзғолончилар ўз хотираларида барча алам ва изтиробларини, асосий мақсадлари - Россия ҳукмронлигидан қутулиш, миллий ва диний эркинликка эришиш *истакларини тўла ошкор эта олмаганлари шубҳасиз.*

Шундай чекланган доирада бўлсада, қўзғолончилардан аниқланган маълумотлар муаммо тарихшунослигида катта ютуқ бўлди ва юқорида таъкидланганидек, ғалаёнлар тафсилотларини аниқлашга ёрдам берди.

Қўзғолон иштирокчилари ва замондошларининг ихтиёрий суръатда, большевикча андозага асосланмай, эркин равишда ёзиб, эълон қилинган хотиралари эса қўзғолон ва унинг мақсад ҳамда оқибатларини холисона, нисбатан чуқурроқ ёритиб бериши билан ажралиб туради. Ёзувчи Назир Сафаровнинг Жиззах қўзғолони ҳақидаги[1], П.Коршунованинг

---

[1] Сафаров Н. Унутилмас кунлар (16-йил Жиззах қўзғолонидан хотираларим). - Тошкент-Баку.: 1932. Б.19.

қўзғолончиларнинг оғир жазоланиши[1] ҳақидаги гувоҳликлари шулар жумласидан бўлиб, муҳим тарихий манба сифатида бугунги кунда ҳам ўз илмий қимматини йўқотмаган.

Бу хотираларда кўрсатилган маълумотлар бошқа ҳеч бир манбада қайд этилмаган. Чунончи, Назир Сафаровнинг Жиззах воқеалари ҳақидаги қимматли кўрсатмалари бу ердаги қўзғолон мустабид ҳукуматга қарши уюшган умумхалқ кураши бўлганини, П.Коршуновнинг кўрсатмалари эса 1916 йил қўзғолони иштирокчилари ҳукумат томонидан оғир сиёсий жиноят содир этган давлат душманларидан ҳам қаттиқроқ, инсон учун хос бўлмаган, вахший усулларда жазоланганидан далолат беради.

Қўзғолончиларнинг хотираларини ўрганишни яна бир йўналиши - мардикорликда хизмат қилиб қайтган ватандошларимиз кўрсатмаларини ёзиб олиниши бўлиб, уларнинг маълум қисми матбуотда эълон қилинган.[2] Бу хотиралар мардикорларнинг тортган захматлари, чеккан зулм хўрликларини эмас, большевикча мафкура ақидаларини "исботлаш" учун яратилган бўлиб, "Туркистон халқлари вакилларининг Россиядаги рус ишчилари, уларнинг инқилоб ғоялари таъсирида сиёсий онги уйғонди ва улар ўз юртларига қайтиб рус пролетариати раҳбарлигида инқилоб содир этдилар" деган мазмундаги сохта уйдирмани асослаш учун зарур эди. Ваҳоланки, Октябрь тўнтариши Туркистонда маҳаллий аҳоли иштирокисиз содир бўлган, мардикорликдан қайтган саноқли кишиларгина большевикларнинг таъсирида бўлганлар,

---

[1] Коршунова П. Зверская расправа царского правительства с повстанцами Ферганы (воспоминания очевидца) // "Советское краеведение". 1936. №9.

[2] Боечин А. Реквизированные рабочие в революционной борьбе в 1916-1917 гг. (Средняя Азия) // История пролетариата СССР. Сб. №1(17). 1934.

қолганлари эса қўлга қурол олиб, миллий озожлик учун совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борганлар. Россиядаги сиёсий жараёнлар, Февраль инқилоби, мардикорликдаги оғир турмуш ва зулм уларда адолат учун кураш истагини алангалатгани шубҳасиз албатта, бироқ оғир турма шароитида оч-наҳор яшаб, ҳатто эркин нафас олиш имконига бўлмаган мардикорларнинг Россияда большевиклар ғояси учун *курашлардаги фаол иштирокини тасаввур этиш қийин.*

1916 йил воқеалари ҳақидаги манбалар - кўрсатма, хотираларни ўрганишда юқорида қайд этилган маълумотлардан ташқари яна бир неча муҳим ҳужжатлар ҳам эълон қилинган бўлиб, булар замондошларнинг фикр-мулоҳазалари сифатида аввалги бобда батафсил тўхтаб ўтилган А.Н.Куропаткиннинг шахсий кундалиги[1] ва Россия Давлат Думасининг қўзғолон муҳокамасига бағишланган ёпиқ мажлиси баённомаси эди. Лекин совет тарихшунослигида бу муҳим ҳужжатлар илмий истеъмолга киритилмади, улардан тўғри ва ўринли фойдаланилмади. Чунки инкор этиб бўлмайдиган бу муҳим ҳужжатлардаги кўрсатмалар большевикча концепцияга хизмат қилмас эди. Айниқса Дума мажлиси маълумотлари большевиклар "синфий душман" сифатида қоралаган Россия буржуазияси ва помещчикларининг фикр-мулоҳазаларини акс эттиргани туфайли, улар қанчалик тарихий қимматга эга бўлмасин, эътиборсиз қолдирилди, чунки қўзғолон воқеалари ўзларини "Туркистон халқларининг ягона ғамхўри ва халоскори" сифатида кўрсатган большевиклар иштирокисиз, буржуазия томондан муҳокама этилиши ва бу муҳокамада ҳақиқий аҳволни фош этилиши

[1] Куропаткин А.Н. Дневник Куропаткина // "Красный архив", Том XXXIV. 1929.

партиянинг сохта обрўйига путур етказарди. Ундан ташқари Думада қайд этилган маълумотлар қўзғолоннинг синфий характерини исботлашга хизмат қилмас эди.

Иккинчи йўналишда, яъни 1916 йил қўзғолонига доир архив ҳужжатларини ўрганиб, чоп этишда 30-40 йилларда олиб борилган изланишлар самарали бўлди. Республикалар архивларида сақланиб қолган мустабид ҳукумат маъмурияти архивларининг ҳужжатлари тўпланиб Ўрта Осиё[1] ва Қозоғистон,[2] Қирғизистон,[3] Туркманистондаги[4] қўзғолонларга доир махсус тўпламлар чоп этилди.

1932 йилда С.Волин ва С.Божко томонидан бирга тайёрланиб эълон қилинган илк тўпламга 1916 йил қўзғолонини бутун Туркистон бўйича ёритувчи ҳужжатлар жамланган бўлиб, улар ниҳоятда катта илмий аҳамиятга эга эди. Чунки унга юқорида қайд этилган Россия Давлат Думасининг ёпиқ мажлисининг ёзма баённомаси киритилган бўлиб, воқеалар тарихи ва моҳиятини англашда муҳим аҳамият касб этар эди. Шунингдек, тўпламда Туркистон маъмуриятининг энг йирик вакиллари - Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ҳарбий губернаторлари, ҳарбий прокурор Игнатович, Тошкент, Авлиёота уезди бошлиқлари томонидан ўлкада содир бўлган воқеалар ҳақидаги умумий ахборотлари ҳам жой олган бўлиб, улар танқидий нуқтаи - назардан ўрганилса, кўп масалаларни

---

[1] Восстание 1916 года в Средней Азии. Сборник документов. Т.: 1932.

[2] Национально-освободительное восстание казахских трудящихся против царизма в 1916 году. Сборник воспоминаний и материалов. Алма-Ата. 1937

[3] Восстание 1916 года в Киргизистане (Документы и материалы, собранные Л.В.Лесной под редакцией и с предисловием Т.Р.Рискулова). - М.: 1937

[4] Восстание 1916 года в Туркмении (документы и материалы). Ашхабад, 1938.

ойдинлаштирар эди. Учинчи ҳужжат Еттисув қочоқларининг Қулжадаги (Хитой) Россия элчихонасига ёзган арзномаси бўлиб, унда қўзғолондан кейинги аёвсиз жазолардан қочиб, юртини тарк этганнинг аламли изтироблари, бошидан кечирган азоблари, ғалаёнлар кўтариш сабаблари ва уларга ҳукумат қўллаган жазолари ёритилган.

Хуллас, 1916 йил воқеалари ҳақидаги қўзғолончилар, рус маъмурияти ва Россия жамоатчилиги вакилларининг қарашлари ва кўрсатма-ахборотларини акс эттирган бу ҳужжатлар тўплами илмий асосда, холисона ва танқидий нуқтаи-назардан ўрга-нилган тақдирда воқеанинг асл моҳиятини англаб етиш учун етар-ли эди. Бироқ улар большевикча концепцияни асослашга хизмат қилолмасди ва шу туфайли бу тўплам тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб кетди.

Қўзғолонни Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудида ёритган ҳужжатлар ва хотиралар тўпламлари ҳам илмий қимматга эга маълумотларни жамлаган бўлсада, уларнинг сўзбоши ва мавзуларининг танланишида большевикча концепция таъсири яққол кўриниб турар, аниқроғи ҳужжатлар ва хотиралар шу концепцияни асослаш учун мувофиқлаштирилган эди. Буни аниқроқ тушунтириш учун шуни таъкидлаш лозимки, юқорида таъкидланганидек, хотиралар ёзиб олиш жараёнида тадқиқотчилар қўзғолончиларни кўрсатмаларини большевикча андозага мослаштириб ёзганлар, бироқ архив ҳужжатларини сохталаштириш имкони бўлмагани туфайли улардан ўз талабларига жавоб берадиган, чекланган, тор доирадаги, бир ёқлама маълумотларни олиб, қолганларини эътиборсиз қолдирганлар. Бу айниқса, Қозоғистондаги 1916 йил

воқеаларига оид ҳужжатлар ва хотиралар тўпламида яққол ўз ифодасини топган.

Ҳужжатлар даврий, тадрижий тартибда жойлаштирилган Туркманистондаги қўзғолонга доир тўплам эса бундай ёндошувдан холи бўлиб, ўзининг илмий қимматини бугунги кунда ҳам сақлаб қолган. Хуллас, 30-40 йилларда 1916 йил воқеаларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар большевикча концепция, яъни расмий андозаларда, синфий кураш нуқтаи-назаридан яратилган бўлса-да, қўзғолоннинг совет тарихшунослигида ижобий баҳоланиши унинг манбавий асосларини ўрганишга маълум даражада имкон яратди, катта ҳажмдаги тарихий маълумотлар аниқланиб, илмий истеъмолга киритилди. Бу даврда муаммонинг турли масалаларида 40 дан ортиқ тадқиқотлар эълон қилинди. Совет тарихшунослиги намуналарининг жуда катта қисми шу даврда чоп этилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилиши шубҳасиз. Чекланган, расмий андозаларда ривожланган муаммо тарихшунослиги сифат жиҳатидан қандай бойиб бориши мумкин? Гап шундаки, расмий андозаларда қўзғолоннинг мақсади, ижтимоий таркиби ва енгилиш сабаблари синфий таҳлилга дучор бўлган, қўзғолон сабаблари, воқеалар тафсилотлари, қўзғолонларнинг бостирилиши каби масалаларга эса холисона ёндошилган. Чунки бу масалалар талкини ҳукмрон мафкура манфаатларига зарар етказмас эди, аксинча уларни холисона ёритиш, ўзидан аввалги тузум - империализмнинг «барча кирдикорларини аямай фош этиш» , совет тузумини олқишлаш учун жуда қўл келар эди.

Шу туфайли қўзғолон сабаблари совет тарихшунослигида, хусусан 30-40 йилларда чуқур ёритиб борилди. Туркистон халқининг оғир иқтисодий шароити, хўжалик ҳаёти,

шафқатсиз зулм, солиқлар аниқ фактлар билан очиб берилди. Бу масала-лар 30 йиллар ўртасида яратилган тадқиқотларнинг диққат марказидаги муаммолардан бири эди. 1935 йилда З.Кастельская Ўзбекистондаги 1916 йил қўзғолонининг асосий шарт-шароитлари (яъни сабаблари) таҳлилига бағишланган номзодлик диссертация-си ҳам ёқлади[1]. Унинг Ўзбекистондаги 1916 йил қўзғолонига бағишланган бошқа асарларида[2] ҳам қўзғолон сабаблари атрофлича тадқиқ этилди.

Шунингдек Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистондаги қўзғолонлар тарихига бағишланган бошқа асарларда[3] ҳам 1916 йил воқеаларига сабаб бўлган оғир иқтисодий зулм, ижтимоий адолатсизлик аниқ фактлар билан кўрсатиб ўтилди.

Бироқ сиёсий ҳуқуқсизлик, миллий зулм каби масалалар ниҳоятда юзаки, умумий тарзда ёритилиб, эҳтиёткорлик билан четлаб ўтилди, чунки бу масалаларнинг ортиқча таъкидланиши уларнинг совет даврида ҳам ҳукм суриб турган асоратлари, кўринишларига эътиборни кучайтирар, ҳукмрон мафкура эса бундан мутлақо манфаатдор эмас эди. Умуман, қўзғолонга олиб келган шарт-шароитлар таҳлилида империализмни аямай танқид қилиш билан бирга, социализм ва унинг моддий, жисмоний зўриқишлар, жуда катта йўқотишлар эвазига қўлга киритилаётган, асоратли оқибатларга олиб борувчи, бир ёқлама манфаатларга хизмат қилувчи сохта "ютуқ"лари,

---

[1] Кастельская З.Д. Основные предпосылки узбекского дехканского движения в 1916 году(Тезисы кандидатской диссертации). - Л.: 1935.

[2] Кастельская З.Д. Восстание 1916 года в Узбекистане. - Т.: 1937 .

[3] Брайнин С. Восстание казахов Семиречья в 1916 г. Алма-Ата, 1936; Зима А.Г. К 30-летию национально освободительного восстания 1916 года в Киргизии//"Известия Киргизского филиала АН СССР". 1947 Вып.6.; КарповГ. К истории восстания 1916г в Туркмении//"За социалистическую Туркмению". -А.: 1932; Асфендиаров С.Д. Национально освободительное восстание в Казахстане. - Алма-Ата-Москва, 1936.

қоғозда бор амалда йўқ ҳуқуқ ва имкониятлар олқишланади, большевиклар партиясининг раҳбари аслида энг оғир кулфатлар сабабчиси И.В.Сталин «халқлар отаси» сифатида кўкларга кўтарилади. Бу даврда шахсга сиғиниш иллатлари ҳаётнинг барча соҳалари каби тарих фанига ҳам чуқур сингиб кетган бўлиб, ўтмишнинг энг муҳим воқеалари И.В.Сталин қарашлари асосида изоҳланар эди. Чунончи И.В.Сталиннинг "миллий ҳаракатлар инқилоб мақсадлари ва вазифаларига хизмат қилсагина ижобий ҳисобланади" деган мазмундаги қарашлари нафақат Туркистондаги, балки Россия империясининг бошқа қарам ўлкаларидаги миллий озодлик ҳаракатларини баҳолашда ҳам асосий мезон бўлиб хизмат қилар эди.

30-40-йиллардаги совет тарихшунослигида қўзғолоннинг бостирилишига доир кўплаб янги маълумотлар аниқланиб илмий истеъмолга киритилди. Бу масала айниқса Қирғизистон ва Туркманистон ҳудудлари мисолида айниқса кенг ёритилди.[1] Қўзғолоннинг ҳаракатлантирувчи кучларини, енгилиш сабабларини ва унинг гўёки Россия ҳукмронлигига эмас, "Россия империализмига қарши қаратилган миллий озодлик характерини" "асослаб" беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 40 йилларда 1916 йил воқеаларининг синфий талқинида янги саҳифа очилди - у ҳам бўлса қўзғолон бошланишида большевиклар партияси ҳамда рус пролетариатининг ролини аниқлаб, "муносиб" баҳолашга зўр бериш бўлди. Россия чуқур зиддиятлар гирдобида қовурилиб, большевиклар адолат ҳақида

---

[1] Филиппов С.П. Карательная экспедиция генерала Мадритова (Очерк из истории восстания иомудов 1916-1917гг. // Туркменоведение.1930. №6-7; Шу муаллиф. Беззастанчивый грабеж (по следам карательной экспедиции ген. Мадритова) // Туркменоведение. - 1930. №11; Исакеев Б. Киргизское восстание 1916 г. - Фрунзе. 1932; Зорин А.Н. Революционное движение Киргизии. - Фрунзе. 1931.

жар солаётган, аммо рус ишчилари хали инқилобга, ҳукуматга қарши қўзғолишга жазм этмаган 1916 йилда Туркистон халқларининг ҳеч бир партия (айниқса большевиклар партияси) раҳбарлигисиз, бирон бир дастур ёки тайёргарликсиз, ташвиқотсиз бутун ўлка бўйлаб оммавий суръатда мустабид ҳокимиятга қарши бош кўтариши ва ўзидан *бир неча бор устун даражада қуролланган маъмуриятни* саросимага солиб, қонли тўқнашувларга очиқ бориши большевикларнинг бу ерда даъво этаётган "катта оғалик, раҳбарлик, халоскорлик" ролларига хеч бир зарурият, эҳтиёж бўлмаганлигини кўрсатиб, уларнинг сохта обрўларига соя солар, маҳаллий аҳолининг шижоатини намоён этарди. Ўша даврда яратилаётган партия ёки СССР тарихи қўлланмаларидаги "большевиклар Туркистон халқларини сиёсий онгини уйғотдилар, уларни Октябрь инқилобига етакладилар, озодлик учун курашида раҳбарлик қилдилар" деган сохта, ёлғон уйдирмаларни, большевикча ақидаларни асослаш учун 1916 йил қўзғолонини халқ ташаббуси эмас, большевиклар тарғиботининг натижаси сифатида кўрсатишга уриндилар. 20 йиллардаёқ Т.Рискулов каби қўзғолон иштирокчилари 1916 йил воқеаларидаги рус аҳолиси, ишчилари, большевиклари ролини инкор этиб, улар ўзларининг мустамлакачилик кайфиятига содиқ қолганлигини таъкидлаган эдилар. Большевиклар Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин ҳам шундай кайфиятда иш олиб боргани 20 йиллар адабиётида ҳам таъкидланади.[1] Бироқ бу ҳақиқатни ошкора таъкидлаган, унга гувоҳ бўлган замондошлар ва уларнинг асарлари 30 йиллардаёқ жамият ҳаёти, онги, хотирасидан

[1] Рискулов Т. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. - Т.: 1923 .

зўрлик билан улоқтирилган эди. 40-йилларга келиб эса ҳақиқат мутлақо тескари талқин этила бошланди. Эндиликда яратилажак адабиётларда, тадқиқотларда рус ишчилари, большевиклар партиясининг "раҳбарлик, оғалик" ролини кўрсатиб бериш вазифаси кун тартибидан жой олди. Тарихий ҳақиқат буни инкор этсада, бир неча ҳодисалар мисолида сургундаги (асосан Козоғистондаги) саноқли большевикларнинг қўзғолончиларга хайроҳлиги аниқланиб улар бутун Туркистон миқёсида хулоса қилиш учун умумлаштирилди. Аниқ фактлар мисолида исботлаш мумкин бўлмаган ҳолларда большевикларнинг роли тахминий мулоҳазалар билан асосланди. Масалан, В.И.Шахмайкин Ўзбекистондаги 1916 йил қўзғолонидаги рус большевиклари ролини шу асосда баҳолаб берди.[1]

Ўзбекистонда 1916 йил қўзғолони тарихшунослигида 40-йилларнинг нашрлари алоҳида бир хусусият билан ажралиб туради. Бу хусусият қўзғолоннинг 30 йиллиги муносабати билан ўтказилган илмий анжуман ва унинг якунлари, асосий маърузалари киритилган илмий тўплам мисолида аниқ намоён бўлади. Бу хусусият Жиззах воқеаларига катта қизиқиш ва холисона ёндашиш билан белгиланади. 30-йиллар давомида аниқланиб, чоп этилган муҳим манбалар, ҳужжатлар асосида қўзғолончиларнинг хотираларини ўрганиш жараёнида 40-йилларда фанга кириб келган тадқиқотчиларнинг янги авлоди Жиззах қўзғолони 1916 йил воқеларида алоҳида ўрин тутишини, уюшқоқлик, мақсадлар аниқлиги билан ажралиб туришини англаб етдилар ва уни Ўзбекистондаги 1916 йил қўзғолонининг энг кульминацион нуқтаси (чўққиси) деб баҳоладилар.

---

[1] Шахмайкин В.И. Восстание в Узбекистане в 1916 году и русские большевики. - Самарканд: 1947.

Қўзғолоннинг 30 йиллиги муносабати билан марксизм-ленинизм институти томонидан эълон қилинган шарҳларда[1] илмий анжуман[2] ва тўпламда[3] бу хулоса алоҳида таъкидланди.

Бироқ масалага бундай ёндашув совет тарихшунослигида 1916 йил воқеаларига муносабат ўзгарганини англатмас эди. Муаммога синфий ёндашув, унинг большевикча талқини ҳам ўзгармади, аксинча йиллар давомида сайқал топиб, мустаҳкамланиб борди.

Жиззах воқеалари эса шу расмий андоза доирасида, уни инкор этмаган ҳолда талқин этилди. Расмий андозалар нафақат тарихий адабиётлар, балки бадиий адабиётга, санъатга ҳам сингдирилиб борди. Муаллифларнинг маҳаллий миллат вакиллари эмас, асосан рус ва бошқа Европа миллатига мансублиги, маҳаллий зиёлиларнинг бу муҳим тарихий муаммога қўл уришга жазм этмаслиги уларнинг бу расмий андозаларга муносабатини кўрсатиб турар эди. Бироқ большевикча мафкура маддоҳлари бунга зарурият ҳам хис этмас эдилар, чунки "танаси бошқа - дард билмас" деганларидек, бу воқеаларга гувоҳ бўлмаган, уларни бошидан кечирмаганларга уларни расмий андоза мослаштириш, аниқроғи сохталаштириш ҳеч гап эмас эди. Лекин, кейинчалик 50-60-йиллардан фанга ўтмишни фақатгина совет адабиётлари орқали таниган, марксизм-ленинизм ақидалари сингдирилган тадқиқотчилар авлоди кириб кела бошлагач, бу масала ҳам ҳал бўлди. 50-

---

[1] Восстание 1916 года в Узбекистане. Тезисы к тридцатилетию со дня восстания. - Т.: 1946. С.8.

[2] Чабров Г. Научная конференция к 30-летию национально-освободительного двитжения 1916 года в Узбекистане // Бюллетень АН УзССР. -Т.: 1946. №12.

[3] Национально-освободительное восстание 1916 г. в Узбекистане. Сборник статей. - Т.: 1947.

йиллардан бошлаб тарихни синфийлаштириш ва сиёсатлаштириш вазифасига *маҳаллий зиёлилар кенг жалб қилиниб* борди.

III босқич 50-90-йиллар

Собиқ СССРни немис фашист-босқичлари ҳужумидан мудофаа этиш ва озод қилиш мақсадида бутун куч-қувват, имконият моддий ва маънавий ресурслар ҳарбий қудратни тиклаш, ғалабага эришишга жалб этилган 1941-1945-йилларда, вайрона бўлган шаҳар, қишлоқ, халқ хўжалигини *тиклаш ишларига зўр берилган урушдан кейинги* 1945-1950-йилларда совет ҳокимиятининг ғоявий ва мафкуравий кураш масаласига эътибори 20-йиллар ва айниқса, 30-йилларга нисбатан анча сусайган эди. Эҳтимол шу сабабли бўлса керак, айнан 40-йилларда тарих фанида жуда кўп масалалар талқинида большевикча мафкура таъзийқи сусайиб, ўтмишга тарихийлик нуқтаи-назаридан ёндашувга интилиш кузатилади. 1916 йил қўзғолони айниқса, Жиззах воқеалари талқинида ҳам бу ҳол яққол кўзга ташланади.

Лекин бу узоққа чўзилмади. 40-йиллар охири - 50-йиллар бошига келиб шу пайтгача урушдаги ғалаба учун ташвиқот-тарғибот билан банд бўлиб келган мафкуравий бўғинларнинг фаолияти, эътибори яна маънавий, ижтимоий соҳага қаратилиб, ғоявий курашга бел боғланди.

II жаҳон урушидан кейин собиқ СССР давлатининг саъйи ҳаракатлари билан дунёнинг икки тизим ва лагерга бўлиниши бутун жаҳон миқёсида ғоявий, мафкуравий курашнинг авж олишига сабаб бўлди. Бутун жаҳонда инқилоб қилиш, коммунизм қуриш баҳонасида дунёни ўз измига солиш мақсадида турли қитъаларда ғоявий, мафкуравий ташвиқотни авж олдирган совет

давлати ўз мамлакатида ҳам бу масалага эътиборни кучайтириб борди.

Жаҳон миқёсида, халқаро майдонда содир бўлаётган муҳим сиёсий ўзгаришлар мамлакат ичкарисидаги ҳаётда доимо ўз акс садосини бериб борди. Чунончи, Осиё қитъасида дунёнинг ривожланган мамлакатлари мустамлакачилигига қарши бошланган миллий озодлик курашлари натижасида Ҳиндистон, Покистон, Индонезия, Бирма, Вьетнам каби мамлакатлар Англия ва Япония зулмидан халос бўлиши Ўрта Осиё, Кавказ, Болтиқ бўйи республикаларида мустамлакачилик ҳукмронлигини сақлаб турган совет давлатини хушёрликка, эҳтиёт чораларини кўришга ундагани шубҳасиз. Совет давлати ўз таркибига зўрлик билан киритилиб, куч билан сақлаб турилган республикаларда мустақиллик учун курашларнинг бошланишига йўл қўймаслик учун ҳарбий эҳтиёткорликни аллақачон таъминлаган бўлсада, маънавий соҳада ўзига ортиқча ишонолмас эди, чунки миллий мустақиллик истаги зўрлик билан жиловлаб турилади. Шу сабабли ҳам совет ҳокимияти мамлакатда мафкуравий, ғоявий курашни йўлга қўйишда энг аввало миллий туйғуларни йўқ қилишга киришди.

Халқнинг онгида, қалбидагина эмас, ҳатто хотирасидан ҳам миллий озодлик учун ҳаракатлар ва унга интилишни йўқ қилиб, ўчириб ташлаш мақсадида ўтмишда Россия истибдодига қарши олиб борилган курашлар тарихи қайтадан кўриб чиқила бошланди. Бундай тадбирнинг бошланишига сабаб бўлган ташқи омиллардан яна бири - хорижий тарихшуносликда Туркистонда миллий озодлик ҳаракати тарихини холисона талқин этган тадқиқотларнинг эълон қилиниши эди. Чунончи немис ва турк тилларида чоп этилган мухожир ватандошларимиз -Закий

Валидий Тўғон[1], Абдулла Ражаб Бойсун[2], Боймирза Хайит[3] каби тадқиқот-чиларнинг асарларида Туркистонда Россия ва совет давлатига қарши олиб борилган курашлар моҳияти ва мақсади жиҳатидан бир хил бўлиб, миллий озодлик ҳаракатининг таркиби қисмий сифатида бир-бирини давом эттиргани алоҳида таъкидланган эди. Бундан ташқари СССР Россия империясини давомчиси, мероскўри, мустамлакачи қизил империя сифатида баҳоланган эди. 1916 йил қўзғолони эса рус империализми эмас, Россия ҳукмронлигига қарши қаратилгани ва бу Жиззах воқеалари мисолида аниқ намоён бўлгани қайд этилганди.

Ўз ватанида бузиб кўрсатилган, атайин нотўғри талқин этилган ҳақиқатни жаҳон миқёсида фош этилиши ва уни совет давлатига ҳам кириб келиш ҳавфи ҳукумат ва унинг мафкуравий бўғинларининг "пайтавасига қурт солиб қўйди". Большевикча мафкура маддоҳлари ўзлари-тўқиган сохта тарихни халқ онгига янада чуқурроқ сингдиришга, ҳақиқатни янада кўпроқ бузиб кўрсатишга, хорижий тарихшуносликни, ҳақиқат жарчилари бўлган мухожир муаллифларни қоралашга киришдилар. Мамлакатда миллий онг ва туйғу масаласида мафкуравий хужумлар авж ола бошлади. Кун тартибига бадиий адабиёт, санъат, ижтимоий фанларда ғоявий, мафкуравий назоратини кучайтириш вазифаси қўйилди. Айнан шу даврда, яъни миллий озодлик учун кураш тарихига эътибор, аниқроғи хужум бошланди. Бунда юқорида қайд этилганидек И.В.Сталининг «миллий ҳаракатлар инқилоб манфаатларига хизмат қилсагина прогрессив ҳисобланиши» ҳақидаги қарашлари

---

[1] Togan A.Z. Bugungu Turkili (Turkistan) ye yakintarihi. Istanbul. 1942-1947.
[2] Abdulla. Rajab Boysun. Turkistan Milli Hareketlari. Istanbul. 1945.
[3] Hayit B. Turkestan im XX jahrhundert. Darmstadt. 1956.

бош мезон эди. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашув асосида Миллий манфаатлар атайин инқилоб манфаатлари, яъни яна ўша коммунизм ғоялари ва синфий кураш манфаатлари соясида кўмиб юборилди. Чунончи Туркманистондаги 1916 йил қўзғолони «реакцион ҳаракат» деб эълон қилинди[1]. Бундай «ташаббус» билан чиққан Ю.Тарасов ўзининг Туркманистондаги 1916 йил воқеаларига бағишланган мақоласида "бу ерда Туркия, Германия, Эрон, Афғонистондан ёрдам кутган феодал табақа манфаатларига бўйсундирилган реакцион, миллатчилик ҳаракати бўлган" деган мазмундаги даъвони асосламоқчи бўлди. Муаллиф туркман бойлари халқни қўлга қурол олиб, Россиядан ажралиш учун курашга даъват этганлари, бу курашда Туркия, Эрон, Афғонистондан ёрдам олмоқчи бўлганлари туфайли «бундай ҳаракатни миллий озодлик ҳаракати деб ҳисоблаб бўлмайди"[2] деб уқдирмоқчи бўлди. Ю.Тарасов "Россиядан ажралиш, мустақил хонлик тузиш мақсадида туркман бойлари ва уламолари уюштирган, деҳқонларни ҳам қамраб олган бу курашга берилган ижобий баҳони қайтадан кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаб, илмий жамоатчиликни шунга даъват эта бошлади. Шу муносабат билан нафақат Туркманистонда, балки бошқа республикаларда, масалан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистонда ҳам миллий озодлик ҳаракатларига берилган баҳони қайтадан кўриб чиқиш масаласи кун тартибидаги муҳим вазифа айланади.

Бу масалалар Қирғизистон Коммунистик партияси МК, Ўзбекистон Коммунистик партияси МК Пленумларидаҳам

---

[1] Тарасов Ю. О характере движения 1916 года в Туркмении // Вопросы истории. 1951. № 9.
[2] Ўша ерда. Б.116.

кўраиб чиқилди, матбуотда қатор мақолалар эълон қилинди.[1] 1951-1953-йиллар давомида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистонда миллий озодлик ҳаракатлари тарихига бағишланган анжуман ва мунозаралар уюштирилди. Хусусан, Ўзбекистонда (Тошкентда) бу мавзуда уюштирилган мунозарада 1898 йилдаги Андижон қўзғолони, 1892 йил Тошкент қўзғолони «мулкдорлар ва уламолар раҳбарлигида уюштирилган, инқилоб манфаатларига жавоб бермаган реакцион чиқишлар" сифатида қораланди[2] Бундай нотўғри қарашлар 50-йиллар адабиётида ҳам ўз аксини топди.[3] Масалага бундай ёндашув Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг миллий озодлик учун кураш тарихини қоралаб, халқ хотирасидан ўчириб ташлаш, нотўғри, сохта тасаввурлар сингдиришни кўзлаган эди, албатта. Гарчи бу борадаги уринишлар, мафкуравий таъзийқлар ўз натижаларини берсада, миллий озодлик курашини бутунлай қоралашга имкон бермади. Бу аввало, 1916 йил қўзғолони мисолида намоён бўлди. 20-йиллардан бошлаб, сўнгги 30 йил давомида эълон қилинган тадқиқотлар, жуда катта тарихий манбалар, ҳужжатлар, хотиралар, маҳаллий тарихчиларнинг асосли далиллари бунга катта тўсиқ бўлди. Бу қўзғолон характери ҳақида қизиб кетган мунозараларда олимлар, тадқиқотчиларнинг аксарияти унинг миллий озодлик кураши бўлганини эътироф этдилар. Хусусан, Туркманистонда бу масалада икки марта мунозара уюштирилди.

---

[1] Советская Киргизия. 1952. 2 апреля; Ильясов С. Нуров Г. О некоторых вопросах истории киргизского народа дооктябрьского периода // Труды института языка, литературы и истории. Выпуск Ш. - Фрунзе: 1952. С.153.

[2] Зевелев А., Абдуллаев Ш. Дискуссия о характере национальных движений в Средней Азии и Казахстане в колониальный период // Вопросы истории, 1952. №9..

[3] История Узбекской ССР.т.1.кн.2. Т.: 1956. Вахабов М. Ташкент в период трех революций. - Т.: 1957.

1952 йилда Туркманистон ССР ФАда бўлиб ўтган муҳокамада Ю.Тарасовнинг чиқишлари ва юқорида қайд этилган мақоласидаги фикр-мулоҳазалари кескин қаршиликка учради. Мунозара иштирок-чиларидан О.Кулиев ўз маърузасида Туркманистондаги 1916 йил воқеаларининг миллий озодлик йўналишини алоҳида қайд этиб, мулкдорларнинг иштироки ва унинг моҳиятини ўзгартира олмаганини таъкидланади. Мунозара иштирокчилари ҳар икки мулоҳазани аниқ фактлар билан асослаш учун манбаларни чуқур ўрганишга ва шундан кейин яна муҳокамага йиғилишга қарор қилдилар. Шундай изланишлар ва тайёргарликлардан сўнг Ашхабодда ўтказилган кейинги муҳокама (1953 май) Ўрта Осиё республикалари ФА ва СССР ФА тарих институтлари вакиллари иштирокида бўлди. Узоқ мунозаралардан сўнг етарли далиллар асосида Туркманистондаги 1916 йил қўзғолони миллий озодлик ҳаракати бўлгани кўпчилик томондан тан олиниб, эътироф этилди, бироқ феодал гуруҳ, яъни мулкдорлар иштироки ва раҳбарлигида 5-6 октябрда Теджен ва Гургенда бўлиб ўтган қуролли курашлар "реакцион чиқишлар" сифатида баҳоланди. Худди шундай кенгаш ва муҳокамалар 1952-1953 йиллар давомида Ўзбекистон (Тошкент), Қирғизистон (Фрунзе) ва Қозоғистон (Алма Ата) республикаларида ҳам бўлиб ўтади. Бу мунозаралар ва анжуманларнинг натижалари 1954 йилда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон республикалари ҳамда СССР ФА тарих институти вакилларининг иштирокида бўлиб ўтган бирлашган илмий сессия (кенгаш)да муҳокама этилиб, эълон қилинди.

Сессияда сўзга чиққан асосий нотиқлар -Х.Т.Турсунов, П.А.Ковалов (Ўзбекистон), О.Кулиев (Туркманистон), А.Г.Зима

(Қирғизистон), Т.Е.Елеуов (Қозоғистон) Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда 1916 йилда бўлиб ўтган қўзғолон оммавий тус олган миллий озодлик ҳаракат бўлганини эътироф этган ҳолда айрим ноҳияларда феодал унсурлар (яъни мулкдорлар назарда тутилади - Д.З.) иштироки ва раҳбарлигида содир бўлган воқеаларни "реакцион чиқишлар" сифатида баҳолайдилар. Еттисув вилоятидаги Пишпек ва Пржевальск уездида, Самарқанд вилоятидаги Жиззах уездида, Каспийорти вилоятидаги Гурген ва Тедженда юз берган воқеаларга шундай таъриф берилади.[1]

Манбалардан маълум бўлишича, бу ноҳияларда маҳаллий аҳоли қаршилиги ниҳоятда уюшган, қуролли ҳужум тусини олиб, мустабид ҳукумат қўшинлари, маъмурият вакиллари билан қонли тўқнашувлар содир бўлган. Уларда мулкдор тоифа вакиллари ҳам фаол иштирок этганлар ва Россиядан ажралиш мақсади аниқ илгари сурилган. Бу ҳол қўзғолонда синфий манфаатлар эмас, умуммиллий, умумхалқ манфаатлари, яъни мустақиллик, миллий озодлик ғоялари устун турганлигидан далолат бериб, 1916 йил воқеаларини синфий кураш сифатида баҳолашга монелик қиларди, олий мақсад йўлида бою-камбағал бош қўшиб, бирга курашганини намоён этарди. Бу эса синфий кураш ва коммунистик мафкура ақидаларига сира тўғри келмас эди. Шу туфайли ҳам айнан шу ноҳиялардаги ғалаёнлар "реакцион чиқишлар" сифатида баҳоланди ва бу сессияда қабул қилинган резолюцияда ҳам алоҳида қайд этилиб, унга расмий, мажбурий андоза мақоми берилди. Шу тариқа 50- йилларнинг 1-ярмида 1916 йил қўзғолонининг янада

---

[1] Материалы Объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана. Т.: 1955. С.584.

синфийлаштирилган, сиёсатлаштирилиб, ғоялаштирилган талқини ишлаб чиқилди ва у 50-80-йилларда яратилган барча тадқиқотлар учун расмий андоза, мажбурий бош мезон бўлиб хизмат қилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг илмий жамоатчилиги бу резолюцияларга ўз тадқиқотларини тўла мослаштириб боришлари, эса цензура, мафкуравий бўғинлар томонидан таъминланди. Янада синфийлаштирилган ва ғоявийлаштирилган бу расмий андоза 1916 йил қўзғолонининг марксча-ленинча талқини сифатида эътироф этилди. Унда қўзғолон сабаблари, характери, мағлубият сабаблари 30-йиллардаги большевикча концепция асосида баҳоланди. 1916 йил воқеалари «империализмга қарши миллий озодлик ҳаракати» сифатида эътироф қилинди, воқеалар баёни, кураш жараёни, қўзғолончиларнинг ижтимоий таркиби бутунлай синфий нуқтаи-назардан, хукмрон мафкура манфаатларидан келиб чиққан ҳолда талқин этилди, мулкдорлар, руҳонийлар роли қароланиб, уюшган қуролли тўқнашув тусини олган қўзғолончилар салбий баҳоланди.

50-80-йиллар давомида ана шундай асосда ва йўналишда ривожланиб, ўнлаб мақолалар, қатор монографиялар билан бойиб борган муаммо тарихшунослигида асосан қуйидаги масалаларига катта эътибор қаратилди:

1. Архив манбалари тўпланди ва чоп этилди.
2. Қўзғолончиларнинг хотираларини ёзиб олинди.
3. Қўзғолонга олиб келган шарт-шароитлар сифатида «империализмнинг зулми» атрофлича ёритилди.
4. Қўзғолондаги асосан камбағаллар, деҳқонлар иштирокини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди.
5. Қўзғолоннинг ривожланиши босқичлари аниқланди.

6. Қўзғолондаги майда миллат ва элатлар, хорижий келгиндилар роли аниқланди.

7. Қўзғолоннинг бостирилиши, қўзғолончиларнинг жазоланиши, мардикорлар қисмати ўрганилди.

8. Қўзғолон ҳақидаги халқ оғзаки ижоди намуналари тўпланди.

9. Қўзғолонга Россиядаги сиёсий жараёнларнинг таъсирини ёритишга алоҳида эътибор қаратилди.

60-70 йиллар давомида ана шу масалаларни бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон миқёсида ҳамда алоҳида республикалар доирасида ёритган йирик монографик тадқиқотлар яратилди[1]. Муаммони марксча-ленинча талқинининг "юксак намунаси" бўлган бу асарлар 1916 йил воқеаларига доир жуда катта ҳажмдаги янги маълумотлар билан бойитилган эди, аммо қўзғолоннинг асосий масалалари - унинг сабаблари, моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучлари, мағлубият сабабларининг талқини расмий андозаларга тўлиқ мослаштирилган эди. Бу тадқиқотларда қўзғолонга сабаб бўлган ижтимоий-иқтисодий омиллар жуда кенг ва атрофлича тадқиқ этилган, сиёсий омиллар эса Россиядаги инқилобий жараёнларнинг инъикоси, бевосита натижаси билан боғлиқ ҳолда шарҳланган. Қўзғолон бошланишида муҳим ўрин тутган маҳаллий омиллар эса атайин кўрсатилмаган. Чунончи, Туркистонда XX аср бошидан *шакллана бошлаган, ўлка халқларнинг умуммиллий* манфаатлари, тақдири ҳақида қайғуриб, маърифатпарварлик фаолиятини олиб борган, халқнинг сиёсий, миллий онгини

---

[1] Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстана. Т.: 1962; Усенбаев К. Восстание 1916 года в Киргизии. - Фрунзе: 1967; Сулейманов Б.С., Басин В.Я. Восстание 1916 года в Казахстане. - Алма-Ата: 1977; Турсунов Х. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолони. - Т.: 1966.

уйғотиш мақсадида фаол саъй-ҳаракатлар қилиб, мардикорлик ҳақидаги фармон ижросига кескин қаршилик кўрсатишга ундаган жадидчилик ҳаракати ҳақида пайдо бўлиб, қўзғолон арафасида шаклланиб бўлган ва аниқ мақсадларда иш юрита бошлаган жадидчилик ҳаракати, унинг миллий озодлик учун курашдаги ўрни, ғоялари мутлақо эътиборсиз қолдирилди, ижтимоий адолатсизлик, иқтисодий зулм империализмнинг иллатлари сифатида зўр бериб танқид қилиниб, фош этилган ҳолда, миллий, сиёсий зулм ҳақида умумий хулосалар, қайдлар билан чекланилди. Ҳатто ўлканинг хом ашё базасига айлантирилиш жараёни ҳамда унинг чуқур асоратлари ҳам етарлича таҳлил этилмади, чунки бу масалалар кундалик ҳаётдаги шундай асосда юритилаётган сиёсатнинг моҳиятини фош этар, ҳукмрон мафкура эса бундан сира манфаатдор эмас эди. Бу асарларда қўзғолоннинг айрим республикалардаги ўзига хос хусусиятлари, ғалаёнлар тафсилотларини аниқлаштирувчи жуда кўп фактлар илмий исеъмолга киритилди, бироқ улар ниҳоятда тор, синфий нуқтаи-назардан таҳлил этилиб, чекланган, асоссиз даъволар билан умумлаштирилди.

Қўзғолон сабоқлари, унинг мағлубият сабаблари ҳақида бу асарларда қайд этилган хулосалар эса "буюк оғачилик" ва "буюк давлатчилик" шовинизми билан суғорилган, ҳақиқатга зид, сохта даъволардан иборат бўлиб, тарихий ҳақиқатга эмас, ҳукмрон мафкура манфаатлари ва талабларига жавоб берар эди.

Чунончи, Х.Турсуновнинг "Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1916 йил халқ қўзғолони" номли асари шундай хулосалар билан якунланган эди: "...чуқур тарихий илдизларга эга бўлган бу қўзғолон Туркистон ва Қозоғистоннинг Россияга қўшиб

олинишининг прогрессив оқибатларидан бири эди... қўзғолон Туркистон ва Қозоғистонни Россиядан ажратишга қаратилмаган эди... қўзғолон Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ўз кучлари билан миллий мустамлакачилик зулмидан озод бўла олмас-ликларини кўрсатди. Уларнинг озодлик учун курашлари фақатгина Россия ишчилар синфи раҳбарлигида ғалаба қозониши мумкинлигига ўз тарихий тажрибаларида ишондилар..."[1]

Бундай асоссиз даъволар 1916 йил қўзғолонининг сабабари сифатида ҳатто шу муаллиф ўзи аниқлаган, катта ҳажмдаги маълумотлар асосида таҳлил этилган ижтимоий-иқтисодий ҳамда мустамлакачилик зулмини, қўзғолоннинг миллий озодлик йўналишини, аччиқ сабоқларини инкор этар эди. Улар муаллифнинг шахсий мулоҳазалари эмас, қўзғолон ҳақида ҳукмрон коммунистик мафкуранинг таъзийқи, бевосита назорати ҳамда кўрсатмалари асосида ишлаб чиқилган расмий андозанинг асосий мезонлари эди. Улардан бир қадам ҳам чиқа олмаган муаллиф бой тарихий фактларни шу мезонга солишга мажбур бўлган. Расмий андозалардаги бундай даъволар буюк давлатчилик шовинизмини, Россия ва рус халқининг устунлигини тарғиб этиш, Ўрта Осиё халқларида миллий мустақиллик истаги, миллий ғурур ва ўз кучига ишонч туйғуларини йўқ қилиш, ҳукмрон совет давлатининг мустамлакачилик моҳиятини хаспўшлаб, уни табиий зарурият сифатида қабул қилишга эришиш, Туркистондаги Россия ҳукмронлигини ижобий баҳолаш, оқлаш мақсадларини кўзларди. Энг аянчлиси шундаки, бундай асоссиз даъволар

---

[1] Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. - Т.: 1962. С.398, 410, 498.

миллий озодлик тушунчасининг моҳиятини ҳам бузиб кўрсатар, халқда тоъбеликни, мутеликни тарбиялаб, миллий онгни ўлдирарди.

Ҳукмрон мафкура таъзийқи остида ана шундай мақсадларга хизмат қилган муаллифлар айрим масалаларда имкон борича расмий андозалардан четга чиққан ҳолатлар ҳам бўлган. Шундай жасоратга жазм этганлардан бири К.Усенбаев бўлиб, унинг Қирғизистондаги 1916 йил қўзғолони тарихига бағишланган асари марксча-ленинча ақидалар билан бошдан-оёқ сугорилган бўлишига қарамай,"реакцион чиқишлар" ҳақидаги мулоҳазалари алоҳида эътиборга лойиқ. Бу муаммони архив ҳужжатлари, замондошларнинг кўрсатмалари, қўзғолончиларнинг хотираларини қиёсий ва танқидий асосда атрофлича ва чуқур ўрганган муаллиф Қирғизистондаги "реакцион чиқишлар" ҳақидаги хулосалар сохта маълумотларга асосланган нотўғри қарашлар эканлигини исботлаб беради.[1]

60-70-йилларда олиб борилган тадқиқотларда қўзғолоннинг алоҳида республикалар доирасида тадқиқ этилиши унинг ҳар бир ҳудуддаги ўзига хос хусусиятларини, ривожланиш босқичларини аниқлаш имконини берди. Масалан, Ўзбекистон ҳудудидаги Фаргона вилояти мисолида қўзғолонлар ниҳоятда оммавий, умумхалқ кураши сифатида, Қирғизистонда аграр кураш (ер-сув масаласи), Қозоғистонда эса уюшган қуролли кураш тусини олгани аниқ фактлар билан ёритиб берилди, шунингдек, Ўзбекистондаги қўзғолонларда аёлларнинг фаол иштироки ҳамда ташаббуси, Қозоғистондаги қўзғолонларнинг аниқ режа асосида уюшган курашга айланиб, мустабид ҳукумат уни бостиришга муваффақ бўла олмаганини,

[1] Усенбоев К. Восстание 1916 года в Киргизии. - Фрунзе: 1967. С.283-284.

Қирғизистонда эса қўзғолонлар ўта адолатсиз сиёсат натижасида нафақат аграр соҳада, балки миллий соҳада ҳам ниҳоятда кескин тус олгани маълум бўлди. Тарихий фактларнинг бойлиги, қўзғолоннинг айрим вилоятларидаги ўзига хос хусусиятлари, муҳим воқеаларининг аниқланиши бу тадқиқотларнинг ютуғи бўлса, синфий таҳлил, ғоялаштирилган, сиёсатлаш-тирилган асоссиз хулосалар уларнинг энг катта камчилигидир. Шу сабаблар туфайли бу асарлар танқидий нуқтаи-назардан ёндошувни тақозо этади.

Бу даврда 1916 йил қўзғолонига доир архив маълумотлари ва қўзғолончиларнинг хотираларини ўрганиш борасида катта изланишлар олиб борилди. 50-йилларнинг охирида Москва, Ленинград, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон Марказий Давлат архивларида шу республикалар тадқиқотчилари олиб борган изланиш туфайли 508 та тарихий ҳужжатдан иборат махсус тўплам яратилди. 1960 йилда чоп этилган ушбу тўпламда асосан мустабид ҳукумат маъмурияти архивида сақланиб қолган расмий ҳужжатлар - рапорт, телеграмма, ахборот, баёнотлар жой олган бўлиб, бой фактларга эгадир. Бу ҳужжатлар мустабид маъмурият ижодининг маҳсули бўлганлиги туфайли аксарият ҳолларда воқеаларни бир ёқлама - ҳукмрон тараф манфаатлари нуқтаи-назаридан, чекланган доирада талқин этади ва шу сабабли ўта танқидий муносабатни, бошқа манбалар билан таққослашни тақозо этади. Тўпламнинг кириш қисмида 1916 йил воқеаларига берилган қисқача таъриф эса муаммонинг расмий андоза-лардаги марксча-ленинча талқинига тўла мослаштирилган бўлиб, тадқиқотчиларнинг имконияти бу борада ҳам, яъни ҳужжатларни жамлаб чоп этишда ҳам ўта

чекланганлигидан далолат беради. IX бобдан иборат бу тўпламда қўзғолонни бутун Туркистон ва алоҳида вилоятлар ҳудудида ёритувчи ҳужжатлар ниҳоятда саралаб киритилган, ҳукмрон сиёсат ва расмий андоза талабларига мос келмаганлари атайин эътиборсиз қолдирилган. Шунга қарамай бу ҳужжатлар тўпламидан жой олган тарихий фактлар 1916 йил воқеаларини (қачон, қаерда, кимлар, қанча одам ғалаён қилди, у қандай бостирилди) ўрганишда катта аҳамиятга эга[1] (танқидий нуқтаи-назардан албатта).

Муаммо манбаларини ўрганишда бу йилларда ҳам қўзғолончилар хотираларига катта эътибор қаратилди. 50-йиллар давомида Фарғона, Самарқанд вилоятларидаги қўзғолончиларнинг хотиралари ёзиб олинди. Гарчи бу хотиралар юқорида қайд этилганидек, воқеаларни расмий андозалар доирасида ёритсада, уларда қайд этилган фактлар қўзғолон тафсилотларини (қачон, қаерда, қанча одам ғалаён кўтарди ва у қандай тугади) аниқлашда катта ёрдам бериши шубҳасиз. Совет тадқиқотларида бу хотираларнинг маълум қисмигина илмий истеъмолга киритилди. Фарғона вилоятидаги қўзғолончиларнинг хотиралари чоп этилди.[2] Лекин хотираларнинг қолган қисми илмий истеъмолга киритилмай архивларда қолиб кетди.

Бу даврда 1916 йил воқеаларини Россиядаги сиёсий жараёнлар билан боғлиқликда таҳлил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу мавзуда қатор мақолалар[3], тадқиқотлар эълон қилган П.А.Ковалев Туркистодаги воқеаларни Россиядаги

---

[1] Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник документов. - М.: 1960.

[2] Зияев Х. 1916 йил қўзғолони хотиралари. Т.: 1977.

[3] Ковалев А.П. Восстание 1916 года в Средней Азии и русская буржуазия // Труды САГУ. Вып.45. Гуманитарные науки. кн.5. 1953; Революционная ситуация 1915-1917 гг. и ее проявление в Туркестане. - Т.: 1971

инқилобий жараённинг таркибий қисми, инъикоси сифатида кўрсатишга уринади, ички омиллар - маҳаллий хусусиятлар, умумхалқ, умуммиллий манфаатлар, оддий авом халқ аҳволи, орзу-истаклари эътибордан янада узоқлаштирилади. Масалан, П.Ковалевнинг Туркистон аҳолисини фронт орти ишларга сафарбар этилиши ва 1916 йил қўзғолонига бағишланган номзодлик диссертациясида муаллиф ўз олдига "инқироз арафасида турган Россиянинг ҳалокатли аҳволи, Туркистон ва Россия сиёсий ҳаётининг алоқадорлиги, рус инқилоби ва Туркистон халқлари озодлик ҳаракатининг алоқадорлигини очиб бериш" мақсадини қўйган эди[1]. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошган П.А. Ковалев 1916 йил қўзғолони мисолида империализмнинг ҳалокатини кўрсатиб беришга, халқнинг хаққоний тарихини эмас, коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилувчи синфий кураш тарихини яратишга уринди. Шу сабабли ҳам унинг мақолалари муаммо тарихшунослигини янада ғоялаштириш, синфийлаштириш, сиёсийлаштиришга катта ҳисса қўшди.

П.А.Ковалевнинг Туркистондан мардикорликка олиб кетилган ишчиларнинг ҳаёти ва тақдирига бағишланган йирик тадқиқоти[2] бу масалани илк бор ва атрофлича ёритиб берган асар сифатида эътироф этилишга лойиқдир. Чунки унда жуда катта ҳажмдаги бой тарихий фактлар асосида мардикорларнинг аччиқ қисмати ёритилган. Бироқ бу муаммога ҳам мафкуравий чеклашлар доирасида ёндошган муаллиф

---

[1] Ковалев А.П. Мобилизация на тыловые работы населения Туркестана и восстание 1916 года. Автореферат на соискание ученой степени кандидата исторических наук. - Т.: 1953.

[2] Ковелев А.П. Тыловые рабочие Туркестана в годы первой мировой войны. - Т.: 1957.

мардикорлар қисматида Россиядаги инқилобий жараёнлар таъсирини ниҳоятда бўрттириб, уларни инқилобчилар сифатида кўрсатишга уринади. Ваҳоланки, Туркистонда совет ҳокимиятига қарши курашган кучларнинг кўпчилигини айнан шу мардикорлар ташкил қилган эди.

60-йилларда 1916 йил қўзғолони тарихшунослигида очилган янги саҳифалар сифатида 1916 йил воқеаларига рус солдатларининг муносабати, мустабид ҳукуматнинг жазолаш сиёсати каби масалаларнинг ўрганилишини қайд этиб ўтиш лозим. Бу масалаларга Д.И.Сойфер, Н.А.Абдураҳимова тадқиқотларида алоҳида эътибор қаратилди[1]. Чунончи, И.Сойфер рус солдатларининг қўзғолонларини шафқатсиз жазолашда иштирок этиш сабабларини аниқлашга ўринади ва буни қўшин таркибида маҳалий аҳолига қарши кайфиятда бўлган келгинди руслар (Россиядан кўчиб келган) кўпчиликни ташкил этганлиги, махсус жазо отрядлари асосан казаклардан тузилганлиги, солдатлар ва казаклар орасида узлуксиз суръатда шовинистик тарғибот олиб борилганлиги, ҳарбий ҳолат қонунлари ўта шафқатсиз бўлганлиги билан изоҳлайди.

Маълумки, ҳукмрон рус миллатининг мазлум миллатларга нисбатан зўравонликка асосланган муносабати 1916 йил воқеаларининг асосий сабабларидан бири бўлиб, бу сиёсат қўзғолонни бостириш давомида янада аниқ намоён бўлди . Бу ҳол ҳар икки миллат орасига катта раҳна солди. Бундай муносабат бевосита мустабид ҳукумат айби билан юзага

---

[1] Сойфер Д.И. Революционное движение солдат в Туркестане (1903-1918 гг). - Т.: 1969; Абдурахимова Н.А. *Революционное движение и* карательная политика царизма в Туркестане. К истории царской тюрьмы в Туркестане. Автореф.дисс.канд.ист.наук. - Т.: 1969.

келгани ва кескинлашганини тарихий фактлар, замондошлар ҳам тасдиқлайди. Д.И.Сойфер тадқиқотида ҳам ҳукуматнинг бу борадаги фаолиятини фош этувчи аниқ маълумотлар келтирилади. Ҳукмрон миллатнинг мазлум халққа нисбатан бундай муносабати совет тарихий адабиётлари, хусусан коммунистик партия тарихи адабиётларида мустаҳкам ўрнашиб қолган нотўғри ва сохта тасаввурларни, яъни "рус халқи (жумладан Туркистондаги ҳам) маҳаллий аҳолини зулмдан озод қилиш миссиясини бажариб, унинг эрк учун курашларига раҳбарлик қилган» деган даъволар нақадар асоссиз эканлигини фош қилади.

Д.И.Сойфер ўз тадқиқотида Туркистонда рус миллатининг ҳукмронлигини, унинг мазлум миллатларга нисбатан зўравонлигини таъминлаб турган мустабид чор ҳукуматининг бу борадаги фаолиятини 1916 йил воқеаларига боғлиқ ҳолда очиб беради, бироқ у ҳам пировардида ўз тадқиқотини «рус халқи Туркистонда озодлик миссиясини бажарганлиги» ҳақидаги ҳақиқатга зид даъволар билан якунлайди.

Н.Абдурахимованинг Туркистонда мустабид ҳукуматнинг мазлум халққа нисбатан олиб борган жазолаш сиёсатини 1916 йил воқеаларининг шафқатсиз бостирилиши мисолида очиб берган тадқиқоти муаммо тарихшунослигини янги маълумотлар билан бойитди[1]. Муаллиф мустабид ҳукуматнинг қўзғолонни бостириш чоғидаги сиёсати ўта шафқатсиз, ҳарбий кучни кенг қўллаш асосида олиб борилганини алоҳида таъкидлайди. У қўзғолончилар устидан олиб борилган суд жараёнларини таҳлил этиб, асосан умрбод сургун қилиш, ўлим жазоси, мол-мулкни

[1] Абдурахимова Н.А. Революционное движение и карательная политика царизма в Туркестане. К истории царской тюрьмы в Туркестане. Автореф.дисс.канд.ист.наук. - Т.: 1969.

мусодара этиш каби оғир жазо чоралари белгиланган, жазоланганлар ниҳоятда кўплиги ва асосан камбағаллардан иборат бўлганини аниқлайди. Шунингдек, Н.Абдурахимова адлия соҳасидаги порахўрлик, саводсизлик, мансабни суистеъмол қилиш холлари кўп бўлгани, жазоланувчиларга жиноятчи сифатида қаралгани, масаланинг сиёсий моҳияти яширилгани ҳақида аниқ мисоллар келтиради. Лекин мулкдор синфга мансуб айрим мансабдор маҳаллий маъмурларнинг ҳукуматни жазо отрядларини қўллаб-қувватлагани ҳақидаги саноқли ҳолатларни умумлаштириб, бойлар ўз манфаатини кўзлаб қўзғолонни бостиришда ҳокимиятга ёрдамлашган, деган мазмундаги шошилинч ва юзаки хулосага келади. Ваҳоланки, архив ҳужжатларида йирик маҳаллий маъмурлар - элликбоши, қози, руҳонийлар аҳолини бош кўтаришга ундаб, тарғибот юритганлари ҳақидаги маълумотлар ҳам оз эмас. Масалан, Тошкентда қўзғолон бошланишидан олдин шаҳар элликбошилари маслаҳатлашиб, аҳолини фармонга қарши чиқиб, аёллари билан биргаликда бош кўтаришга тарғиб этиш мақсадида барча маҳаллаларга тунда ўз вакилларини жўнатганлар, эртаси куни эса - 11 июлда бутун шаҳар қўзғолон кўтарган.[1] Бундай воқеалар Фарғонада ҳам содир бўлган[2].

Архив манбаларида мулкдорлар, бойлар, манаплар, маъмурият вакиллари ҳам (элликбошилар, қозилар ва ҳ.к.) халқни галаёнларга ундаб, уларга бош-қош бўлгани ҳақидаги бошқа маълумотлар кўплаб учрайди, бироқ уларнинг аксарияти совет тарихшунослигида атайин илмий истеъмолга

[1] ЎзР МДА. ТГГМ фонди, 31-рўйхат, 1337-йиғма жилд. В.28.
[2] ЎзР МДА. ТГГМ фонди, 1-рўйхат, 1332-йиғма жилд. В.71.

киритилмаган, чунки бу маълумотлар қўзғолонни синфий кураш сифатида баҳоловчи расмий, марксча-ленинча қарашларга мутлақо зид эди. Шунингдек, айрим ҳолларда (жуда саноқли) маъмуриятнинг маҳаллий вакиллари ўз хизмат вазифалари юзасидан қўзғолонни бостиришда иштирок этганлар. Асосан мулкдорлар синфига мансуб саноқли маҳаллий маъмурларнинг бу фаолияти барча мулкдорлар ҳақида шундай хулоса қилиш учун асос бўла олмайди, албатта. Умуман, қўзғолонда иштирок этганлар ўз синфий манфаатини эмас, умуммиллий, умумхалқ манфаатларини кўзлаб курашганлар, яъни аҳолининг барча тоифа ва табақа вакилларининг манфаатига жавоб берадиган мақсад- мустабид давлат зулмидан қутулиш учун бош кўтарганлар. Бироқ совет тарихшунослигида юқорида қайд этилганидек, синфий манфаат ва синфий кураш биринчи ўринга қўйилгани туфайли 1916 йил *қўзғолонида умумхалқ манфаатлари илгари сурилганилиги* атайин кўрсатилмаган.

Хуллас, 50-80-йиллар ўртасига қадар совет тарихшунослигида 1916 йил қўзғолонининг синфийлаштирилган, ғоялаштирилган ва сиёсатлаштирилган марксча-ленинча, синфий талқини яратилиб, нафақат ушбу мавзуга бағишланган махсус адабиётларда, балки алоҳида республикалар, вилоятлар, шаҳар-лар тарихига бағишланган асарларда, бадиий адабиёт ва санъатда ҳам қарор топтирилиб борилди, юбилей муносабат-лари билан ўтказилган илмий анжуманлар, чоп этилган мақола ва тўпламлардан ўрин олиб, тарғиб этиб борилди.

IV босқич. 80-йилларнинг охири - 90-йил. Собиқ СССР давлатида 80-йиллар ўртасида бошланган қайта куриш йилларида маълум даражада бўлсада амал қила бошлаган

ошкоралик шароитида маънавий, иқтисодий, ғоявий ва сиёсий *инқироз ёқасида турган жамият ҳаётининг барча соҳаларида, шу* жумладан илм - фанда ва ижтимоий воқеликда ҳам зўрлик, мафкуравий таъзийқ, цензура билан кишанланиб турган ҳақиқат, реал аҳвол ошкор бўла бошлади. Қарийб 70 йил давомида яшириб келинган манбалар ошкораликка бир оз имкон туғилиши билан марксча-ленинча таълимот ақидаларига мослаштирилган совет тарихшунослигининг ғайри-илмий концепцияси қобиғини ёриб чиқа бошлади. Гарчи мафкуравий кишанлар бутунлай бўшатилмаган, коммунистик мафкура ва совет давлати ҳукмронлигига, марказ тазъзийқига чек қўйилмаган бўлса-да, инқирозга юз тутган тузум ошкоралик туфайли янграй бошлаган ҳақиқат садоларини жиловлашга қодир бўлолмай қолди. Тарих фанидаги "оқ доғлар" сифатида ном олган жуда кўп тарихий воқеалар қаторида Туркистонда миллий озодлик учун кураш масалалари ҳам алоҳида диққат эътибордаги мавзуга айланди. Хусусан, 80 йиллар охири - 90 йиллар бошида 1916 йил қўзғолони талқинига янгича ёндошувлар бошланди. Москва (1988-199О), Фрунзе (1988-1989) Тошкент (1988-199О), Алма-Ата (199О-1991)да бўлиб ўтган илмий анжуманларда Туркистондаги миллий озодлик курашининг энг муҳим воқеаси сифатида 1916 йил қўзғолони тарихига алоҳида эътибор қаратилди[1] ва бу қўзғолондаги "реакцион чиқишлар" ҳақидаги мулоҳазалар мутлақо асоссиз, ҳақиқатга зид эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Қўзғолоннинг миллий-озодлик характери, мустамлакачиликка қарши йўналиши алоҳида таъкидланди. Лекин коммунистик мафкура ҳукмронлиги шароитида бу

[1] Усенбаев К. 1916: героические и трагические страницы. - Бишкек: 1997. С.3.

масаланинг синфий талқинига тўла барҳам бериш имкони бўлмади. Шунингдек, мустабид совет давлати хукмронлиги шароитида қўзғолоннинг Россия ҳукмронлигига қарши, ундан ажралишга қаратилганлигини ҳам эътироф этиш имкони бўлмади. Лекин унинг том маънодаги миллий озодлик ҳаракати сифатида эътироф этилиб, реакцион чиқишлар ҳақидаги даъволарнинг асоссиз деб тан олиниши тарихий ҳақиқат сари ташланган олға қадам эди.

1916 йил қўзғолонининг совет тарихшунослигидаги синфийлаштирилган, гоялаштирилган марксча-ленинча талқинининг инқирозли хотимаси шундай якунланди. 20-йилларда илк бор янграган ҳақиқат садоларини бўғиб, янчиб, зўрлик билан қарор топган совет тарихшунослиги 70 йилдан сўнг пировардида яна шу ҳақиқат садолари остида ўз сохталигини намоён этди.

Мустабид совет давлати ҳукмронлигининг сўнгги йилларида янграб улгурган ҳақиқат садолари тарихий ҳақиқат юзидаги туҳматларни тозалашга даъват бўлиб янгради. Бу тарихий ҳақиқатнинг тикланиши, ҳаққоний ва холисона баҳоланишига мустақиллик давридагина имкон туғилди. Совет тарихшунослигидан эса муаммонинг марксча-ленинча, синфий талқини ёритилган, танқидий ёндашувга муҳтож асарлар мерос бўлиб қолди.

Юқорида қайд этилганидек, 1916 йил воқеаларининг совет тарихшунослигида марксча-ленинча таълимот ақидалари қолипи-да бўлса-да, ижобий баҳоланиб, "империализмга қарши миллий озодлик кураши" сифатида эътироф этилиши уни Туркистон тарихининг бошқа муҳим саҳифалари каби бутунлай қораланиб, унутилиб юборилишдан сақлаб қолди. Ушбу муаммо тарихшунослиги чекланган доирада бўлса-да,

ривожланиб борди ва 70 йил мобайнида олиб борилган *изланишлар давомида* қуйидаги масалалар талқинида эътиборга лойиқ натижалар қўлга киритилди:

1. *Муаммонинг манбалари* - тарихий ҳужжатларнинг катта қисми ўрганилиб, жамланди, қўзғолончиларнинг хотиралари ёзиб олинди.

2. Қўзғолоннинг сабаблари - мустамлакачилик зулмининг асосан иқтисодий ва ижтимоий асоратлари, кўринишлари аниқ фактлар асосида таҳлил этилди.

3. Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги ҳар бир республикада 1916 йил қўзғолони давомида содир бўлган энг йирик ғалаёнлар аниқланди, воқеалар ривожи тикланди.

4. Қўзғолоннинг шафқатсиз бостирилиш жараёни, қўзғолончилар устидан суд жараёни аниқ манбалар асосида таҳлил қилинди.

5. *Айрим республикалардаги ғалаёнларнинг* ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Айни пайтда қайд этилган барча масалалар юзасидан назарий, илмий хулосалар қилинмади, балки ғоялаштирилган, сиёсатлаштирилган якуний таъкидлар қайд этилиб, муаммонинг ҳукмрон мафкура, синфий кураш манфаатларига, талабларига жавоб берадиган, партия ва инқилоб тарихига мослаштирилган талқини яратилди. Муаммонинг марксча-ленинча талқини деб ном олган бу концепцияни асослаш учун тадқиқотчилар кўплаб тарихий фактлардан юз ўгиришга, уларни четлаб ўтиб, эътиборсиз қолдиришга ёки хаспўшлаб, бузиб кўрсатишга мажбур бўлдилар. Натижада муаммонинг қуйидаги масалалари совет тарихшунослигида ўзининг холисона баҳосини, талқинини ололмади:

1. 1916 йил қўзғолонининг Туркистондаги Россия ҳукмронлигига қарши қаратилганлиги, унинг том маънодаги миллий-озодлик учун кураш бўлганлиги, айрим жойларда, масалан Жиззахда Россиядан ажралиб, мустақил бўлиш мақсади кўзланганлиги.

2. Туркистондаги Россия мустамлакачилигининг сиёсий, миллий, диний, маънавий-маданий соҳадаги зулм ва истибдоди,

3. Туркистондаги Россия мустамлакачилигининг энг оғир иқтисодий асоратлари - ўлканинг хом ашё базасига, тайёр маҳсулотлар бозорига айланиши, халқнинг қашшоқланиши, қул даражасига солиниши, маънавий ҳаётнинг издан чиқиши.

4. Қўзғолонда халқнинг барча тоифа, табақа вакилларининг фаол иштироки, мулкдорлар ва айрим маҳаллий маъмурлар ташаббуси.

5. Қўзғолонда маҳаллий миллий зиёлилар, хусусан жадидларнинг роли.

6. Қўзғолон энг уюшган куролли тус олган Жиззах воқеалари.

7. Қўзғолонинг мағлубият сабаблари, унинг сабоқлари.

Бу масалаларнинг холисона, илмий асосдаги талқини совет тарихшунослиги хизмат қилган ҳукмрон давлат ва сиёсат, тузум ва ғоялар талабига жавоб беролмас, муаммонинг синфий талқинига зид келар эди, шу сабабли улар ё атайин бузиб кўрсатилди, ё эътиборсиз қолдирилди.

2-§. Совет тарихшунослигининг «босмачилик» концепцияси

Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган кураш воқеалари шу мустабид ҳукумат ҳукмронлиги шароитида ўзининг холисона илмий ва тарихий талқинини ололмаслиги муқаррар эди. Чунки бу кураш

- биринчидан, совет ҳокимиятининг Туркистондаги ҳукмронлиги ва зулмини тугатишга қаратилган эди;

- иккинчидан, унинг сабабларининг холисона эътироф этилиши совет ҳокимиятининг мустамлакачилик моҳиятини фош этарди;

- учинчидан, курашнинг умумхалқ характери Туркистон халқларининг совет ҳокимияти ва унинг ғояларини тан олмаганидан далолат берар эди;

-тўртинчидан, курашнинг шиддати, оммавийлиги ва ниҳоят қарийб 5-6 йил давомида енгилмай олиб борилгани Туркистон халқларининг шижоати, миллий ғурур ва мустақиллик истаги нақадар кучли эканлигини намоён этиб, совет ҳокимиятининг куч ва зўрлик билан ўрнатилганлигини фош этарди;

- бешинчидан, бу кураш ҳақидаги ҳаққоний тасаввурлар авлодларга миллий ғурур, ўз кучига ишонч, аждодларга хурмат, совет давлатига эса нафрат уйғотиши шубҳасиз эди.

Шу сабаблар туфайли совет ҳокимияти бу кураш моҳиятини, у ҳақдаги ҳақиқатни, ҳаққоний тасаввурлар ва хотираларни халқ онгидан ўчириб юбориш, уни қоралаш, нотўғри талқин этиб, сохталаштириш ва бу сохта тарихни авлодлар онгига сингдириш мақсадида жуда катта ташкилий, ташвиқот-тарғибот ишларини олиб борди. Лекин халқ онгидан

унинг ўзи гувоҳ бўлган, иштирок этган воқеаларни ўчириб ташлаш, унга нотўғри сохта тасаввурларни сингдириш осон эмас эди.

Совет адабиётлари, ижтимоий-сиёсий ҳаёт воқелиги, мафкуравий соҳада олиб борилган фаолият таҳлилининг кўрсатишича, бунга зўравонлик, таҳдид, таъзийк ва таъқиблар асосидагина эришилган. Совет даврида бу мавзуда чоп этилган нашрлар, адабиётларнинг мазмуни ва тадрижий таҳлилидан маълум бўлишича, бу муаммога доир совет тарихшунослиги қуйидаги босқичларни босиб ўтган:

I босқич. 20-йиллар - совет ҳокимиятига қарши курашларнинг тарихий талқини йўлидаги илк тажрибалар: ҳаққоний ва сохта (синфий) қарашларнинг шаклланиши.

II босқич. 30-50-йиллар 1 ярми - большевикча концепция асосларининг яратилиши ва мажбурий қарор топиши.

III босқич. 50-йиллар II ярми - 80-йилларнинг ўртаси - большевикча-ленинча концепцияга асосланган сохта тарихнинг яратилиши, уни янада синфийлаштириб, оммалаштирилиши, ғоявий кураш майдонига айланиши.

IV босқич - 80-йиллар охири - 90-йил - сохта тарихнинг фош этила бошланиши. Ҳақиқатнинг илк садолари.

I босқич - 20-йиллар. Юқорида, яъни (яъни 1 бобнинг 2-§ да) Тукистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган кураш сабаблари ва моҳияти замондошлар томонидан қандай баҳоланган ҳақида қайд этилган аниқ маълумотлар бу воқеалар ҳақида дастлабки йилларда мутлақо ҳаққоний ижтимоий сиёсий қарашлар шаклланганидан далолат беради. Бундай шароитда совет ҳокимияти ва ҳукмрон мафкура кўзлаган мақсадига, яъни ҳақиқатни сохталаштириб унинг ўз

манфаатларига мослаштирилган сохта талқинини яратишга эриша олмаслиги шубҳасиз эди, албатта.

Шу туфайли энг аввало бу курашлар ҳақидаги ҳаққоний ахборотлар, мулоҳаза ва тасаввурларга барҳам бериш, уларни ошкор этишга йўл қўймаслик чора тадбирлари белгиланди. Бу борада дастлабки уринишлар 1920 йилда бошланган бўлиб, шу йили Туркистондаги "Коммунист" газетаси ошкоралик учун кескин танқид қилиниб, партия назоратига олинган эди. 1922 йилга келиб эса РКП(б) Марказий қўмитаси барча матбуот ва нашрларни қатъий назоратга олиш, таҳририятни "партия ишига содиқ кишилар" билан алмаштириш ҳақида махсус кўрсатма берди. Бу эса ўз навбатида матбуотда қаттиқ цензура ва назорат ўрнатилишини, уни ҳукумат ва ҳукмрон коммунистик мафкура манфаатларига хизмат қилишини, расмий қарашларни қарор топтиришга бўйсундирилишини таъминлаб берди. 1921-1922 йиллардан бошлаб матбуотда "босмачилик фронти" рукни остида Туркистондаги совет хокимиятига қарши курашнинг бориши ва моҳияти ҳақида мутлақо сохта тасаввурларни сингдиришга хизмат қилувчи хабарлар, ахборот ва мақолалар узлуксиз суръатда бериб борилди. Ҳукмрон томон манфаатларига мослаштирилган, реал аҳволни нотўғри баҳолаган, унинг асл моҳияти бузилган бу хабар ва шарҳларда "босмачилар - синфий душман", "қизил армия - камбағал меҳнаткашлар халоскори" деган сохта тасаввурлар тарғиб этиб борилди[1], яъни совет хокимияти зўравонлигига қарши маҳаллий аҳолининг адолатли

[1] Красная Фергана" .- 1921. - №61; "Қизил байроқ", - 1921. - №17, 21, 67; - 1922. - №179, 199, 197,196; "Янги шарқ".-1920. - №92; Еженедельник полит-работника. - 1920.- №1; "Туркестанская правда". - 1921-24гг.

кураши "босмачилик ҳаракати" деган туҳмат тамғаси остида қораланиб, бу ҳодиса ҳақида салбий тасаввурлар, аниқроғи сохта ижтимоий қарашларни юзага келтириш, уни мустаҳкам қарор топтириш ишига давлат аҳамиятига, сиёсий аҳамиятга молик масала сифатида киришилди. Бу борада жуда кенг миқёсда катта ташкилий, сиёсий, ғоявий ишлар олиб борилди. Қизил армия сиёсий бўлимлари, партия ташкилотларининг *мафкура, тарғибот-ташвиқот бўлимлари, маориф, матбуот,* минглаб коммунистлар фаолияти шу вазифага бўйсундирилди, катта маблағлар сарф этилди. Бу борада юқорида қайд этилганидек, совет ҳокимияти қўлида синфий кураш таълимоти асосий ғоявий қурол бўлиб хизмат қилди. Совет ҳукуматига қарши кураш лагери "ўз синфий манфаатларини кўзлаган синфий душман", "аксилинқилобий куч" сифатида қораланди, оммани ундан бездириш, четлатиш, кураш иштирокчиларини обрўсизлантириш учун туҳмат ва бўҳтонлар уюштирилди, ўша йилларда Туркистондаги инқирозли шароитда авж олган айрим жиноий қароқчилик, талончилик ҳолларига асоссиз суръатда оммавий тус берилиб, улар миллий озодлик ҳаракатлари учун олиб борилган кураш билан бир қаторга қўйилди ва шу асосда бу кураш қароқчилик, босмачилик сифатида кўрсатилди.

Бироқ совет ҳокимиятига қарши мустақиллик учун кураш воқеаларини "босмачилик", "қароқчилик" сифатида қораловчи расмий қарашларни қарор топтириш, уларга ижтимоий тус бериш , яъни жамоатчиликда салбий тасаввур хосил қилиш мустабид ҳукумат истаганидек, жўн бўлмади. Халқ, жамоатчилик онгида унинг ўзи гувоҳ бўлган ва аксарият қисми иштирок этган, бошидан кечирган воқеалар ҳақидаги тасав-

вурларни матбуот, тарғибот ва ташвиқот воситасида бир ёки бир неча йилда, бир уринишда мутлақо тескари томонга ўзгартириш мумкин эмас эди. 20-йиллар давомида турли йўналишларда олиб борилган катта ташкилий тарғибот ташвиқот ишлари натижасида ушбу қарашларни қарор топтириш учун зарур шарт-шароитлар, замин ҳозирланди.

Партия ва ҳукуматнинг бу борадаги фаолияти ҳали бутунлай йўлга қўйилмасдан аввалроқ - 20-йиллар бошида юз кўриб улгурган тадқиқотлар, мақолаларда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, қайд этилган холисона эътирофлар ва хулоса-лардан маълум бўладики, ушбу муаммо хусусида эндигина шаклланa бошлаган илмий қарашлар ҳам ўша даврдаги ҳақ-қоний ижтимоий қарашларга ҳамоҳанг бўлган.

Чунончи, 1920 йилда Г.Сафаровнинг[1] чоп этилган "Колониальная революция" ("Мустамлака инқилоби") асарида эътироф этилишича "босмачилик ҳаракати миллат тақдирини ўзи белгилаш учун кураш заминида, Кўқон мухториятининг яксон этилиши ва ундан кейинги мустамлакачилик зўравонлиги натижасида юзага келган эди"[2]. (Бундай қарашлар учун Г.Сафаров асари 30-йиллардан бошлаб кескин танқид остига олиниб, ман этилган адабиётлар қаторида китобхонлар эътиборидан четлаштирилди). Қатъий ишонч билан таъкидланган бундай хулосалар 20-йиллар ўртасига қадар турли йўналишларда олиб борилган тадқиқотлар, мақолаларда кўплаб учрайди.

Бу даврдаги тадқиқотлар асосан икки йўналишда олиб борилди:

---

[1] Сафаров Г. РКП(б) МК Туркистон бюросининг раҳбарларидан бири эди.
[2] Сафаров Г. Колониальная революция. (Опыт Туркестана). М.: 1921.

1. Партия тарихи.

2. Ҳарбий тарих

Ҳар икки йўналишда матбуот (даврий ва вақтли матбуот) катта ўрин эгаллаган эди.

Партия тарихи йўналишидаги изланишлар 1920 йил 21 сентябрда РСФСР ХКСнинг В.И.Ленин имзолаган қарори асосида ташкил этилган, 1921 йилдан РКП(б) МК Котибияти бошқарувига олинган "Партия тарихи ва Октябрь инқилоби тарихини ўрганиш Комиссияси" томонидан йўлга қўйилган бўлиб, Туркистонда бундай Комиссия 1921 йил майда Туркистон МИК қошида ташкил топган эди. 1922 йил январда Туркистон КП МК қошида ҳам "партия тарихи комиссияси" бўлим сифатида ташкил топган. 1922 йил кузида Туркистон МИК қошидаги Комиссия тугатилиб, КП МК Партия Комиссияси ўз фаолиятини бевосита партия назорати ва раҳбарлиги остида давом эттирган.

Партия Комиссияси энг аввало омма орасида тарғибот-ташвиқот ишларига эўр берди. Мустабид хукумат ва унга қарши халқ курашини "босмачилик" ва унга қарши курашган қизил армиянинг «жанговор юришлари» сифатида мутлақо тескари талқин этган кўргазмалар тайёрлаб, жамоатчилик орасида кенг намойиш этди.

20-йилларнинг биринчи ярмида партия тарихи комисияси томонидан чоп этилган дастлабки ҳужжатлар тўпламлари таниқли сиёсий арбоб Т.Рискулов томонидан тайёрланган бўлиб, Туркистонда 1917 йил октябридан кейинги жараёнларда маҳаллий ташкилотларнинг фаолияти, ўрни, маҳаллий аҳолининг роли ва муносабатини ҳужжатлар асосида кўрсатиб бериш мақсадини кўзлаган эди. Туркистондаги совет ҳокимиятининг

маҳаллий арбобларидан бири бўлган Т.Рисқулов адолатли тузум ҳақидаги ғояларга ишонч билан қараб, унинг тантанасига ўлкадаги совет давлат аппаратини соғломлаштириш, унда маҳаллий аҳолининг иштироки ва раҳбарлигини таъминлаш орқали эришиш мақсадини кўзлар эди. Т.Рисқулов Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгач юзага келган оғир ва кескин иқтисодий сиёсий вазиятда очликка қарши кураш Комиссиясининг Раиси, РКП(б) МК Мусулмонлар бюроси Раиси сифатида олиб борган фаолияти давомида катта эътибор қозонган бўлиб, нафақат Туркистон тарихида, балки тарих фанида ҳам ўзига хос из қолдирган.

Т.Рисқулов томонидан тайёрланиб 1922 йилда Партия *тарихи Комиссияси чоп этган биринчи тўпламда*[1] РКП(б) Мусулмонлар бюроси фаолияти, унинг 1919-1920-йиллар давомида бўлиб ўтган I-III конференцияларига доир ҳужжатлари жамланган бўлиб, унда ушбу ташкилотнинг совет ҳокимиятига қарши кураш фронтига муносабати ва бу масаладаги фаолиятини ёритувчи маълумотлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу тўпламда қайд этилган маълумотлар 1919 йил давомида Мусулмонлар бюроси Туркистондаги совет ҳокимиятининг бу фронтга қарши кураш тактикасини ўзгартиришда катта ва ҳал этувчи роль ўйнаганидан далолат беради. Мусулмонлар бюроси "босмачилар" деб қораланган фронт билан мурosa ўрнатиш, уларга қарши курашда террор усулидан воз кечиш, умумий авф эълон қилиш, курашга сабаб бўлаётган омилларга - совет ҳокимияти сиёсатидаги мустамлакачилик асоратларига, қизил армиядаги талончиликларга, зўравонликларга чек қўйиш талаблари билан чиққанлиги эътироф этилган бу ҳужжатлар

[1] Рисқулов Т. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. Т.: 1923.

тўплами тез орада ман қилинган адабиётлар қаторидан жой олди, чунки бу ҳужжатлар совет ҳокимиятига қарши Туркистон халқлари олиб борган курашлар адолатли бўлганини, совет *ҳокимиятининг мустамлакачилик фаолиятини аниқ фактлар* билан акс эттирар, маҳаллий вакиллар ҳукуматнинг бундай сиёсатига кескин қаршилик билдириб, қаттиқ танқид остига олганини намоён этарди. Ҳукумат кирдикорларининг бу қадар ошкора, аниқ фактлар билан фош этилишидан норози бўлган РКП(б) МК 1922 йил 21 декабрда бу асар хусусида махсус қарор қабул қилиб, Т.Рисқуловни бундай «қилмиши» учун, аниқроғи ошкора-лик учун қаттиқ огоҳлантирди. Тўпламда қайд этилган маълумот-лар эса совет тарихшунослигида атайин илмий истеъмолга кири-тилмади.

Т.Рискулов томонидан 1923 йилда тайёрланиб, 1925 йилда Партия тарихи комиссияси нашр эттирган иккинчи ҳужжатлар тўпламининг тақдири ҳам биринчиси каби бўлди. Ушбу тўплам[1] партия тарихи Комиссияси изланишлари йўналишига ҳамоҳанг бўлиши, инқилобий жараёнларда маҳал-лий аҳолининг иштирокини ҳужжатлар асосида кўрсатиб бериш мақсадига хизмат қилиши лозим эди, лекин унда қайд этилган айрим ҳужжатлар ва маълумотлар ўлкада 1917-1919 йилларда юзага келган кескин ва оғир вазиятни, партия ва ҳукумат фаолиятини ҳаққоний ёритиб беришга хизмат қилгани ва "Туркистон меҳнаткашлари совет ҳокимиятини биринчи кунларданоқ қўллаб қувватлаб, уни мустаҳкамлаш учун кураш олиб бордилар" деган сохта даъволарни исботлай олмагани туфайли, бу тўплам ҳам тезда ман этилган адабиётлар

[1] Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов. часть1. 1917-1918. -Т.: 1925.

қаторидан жой олди. Чунончи, ушбу тўпламнинг "Фарғонада босмачилик" деб номланган IX бобидаги Фарғонада совет хокимияти Туркистон мухториятини зўрлик билан тугатиб, аҳолидан шафқатсиз ўч олишда дашноқлардан фойдалангани, уларни қурол билан таъминлаб, Фарғонада талончилик, оммавий қирғин қилишларига йўл очиб берган (1918 йил) ҳақидаги маълумотлар, бу борада Фавқулодда Комиссия қўллаган чора тадбир-лар, Фарғона вилояти Инқилобий Қўмитасининг вилоятдаги иқтисодий, сиёсий аҳвол ҳақида марказ ва ўлка ҳукуматига ахборот маърузаси каби ҳужжатлар жой олган бўлиб, улар - Туркистондаги ва совет ҳокимиятининг жиноятқорона фаолиятини фош этар, мустабид ҳукумат эса бу маълумотларнинг ошкор бўлишидан сира манфаатдор эмас эди. Шу сабабли тўплам нафақат кенг китобхонлар оммаси, балки тарихчи тадқиқотчилар эътиборидан ҳам четлаштирилди.

П.Алексенко[1] томонидан тайёрланиб, 1927 йилда партия тарихи комиссияси тарафидан чоп этилган яна бир тадқиқот совет ҳукуматига қарши Туркистондаги маҳаллий кучлар ва крестьянлар (рус деҳқонлари) армиясининг биргаликдаги кураши масаласига бағишланган эди. Ушбу тадқиқотда генерал Монстров (крестьянлар армияси қўмондони) ва қўрбоши Мадаминбек қўшинларининг иттифоқчилик шартномаси асосида адолатсиз совет ҳокимиятига қарши курашига доир муҳим ҳужжатлар, маълумотлар нисбатан холисона, тарихийлик нуқтаи назаридан талқин этилганлиги туфайли бу асар ҳам масалани синфий нуқтаи назардан таҳлил қилиб бера олмаганликда айбланиб, эътибордан четлатилди.

Ҳарбий тарих йўналишидаги илк тадқиқотлар "Военный

---

[1] Алексенко П. Крестьянское восстание в Фергане.- Т.: 1927.

работник Туркестана", "Красная Армия", "Военная мысль" саҳифаларида ёритилиб борилди. Чоп этилган мақолалар "босмачилик" деб қораланган кураш фронтга қарши ҳукмрон совет ҳокимияти ва унинг ҳарбий кучи - қизил армиянинг кураш тактикаси, усуллари, бу армия тарихи, фаолиятини ёритишга бағишланган. Бу мақолаларнинг бир қисми совет ҳокимиятига қарши бу ҳаракатнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари масаласига нисбатан холисона ёндошуви билан алоҳида ажралиб туради, ўша даврнинг ҳали жиловлаб улгурилмаган ижтимоий қарашларини яққол намоён этади.

Масалан, В.Кувшинов[1] Фарғона фронтидаги аҳволни шарҳлаш давомида "босмачилик"нинг сабабларига тўхталиб, ҳаракатни авж олдирган омиллар қаторида ҳокимият тепасидагиларнинг ўз вазифасини суистеъмол қилишганлигини, бундан ташқари мухторият ғояси ўз аҳамияти йўқотмаганини қайд этса, Н.Батманов[2] "босмачилик"ни совет ҳокимияти келтириб чиқарганини ошкора таъкидлайди.

1921 йилда "Военная мысль" журнали таҳририяти "босмачиликни тугатиш борасида турли тадбирлар қўлланилганига қарамай, кутилган натижалар бўлмаётгани туфайли ушбу масалани ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, хўжалик нуқтаи-назаридан атрофлича ўрганиш мақсадида" ўз саҳифаларида мунозара эълон қилади. Мунозара Н.Тўрақуловнинг "Фарғона муаммоси" номли мақоласи билан бошланади. Туркистон МИК Раиси, маҳаллий аҳоли вакили сифатида ўлкадаги аҳвол билан яқиндан таниш бўлган Н.Тўрақулов бу

---

[1] Кувшинов В. Обзоры // Военная мысль. -1920. -Кн. 1. сентябрь. С. 259.

[2] Батманов Н. Басмачество и борьба с ними // Красная Армия (журнал). 1921. №9.

хусусдаги ўз фикрларини имкон доирасида баён этишга уринади. Чунончи, совет ҳокимиятига қарши курашнинг ижтимоий-сиёсий илдиз-ларини таҳлил этиб, унинг авж олишига олиб келган омиллар сифатида қуйидагиларни қайд этиб ўтади:

1. Халқ хўжалигида кутилмаган ўзгаришларга олиб келган ижтимоий сиёсий сабаблар,

2. Дашноқцютон миллатчи арман партиясининг узлуксиз жиноятлари, маҳаллий ташилотларнинг (Туркистондаги совет ҳокимиятининг - Д.З.) қатор "сиёсий хатолари",

3. Совет ҳукумати томонидан меҳнат мажбурияти ва умумий ҳарбий сафарбарликнинг эълон қилиниши ҳамда уларни амалга оширишдаги зўравонлик, жиноий хатти-ҳаракатлар.[1]

Қайд этилган омиллар совет ҳокимиятига қарши курашнинг авж олишида катта роль ўйнагани шубҳасиз, албатта.

20-йиллар бошида чоп этилган бошқа мақолаларда ҳам Туркистон халқларининг совет ҳокимиятига қарши курашнинг асосий сабаблари сифатида ҳукуматнинг мустамлакачилик сиё-сати кўрсатилади. Бу ҳаракатнинг умуммиллий, умумхалқ ҳара-кати тусини олганлиги қайд этилади.[2]

"Босмачилик" туҳмат тамғасини олган бу курашнинг келиб чиқиш сабаблари, моҳияти ва дастлабки йиллардаги умумхалқ, умуммиллий характери ҳақидаги эътирофлар 20-

---

[1] Тўрақулов Н. (Дервиш) Ферганская проблема //Военная мысль.- 1921. №2

[2] В.К. Басмаческий фронт // Коммунистическая мысль. -1920. №1; Происхождение басмачества и борьба с ни // Красная Фергана. -1921. -№67; Современное положение басмачества //Туркестанская правда.-1922. -№4; Кирш Ю. Мечты и действительность //Еженедельник политработ-ника.-1921. -№6; Военно - политическое положение Туркестанского фрон-та. -Т.: -1921; Баранов П. Положение Туркестанской республики и реогранизация Красной Армии // Военная мысль. 1921. №2; Рискулов Т. Мусбюро РКП(б) в Туркестоне. - Т.: -1923.

йилларнинг иккинчи ярмида ҳам қайд этилган. Масалан, Катта Совет Энциклопедиясининг 1 нашри учун Ф.Хўжаев томонидан "босма-чилик" ҳаракатига берилган таърифда "бу ҳаракат советларга қарши аниқ сиёсий тус олиб, Ўрта Осиёнинг уччала респуб-ликаси - Туркистон, Бухоро ва Хоразмда деҳқонларнинг деярли оммавий ҳаракатига айлангани", "...бу ҳаракат раҳбарлари Кўршермат (Шермуҳаммадбек - Д.З.), Иброҳимбекларгина эмас, маҳаллий миллий зиёлилар, бойлар ҳам бўлган"лиги таъкидланади.[1]

Умуман, мазкур муаммога доир 20-йиллар нашрлари ҳақида сўз борганда шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, уларда бу воқеалар ривожи ва моҳияти муҳим маълумотлар, ҳужжатлар асосида ёритилади, аммо улар тегишли илмий хулосалар билан эмас, балки расмий қарашларда қайд этилган большевикча даъволар билан якунланади, натижада муаммо ва воқеалар талқини билан хулосалар бир-бирини инкор этади. Масалан, "Фарғона муаммоси" мақоласида "босмачилик"ни умумхалқ ҳаракати сифатида эътироф этиб, уни авж олдирган ижтимоий, иқтисодий омилларни санаб ўтган Н.Тўрақулов пировардида "босмачилик - майда буржуазия стихиясидир"[2] деб якун ясайди ва бу билан ўз мақоласида ушбу воқеалар ҳақида ўзи илгари сурган мулоҳазаларини инкор этади.

Бундай ҳолат 20-йилларнинг кўпгина тадқиқотларига хос бўлиб, жамият тараққиёти қонунларига зид бўлган синфий қарашлар узоқ вақтгача нафақат ҳаётда ва жамоатчилик онгида (ҳатто партия, ҳукумат вакиллари ходимлари онгида ҳам) замин топа олмаганидан, реал ҳаётни акс эттирмаганидан, унга

---

[1] Большая Советская Энциклопедия. -М.: 1927. -жилд. С.36.

[2] Тўрақулов Н. (Дервиш Т.) Ферганская проблема //Военная мысль. 1921. №2.

зид бўлганидан далолат берар эди. Партия тарихи Комиссияси томонидан нашр эттирилган тадқиқотлар, ҳукумат ва партия кенгашлари ҳужжатлари, мафкура бўғимлари томонидан тарғибот-ташвиқот учун тайёрланган махсус шархлар, раҳбар ва масъул ходимларнинг қарашларидаги ўта зиддиятли фикр-мулоҳа-залар ҳам шундан далолат беради.

Умуман, 20-йилларда Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган мустақиллик учун кураш воқеаларини "босмачилик" сифатида қоралаб, уни "синфий кураш" сифатида кўрсатишга уринишлар на амалда ва на тадқиқотларда ўз самарасини бермади. Матбуотда, партия съездлари, пленум кенгашларида узлуксиз қайтарилиб, қарор топа бошлаган расмий қарашларга ижтимоий тус беришга, илмий жиҳатдан асослаб беришга муваффақ бўлинмади.

Синфий қарашлар ва умуман, синфий кураш таълимотини халқ онгига сингдиришда кутилган натижаларга эриша олмаган партия ва ҳукумат 20-йиллар охирига келиб ижтимоий соҳа, тафаккурда синфий таълимотни қарор топтириш учун марксча-ленинча дунёқарашга эга бўлган зиёлилар, мутахассислар, совет кадрларини тарбиялаб етиштириш вазифасини илгари сурди, тарих, фалсафа, социология, умуман бутун ижтимоий соҳада марксча-ленинча таълимот асосларини эгаллаган кадрлар тайёрлаш кун тартибидаги муҳим масала бўлиб қолди. Шу мақсадда 1929 йилда Ўрта Осиё илмий тадқиқот муассасалари Ассоциацияси (САНИИ) деб номланган йирик илмий тадқиқот маркази тузилди, "ижтимоий фан оламида марксча-ленинча қарашларни қарор топтириш, бу борадаги барча кучларни жипслаштириш" ниятида тузилган бу институт низомида "буржуача ва майда буржуача бузғунчиликлар билан

курашиш вазифаси" алоҳида таъкидланди. Институт қошида марксчи тарихчилар жамияти ва тарих секцияси фаолият бошлади.

1929 йилда ВКП(б) Ўрта Осиё бюроси қошидаги Партия тарихи Комиссияси Ўрта Осиё инқилоб тарихи илмий текшириш институти (САНИИР)га айлантирилиб, унга тарих фанини мувофиқлаштирувчи марказ мақоми берилди. Институт фаолия-тида партия назоратини таъминлаш учун унинг раҳбарлигига партия ходимлари тайинланди ва ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг бўлими мақоми ҳам берилди. Институт ўз кутубхо-наси, архивига эга бўлиб, совет ҳокимиятига қарши кураш фронтига доир маълумотлар "фуқаролар урушига" оид ҳужжатлар сифатида шу ерда сақланган. Бундан кейинги даврда, яъни 30-йиллардан бошлаб СССРда, шу жумладан Туркистонда ҳам совет ҳокимиятига қарши кураш воқеаларини "фуқаролар уруши" мавзуси остида ўрганиш йўлга қўйилди. Фуқаролар уруши аслида - бирodаркушлик бўлиб, бир халқ ичидаги ўзаро курашни англатади. Туркистонда эса дастлабки 3-4 йил мобайнида бир тарафда совет ҳукумати ва унинг ҳарбий кучлари, иккинчи тарафда маҳаллий халқ кураш олиб борганлар. 1922-1923-йиллардан бошлаб мустабид ҳукумат қизил армияга маҳаллий аҳолини катта тарғиботлар, баъзан зўрлик ва алдов йўли билан жалб этиб, ўз қўшинлари таркибида миллий аскарий қисмлар тузган. Уларни тузишда совет ҳокимияти маҳаллий аҳолини ўз тарафдорига айлантиришни кўзлаган, маҳаллий коммунистлар эса бу қисмларни кейинчалик маҳаллий қўшинга айлантириб, шу миллий қисмлар асосида кейинчалик Туркистон ҳарбий қўшинини тузиш, ундан Туркистонни ҳимоя қилишда фойдаланиш каби узоқни кўзлаган

яширин мақсад-ларни назарда тутганлар. Шу сабабли маҳаллий коммунистлар совет хокимиятига қарши курашда мағлуб бўлган ёки сулх тузган маҳаллий кучларни ҳам шу миллий қисмларга киритишга ҳаракат қилганлар. Лекин совет армияси сафида тузилган маҳаллий қисмларнинг совет ҳокимиятига қарши курашган маҳаллий аҳоли билан тўқнашувлари оммавий тус олмаган. Маҳаллий аҳоли дастлабки 4 йил давомида мустабид ҳукуматнинг асосан европаликлардан иборат қўшинлари билан курашган. Шу сабабли ҳам бу курашни фуқаролар уруши деб таърифланиши ҳақиқатга зиддир. Бу кураш халқ уруши бўлганини яшириш, унинг асл моҳиятини бузиб кўрсатиш мақсадида мустабид ҳукумат уни фуқаролар уруши, аниқроғи синфий кураш, яъни бойлар билан йўқсиллар орасидаги кураш сифатида кўрсатишга уринган. Ўзини йўқсиллар ҳукумати сифатида танитган совет ҳукумати ўзига қарши курашни гўёки йўқсиллар (камбағаллар) га қарши кураш деб укдирган, ваҳоланки унга қарши фронтда йўқсиллар асосий кучни ташкил этганлар.

Хуллас, 20-йиллар давомида совет ҳокимиятига қарши кураш воқеалари ҳақидаги сохта тасаввурлар на жамоатчилик онгида, на тарихий тадқиқотларида қарор топа олмади, аммо уларга замин хозирлаб борилди. Нафақат бу муаммо талқинида, балки умуман ижтимоий соҳада синфий қарашлар, большевикча мафкурани сингдириш учун шарт-шароит ва кадрлар тайёрлаш масаласига эътибор кучайтирилди. Лекин реал ҳаётдан жуда узоқ бўлган бундай ақидалар ва қарашлар халқ онгидан, қалбидан жой ололмади. Унинг мажбурий тан олиниши 30-йилларда содир бўлди.

II. 30-50-йиллар. Бу босқичнинг дастлабки йилларида,

яъни 30-йилларда илмий тафаккурда марксча-ленинча қарашларни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида юқорида қайд этилган муассасалар катта роль ўйнади. Матбуотда "Ўрта Осиё тарихшунослигида марксизм-ленинизмга зид қарашларга барҳам бериш учун" кураш бошланганини, қизғин мунозаралар, кескин танқидлар авж олганини кузатиш мумкин. Тез орада бундай саъй-ҳаракатларнинг маҳсули сифати-да дастлабки тадқиқотлар чоп этилди.

Ўрта Осиёда "фуқаролар уруши" мавзусида 1930 йилда Ф.Божко[1] томонидан тайёрланиб, эълон қилинган рисола бу борадаги илк уриниш бўлди. Унинг сўзбошисида САНИИР томонидан берилган таърифда қайд этилишича, "шошилинч тарзда тайёрланган бу асар муаммони буткул қамраб олмасада, Ўрта Осиёдаги "фуқаролар уруши"нинг умумий концепияси билан таништириши» таъкидланган эди. Унда Еттисув ва Каспий орти фронтидаги воқеаларнинг айрим тафсилотлари САНИИР архивида тўпланган қизил гвардиячилар хотиралари ҳамда бошқа ҳужжатлар асосида умумий тарзда ёритилган бўлиб, совет тарихшунослигида "босмачилик", "Фарғона фронти" сифатида таърифланиб келган совет ҳокимиятига қарши Туркистондаги маҳаллий халқлар олиб борган кураш масаласига муаллиф мутлақо тўхталмади, аниқроғи бу воқеаларни фуқаролар уруши таркибида ёртишни лозим топмайдики, бу ҳол ушбу муаммога муаллиф синфий кураш сифатида қарамаганлигидан далолат беради (айнан шу масала, яъни Фарғона фронти мутлақо ёритилмаганлиги кейинчалик совет тарихшунослигида асарнинг энг катта камчилиги сифатида

[1] Божко Ф. Гражданская война в Средней Азии. Т.: 1930.

баҳоланади[1]).

Фарғона фронти - совет тарихшунослигидаги атама бўйича "босмачилик" масаласи 1931 йилда нашр этилган П.Алексеенконинг "Қўқон мухторияти"[2] ва «Босмачилик нима?»[3] асарларида илк бор большевикча талқин ва тафтишга дучор бўлди.

П.Алексеенко кураш сабабларини совет ҳокимияти олиб борган сиёсат билан изоҳлашга қарши чиқади, сиёсатдаги "хатолар"ни[4] инкор этмасада, уларни совет ҳокимиятининг айби сифатида тан олмайди, "эски мустамлака режимидан сақланиб қолган сарқитлар, қолдиқларнинг намоён бўлиши, муқаррар ҳолат" сифатида таърифлайди, яъни оқлашга ҳаракат қилади.

Бу курашни бошланиб, авж олишини инглизлар қўл ва роли билан изоҳлаш ҳолларини эса П.Алексеенко "сиёсий жиҳатдан зарар", "рақибнинг кучларига ортиқча баҳо бериш, ҳақиқатни инкор этиш", деб ҳисоблайди. "Инглизларни "босмачилик"дан фойдаланишга уринишлари муваффақиятсиз тугагани"ни алоҳида таъкидлайди. Совет ҳокимиятига қарши курашлардаги Буюк Британиянинг роли ҳақидаги бундай эътирофлар совет даврида сўнгги бор П.Алексеенко томонидан қайд этилган бўлиб, бундан кейин ушбу масала талқинида кескин бурилиш содир бўлди. Умуман, 30-йиллар бошида "фуқаролар уруши" мавзуси талқи-нида катта ўзгаришлар юз берди. Бу аввало ушбу муаммонинг

---

[1] Зевелев А.И. Историография Советского Туркестана. - Т.: - 1968. С.69

[2] Алексеенко П. Что такое басмачество. - Т.: - 1931.

[3] Алексеенко П. Кокандская автономия. - Т.: - 1931.

[4] «Сиёсатдаги хатолар» деганда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳукумат таркибига маҳаллий аҳоли киритилмагани, уларга ишончсизлик билан қаралгани, шовинистик ва мустамлакачилик кўринишлари назарда тутилган. Маҳаллий коммунистлар талаби билан бунга кейинчалик маълум даражада чек қўйилган.

большевикча концепциясининг ишлаб чиқилиши ва унда масаланинг синфий талқини ўз аксини топгани билан боғлиқ эди. 1931 йил 30 июлда ВКП(б) МК "СССРда фуқаролар уруши тарихи" га бағишланган кўп жилдли асар яратиш ҳақида қарор қабул қилди. Бунинг ташаббускорларидан бири- пролетар ёзувчиси деб ном чиқарган А.М.Горький бўлиб, у "Комсомолец Востока" газетасига шу муносабат билан телеграмма жўнатади. Унда "Фуқаролар уруши тарихи миллий республикаларда меҳнаткашларнинг совет ҳокимияти, жаҳон пролетар инқилоби, социализм учун фидокорона курашларини кўрсатиб бериши лозим», деган талаб илгари сурилади, зудлик билан маълумотлар йиғиб Москвада тузилган Бош таҳририятга юбориш зарурлиги таъкидланди, яъни совет ҳокимиятига қарши курашган Туркистон халқлари айнан шу ҳокимият учун курашди», деган ҳақиқатга зид даъвони асослаб бериш шу халқнинг ўзидан талаб қилинади.

1931 йил 13 сентябрда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси "Ёш ленинчи" ва "Комсомолец Востока" газеталари ташаббуси билан Тошкентда «фуқаролар уруши қатнашчилари билан учрашувлар уюштириш» ҳақида қарор қабул қилди. Учрашувларда Туркистонда совет ҳокимиятини зўрлик билан ўрнатишда қизил армия сафларида шафқатсиз кураш олиб борган жангчилар сўзга чиқадилар. Ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг унга қарши маҳаллий халқ олиб борган миллий озодлик курашлари "ёш совет ҳокимиятига қарши рус, миллий ва хорижий аксилинқилобчилар кураши" сифатида таърифланади, ўз эрки учун курашган халқ ҳаракати қораланиб, уни бостирган совет ҳукумати оқланади. Учрашув иштирокчилари

хотиралари асосида махсус тўплам[1] тайёрланиб, чоп этилади. Ушбу тўпламда А.Казаковнинг "Ўрта Осиёда фуқаролар уруши ва Октябрь тарихини нашр этиш учун кучларни ташкил этайлик" номли кўрсатмалари ҳам чоп этилган бўлиб, унда "бу муаммо тарихини большевикча нуқтаи-назардан ёритиб берадиган тадқиқот ҳанузгача яратилмагани, ...фуқаролар урушининг "асосий" масалалари бўш ёритилгани" танқид қилинди. Ушбу кўрсатмаларда бу тарихий ҳодиса ҳақидаги большевикча концепциянинг асосий қарашлари илк бор ўзининг шаклу-шамойилини намоён этган эди, яъни «кураш чет эл интервентлари роли билан бошланган ва коммунистик партия раҳбарлигида маҳаллий меҳнаткашлар иштирокида бостирилган» деган мазмундаги сохта, ҳақиқатга зид даъволар муаммонинг асосий, ҳали очиб берилмаган масаласи» сифатида алоҳида кўрсотиб ўтилади. Бу кўрсатмаларда ўлкада совет ҳокимиятини зўрлик билан ўрнатишда катта роль ўйнаган «коммунистик партия ва иттифоқ пролетариатининг Ўрта Осиё халқларига ёрдамини унутиш - маҳаллий миллатчилик кўринишидир" деган таҳдидли айбнома алоҳида таъкидланди. А.М.Горький маслаҳатлари билан тайёрланган бу кўрсатмалар муаллифи А.Казаков "фуқаролар урушида маҳаллий меҳнаткашлар бутунлай совет ҳокимияти тарафида туриб курашган", деган асоссиз даъвони илгари сурибгина қолмай, бу масалани ёритиб бериш заруриятини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтди, тадқиқотчиларни шунга даъват этди, буни инкор этувчи маълумотлар қайд этилган 20-йиллардаги нашрлар, масалан Г.Сафаров асарини кескин танқид остига олди. Маҳаллий

---

[1] Воспоминания участников Октября и гражданской войны 1917-1921 гг. Вып.1. М.-Т.: 1931.

аҳолининг совет ҳокимиятини қўллаб-қувватлагани ҳақидаги уйдирмани совет тарихшунослигида қарор топтириш "фуқаролар уруши тарихининг большевикча, ленинча талқини сифатида давлат аҳамиятига молик масала эканлиги" алоҳида уқдирилди[1].

1931 йил 3 октябрда "Правда" газетасида «фуқаролар уруши» тарихини ўрганиш бўйича Бош таҳририятнинг махсус кўрсатмалари эълон қилинади. Унда Коммунистик партия МК, вилоят қўмиталари қошида республика ва вилоят комиссиялари тузилиб, уларга "фуқаролар уруши" тарихи бўйича маълумотлар чоп этиш ишига ёрдам бериш, раҳбарлик қилиш вазифаси топширилади, яъни бу ишларга партия назорати ва раҳбарлиги таъминланди, бу муаммонинг большевикча талқинини яратиш давлат аҳамиятига молик сиёсий масалага айланди.

«Фуқаролар уруши» тарихини тайёрлаш масаласи давлат аҳамияти даражасига кўтарилиши ва унда партия назорати, раҳбарлигининг таъминланиши, сиёсий кампаниявозлик ўз натижаларини узоқ куттирмади 30-йилларнинг биринчи ярмидаёқ дастлабки оммабоп асарлар, хотиралар, тўпламлари нашр этилди.[2] Асосан қизил армия жангчилари, командирлар, сиёсий бўлим бошлиқлари, ҳарбий мухбирлардан иборат ғолиб ва ҳукмрон миллат вакилларининг айрим жанг тафсилотлари ҳақидаги хотираларидан иборат бу нашрларда қизил армия «ғолиб ва халоскор» куч сифатида оқланиб советларга қарши миллий озодлик учун курашган маҳаллий ахоли эса

---

[1] Казаков А. Организуем силы для издания истории Октября и гражданской войны в Средней Азии // Воспоминания участников. С.II-VII.

[2] *Кручковский Ю. Хашар. М-Т.: 1933; Инқилоб олови ичида. Тўплам. - Т.:* 1935; Мейер А. Боевые эпизоды в Фергане и Хорезме. - М-Т.: 1934; Пошерстник Б.Л. На трех фронтах. Воспоминания участника гражданской войны в Средней Азии. - М.: 1932.

"босмачилар","мағлубиятга учраган ёвуз синфий душман" сифатида қораланди.

Бу сиёсий компания возликларда ва умуман, фуқаролар уруши тарихини ёзилишида маҳаллий аҳоли вакилларининг мутлақо иштироксизлиги уларнинг бу масалага муносабатини кўрсатибгина қолмай, сохта расмий қарашларга 30-йиллар ўртасига қадар ҳам ижтимоий тус беришга эришила олмаганидан, улар халқ томонидан қабул қилинмаганидан далолат беради. Буни яхши англаган совет мафкурачилари халқ онгига унинг ўз вакиллари орқали таъсир ўтказиш йўлини тутдилар ва бунда катта қурол бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган адабиётга алоҳида эътибор қаратдилар.

1935 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон совет ёзувчилари Союзининг II Пленуми айнан шу масала муҳокамасига бағишланди. Пленумда яратилажак адабиётлар бутун маъноси, мундарижасигача марксизм-ленинизм асосидаги, ... принципиал, марксистик, чуқур илмий адабиёт бўлиши кераклиги" уқдирилди, яъни адабиётни сиёсатлаштириш, ғоялаштириш, синфийлаштириш вазифаси қўйилади[1].

Пленумда адабиёт аҳли "фуқаролар уруши" ва "Октябрь инқилоби" тарихининг марксча-ленинча концепцияси билан таништирилди. Бу концепцияга кўра - Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган, миллий озодлиги ҳаракати - "маҳаллий аксилинқилобий буржуазиянинг совет ҳокимияти, большевиклар партияси, рус пролетариати ҳимоячилиги ва ёрдамига қарши кураши» сифатида таърифланди. Бундан 5-10 йил аввал - 20-йилларнинг биринчи ярмида замондошлар,

[1] Берегин К. Гражданлар уруши тарихи тўғрисида. (1935 йилда бўлган Ўзбекистон Совет ёзувчилари Союзининг II Пленумида килинган доклад). Т.: 1935. Б.10.

жамоатчилик ва ҳаттоки, Туркистондаги совет ҳукумати ва большевиклар партияси вакиллари, ҳатто раҳбарлари ошкора қайд этган, гувоҳ бўлган тарихий ҳақиқат - совет ҳокимиятининг мустамлакачилиги, ўлкадаги руслар ва большевиклар ҳам шу кайфиятга мубтало бўлганлиги, унга қарши курашган маҳаллий кучлар эса нафақат мулкдорлар, балки халқнинг барча қатламлари - йўқсиллар, деҳқонлар, чорикорлар, ишчиларни қамраб олгани ҳақидаги ҳаққоний эътирофлар, гувоҳликлар марказнинг, партиянинг шу бир оғиз кўрсатмаси билан бутунлай инкор этилиб, мутлақо тескари, ҳукмрон ва голиб тараф манфаатига мос талқин олади. Мазкур концепцияда, Туркистонда совет ҳокимияти зўравонлигига қарши олиб борилган курашлар «Ўзбекистонда совет ҳукуматини ағдариб, уни Англия мустамлакасига айлантириш, буржуача миллий автономия тузиш мақсадини кўзлаган харакат» сифатида талқин этилади, яъни совет давлати мустамлакачилигига қарши олиб борилган кураш «Англия мустамлакачилигига айлантириш учун интилиш» деб таърифланади!

Бундан ташқари, ушбу концепцияда 1917 йилда тузилган ва совет ҳокимияти ағдариб ташлаган маҳаллий демократик ҳукумат Туркистон - (Қўқон) мухторияти мутлақо асоссиз равишда «инглиз мустамлакачилигини кўзлаган, савдо саноат буржуазиясининг аксилинқилобий ҳукумати» деб кўрсатилади, мустақиллик учун кураш фронти эса шу аксилинқилобчиларнинг қуролли кучи сифатида қораланади.

Шу тариқа тарихий ҳақиқат сохталаштирилди, инқилоб ғоялари ва синфий кураш ҳақидаги ҳаёлий таълимот ақидаларига мослаштирилиб, мутлақо нотўғри, тескари, реал ҳаётга зид талқин олди ва бу марказнинг, хусусан ВКП(б)

МКнинг кўрсатмаси, талаби ва ташаббуси билан амалга ошди.

Яратилажак бадиий асарлар шу концепцияга мослаштирилиши зарур ва шарт эди, бундан ташқари ёзувчиларга Туркистонда совет ҳокимиятини ўрнатишда энг кескин чора-тадбирлар билан иш тутган М.В.Фрунзе, И.В.Куйбишевларнинг «тарихий хизматлари» ни улуғловчи бадиий адабиётлар яратиш вазифаси ҳам юкланди.

Адабиёт аҳли Бош таҳририят томонидан ишлаб чиқилган «фуқаролар уруши» тарихи бўйича режа билан таништирилиб, улар яратиши лозим бўлган асарлар мазмуни, моҳияти ва мавзуси олдиндан белгилаб берилди. Шу тариқа нафақат тарих фани, балки адабиёт ҳам яратилажак бадиий асарлар қолипи билан олдиндан, мажбурий тарзда таъминланди. Эндиликда бу соҳадаги ижод аҳли барча тасаввурлар, хотиралар, аниқ фактлар, инсоний ҳис-туйғу ва қадриятлар, тарихий ҳодисалар, реал ҳаётни шу қолипга, андозага мослаш-тириши, сиёсат ва ғояга хизмат қилувчи асарлар яратиши мажбурий қилиб қўйилди.

30-йиллар ўртасида, яъни тоталитар режимнинг қатағон қилиш сиёсати, авжга чиққан, партия ва ҳукумат талабларининг ижроси ҳаёт-мамот масаласини ҳал этган вазиятда бундай мажбуриятдан бош тортиш оғир оғибатлар келтирар, ҳали марксча-ленинча қарашлар қарор топмаган 20-йилларда унга зид фикр-мулоҳаза билдирган кишилар эндиликда бундай «хатолари» учун боши билан жавоб бермоқда эди. Шу туфайли юқоридан берилган барча кўрсатма ва талаблар қонуний кучга эга бўлиб,» «фуқаролар уруши» ҳақидаги большевикча концепция ҳам зўрлик билан, мажбурий тарзда ҳеч бир қаршиликсиз қарор топтирила бошланди.

30-40-йилларда тарих фанида ва умуман, ижтимоий фанларда, жамият тафаккурида ҳамда ҳаётида чуқур асоратлар қолдирган, оғир оқибатларга олиб келган шахсга сиғиниш иллатлари «фуқаролар уруши» талқинида ҳам ўз аксини топди. Бу йилларда фуқаролар уруши даврида И.В.Сталиннинг буюк тарихий хизматларини кўрсатиш тенденцияси пайдо бўлди. Фуқаролар урушининг "сталинча" концепция, яъни бутун СССРдаги «фуқаролар уруши»нинг боришини, шу жумладан Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган курашни ҳам Антантанинг СССРга қарши уч юриши, ҳужуми билан ўзаро боғлиқликда акс эттириш, барча воқеалар ривожи, ҳарбий тўқнашувларни шунга боғлиқ суръатда тасвирлаш амал қила бошланди.

Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши арафасидаги халқаро аҳвол кескинлашган, уруш ҳавфи кучайган шароитда халқ қалбида чет эл «империалистлари»га нафратни кучайтириш, ғоявий муросасизликни авж олдириш мақсадида "фуқаролар уруши"ни хорижий интервенция натижаси сифатида кўрсатишга эътибор янада кучайди. Совет ҳукуматининг айби билан содир бўлган воқеалар бутунлай ташқи омиллар билан изоҳланди.

Масалан, генерал-майор С.Тимошков асарларида юқорида қайд этилган ҳар икки хусусият, яъни давр ва сиёсат талаблари яққол акс этган бўлиб, Туркистонда совет ҳокимияти талаблари ва сиёсатига зид бўлган ҳодисалар, бу ҳукуматга қарши курашган қарши барча кучлар Англиянинг роли, фаолиятининг натижаси сифатида кўрсатилса, бу ҳодиса ва кучларнинг бартараф этилиши И.В.Сталиннинг хизматлари

сифатида баҳоланади.[1] Туркистон (Кўқон) мухториятининг тузилиши инглиз интервенциясининг бошланиши сифатида кўрсатилди. Туркистон-да совет ҳокимиятига қарши кураш *фронтини, инглизлар интервенциясини тугатишда* И.В.Сталиннинг юборган қуроллари ва унинг галабадаги аҳамиятига махсус параграф бағишланади. Ушбу асарнинг Москвада тайёрланиб, чоп этилиши бир томондан Ўзбекистонда бу мавзу ўз тадқиқотчисини ва хайрихоҳлик топа олмаганидан далолат берса, иккинчи томондан бу масалада марказнинг роли ва назоратини кўрсатади.

Умуман, "фуқаролар уруши" тарихи ва унинг таркибий қисми сифатида қаралган, "босмачилик" сифатида қораланган ҳаракат тарихини ёритишда 30-йиллардан бошланган марказ таъсири ва назорати йил сайин кучайиб борди. Уруш йилларида Ўзбекистонга марказдан илмий тадқиқот институтлари ва олимларнинг кўчирилиши республикада совет кадрларининг тўпланишига олиб келди. Марказ тарихчилари совет даври тарихини ёритишда ҳукмрон тузум, сиёсат ва мафкура таъсирини ўтказиш ролини бажардилар. Уларнинг бу таъсири Ўзбекистон тарихчилари билан ҳамкорликда тайёрлаган асарлари II жилдли «Ўзбекистон халқлар тарихи"да[2] ва 50-йилларнинг қатор нашрларида ўз ифодасини топди. Сталин шахсига сиғиниш иллатлари 50-йилларнинг ўртасига қадар чоп этилган адабиётларда сақланиб қолди.

III. 50-йилларнинг иккинчи ярми - 80-йиллар

---

[1] Тимошков С.П. Разгром английских интервентов в Туркестане // *Военно-исторический журнал. - 1939 - №5; - Борьба с английской* интервенцией в Туркестане. - М.: 1941; Борьба с интервентами, белогвардейцами и басмачеством в Средней Азии. - М.: 1941.

[2] История народов Узбекистана. I-II т. Т.: 1947.

ўртаси. 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган курашларни "босмачилик", "фуқаролар уруши" сифатида талқин этиб келган совет тарихшунослигида янги босқич бошланди. Бу даврда энг аввало муамма талқинида сталинча мезонлардан воз кечилди[1]. Бу масала КПСС XX съездидан сўнг кун тартибидан жой олди. Мазкур съездда СССРда фуқаролар уруши талқинида шахсга сиғиниш иллатларига барҳам бериш масаласи кўтарилди, яъни И.В.Сталин хизматлари ва шахсини улуғлаш, "фуқаролар уруши"ни даврлаштиришда сталинча меъёр ва мезонлардан воз кечиш лозимлиги алохида таъкидланди. Бироқ бу масалага синфий ва партиявий ёндошув характери ўзгарганини англатмас эди. Аксинча, уни янада кескин тусда мустаҳкамлашга йўл очиб берди. Ҳатто айрим масалаларда 20-30-йиллардаги қарашлар-дан воз кечишга, уларни кескин танқид этишга киришилди. Чунончи, КПСС XX съездида "фуқаролар уруши тарихига оид адабиётлар аксарияти қониқарсизлиги, илмий қимматга эга эмаслиги, айримлари эса зарарли таъсир ўтказиши мумкинлиги"[2] қайд этилди. Мавжуд тадқиқотларда 1918-20-йиллардаги мураккаб жараён «партия ташкилотлари алоҳида раҳбарларининг зарарли фаолияти билан изоҳлангани, бундай асарлар марксча тарихга бегоналиги" алоҳида таъкидланди[3], яъни, совет ҳокимиятининг дастлабки йиллардаги сиёсати, "давлат аппарати сафидаги носоғлом кучлар фаолияти" ҳақида -30-йилларда қайд этилган эътирофлар "СССР обрўси учун зарарли" деб топилди, кескин танқид қилинди.

---

[1] Кузьмин Н, Найда С. О некоторых вопросах истории гражданской войны //Коммунист. -1956. - №12

[2] Микоян А.И. Речь на XX съезде КПСС. - М.: 1956. - С.38.

[3] Ўша ерда.

1918-20-йиллардаги "ҳар қандай салбий ҳолат ва унинг оқибатларига битта умумий ягона жавоб - синфий кураш изоҳ бўлиши мумкинлиги" уқдирилди. Шахсга сиғиниш иллатларини фош этиб, демократлашган ҳаёт сари қадам қўйишга даъват этаётган партия айни пайтда нафақат ҳамнафас давр, ҳатто яқин ўтмиш ҳақидаги ҳақиқатни қисман эътироф этиш ҳолларига ҳам қатъий чек қўйди. Шу тариқа муаммонинг большевикча концепцияси янада синфийлаштирилди.

Сталин шахсига сиғинишга чек қўйиш билан бир пайтда В.И.Ленин шахсига, унинг ғоялари, назарий меросига сиғинишга кенг йўл очиб берилди ва бу ҳол 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб совет тарихшунослигида қонуний, мажбурий тус олди. Совет тадқиқотчилари "фуқаролар уруши" тарихини ленинча концепция асосида ёритишга, В.И.Лениннинг бу муаммога доир "назарий мероси"ни ўрганишга киришдилар.[1]

Бу даврда ушбу муаммога доир совет тарихшунослиги бир неча йирик тадқиқотлар, монографиялар, ўнлаб мақолалар билан бойиди, 30-йилларда ишлаб чиқилган большевикча концепцияга "сайқал" бериб борилди, В.И.Лениннинг бу масаладаги қарашлари негизида у янада мукаммал синфий тус олди, аниқроғи сохталаштирилди ва эндиликда ленинча концепция деб атала бошланди.

Ленинча концепцияга эса В.И.Лениннинг "...бизда фуқаролар урушини халқаро империализм келтириб чиқарди,

---

[1] Кузьмин Н.Ф. В.И.Ленин во главе обороны Советской страны. - М. 1958; Устинов В.М. Ленинская политика партии на Востоке. - Фрунзе. 1963; В.И.Ленин о Средней Азии и Узбекистане. - Т.: 1957; В.И.Ленин о Средней Азии и Казахстане. - Т.: 1960; В.И.Ленин некоторые вопросы строительства партии. - М.: 1961; Гришинин Д.М. Военная деятельность В.И.Ленина. -М.: 1957; Ленин В.И. Военная переписка (1917-1920 гг.) - М.: 1956.

қулоқ эшитмаган бу оғир урушга бизни қудратли Антанта кўмагидан баҳраманд бўлган помешчик-капиталистлар тортди" деган даъволари асосий мезон бўлиб хизмат қилди. Аслида 30-*40-йиллардан бошлаб тарғиб этила* бошлаган бундай қарашлар 50-йиллар охиридан бошлаб исбот талаб қилмас аксиомага айланди. Бу мавзуни Ўрта Осиё доирасида тадқиқ этишга киришган барча муаллифлар эндиликда Туркистонда совет ҳокимиятига қарши кураш сабабларини фақат шу билан изоҳлашга, бу даъвони "асослаш"га киришдилар. КПСС XX съездида танқид остига олинган қарашлар, яъни Туркистондаги совет ҳокимиятининг мустамлакачилиги ҳақидаги 20-йиллар эътирофлари буткул инкор этилди, "унутилди". Эндиликда асосий ва бош айбдор сифатида халқаро империализм, яъни ташқи омиллар кўрсатила бошланди. Бунда энг аввало совет ҳокимияти ва партиянинг *кирдикорларини яшириш, уни инкор этиб, тан олмаслик,* уларнинг фаолиятини идеаллаштириш мақсадлари кўзланган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунё икки қарама-қарши тизимга бўлиниб, улар ўртасида ўзаро совуқ уруш муносабатлари, ғоявий кураш ҳам ўзаро муросасизлик авжга чиққан йилларда ер юзида, бутун дунёда совет давлатининг тарихи ва ҳаётига бўлган қизиқиш кучайиб борди. Бу давлатнинг моҳиятини, амалга ошираётган сиёсати натижаларини, СССР халқларининг янги тузумдаги ҳаёти ва келажагини ўрганиш мақсадида ривожланган мамлакатлар (Англия, АҚШ, Германия ва б.) да ташкил этилган илмий марказларда яратилган тадқиқотларда Ўрта Осиё республикалари тарихи ва ҳаётига жиддий эътибор берилди. Бу тадқиқотлардаги аниқ манбаларнинг холисона таҳлили муаллифларни Туркистонда

совет ҳокимия-тининг ўрнатилиш тарихи ҳақида мутлақо ўзгача, большевикча-ленинча концепцияга зид хулосаларга олиб келди. Хорижий тадқиқотларда манбалар ва замондошлар гувоҳлигининг холисона таҳлили асосида Туркистонда совет ҳокимияти мустамлакачилигига қарши олиб борилган кураш ҳақидаги тарихий ҳақиқат тан олиниб, эътироф этилди[1]. Ўз ватанида қораланган ҳақиқатнинг хорижда тан олинишига жавобан коммунистик мафкура маддоҳлари илмий мунозарага эмас, бу ҳақиқатни янада сохталаштиришга ва сохта тарихни оммалаштириб, авлодлар онгига сингдиришга киришдилар. Хорижий адабиётларда совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши ҳақидаги эътирофлар совет тарихшунослигида, *юқорида қайд этилганидек мутлақо инкор этилди. Бошқа қатор* масалалар талқинида ҳам ҳақиқатдан янада узоқлашиш, воқеаларни янада сиёсийлаштиришга киришилдики, буни 50-йиллар охири 60-йилларда бу мавзуда яратилган Ю.Алексеров[2] К.Малышев[3] А.И.Зевелев[4] Ш.Шомаъдиев[5] асарлари, қатор ҳужжатлар ва хотиралар тўпламари[6], коллектив нашрлар мисолида кўриш мумкин. Масалан, К.Малышев асарида "Қирғизистон ва Туркистонда совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида содир бўлган воқеаларни

---

[1] Бу ҳақда III боб, 2 §-да батафсил тўхталиб ўтилади.

[2] Алексеров Ю. Интервенция и гражданская война в Средней Азии. - Т.: 1959.

[3] Малышев К. Борьба за Советы в Киргизии и Туркестана. - Фрунзе: 1958

[4] Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. -Т.: 1969

[5] Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. - Т.: 1961.

[6] Великая Октябрская революция и гражданская война в Киргизии. Документы и материалы. - Фрунзе: 1957; Октябрская социалистическая революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников. - Т.: 1957

чет эл босқинчиларининг жинояткорона ролини фош этиш асосида ёритиб бериш" мақсади кўзланган бўлса, Ю.Алексеров асарида Туркистон халқларининг совет ҳокимиятига қарши курашининг шу мустабид ҳукумат томонидан шафқатсиз бостирилиши "инглиз америка босқинчиларига қарши эрк ва озодлик учун кураш" сифатида таърифланади.

50-йиллар II ярмида чоп этилган Туркистондаги 1917-1920-йиллар воқеаларига оид ҳужжатлар, хотиралар тўпламлари[1] эса «маҳаллий аҳоли дастлабки кунларданоқ совет ҳоки-мияти тарафида туриб, уни ҳимоя қилиш учун курашди" деган мазмундаги ҳақиқатга мутлақо зид расмий қарашларни "исбот-лаш" мақсадида тайёрланди. Бу даъволарни исботлаш учун энг аввало халқ эътирофи зарурлиги назарда тутилиб, бу тўпламлар-да маҳаллий аҳоли хотираларига кенг ўрин берилди.

1957 йилда ЎзССР КП МК қошидаги партия тарихи институти томонидан нашр этилган "Туркистонда Октябрь инқилоби ва фуқаролар уруши" номли хотиралар тўпламини тайёрлашда иштирок этган муаллиф академик Э.Ю.Юсуповнинг[2] қайд этишича, ушбу тўпламдаги маҳаллий аҳоли вакилларига мансуб хотиралар мутлақо сохта бўлиб, институт ходимлари томонидан юқоридан берилган кўрсатма асосида махсус тайёрланган ва Туркистонда совет ҳокимиятига қарши кураш авж олган йилларда ўлкада истиқомат қилган, 50-йиллар ўртасида ҳаёт бўлган кишиларга уларнинг гуёки "гувоҳлиги" ёки

---

[1] Воспоминания участников гражданской войны в Андижанской области. Вып.1. -Андижан: 1957; В боях за Советскую власть в Ферганской долине. Воспоминания участников. -Т.: 1957. Октябрская революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников. -Т.: 1957.

[2] Диссертантнинг академик Э.Юсупов билан шахсий суҳбатида ёзиб олинган.

"хотираси" сифатида имзолатиб олинган. Кўпчилиги саводсиз, воқеаларга мутлақо алоқасиз бўлган бу кишиларнинг исм-шарифлари олдиндан расмий андозаларда тайёрланган сохта *хотираларга тиркалган ва бу хотиралар халқ гувоҳлиги* сифатида тарғиб этилган.

Туркистон халқларининг гуёки "совет ҳокимияти учун рус ишчилари билан биргаликда олиб борган курашлари"ни Туркманистон мисолида кўрсатиб бериш мақсадида тайёрланган ҳужжатлар тўпламида[1] эса муаммога мутлақо алоқадор бўлмаган маълумотлар ўрин олган. Тўпламнинг "фуқаролар уруши" даврида рус пролетариати ва маҳаллий ишчи-деҳқонлар «бирдамлиги»ни ёритиб бериши лозим бўлган бобида туркман аҳолисининг Каспийорти вилоятида оқ гвардиячилар (яъни совет ҳокимиятига қарши рус мухолифияти)га ёрдам беришдан бош тортгани ҳақидаги маълумотлар келтирилади. *Бироқ, туркман аҳолисининг совет ҳокимияти учун на* алоҳида, на рус ишчилари билан биргаликда олиб борган кураши ҳақида бирор ҳужжат ёки маълумот топилмайди. Тарихий воқеаларни бу қадар сохталаштирилиши бошқа тадқиқотларга ҳам, умуман бу мавзуга доир барча асарларга ҳам хос хусусият эди, чунки реал аҳвол билан большевикча-ленинча талқин бир-бирига мутлақо зид эди. Бу концепцияни асослаш учун сохта қарашларни сунъий тарзда асослашдан ташқари, реал аҳволни атайин сохталаштиришга ҳам зўр берилган. Масалан, совет ҳокимиятига қарши курашда маҳаллий аҳоли билан рус халқи бирдамлиги намоён бўлган муҳим тарихий ҳодиса - қўрбоши Мадаминбек билан генерал Монстров қўшин-

[1] Куприкова Е.Н. Союз рабочего класса и трудового дайханства Туркменистана в период Октябрьской революции и гражданской войны (1917-1920 гг) Документы и материалы. Ашхабад. 1957.

ларининг иттифоқчилик шартномаси асосидаги биргаликдаги кураши совет тарихшунослигида "аксилинқилобчи миллатчи ва оқ гвардиячиларнинг чет эл империалистлари қўли билан бирлашуви" сифатида таърифланиб, асл моҳияти бузиб талқин этилди. Ҳар икки томонинг онгли суръатда, ихтиёрий равишда совет ҳокимиятига қарши кураши чет эл империалистларининг хизмати сифатида кўрсатилди. Уларнинг бу курашдан кўзлаган мақсадлари ҳам мутлақо қораланиб нотўғри ёритилди.

Совет ҳокимиятининг миллий озодлик учун кураш фронтига қарши қўллаган чора-тадбирларини, разил фаолиятини оқлаш, уни «қизил» бўёқларда, синфий кураш сифатида ёритиш 50-60-йилларда чоп этилган бу мавзуга доир барча асарларнинг асосий мақсади ва вазифаси бўлди[1]. Уларда ҳукуматнинг бу борадаги фаолияти, қўллаган чора тадбирлари, энг йирик ҳарбий тўқнашувлар, совет давлатининг ўлкадаги миллий сиёсати расмий андозаларда, ғолиб томон манфаатлари нуқтаи-назаридан талқин этилди, уларда реал ахвол ўз аксини топа олмади.

Ушбу муаммони Ўзбекистон доирасида талқин этишга қўл

---

[1] Кулиев Н.М. Национальная политика Коммунистической партии в Средней Азии в годы гражданской войны и иностранной интервенции //Труды института истории, археологии и этнографии. Том 1.- Ашхабад: 1956; Малышев К. Борьба за советы в Киргизии и Туркестане.- Фрунзе: 1958; Иркаев М., Николаев Ю, Шарапов Я. Очерк истории советского Таджикистана (1917-1957 гг.) -Душанбе: 1957; Ташлиев Ш. Установление и упрочение Советской власти в Западном Туркменистане.- Ашхабад: 1957; Языков М. Борьба за установление и упрочение советской власти в западном Туркменистане. - Ашхабад: 1957; Малышев К. Борьба за советы в Киргизии и Туркестане. - Фрунзе: 1958; Доданов И.К. Борьба за создание советского аппарата власти в Туркестане после Октября //Известия АН УзССР. - 1957. - № 4. Рудницкая Д.М. Из истории строительства советов в Туркестане. - Т.: 1964; Сапегина А. Борьба за создание советского аппарата в Туркестане.- Т.: 1955; Из истории советского Узбекистана. Сборник статей. -Т.: 1956.

урган А.И.Зевелев[1] фуқаролар урушини давлатнинг ҳарбий, сиёсий, тарғибот-ташвиқот фаолияти билан боғлиқ суръатда ёритишга, масалани Фарғона вилояти миқёсида очиб беришга киришган Ш.А.Шамагдиев[2] эса фуқаролар урушини совет ҳокимиятининг ўлкада олиб борган иқтисодий тадбирлари билан боғлиқ суръатда очиб беришга уринадилар. А.И.Зевелев Ўзбекистондаги фуқаролар урушини 1918-1920-йиллар билан эмас, 1917-1923-йиллар билан чегаралашни таклиф қилади. "Фуқаролар уруши"ни даврлаштиришда муаллиф марказнинг Туркистонга ўтказган ҳарбий, иқтисодий, сиёсий таъзийқини бош мезон қилиб олади ва буни "марказнинг ўлка билан ўзаро алоқа имкони, ҳарбий қўллаб-қувватлаши, сиёсий-ғоявий таъсири" сифатида ёритади. Муаллиф урушни бошланишида Туркия ва инглизлар таъсирини ҳал этувчи омиллар сифатида кўрсатади, Туркистон мухториятини «инглиз империалистлари фаолиятининг маҳсули", 1922-23-йиллардаги ҳаракатнинг янги тўлқинини эса "Туркиянинг хизмати" сифатида кўрсатишга уринади.

А.И.Зевелевнинг асарида Ўзбекистондаги "фуқаролар уруши" сифатида фақатгина "босмачилар" деб қоралонган ҳаракат фронти ёритилганлиги, тадқиқот объекти ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кирувчи Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятлари билан чекланганлиги партия тарихи матбуотининг кескин танқидига учради. Муаллиф бу курашни нафақат бутун мамлакатдаги (яъни СССРдаги), балки "Туркистоннинг бошқа ноҳияларидаги воқеалардан ҳам ажратиб қўйганликда, "босмачилик"ни чет эл интервентлари ва оқ гвардиячилар билан

---

[1] Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. - Т.: 1959.
[2] Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. - Т.: 1961.

тўғридан тўғри алоқаларини кўрсата олмаганликда, натижада муҳим масалаларни бир томонлама ёритганликда" айбланди.[1]

Вахоланки, А.И.Зевелев асарида "Ўзбекистондаги "фуқаролар уруши"даги Англия-Америка империалистларининг роли"га алоҳида параграф ажратилган бўлиб, ҳамма гап унда қайд этилган маълумотлардан айримлари асоссиз эканлиги фош бўлиб қолганлигида эди. Бу маълумотларга кўра Туркистон суғориш ишлари Бошқармаси (ИРТур) "оқ гвардиячилар ва чет эл давлатларининг жосуси" сифатида айбланиб, унга тегишли архив ҳужжатлари илова этилган. Тез орада "Коммунист Узбекистана" журнали таҳририяти бу ташкилотда фаолият олиб борган шахслар талабига кўра тегишли ҳужжатларни ўрганиб, бундай маълумот асоссизлигини исботловчи РСФСР (ВЦИК) Президиумининг 1919 йил февралида қабул қилган махсус қарорини эълон қилади.[2] Бу ҳол "босмачилик" хорижий империалистлар хизмати" деган қарашларни асослашга уринишларни шубҳа остига олди, А.И.Зевелев эса ушбу масалани очиб бера олмаганликда айбланди.

Совет ҳокимиятига қарши маҳаллий кучлар билан курашни Фарғона вилояти мисолида очиб беришга уринган Ш.А.Шамагдиев асари 60-йилларга қадар ушбу мавзуда чоп этилган асарлардан[3] муаммо талқини жиҳатидан фарқ қилмас эди. Совет армияси Марказий Давлат архиви, Республика Давлат Марказий архиви, Фарғона вилоят архивларидаги ҳужжатларни ўрганиб, "босмачилик"ка қарши курашда совет

---

[1] Вопросы истории КПСС. 1960. №5. С.17-18.
[2] Коммунист Узбекистана. 1960. №7
[3] Кельдиев Т.Х. Разгром контреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР. -Т.: 1959; Коканбаев А. Борьба за установления и упрочения советской власти в Ферганской долине. -Т.: 1958.

ҳокимияти, қизил армия ва партия ташкилотлари, Туркомиссия, Туркбюро фаолиятига доир ҳужжатларни «элакдан ўтказиб» тўплаган, совет тарихшунослигида аллақачон мустаҳкам ўрнашган расмий қарашларни, *ленинча концепцияни* атрофлича "асослаш"га киришган муаллиф Фарғона фронтидаги кураш тафсилотларига ортиқча ўрин бергани туфайли танқид остига олинди, чунки гарчи асар расмий андозалар доирасида яратилган бўлса-да, курашнинг ниҳоятда кенг кўламда авж олгани ва бундаги маҳаллий омилларнинг роли, совет ҳокимиятига қарши кураш фронтидаги ташкилий *ишлар, ҳарбий тайёргарликларни кўрсатувчи фактлар кенг ўрин* олган эди. Гарчи бу фактлар расмий андозаларда талқин этилса-да, улар совет ҳокимиятига қарши ҳаракатнинг шиддати, умумхалқ характерини фош этар, бу эса ҳукмрон мафкура манфаатларига тўғри келмас эди, чунки ҳукмрон мафкура бу кураш фронти ҳақида фақат ёмон, салбий, даҳшатли хотиралар, тасаввурлар шаклланишини, уни бойлар - синфий душман қаршилиги, чет эл империалистлари фаолияти натижаси сифатида кўрсатишни талаб этарди. Масалага худди шу асосда ёндошган муаллифлар воқеалар талқинини қанчалар сохталаштирмасин, улар қайд этилган маълумот ва фактлар китобхонни шахсий мулоҳазаларга ундарди. Шу сабабли бу *асарлар расмий андозаларда яратилганига қарамай, совет* тарихшунослигида юксак баҳо ололмади, муаммонинг ленинча концепциясига асосланган талқинини яратиш кун тартибидан олинмади, кейинги йилларда ҳам унга эътибор камаймади. Масалага хориждаги эътибор ҳам бу муаммога совет тарихшунослигидаги эътиборни кучайиб боришида катта роль ўйнади.

Тадқиқотларнинг бундан кейинги ривожида марказ назоратини таъминлаш, бошқариб бориш, ғоявий четга чиқишларга йўл қўймасликни таъминлашда СССР ФАнинг "Улуғ Октябрь социалистик революцияси" муаммоси бўйича тузилган Илмий Кенгаш қошида 1962 йилда ташкил этилган Ўрта Осиё бўлими катта роль ўйнади. "Октябрь инқилоби ва фуқаролар уруши" тарихининг муҳим масалаларини ишлаб чиқишда Ўрта Осиё олимларига ёрдам бериш, аниқроғи уларга йўлланма ва кўрсатма бериб, бошқариб туриш ушбу бўлимнинг муҳим вазифаларидан бири эди. Илмий Кенгашнинг Ўрта Осиё бўлимининг бевосита раҳбарлигида тайёрланган икки жилддан иборат ҳужжатлар тўплами[1] бу борадаги дастлабки қадам эди. 1158 та ҳужжат жамланган ушбу тўпламда расмий, ҳарбий буйруқлар, ёзишма, кўрсатма, ахборотлар жой олган бўлиб, улар совет ҳукуматининг ташкилий фолиятини бир ёқлама, ҳукмрон тараф нуқтаи-назаридан, «қизил» бўёқларда, оқлаб ёритар, унинг ўлкадаги талончилик, зўравонлик сиёсати мутлақо яширилган, ҳақиқий аҳвол, маҳаллий аҳолининг хохиш-истаги, манфаатлари, кураш сабаблари, мақсадлари, эътиборсиз қолдирилган. Чунки бу масалаларга доир маълумотлар, ҳужжатлар расмий қарашларга зид эди.

1959 йилда ЎзССР ФА тарих институтида "Ўзбекистонда Октябрь инқилоби ва фуқаролар уруши" бўлимининг ташкил этилиши ҳам бу муаммога эътибор тобора ортиб борганлигини кўрсатади. Мазкур бўлимда тайёрланган II жилддан иборат "Ўзбекистонда фуқаролар уруши" асари ушбу муаммо

---

[1] Иностранная и военная интервенция и гражданская война в Средней Азии и Казахстане. Документы и материалы. - Т.1. май 1918 г. -сентябрь 1919 г. - Алма-Ата: 1963; Т.II. сентябрь 1919 г. -декабрь 192Or. - Алма-Ата: 1964.

тарихшунослигини сон илмий жихатдан эмас, сон жихатдан *бойитди холос,*[1] чунки бу асарда ҳам Туркистонда миллий озодлик учун совет ҳокимиятига қарши олиб борилган кураш воқеалари расмий андозада, большевикча-ленинча концепция асосида, "босмачилик" ҳаракати сифатида қораланиб талқин этилди. Марказ олимлари билан ҳамкорликда яратилган бу асарда ўлкада зўрлик билан ўрнатилган совет ҳокимиятининг 1918-1920-йиллардаги фаолияти идеаллаштирилди, унинг жуда катта йўқотишлар, зўравонлик, зўриқиш ҳисобига амалга оширган ўзгартиришлари улуғланди, кўкларга кўтарилди, ҳукумат фаолиятига доир салбий ҳолатлар яширилди. Асосий масала, яъни совет ҳокимияти билан маҳаллий кучлар ўртасидаги ўзаро кураш масаласи талқинида эса совет тарихшунослигида шу пайтгача ҳукм суриб келган расмий қарашлар ҳеч бир ўзгаришсиз такрорланди, холос. Асарнинг 1964 йилда нашрдан чиққан биринчи жилди бу муаммо ҳақидаги расмий қарашларни таъкидлаш, мустаҳкамлашга бағишланган бўлса, иккинчи жилди республикадаги "социалистик қурилиш" тарихини «қизил» бўёқларда ёритади.

50-йилларнинг II ярмида Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракатининг бостирилиш жараёни алоҳида республикалар тарихига оид фундаментал асарларда[2], Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари, вилоятларидаги «фуқаролар уруши» тарихига оид тадқиқот-

[1] История гражданской войны в Узбекистане. Том I - Т.: 1964; Том.II. - Т.: 1970.

[2] История УзССР том.III -Т.:1967; История Кирг.ССР. том II. кн.1. -Фрунзе: 1967; История Советского Туркменистана.ч.1. - Ашхабад: 1970; История Киргизии. том.II. - Фрунзе: 1956; История Туркменской ССР. - Ашхабад: 1957; История Каз.ССР. том II. Эпоха социализма. -Алма-Ата: 1959; История таджикского народа. Том III. кн.1. - М.: 1964. Очерки истории Каракалпакской ССР.том. II. - Т.: 1964.

ларда[1] ҳам расмий андозаларда ёритиб борилди, айрим *қўшимча маълумотларни* ҳисобга олмаганда, янги ўзгаришлар, фикр-мулоҳазалар илгари сурилмади, аллақачон қарор топган қарашлар йил сайин сайқал топиб, мустаҳкам ўрнашиб, исбот талаб этмайдиган аксиома тусини олиб борди.

Туркистонда "фуқаролар уруши" тарихшунослигини тадқиқ этиш йўлида 30-йиллардаёқ бошланган илк уринишлар[2] 50-йилларда ҳам давом этди[3], 60-йиллар ўртасига келиб алоҳида тадқиқотларга мавзу бўлди.[4] Бу аввало ушбу муаммо тарихшунослигининг йил сайин бойиб бориши билангина эмас, балки бу хусусда жаҳон тарихшунослигида большевикча-ленинча концепцияни инкор этувчи, унга мутлақо зид қарашлар мавжудлиги ва бу қарашлар 20-йиллардаги нашрлардаги қарашлар билан ҳамоҳанглиги билан изоҳланарди. Бу даврга келиб, яъни 60-йилларда совет тарихшунослигида ушбу муаммо хусусида қатъий хулосалар, аниқроғи юқоридан туриб қарор топтирилган, ягона расмий андоза ва ягона концепцияга асосланган якдиллик ҳукм сурар, айрим масалаларда, масалан, воқеани даврлаштириш, даврий

---

[1] *Никишов П.П. Борьба с басмачеством на юге Киргизии.* - Фрунзе: 1957; Иноятов Х.Ш, Ланда Л.М. История гражданской войны в Узбекистане. том1. - Т.: 1964; том II. - Т.: 1970; Иркаев М. История гражданской войны в Таджикистане. - Душанбе: 1963; Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. - Т.: 1961; Кельдыев Т.Х. Разгром контрреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР. - Т.: 1959; Елагин А.С. Из истории героической борьбы партизан Семиречья. - Алма-Ата: 1957; *Жантауров С.Б. Гражданская война в Киргизии. - Фрунзе: 1963*

[2] Алексеенко П. Что такое басмачество? - Т.: 1931/

[3] Зевелев А.И. Историографический обзор основной литературы и источников // "Из истории гражданской войны в Узбекистане" -Т.: 1959. С.16-31; Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. - Т.: 1961 - С.777.

[4] Зевелев А.И. Историография Советского Туркестана (историография и источники по истории гражданской войны в Туркестане). -Т.: 1968.

чегаралашларда турли фикрлар мавжуд эди, холос. Хорижий тарихшуносликда эса (жаҳон миқёсида) совет тарихшунослигидаги ленинча-большевикча концепциянинг принципиал қараш-лари инкор этилган, тан олинмаган эди.

Ҳар икки масалада, яъни муаммонинг тарихшунослиги ва хорижий талқинида алоҳида сўз юритилиши туфайли бу хусусда батафсил тўхталмай, шуни қайд этиш лозимки, Туркистонда совет ҳокимиятига қарши курашларнинг хорижий тарихшуносликда ҳаққоний тақлин этилиши, большевикча-ленинча концепциянинг тан олинмаганлигига жавобан совет тарихшунослигида янги бир йўналиш - "буржуача сохталаштиришни фош этиш" йўналиши юзага келди. 20-йиллардаёқ партия тарихи матбуотида илк мақола[1] кўринишида намоён бўлган бу мавзу 60-йилларга қадар бирор тадқиқотда четлаб ўтилмади, 60-йиллардан бошлаб эса алоҳида мақолалар[2], йирик тадқиқотлар[3] мавзуси бўлди.

Туркистон мустақиллиги учун кураш "босмачилик" деб қораланган ҳаракатнинг бош мақсади эканлиги ҳақидаги ҳақиқатни англаб етган ва буни эътироф этган хорижий тарихчилар совет тарихшунослигида "босмачиларнинг собиқ

---

[1] Васильевский К. Жозеф Кастанье- "Басмачи"//Революция в Средней Азии. Сборник 1. - Т.: 1929.

[2] Иноятов Х.Ш. Против фальсификации истории Советской Средней Азии // "Ўзбекистонда ижтимоий фанлар". - 1961. - №1; Шу муаллиф. Опровергается фактами // "Дружба народов". - 1971. - №5; Хидоятов Г.А. Современная английская и американская буржуазная литература о Великой Октябрьской революции и гражданской войне в Туркестане // "История СССР". - 1961. - №3.

[3] Иноятов Х.Ш. Ответ фальсификаторам истории Советской Средней Азии и Казахстана. - Т.: 1962; Новоселов К.Н. Против буржуазных фальсификаторов истории Средней Азии. -Ашхабад: 1962; Хидоятов А. Ленинская национальная политика и современная идеологическая борьба.-Т.: 1972; Тузмухамедов Р.А. Ответ клеветникам. Самоопределение народов Средней Азии и международное право. - М.: 1960.

ҳамтовоғи, илҳомчиси, таянчи" сифатида қораланди. Аммо совет тарихшунослиги уларни асосли мулоҳаза ва хулосаларини инкор этиш учун асоссиз, қуруқ даъволардан, расмий андозалар, синфий кураш ғояларидан нарига ўта олмади, асосли далил ва фактларни илгари суролмади. Хорижий тадқиқотларга туркистонлик мухожирлар, кураш сардорлари, иштирокчиларининг кўрсатма ва хотиралари, 20-йиллардаги *совет нашрларида ўз аксини топган замондошларнинг ҳаққоний* эътирофлари асосий манба бўлиб хизмат қилди. Яъни тарихий манбалар совет тарихшунослигига эмас, ҳақиқатни илмий асосда, холисона ёритган хорижий тарихшуносликка хизмат қилди.

"СССРда фуқаролар уруши тарихи"нинг қатор нашрларида ҳам "босмачилик" ҳаракати ҳақидаги расмий, синфий қарашлар ўзгаришсиз қайд этиб келинди.[1] Катта Совет Энциклопедиясининг биринчи нашрида Ф.Хўжаев хизматлари туфайли йўл қўйилган айрим нисбатан холисона эътирофларга[2] бу қомусий тадқиқотнинг 1950 йилдаги иккинчи, 1970 йилдаги учинчи нашрларида[3] мутлақо йўл қўйилмади, уларда бу ҳаракат "фуқаролар уруши"нинг таркибий қисми сифатида, совет тарихшунослигидаги умумий концепция асосида ёритилди.

80-йилларда СССРда "фуқаролар уруши" тарихига бағишлаб чоп этилган махсус энциклопедияларда[4] ҳам масалага худди шу асосда ёндошилиб, ушбу муаммо хусусида совет

---

[1] Борьба за укрепление Советской власти в Туркестне // История гражданской войны в СССР. Т. 5. - М.: 1960 ва бошқалар.
[2] Большая Советская Энциклопедия. I изд. Т. 5. - М.: 1927. С.36.
[3] БСЭ. II изд. Т.3. - М.: 1950. БСЭ. III изд. Т.5 - М.: 1970.
[4] Гражданская война и военная интервенция в СССР. Энциклопедия. - М.: 1983; Гражданская война и военная интервенция в СССР. Энциклопедия. - М.: 1987.

тарихшунослигида шаклланган қарашлар, хулосалар қисқача таърифланиб, уларга мутлақо ўзгармас, исбот талаб этмас тушунча мақоми бериб борилди.

Айнан шу даврда, яъни 80-йилларнинг биринчи ярмида совет тарихшунослигида "босмачилик" мавзуси кун тартибидаги долзарб муаммо сифатида тадқиқотчилар эътиборини яна жалб этди. Бу аввало совет давлатининг ташқи сиёсати - *Афғонистонда юз берган сиёсий ўзгаришлар ва у ерда* СССР олиб бораётган сиёсат билан боғлиқ бўлиб, туҳмат боткоғига ботирилган тарих яна инқилоб ғоялари, ғаразли стратегик мақсадлар ва коммунистик мафкура хизматига отлантирилди.

Ўз зиммасига ҳеч бир зарурият, эҳтиёж, ваколат ва масъулиятсиз "жаҳон инқилоби ташкилотчиси" ролини олган СССР Афғонистонда 70-йиллар охирида юз берган кескин сиёсий ўзгаришлар жараёнини инқилобий тўнтариш сифатида баҳолаб, унинг натижаларини "ҳимоя қилиш" баҳонасида мамлакатнинг ички ишларига қўпол суръатда аралашди ва у ердаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий вазиятни ниҳоятда кескинлаштириб, чигаллашишига сабаб бўлди. Афғонистонда юзага келган кескин зиддиятли аҳвол "инқилобдан кейинги табиий жараён" сифатида таърифланиб, бу вазиятни Туркистондаги 1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнгги давр мисолида "табиий бир ҳол" деб кўрсатилди. Шу мақсадда "босмачилик" ва унга қарши кураш" мавзуси яна кун тартибидан жой олди.

Ташқи сиёсат, ўзаро муносабатлар, давлатлараро алоқалар ҳақидаги халқаро ҳуқуқ нормаларига мутлақо зид ҳолатда иш тутган совет давлати ўз фаолияти, Афғонистонда олиб бораётган адолатсиз ва калтабин сиёсатини нафақат

жаҳон жамоатчилиги, балки минглаб ёш йигитлари ҳеч бир зарурият, эҳтиёжсиз урушга жўнатилган СССР, хусусан Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари жамоатчилиги олдида оқлаш учун ҳам сиёсий ташвиқот ишларига зўр берди. Ўзини "инқилоб ҳимоячиси" сифатида кўрсатиб, тинч аҳолини ҳеч бир ўринсиз ва заруриятсиз ўз "байналмилал бурчи"ни бажариш учун урушга боришга даъват этишга зўр берди.

«Туркистондаги босмачилик ҳаракати ва унга қарши кураш» мавзуси сиёсий, ғоявий ташвиқотнинг энг "самарали" воситаси бўлиб хизмат қилди. Афғонистондаги 70-йиллар охири -80-йиллардаги вазият Туркистондаги совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейинги аҳвол билан солиштирилиб, афғон мужоҳидлари "босмачилар" каби "синфий душман","реакцион куч" деб таърифланди. Ана шундай сиёсий мақсадларда яратилган тадқиқотларда[1] "Ўрта Осиёда 20-йилларда, Афғонистонда 70-йиллар охири - 80-йилларда олиб борилган аксилинқилобий ҳаракатнинг тарихий илдизларини очиб бериш, ўхшашликларни намоён этиш, бу ҳаракатларнинг ижтимоий таркиби, мақсади, сардорлари, ҳомийлари, тактикаси, ривожи бир хиллигини исботлаш" мақсади кўзланди. "Афғонистондаги мужоҳидлар кураши Туркистон "босмачилиги" каби халққа қарши ҳаракат" ҳаракат сифатида кўрсатилди, "унинг ҳалокати муқаррарлиги" таъкидланди. Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бу асарларда Туркистондаги "босмачилик" сабабларини изоҳлашда доимий андозадан бир оз четга чиқилиб, совет ҳокимияти фаолиятидаги "хатолар" ҳам курашни авж олдиргани ҳақидаги 30-40-йиллардаги эътирофларни қайд этишга жазм

[1] Юсупов Э., Лунин Б.В. Басмачество - орудие реакции (исторические параллели) - Т.: 1981; Басмачество: социально-политическая сущность. -Т.: 1984.

этилди. Бироқ бу ҳол дарҳол қаршиликка учради - республикадаги мафкуравий бўғинлар томонидан кескин танқид остига олинди. Бу тадқиқотларда муаммо ниҳоятда "содда, ғариб талқин этилгани, ғоявий ҳамда сиёсий жиҳатдан бўшлиги, масала моҳияти чуқур очиб берилмагани" қайд этилди. Бунга йўл қўйган муаллифлар қаттиқ танбеҳ олдилар. Аслида эса улар "совет ҳокимияти сиёсатидаги айрим хатолар босмачиликни янада авж олдиргани" ҳақидаги 50-йиллар ўртасига қадар қайд этилган ва кейинчалик ман этилган эътирофларни қайта таъкидлангани туфайли, яъни совет ҳукуматининг айбларини кўрсатишга уринган учун шундай танқид остига олинди. Партиянинг ғоявий раҳбарлари тарихчиларни босмачилик-синфий душман қаршилиги эканлигини очиб беришга даъват этдилар. Бу вазифа 80-йиллар бошида Москвада бир гуруҳ олимлар жамоаси томонидан тайёрланиб чоп этилган янги асарда маҳорат билан амалга оширилган бўлиб, унда совет тарихшунослигининг бу муаммо талқинига доир кўп йиллик тадқиқотларининг барча натижалари ўз аксини топди. Масалани бутун Ўрта Осиё миқёсида ёритишга киришган муаллифлар ушбу кураш қарийб 15 йил давом этганини илк бор қайд этиб, тан олдилар, лекин бунинг сабабини ташқи омилларнинг ҳал этувчи роли билан изоҳладилар. Асар хотимасида "босмачилар сафида меҳнаткаш деҳқонлар оммасининг маълум қисми иштирок этгани» ҳам эътироф этилди, аммо бунинг сабаби "аграр масаланинг уруш шароитида тўла ҳал этила олмагани, миллий сиёсатдаги оғишмовчиликлар, шовинистлар, эсэр ва миллатчилар йўл қўйган хатолар" билан изоҳланди, бу ҳол гўёки "босмачиликка умум-

халқ ҳаракати тусини беролмаганини" алоҳида таъкидланди[1].

Шу тариқа 80-йиллар бошига келиб айрим масалаларда совет тарихшунослигида 50-йиллар ўртасига қадар эътироф этилган баъзи холатлар қайта тан олина бошлагани кузатилади. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу эътирофлар масаланинг асосий моҳиятига зид бўлмаган тарзда қайд этилади ва ва уларнинг сабаб ва мохияти яна ўша расмий *андозалардаги ақидалар, синфий кураш, чет эл империалистлари* роли билан изоҳланади. Бундай "чекинишлар" масалага холисона ёндошувга интилиш билан эмас, хорижий тарихшуносликда бу масалада аниқ манбалар асосида қайд этилган ҳаққоний хулосалар таъсирида, уларни сабабини, яъни фош бўлаётган ҳақиқат садоларини ҳам сохталаштиришга уриниш билан изоҳланар эди.

Хуллас, 80-йиллар ўртасига қадар Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши миллий озодлик учун кураш масаласи совет тарихшунослигининг алохида диққат эътиборида бўлиб, «фуқаролар уруши" таркиби сифатида ўрганиб келинди.

80-йиллар ўртасига келиб совет тарихшунослигида совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган йирик қўрбоши Мадаминбек ҳалокатига бағишланган тадқиқот ҳам чоп этилди. Бу тадқиқот совет тарихшунослигида "босмачилар" сардорлари ҳақидаги илк ва ягона тадқиқот эди. Бу даврга қадар Туркистон истиқлоли учун кураш олиб борган йирик қўрбошилар ҳақида Туркияда янги, ҳаққоний маълумотларнинг эълон қилиниши коммунистик мафкура маддоҳларини бу мавзуда "ўз асарлари"ни яратишга ундади. Қизил армия қўмондонларидан бири -

---

[1] Зевелев А.И, Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Басмачество: возникновение, сущность, крах. М.: 1981.

М.Полыковскийнинг хотиралари асосида ёзилган бу рисолада мавжуд тарихий манбалар мутлақо эътиборсиз қолдирилган бўлиб, Мадаминбек (Муҳаммад Аминбек)нинг ҳарбий сиёсий фаолияти ва шахси ниҳоятда тор доирада, аянчли қисмат билан, пировардида "мағлуб бўлган, бош эгган синфий душман" сифатида мутлақо нотўғри ёритилган.[1]

Умуман, совет тарихшунослигида сўнгги йилларда тадқиқотлар мавзусини белгилаб беришда хорижий тарихшунослик катта роль ўйнагани кузатилади. Айниқса "босмачилик" муаммоси талқинида бу ҳол яққол намоён бўлади. 80-йиллар ўртасида «Басмачество: правда истории и вымысел фальсификаторов» ("Босмачилик: тарих ҳақиқати ва сохталаштирувчилар уйдирмаси") номи билан Москвада чоп этилган асар бунинг яққол мисол бўла олади. Асарда "босмачилик муаммоси - ғоявий кураш майдони" эканлиги алоҳида таъкидланиб, "босмачилик"нинг пайдо бўлиши, моҳияти ва ҳалокати масалаларининг хорижий тарихшуносликдаги талқини "буржуача сохталаштириш" сифатида баҳоланади. Хорижий тарихшуносликдаги бу мавзуга эътибор, унинг холисона талқини "империализмнинг СССРга қарши "психологик, яъни руҳий урушининг таркибий қисми" сифатида кўрсатилади.

Асарда қарийб 60 йил давомида жаҳон миқёсида яратилган "босмачилик" муаммосига оид тадқиқотлар танқид остига олинади. Нафақат АҚШ, Ғарбий Европа давлатлари, ҳатто Осиё ва араб мамлакатларидаги "ислом марказлари"да бу муаммога ёндошувда якдиллик мавжудлиги алоҳида таъкидланади ва кескин танқид остига олинади. Бу танқидлар

---

[1] Полыковский М. Конец Мадаминбека. Записки о гражданской войне. Т.: 1984.

илмий мунозарадан ниҳоятда узоқ бўлиб, муросасиз тортишувлар, ғоявий кураш, сиёсий айбловлар ва ҳатто ҳақоротлардан иборат эди.

"Фош этиш" мақсадида танқид остига олинган хорижий тарихшуносликда "босмачилик" ҳаракати ва унинг моҳияти ҳақида илгари сурилган холисона қарашлар 80-йиллар охирида совет тарихшунослигига "буржуача сохталаштиришлар" *сифатида эмас, ҳақиқат садолари сифатида кириб келди.*

IV. 80 йиллар охири - 90 йил. Мамлакатда 80-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган қайта қуриш сиёсати туфайли жамият ҳаёти, партия турмуши, давлат бошқарувини демократлаштириш сари йўл тутилган шароитда нафақат ҳамнафас давр, балки ўтмиш ҳақида ҳам ошкора фикрни билдириш имкони туғилиши биланоқ, совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, социалистик қурилиши жараёнининг ҳақиқий қиёфасини акс эттирувчи ҳаққоний манбаларга йўл очилди. Тарих юзидан туҳмат пардаларини кўтариш, ҳақиқатни эътироф этишга нафақат тарихчилар, балки ҳақиқатпарвар журналистлар, ёзувчилар ҳам киришдилар. Бунга қадар тадқиқотчилар эътиборидан четлатилган, мутлақо махфий сақланган ҳужжатлардан фойдаланишга рухсат этилиши ҳақиқатни эътироф этувчи манбалар билан танишиш имконини берди.

Ўз ичидан емирилиб, иқтисодий, сиёсий, ғоявий таназзулга юз тутган совет давлати ошкоралик эълон қилиб маъмурий буйруқбозлик тизимини тугатиш, ислоҳотлар ва демократия сари йўл тутсада, мавжуд тузум ҳукмронлиги шароитида ўз ҳалокатининг олдини ололмади. Бу давлат ва тузум билан биргаликда унга хизмат қилган ижтимоий фанлар, жумладан тарих фани ҳам айнан шундай ҳалокатга учради. Бу тарих сохталиги,

ундаги оқ доғлар беҳисоблиги ошкор бўла бошлади[1]. Бундай сохталикларни фош этувчи маълумотлар 1989-90-йиллардаёқ жамоатчилик эътиборига ҳавола этила бошланди. 1989 йилда "Звезда Востока" журналида, 1990 йилда эса СССР Ёзувчилар Союзининг нашри бўлган "Юность" журналида Туркистонда "босмачилик" ҳаракати ҳақида ҳақиқатни эътироф этувчи айрим ҳужжатлар, маълумотлардан парчалар илк бор ошкор этилиб, бу ҳақдаги сохта қарашларга қаттиқ зарба берилди, улар шубҳа остига олиниб, холисона фикр юритишга даъват этила бошланди. Ю.Прапоров мақоласидаги[2] "босмачилик" ҳаракати, унинг сабаблари, характери ҳақида Туркистон МИК кенгашининг илгари яширилган ҳужжатларидан берилган парчалар, муҳим маълумотлар, П.Ким ва М.Хасановларнинг[3] мақоласидаги 1921-24-йилларда "босмачилик" деб қораланган фронтга қарши курашда совет ҳукумати қўллаган тадбирларини, иқтисодий сиёсатдаги зўравонлик, маҳаллий кадрларга ишончсизлик, ҳарбий соҳадаги қатағон чораларини ошкор этувчи далиллар жамоатчилик учун гўёки "Америка кашф этган"дек бўлди, хорижий тарихшуносликда илгари сурилган фикр-мулоҳазаларда жон борлигидан, улар асоссиз эмаслигидан огоҳлантириб, тадқиқотчиларни янги изланишларга чорлади.

80 йиллар охири - 90-йилга келиб, "босмачилик" муаммоси «фуқаролар уруши» тарихи таркибидан чиқиб, алоҳида мавзу

---

[1] Устинов В.М. Воюющая партия /Годы гражданской войны и военной интервенции // Вопросы истории КПСС.1990.№1. Литвин А.Л. Историки спорят. 13 бесед. - М.: 1989.

[2] Прапоров Ю. Белое солнце пустыни // Юность. - 1990. - №1

[3] Ким П., Хасанов Н. Басмачество: 1921-1924 г. // Звезда Востока. - 1989. - №6. -С.141-150.

сифатида (худди 20-йиллардагидек) кун тартибидан жой олди. Бироқ энди унинг ҳаққоний тарихи бу кураш қарши қаратилган мустабид тузум даврида эмас, мустақиллик шароитида яратилишга мушарраф бўлди.

Совет тарихшунослигидаги 80-йиллар охири ва ҳатто 90-йиллар бошида юз кўриб улгурган охирги нашрлар[1] сохта совет тарих фанининг сўнгги нафаси бўлиб, ҳатто "хотима" учун ҳам ярамади. Чунки бу вазифани, яъни шармандали "Хотима"ни совет тарихшунослигининг сохталикларини фош этган, ошкоралик, қайта қуриш туфайли янграб улгурган ҳақиқат садолари ясади.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, 1918-1924-йилларда Туркистон халқлари совет ҳокимиятига қарши олиб борилган кураш воқеалари совет тарихшунослигида, адабиётларида ўзининг холисона ва ҳаққоний талқинини ололмади. Бунинг сабаби биринчидан, юқорида қайд этилганидек бу кураш совет давлати ва тузумига қарши қаратилганлигида бўлса, иккинчидан, совет тарихшунослигининг партиявий фанга айлантирилиб, ғаразли мақсадларга, сиёсий манфаатлар хизматига бўйсундирилганлигида, унинг ғайри-илмий услубий асосларида эди. Совет тарихшунослигининг назарий услубий асослари халқнинг ҳаққоний тарихини эмас, синфий кураш тарихини ёритишга, тарихни ҳукмрон коммунистик мафкура ақиларига мослаштиришга қаратилган бўлиб, ҳақиқий илмий тадқиқот усулларига эмас, ғайри илмий, чекланган, син-

[1] Хроника событий гражданской войны в Узбекистане. 1918-1919. Т.: 1991; Назаров М.Х. Командующий Туркфронтом. - Т.: 1991; Оронюк Б., Темирходжаев П. Центр-Туркестану. Помощь Российской Федерации трудящимся Туркреспублики в социалистическом строительстве. (1917-1924) Т.: 1989.

фийлик, партиявийлик тамойилларга асосланган эди. Ўтмишга бундай мақсадларда ва асосларда ёндашув пировардида ҳаққоний тарихни эмас, сохталаштирилган, ғоялаштирилган, сиёсийлаштирилган тарихни яратилишига олиб келди. Реал ҳаётни, ҳақиқий аҳволни акс эттирмаган, ғоялар, мафкуралар манфаатига мослаштирилган бу тарих сунъий асосда яратилди, яъни воқелик нотўғри талқин этилиб, ўтмиш сохталаштирилди. Бундай тарих марксча-ленинча таълимот ақидалари ва тадқиқот услубларига асосланганлиги туфайли тарихнинг марксча-ленинча талқини (дастлабки, яъни 20-50-йилларда большевикча талқини) деб ном олди. Унда ўтмишга тарихийлик нуқтаи назаридан, холисона ёндашув назарий жиҳатдан тан олинсада, амалда ўз аксини топмади, чунки масалага бундай ёндашув реал аҳволни тан олишни тақозо этар, реал аҳвол эса бу таълимот ғояларига, тамойилларига зид эди, яъни бу таълимот ғоялари хаёлий, ҳаётдан жуда узоқ, жамият тараққиёти қонунларига зид эди. Айнан шу сабабли бу ғоялар, таълимот ва тузум Туркистон халқлари томонидан тан олинмади, уларнинг кескин қаршилигига, курашларига дуч келди. Узоқ давом этган тенгсиз ва қонли курашлар пировардида куч билан бостирилиб, совет тузуми ва ғоялари зўрлик билан қарор топтирилди. Бунга қарши қаратилган кураш моҳияти эса мутлақо бузиб, нотўғри, синфий нуқтаи назардан талқин этилди. Бу тузум ва гояларни идеаллаштириш учун, уларни гўёки халқнинг азалий орзуси, мақсади, қонуний зарурият ва эҳтиёж сифатида кўрсатиш учун шундай қилинди. Шу асосда ва мақсадларда бу курашларнинг ҳақиқатга зид, сохта талқини яратилди. Аввалига большевикча, кейинроқ эса ленинча концепция(талқин) деб аталган бу концепцияда Туркис-

тонда совет ҳокимиятига қарши курашнинг қуйидаги асосий масалалари мутлақо нотўғри, ҳақиқий аҳволга зид баҳо олди:

1. Курашнинг сабаблари, моҳият, мақсадлари,

2. Курашнинг умумхалқ характери, оммавий халқ ҳаракати тусини олгани.

3. Курашда зиёлилар, хусусан жадидларнинг роли.

4. Кураш давомида олиб борилган ҳарбий, сиёсий, ғоявий, ташкилий ишлар.

5. Кураш сардорларининг шахси, сиёсий қарашлари ва мақсадлари.

6. Кураш фронтидаги ички аҳвол. Моддий, ҳарбий таъминот, ғоявий сиёсий раҳбарлик, ҳарбий таълим, интизом.

7. Курашга кенг халқ оммасининг муносабати.

8. Ташқи омиллар ва уларнинг роли, аҳамияти.

9. Курашнинг сўнги босқичлари, мағлубият сабаблари.

10. Мустабид совет ҳокимиятининг ҳарбий-сиёсий тадбирлари - оммавий қирғин, репрессия, иқтисодий зўравонлик.

Бу масалаларнинг совет тарихшунослигида қандай талқин этилгани, сохталаштирилгани ва улар қандай асосда қарор топгани юқорида аниқ мисолларда қайд этилди.

Совет тарихшунослигида сохта расмий қарашларни қарор топтиришда манбаларни сохталаштириш, ҳаттоки сунъий манбалар яратишдан ҳам тап тортилмади,(масалан, кураш иштирокчиларининг хотиралари). Сохта расмий қарашларни асослаш учун хизмат қилмаган ҳаққоний маълумотлар атайин эътиборсиз қолдирилди, яширилди ёки моҳияти сохталаштирилди. Кураш сардорларининг мақсадлари, сиёсий қарашлари, кураш фронтидаги ички аҳвол, ҳарбий, моддий таъминот, ҳарбий таълим ва интизом маҳаллий зиёлилар раҳнамолиги, халқ

хайрихоҳлиги каби масалалар шулар жумласидан эди. Бу масалаларнинг холисона ва ҳаққоний талқини расмий қарашларнинг асоссизлиги ва бўҳтон эканлигини фош этар, шу сабабли совет адабиётларида бу масалаларга деярли эътибор берилмай, салбий изоҳлар билан чекланилган. Масалан, совет адабиётларида курашни мутлақо қоралаш мақсадида юқорида қайд этилганидек, уни жиноий талончилик, босқинчилик сифатида таърифлашга зўр берилади, (айниқса 1918 ва 1923 йиллардаги воқеалар талқинида). Бундай хулосалар ҳақиқий аҳволни қай даражада акс эттирганлигини фақатгина аниқ тарихий фактлар асосида аниқлаш мумкин. Шу ўринда архив манбаларида сақланиб қолган муҳим бир тарихий ҳужжат - миллий озодлик учун кураш фронти сардорларидан Муҳаммад Аминбек (Мадаминбек), Холхўжа, Эргашларнинг совет ҳокимиятига мурожаатномасини келтириш ўринлидир, Мурожаатнома Андижон депутатлар кенгашига юборилган бўлиб, у ердан Тошкент шаҳар Халқ Комиссарлари Кенгашига телеграмма орқали маълум қилинган. Унда жумладан шундай дейилган:

"Андижонлик товарищлар! Биз сизларга шуни маълум қиламизки, Сизлар Қўғай қишлоғига келиб, тинч аҳоли уйларига ўт қўйгансизлар. Бекор бу ишни қилдингизлар, агар бундай иш яна бирор марта қайтарилса, у ҳолда сизларнинг станцияларингиз, завод, уйларингизга ҳам шундай ўт қўямиз. Агар сиз урушишни хоҳласангиз, биз билан урушингиз, халқ билан эмас. Биз барча тинч аҳолини хоҳ у ўрис бўлсин, хоҳ у яҳудий, хоҳ у арман бўлсин, хоҳ у сарт - барчасини баробар ҳисоблаймиз. Кун бўйи пешона терини тўкиб ишлаган камбагал одамларга бундай зарарлар келтириш инсофдан эмас. Урушиш керак бўлса, сизлар билан мана биз урушамиз, тинч

халқ эса сизлар билан ҳам, бизлар билан ҳам урушмайди. Агар *сизлар халққа қарши урушни давом эттираверсангиз*, у ҳолда 3 кун ичида Тошкентдан то бу ергача бирорта ҳам бутун нарсангиз қолмайди. Имзоловчилар: Мадаминбек, Эргаш қўрбоши, Холхўжа, Эшматбойвачча, Махкамхўжа, Фаёз Махсум".[1] 1918 йилда ёзилган бу мурожаатнома совет тадқиқотларида илмий истеъмолга киритилмай, мутлақо *эътиборсиз қолдирилган, чунки у жиноий хатти-ҳаракатларда* айнан совет ҳокимияти айбдор эканлигини, "босмачилар" деб қораланганлар эса, аксинча, тинч аҳолига озор бермасликни талаб қилган халқпарвар инсонлар эканлигини фош этар эди. Курашнинг бошқа масалалари ҳам худди шу асосда, яъни манбаларни сохталаштириш асосида тескари талқин этилганига шубҳа йўқ. Ҳаққоний манбаларни холисона, атрофлича ва қиёсий таҳлил этиш совет тарихшунослигида яратилган сохта тарихнинг бошқа уйдирмаларини ҳам фош этишга, тарихий ҳақиқатни тиклашга хизмат қилиши муқаррар, албатта.

[1] ЎзР МДА, ф.25. 1-рўйхат, 79 йиғма жилд, - саҳифа 19-20.

III - Б О Б
ХОРИЖИЙ ТАРИХШУНОСЛИК: АСОСИЙ ИЛМИЙ ХУЛОСАЛАР

Ватанимиз давлат мустақиллигига эришилгач, Ўзбекистон учун жаҳон ҳамжамиятига йўл очилди. Умумжаҳон тараққиёти ютуқларидан баҳраманд бўлиб, улардан унумли ва ўринли фойдаланиш айни пайтда миллий манфаатларни кўзлаб, қадриятлар ҳамда ўтмиш меросни янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш, дунёга танитиш ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш жаҳонда муносиб ўринни эгаллаш - Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқалардан кўзлаган асосий мақсадидир. Шу мақсадларда нафақат иқтисод, балки илм, маданият, фан-техника соҳасида жаҳон миқёсида ўзаро илмий-амалий алоқалар, ҳамкорликни йўлга қўйиш, амалга ошириш учун катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон зиёлилари, хусусан ижтимоий соҳа (тарих, адабиёт, фалсафа, сиёсатшунослик ва б.) вакиллари учун хорижда олиб борилган ёки олиб борилаётган тадқиқотлар билан яқиндан танишиш, уларни ўрганиш учун катта имкониятлар яратилмоқда.

Собиқ СССР даврида халқимиз учун мутлақо "ёпиқ" бўлган, қоралаб кўрсатилган хорижий тарихшуносликни ўрганиш, уларни таҳлил этиш учун мустақиллик даврида яратилган имкониятлар Ватанимиз тарихчилари учун жуда кўп янгиликларни кашф этиб, илгари мавҳум ёки махфий тутилган сирларни ошкор этди, сохталиклар, туҳматларни фош қилди.

Коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида ҳукм сурган цензура шароитида мамлакатимизга олиб кирилиши, халқимизга етказилиши таъқиқланган хорижий тадқиқотларнинг мустақиллик шарофати туфайли ватанимизга кириб кела

бошлаши, кутубхоналардаги махсус фондларда қоралаш, "фош этиш" мақсадларида ягона нусхаларда сақланган хорижий адабиётлардан фойдаланишга рухсат этилиши, эркин фикрлаш, фикр ва ахборот алмашишга, фикрлар хилма-хиллигига имкон яратилиши, чет эллик тадқиқотчилар билан алоқалар ўрнатилишига йўл берилиши натижасида тарихчи олимлар учун жаҳоннинг турли тилларида ватанимиз тарихи ҳақида яратилган муҳим асарларни холисона, ғоявий, мафкуравий таъзийқлардан холи равишда, илмий асосда ўрганишга имкон яратилди.

Дастлабки изланишлардан маълум бўлишича, йигирманчи аср мобайнида Ўрта Осиё халқлари тарихи жаҳон тарихшунослигининг диққат марказида турган муаммолардан бири сифатида дунёдаги энг ривожланган мамлакатларда алоҳида эътибор билан ўрганилиб, турли тилларда яратилган ўнлаб тадқиқотларга мавзу бўлиб келган. Айниқса Ўрта Осиё халқларининг янги тарихи (XIX асрнинг II ярми - XX аср)га эътибор катта бўлиб, бу аввало жаҳон цивилизациясда алоҳида ўрин тутган, муҳим жуғрофий-сиёсий аҳамиятга молик минтақада Россия империяси, 1917 йилдан эса совет давлати ҳукмронлигининг зўрлик билан ўрнатилиши ҳамда бу ҳақиқатни ўз ватанида нотўғри баҳоланиши билан изоҳланади.

XX асрнинг I ярмида Ўрта Осиё тарихи хорижда алоҳида тадқиқотчилар - сайёҳлар, мухожирлар томонидан мустақил равишда, 50-йиллардан бошлаб эса махсус ташкил этилган илмий марказларда аниқ дастурлар асосида, махсус фондлар ва давлат томонидан ажратилган маблағлар эвазига, йирик мутахассис олимлар томонидан якка ва жамоа тартибида ўрганилиб борилди.

"Советшунослик", "Ўртаосиёшунослик" марказлари сифати-

да номланган бу илмий марказлар фаолиятида ғоявий, мафкуравий курашлар, сиёсий, стратегик мақсад ва манфаатлар қандай ўрин тутгани алоҳида мавзу. Энг муҳими - уларнинг илмий натижаларини ўрганиш бўлиб, бу биз ўрганаётган муаммо тарихини, у ҳақдаги ҳақиқатни тиклаш, ушбу масалада хорижий ҳамкасбларнинг хулосалари, тасаввур ва мулоҳазалари билан танишиш, уларнинг ютуқларидан баҳраманд бўлиш, камчиликларини аниқлаш, ҳамкорликдаги изланишлар зарурияти ҳамда истиқболини белгилаш имконини беради.

Мафкуравий таъзийқлардан, чеклашлар ва цензурадан холи равишда ривожланган хорижий тарихшуносликда Ўрта Осиё халқларининг XX аср тарихида муҳим ўрин тутиб, чуқур из қолдирган воқеалар - Туркистонда миллий озодлик учун курашлар қандай баҳоланди? Бу муаммо кимлар томонидан, қандай манбалар асосида ўрганилди? Хорижий тадқиқотчилар бу воқеалар ҳақида қандай фикр-мулоҳазалар ва хулосаларга келдилар? Уларнинг ютуқ ва камчиликлари қандай? Хорижий тадқиқотчилар билан ҳамкорлик зарурияти нималарда намоён бўлади? Бундай ҳамкорлик истиқболи қандай? Бу масалаларни Туркистон мустақиллиги учун олиб борилган ҳар икки муҳим тарихий ҳодисанинг хорижий тарихшуносликдаги талқинини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш асосида аниқлаштириш мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу тадқиқот доирасида Туркистон мустақиллиги учун кураш воқеаларига доир инглиз, немис, француз ва турк тилларида яратилган барча тадқиқотларни беистисно қамраб олиш имкони йўқлиги туфайли, биз ўз изланишларимизда энг йирик ва муҳим тадқиқотлардаги хулосаларни, умумий ва ўзига хос

хусусиятларни, турлича қарашлар ва асосий илмий натижаларни, мунозарали ва мавҳум масалаларни аниқлаш билан чекландик.[1] Хорижий тадқиқотлар манбалари ва муаллифлари, уларнинг муамма тарихшунослигига қўшган хиссаларини аниқлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

1-§. Туркистондаги 1916 йил қўзғолони хорижий тарихшунослик талқинида

Туркистонда 1916 йил қўзғолони Россия истибдодига қарши кўтарилган энг йирик ва оммавий қўзғолон сифатида Ўрта Осиё халқларининг XX аср тарихига бағишланган хорижий тадқиқотларда алоҳида диққат эътибордаги масала бўлиб келган. Хорижий тарихшунослик намуналари таҳлилидан маълум бўлишича, ушбу муаммонинг немис ва турк тилларидаги тадқиқотлардаги талқинида мухожир ватандошларимизнинг ўрни ва роли катта бўлган. Аҳмад Закий Валидий Тўғон, Боймирза Ҳаит, Абдулла Ражаб Бойсун каби мухожирликдаги ватандошлар ўзларининг 40-йиллардаги Туркистон тарихига доир қимматли тадқиқотларида[2] бу масалага катта эътибор қаратадилар ва ушбу қўзғолонни Россия империясининг мустамлакачилигига қарши кўтарилган энг йирик миллий ҳаракатлардан бири сифатида баҳолайдилар.

Инглиз тарихшунослигида[3] эса 1916 йил қўзголони ҳақидаги қарашлар ва тасаввурларнинг шаклланиши 50-йиллардан

---

[1] Бизни қизиқтирган айрим адабиётларни топиш имкони бўлмаганда иккиламчи манбалардан фойдаланилди.

[2] Zeki Velidi Togan. Bugunki Turkili ve yakin Tarihi. Istanbul. 1942-1947. Abduïia Rajab Baysun. Turkistan milli Hareketleri. Istanbul. 1945. Baymirza Hayt. Turkestanning gisgaca tarihi. Berlin.1944.

[3] Edward Denis Sokol. The revolt of 1916 in Russian Central Asia. Baltimore. 1954. Charles Hostler. Turkism and the Sarts. London. 1957. A.Pirce. Russian Central Asia. 1960.

бошланди ва бунда юқорида қайд этилган мухожирларнинг тадқиқотлари муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилди. Хорижий тарихшуносликни ҳар бир асар ёки тадқиқот мисолида эмас, улардаги асосий хулосалар, умумий ёки мунозарали қарашлар, манбавий асосларини аниқлаш асосида таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир, чунки улар 1916 йил воқеаларининг баёни билан эмас, айнан юқорида қайд этилган масалалар бўйича ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Энг аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хорижий тарихшуносликда қўзғолон сабаблари сифатида Россиянинг Туркистондаги мустамлакачилик зулми ва истибдоди якдиллик билан эътироф этилади, унинг умумхалқ характери, оммавий тус олгани тан олинади. Бироқ кураш йўналиши, усуллари ва хусусиятлари ҳақида турлича мулоҳазалар қайд этилади. Бу масалаларни баҳолашда мухожирлар қаламига мансуб тадқиқотлар асосида ривожланган немис-турк тарихшунослиги алоҳида ажралиб туради. Юқорида номлари қад этилган мухожир ватандошларнинг немис ва турк тилларидаги асарларида 1916 йил воқеалари Туркистондаги Россия ҳукмронлигига қарши қаратилган йирик миллий қўзғолон сифатида баҳоланса, инглиз тарихшунослигида қуйидагича мулоҳазалар илгари сурилади.

1. 1916 йил қўзғолони Россия зулми ва ҳукмронлигига қарши кураш эди.

2. 1916 йил қўзғолони мусулмонларнинг кофирларга, яъни гайридинларга қарши азалдан олиб борган диний курашларнинг бир кўриниши эди [1].

3. 1916 йил қўзғолони нафақат Россияга, балки Туркистон-

[1] E.Sokol. Кўрсатилган асар. Б.188.

даги барча русларга қарши кураш, яъни миллий уруш, миллатаро қирғин эди[1].

Биринчи мулоҳазани илгари сурувчилар, яъни қўзғолонни диний ҳаракат сифатида тасаввур қилган муаллифлар қўзғолон давомида айрим ноҳияларда, масалан Жиззахда қўзғолон диний шиорлар остида дин пешволари - эшонлар раҳбарлигида уюштирилганлиги ҳақида маълумотларга асослансалар, иккинчи мулоҳаза муаллифлари асосан Еттисув вилоятининг айрим уездларида маҳаллий аҳоли билан ҳукмрон миллат вакиллари (руслар) орасида бўлиб ўтган тўқнашувлар ҳақидаги маълумотларга асосланадилар.

Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бундай мулоҳазаларни илгари сурган хорижий тадқиқотчилар учун совет нашрлари асосий манба бўлиб хизмат қилган. Масалани бир ёқлама, чекланган доирада, синфий нуқтаи назардан ёритган совет нашрларида берилган чекланган маълумотларга асосланиш, маҳаллий шарт-шароит, хусусиятлар ва реал аҳволдан бехабарлик муаллифларни шундай асоссиз, умумлаштирилган хулосаларга олиб келган.

Хорижий тарихшуносликда қўзғолонни диний ҳаракат сифатида баҳолашга асос бўлган Жиззах воқеалари хусусида тўхталиб, шуни қайд этиш лозимки, бу ерда қўзғолонга бош бўлган эшонлар, яъни дин пешволари ҳалойиқни "мусулмонобод қиламиз! *"Ўлган шахид, ўлмаган ғозий!" деган шиорлар билан* жангга бошлаганлар. Рус тилида бу шиорлар «ғазавот» маъносида, яъни мусулмонларнинг ғайридинларга қарши кураши сифатида талқин этилган. Ваҳоланки, ишончли манбалар, хусусан воқеалар гувоҳи, ёзувчи Назир Сафаровнинг

---

[1] E.Sokol. Кўрсатилган асар. Б.188.

хотираларида қайд этилишича шундай даъват билан жангга кирган халойиқ тўғридан-тўғри мустабид ҳукуматнинг ҳарбий қўшинлари билан тўқнашган. Тинч рус аҳолиси вакилларининг гаровга олингани ҳақида мустабид маъмурияти архивида бўрттириб кўрсатилган маълумотларни замондошлар тасдиқламайдилар. Чунончи Жиззахда бўлиб қайтган Россия Думаси депутатлари қўзғолонни бостирган рус маъмуриятининг ваҳшийлигини кескин қоралаган ҳолда қўзғолончилар тинч рус аҳолисига нисбатан ножўя хатти-ҳаракат қилгани ҳақида оғиз ҳам очмайдилар. Ваҳоланки, рус халқининг вакили бўлган депутат учун ҳақиқатни яширишга на бир хожат ва на бир зарурият бор эди.

Қўзғолон сардорлари бўлмиш дин пешволари томонидан илгари сурилган даъватнинг асл мазмуни қандай эди? "Мусулмонобод қиламиз!" шиори мусулмонлар озод, тинч, эркин мамлакат ва давлат қуришга даъват бўлиб, бу мақсадга *Россиядан ажралиб, мустақил бўлиш орқали эришиш назарда* тутилган. Маълумки, Туркистонда Россия ҳукмронлиги даврида дунёвий илмнинг чекланиши, диний илмнинг янада чекланиши, ислом маърифатининг сусайиши халқ турмушида консерватизм ва мутаассиблик каби иллатлар пайдо бўлишига, қолоқликка олиб келди. Лекин исломнинг маънавий қудрати маҳаллий аҳоли орасида аҳлоқий покликни, гуноҳдан қўрқиш, ҳалоллик, ғайридинлар билан муроса қилиш, улар билан тинч яшаш, аёллар ва болаларга раҳм-шафқатли бўлиш каби хислатларни сақлаб турган. Шу сабабли ҳам ғайридин миллат давлати Россиянинг ҳукмронлиги, унинг чексиз истибдоди даврида ҳам маҳаллий аҳоли бирор марта диний урушга, ғазаватга жазм этмаган, ўлкадаги рус аҳолисидан азият чекса-да, унинг қонини

тўкмаган. Бу ҳол 1916 йил қўзғолонида ҳам яққол намоён бўлган. Оммавий халқ курашида маҳаллий аҳоли маъмурият ҳарбий кучлари билан тўқнашган. Ниҳоятда саноқли даражада, бирор-бир чекка қишлоқда бир аламзада исёнчи рус маъмури ёки деҳқонидан ўзига етказилган азоблар учун ўч олган бўлса, бу ҳол бутун қўзғолон шундай тус олган деган хулоса учун асос бўла олмаслиги шубҳасиз, чунки Жиззахдаги энг йирик ғалаёнларда қўзғолончилар фақат ҳарбий куч ва маъмурият билан тўқнашганлар.

«Мусулмонобод қурамиз!» шиорининг яна бир маъноси шундаки, мусулмон ҳисобланган Туркистон аҳолиси учун дин ва Ватан тушунчаси ягона ва муқаддас эътиқод сифатида бир-бири билан узвий боғлиқликда англашилган, "Ватанни севмак - иймондандур!" деган муқаддас ҳадисда ҳам шу маъно мужассам бўлиб, Ватан озодлиги диний эътиқод эркинлиги, иймон бутунлиги - Ватанга садоқатни англатган. Яъни мусулмонобод куриш - Ватанни мустақил қилиш, иймонни тиклашни, мусулмонларни, яъни маҳаллий аҳолини озод қилишни англатган. Бироқ бундай тушунчалар, маҳаллий хусусиятлардан, реал аҳволдан бехабар ғарб тадқиқотчилари биргина шу шиор асосида, унинг маъносини англамай туриб, унга қўзғолонда қандай амал қилинганини аниқламасдан, бошқа манбалар, хусусан замондошлар кўрсатмаларини ўрганмасдан туриб, қўзғолонни «диний кураш» сифатида нотўғри баҳолаганлар, асоссиз мулоҳазаларни илгари сурганлар.

Қўзғолонни «фақатгина Россия давлатига эмас, балки Туркистондаги барча русларга қарши қаратилган ҳаракат» сифатида тасаввур этувчи хорижий тадқиқотчиларнинг мулоҳазалари ҳам худди шу тариқа юзага келган, чунончи улар

далил сифатида қайд этган Еттисувдаги чекланган доирадаги миллий низолар айрим рус қишлоқлари ҳамда қирғиз овуллари доирасида содир бўлган бўлиб, улар шу доирадан четга чиқмаган. Лекин рус маъмурияти бу ҳақда атайин ёлғон миш-мишлар тарқатиб, сохта ахборотлар бергани ва бу билан ҳар икки миллатни - руслар ва қирғизларни бир-бирига атайин гиж-гижлагани турли манбаларда, чунончи А.Н.Куропаткин кунда-лигида, Г.И.Бройдо кўрсатмаларида қайд этилгани юқорида кўрсатиб ўтилди. Ниҳоятда чекланган доирада бўлса-да, бундай воқеалар содир бўлишига қандай сабаблар бор эди? Биринчидан, ниҳоятда шиддат билан кучайиб, оммавий тус ола бошлаган ғалаёнларни бостиришга ожиз бўлиб қолган мустабид ҳукумат маъмурияти вилоятдаги рус деҳқонларини зудлик билан қуроллантира бошлаган. Ўз ожизлигини яшириш, тинч аҳоли кучидан фойдаланиш мақсадида русларга гўёки маҳаллий аҳоли томонидан тайёрланаётган ҳужум хавфи ҳақида ёлғон уйдир-малар тарқатиб, уларни атайин гиж-гижлаган. Рус деҳқон-ларидан ҳатто жазо отрядлари тузилган. Қуролланган руслар мудофаага эҳтиёж туғилмасданоқ, сохта уйдирмалар билан гиж-гижлатилиб, ҳужумга жўнатилган, бу эса Еттисувдаги маҳаллий аҳолини жавоб чораларига ундаган.

Иккинчидан, Еттисувдаги ва умуман, Туркистондаги тинч рус аҳолиси бу ердаги маҳаллий аҳолининг ер суви ва мулкини мустабид ҳукумат ёрдамида тортиб, *эгаллаб олган ва ҳамиша* уларга нисбатан ўз устунлигини ҳис этиб, ўзини ҳукмрон ва ғолиб миллат сифатида тутган, бунда ҳамиша мустабид ҳукуматга таянган. Яъни рус аҳолиси ва мустабид ҳукумат мустамлакачиликда бир-бирига таянч бўлган, биргаликда маҳаллий аҳолини таҳқирлаган. Натижада ҳатто тинч рус

аҳолиси ҳам мустамлакачилик сиёсатининг таянчи ва ижрочиларига айланганлар, мустабид ҳукумат ёрдамида маҳаллий аҳолини эзиб, унинг нафратини қўзғаб келганлар. Бу айниқса Россиядан минглаб рус оилалари кўчиб келтирилган, аҳолидан ер-суви тортиб олинган Еттисув вилоятида яққол намоён бўлган. Аграр ва миллий сиёсатдаги адолатсизлик миллий низоларга олиб келган бу ҳолатлар 1916 йил воқеалари давомида мустабид ҳукумат томонидан атайин авж олдирилган ҳамда айрим қишлоқ ва овулларда миллатлараро тўқнашувларга олиб келган. Лекин бу тўқнашувлар ҳатто бир уезд доирасида ҳам оммалашмагани, қўзғолон миллий ёки диний уруш тусини олмагани замондошлар томонидан ҳам эътироф этилади. Бироқ бундан бехабар айрим хорижий тадқиқотчилар бир қишлоқ ёки овул ҳудудида ҳукумат атайин уюштирган тўқнашувларни умумлаштириб, қўзғолонни бутун Туркистон миқёсида «барча русларга қарши олиб борилган ҳаракат» сифатида баҳолашга уринадилар. Ваҳоланки, чекланган доирада содир бўлган бу тўқнашувларда тинч рус аҳолиси қўлига қурол олиб, мустамлакачи ҳукуматни ҳимоя қилган жангарилар сифатида майдонга чиққан, маҳаллий аҳоли эса уларга қарши чиқиб, ўз ҳаёти, оиласи, Ватани, ер-сув ва қишлоғини ҳимоя қилган озодлик кучлари сифатида курашган. Шу сабабли ҳам бу тўқнашувлар миллий уруш эмас, милий озодлик кураши сифатида баҳоланишга лойиқ. Лекин масаланинг бу томонидан бехабар ғарб тадқиқотчилари чекланган маълумотлар асосида чекланган ва шошилинч мулоҳазаларни илгари сурадилар.

Мухожир ватандошлар, яъни воқеалар гувоҳи ва маҳаллий шарт-шароит, реал аҳволдан яхши хабардор муаллифлар ижодида 1916 йил воқеалари Россиянинг

ҳукмронлигига қарши олиб борилган миллий ҳаракат сифатида эътироф этилиб, Жиззах воқеалари бунинг яққол ифодаси эканлиги алоҳида таъкидланади, қўзғолоннинг моҳияти, мақсадлари тўғри баҳоланади. Улар ўз тадқиқотларида чекланган доирадаги воқеаларнинг тафсилотларига эмас, кенг ва чуқур мушоҳада асосида муҳим ва йирик ғалаёнлар, *аниқ тарихий фактларга асосланиб, маҳаллий омиллар*, хусусиятларни эътиборга тутиб, тўғри назарий хулосалар қилишга уринадилар. Чунончи, Боймирза Ҳаит асарларида қўзғолон тўсатдан бошланиб кетгани, уни бутун Туркистон миқёсида бирлаштирувчи куч ёки раҳбар бўлмагани алоҳида таъкидланиб, бу мағлубият сабабларидан бири бўлгани кўрсатиб ўтилади[1], Мунаввар Қори, Паҳлавон Ниёз, Усмон Хўжа, Қори Комил, Обиджон Махмуд каби зиёлилар ғалаёнларга уюшқоқлик тусини беришга уринганлари, бу натижа бермагани ҳам қайд этилади, 1916 йил воқеаларининг Давлат Думасидаги муҳокамаси ҳақида маълумот берилади. Бу масалалар совет тарихшунослигида қандай ёритилгани эътиборга олинса, тарихий ҳақиқат хорижий тарихшуносликда, хусусан, мухожир ватандошлар ижодида 40-50-йиллардаёқ ўзининг холисона баҳосини олгани янада аниқлашади.

Хорижий таихшуносликда қўзғолоннинг мағлубиятга учраш сабаблари сифатида унинг уюшмагани, бошқарувчи, бирлаштирувчи куч ёки раҳбар бўлмаганидан ташқари қўзғолончиларнинг қуролланмагани, рус қўшинлари ҳарбий жиҳатдан бир неча бор устун бўлганлиги ҳам кўрсатиб ўтилади. Қўзғолон сабоқлари сифатида кураш тажрибаси, бирлашиш ва қуролланиш зарурияти англаб етилгани ва

[1] B.Hayit. Turkestan im XX Jahrhendert. p.206.

кейинчалик, совет ҳокимиятига қарши курашларда бунга алоҳида эътибор берилгани таъкидланади.

Бу ҳаққоний эътироф ва хулосалар совет тарихшунослигидаги ғоялаштирилган сиёсатлаштирилган қарашларга мутлақо зид бўлиб, коммунистик мафкура ақидапарастлари уларни тан олиш ёки бу ҳақда баҳслашиш у ёқда турсин, совет халқи, хусусан Ўрта Осиё халқига етиб келишини ҳам истамас эдилар, шу сабабли хорижий адабиётлар танқидига бағишланган мақолаларда бу ҳақда сўз ҳам бормайди, аксинча хорижий тарихшунослик 1916 йил воқеаларини мутлақо бузиб талқин этганликда айбланади[1]. Ваҳоланки, юқорида қайд этилганидек немис ва турк тилларида мухожир ватандошларимиз томонидан яратилган хорижий тарихшунослик намуналари муаммонинг холисона талқинини акс эттирган ҳаққоний илмий-назарий хулосалари билан эътиборга лойиқдир.

Хулоса қилиб, шуни таъкидлаш лозимки, 1916 йил қўзғолонининг хорижий тарихшуносликдаги талқинини баҳолашда ёки аниқлашда энг аввало унинг қўзғолон моҳияти, сабаблари ҳақидаги холисона хулосаларини қайд этиш лозим. Совет тарихшунослигидан фарқли равишда хорижий тарихшуносликда бу масала ҳаққоний баҳоланиб, қўзғолоннинг Туркистондаги Россия ҳукмронлигига қарши қаратилгани эътироф этилган, шунингдек, қўзғолоннинг умумхалқ ва оммавий кураш тусини олгани таъкидланган. Бироқ хориждаги айрим тадқиқотчиларнинг манбалар билан танишиш имкони ниҳоятда чекланганлиги ва асосан, совет нашрларига асосланган

[1] Юсупов Э. Турсунов Х. К истории восстания 1916 года // Общественные науки в Узбекистане. 1981. №4. Б.26-29.

уларни қўзғолон йўналиши, характерли хусусиятлари ҳақида турлича, чекланган, асоссиз, юзаки мулоҳазаларга олиб келган ва бу аввало ғарб тарихшунослигининг баъзи намуналарида яққол намоён бўлган. Маҳаллий хусусиятлар, шарт-шароитлардан бехабарлик, чекланган доирадаги маълумотларнинг асоссиз равишда бутун Туркистон миқёсида умумлаштирилиши уларнинг муаллифларида нотўғри тасаввурлар уйғонишига сабаб бўлган.

Немис ва турк тилларида яратилган хорижий тарихшунослик намуналари эса бу масалага чуқур ва атрофлича ёндашуви ҳамда ҳаққоний назарий, илмий хулосалари билан ажралиб туради ва бу аввало уларнинг муаллифлари Туркистон тарихидан яхши хабардор мухожирлар эканлиги билан изоҳланади. Айнан шу тадқиқотларда 1916 йил воқеалари илк бор ўзининг ҳаққоний ва холисона талқини ҳамда баҳосини олган.

Нафақат совет нашрлари, балки мухожирлар ижодидан ҳам кенг фойдаланиб, уларни холисона таққослаган айрим инглиз тадқиқотчилари 1916 йил воқеаларининг асл моҳиятини тўғри баҳолаб бериш билан бирга, совет тарихшунослигидаги бу масалага ғайри-илмий ёндашувни танқид остига олганлар. Чунончи Р.Пайпс[1] асарида совет тарихшунослигида 1916 йил воқеаларини синфий кураш сифатида кўрсатишга уриниш ҳақиқатга мутлақо зид эканлиги 50-йилларнинг охиридаёқ (бундан 40 йил муқаддам) таъкидланган, қўзғолондаги мулкдорлар ролини инкор этиш ҳам асоссизлиги қайд этилган. Бироқ илмий ҳақиқатни баҳслар билан исботлашдан йироқ

[1] Pipes R. The Formation of the Soviet Union. Communism and Nationalism. 1917-1923. - Cambridg,1964.

бўлган совет тарихшунослиги ўзи тўқиган синфий тарихдан воз кечмай, уни янада сохталаштиришга киришган, хорижий тарихшуносликни ҳамиша қоралаб нотўғри талқин этган, бузиб кўрсатиб келган.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий тарихшунослик ўз ютуқлари ва камчиликларига эга. Ютуқлар илмий ва тарихий ҳақиқатни холисона тиклашга, уни ошкор этишга, ҳаққоний баҳолашга уриниш, аниқ манбаларга асосланиш, атрофлича мушоҳада юритиш натижаси бўлса, камчиликлар билим ва манбалар доираси чекланганлиги, реал аҳвол, маҳаллий хусусиятлардан бехабарлик, шошилинч ва юзаки мулоҳазалар натижасидир. Бу ютуқлардан оқилона фойдаланиш, нуқсонларни асоссизлигини исботлаш тарихий ҳақиқатни тиклаш учун муҳим ва зарурдир, бу эса ўз навбатида илмий ҳамкорликни тақозо этади.

Хорижий тадқиқотчилар билан 1916 йил қўзғолони тарихини ўрганиш зарурияти улардаги ҳаққоний илмий назарий хулосалардан фойдаланиш, камчиликларни тўлдириш билангина белгиланмайди. Энг муҳими - Ватанимиз мустақиллиги учун қон тўккан аждодлар кураши ҳақидаги тарихий ҳақиқатни илмий асосда тўла ва холисона тиклаб, уни жаҳон жамоатчилигига етказиш, жаҳон тарихшунослигида тўғри ва мукаммал ёритилишига, ҳаққоний баҳоланишига эришишдир.

2-§. Хорижий тарихшуносликнинг 1918-1824 йиллардаги кураш воқеалари ҳақидаги асосий илмий хулосалари

Туркистон мустақиллиги учун совет ҳокимиятига қарши кураш воқеалари ўз давридаёқ жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборидаги муҳим муаммолардан бирига айланган эди.

Жамият тараққиёти қонунларига хилоф иш тутиб, уларни сунъий равишда ўзгартиришга киришган, хаёлий назария -социализм қуриш ғоялари билан қуролланган ва бунга эришиш учун пролетариат диктатурасини ўрнатишни лозим топган совет давлати ўзи ваъда қилган демократик, адолатли тузумни барпо этиш учун зўравонлик ҳамда адолатсизликлардан иборат пойдевор ҳозирлаган 1917-20-йиллардаёқ жаҳон жамоатчилиги унинг Туркистонда ҳам зўрлик билан амалга ошираётган бу сиёсатини кескин қоралади.

Россиянинг ўзидаёқ кескин қаршиликка учраган большевик-лар хали ўз мамлакатларида бирор натижага эришмай, бутун жаҳон "социалистик инқилобининг бешиги" бўлишга даъво қилиб, бу ниятларини амалга оширишда Туркистонни Осиё ва Шарқ мамлакатларига дарвоза ролини ўйновчи, ҳарбий, стратегик, иқтисодий, моддий манфаатларини қондирувчи қарам ўлка бўлиши лозим, деб топдилар. Россия подшолиги зулмидан халос бўлиб улгурмаган Туркистонга янги мустамлакачилик кишанларини кийдириб, бу ўлкадан нафақат иқтисодий бойликлар манбаи, балки Шаркда инқилоб қилиш учун ҳарбий плацдарм, сиёсий таянч, тажриба сифатида ҳам фойдаланиш ниятларини яширмадилар. Бу эса ривожланган давлатлар - Англия, Франция, Германия ҳамда АҚШ каби мамлакатларни "коммунизм" ғояларининг жаҳонга экспорт қилишга йўл

қўймаслик, уни олдини олиш чораларини кўришга ундади. Ғарб давлатлари шу мақсадларда (ва эҳтимол яна бошқа стратегик, ҳарбий сиёсий мақсадлар манфаати юзасидан) иш тутган бўлсалар, қўшни ва яқин мамлакатлар - Эрон, Афғонистон, Туркия давлатлари "большевизм" ҳавфи, чегара "ҳавфсизлиги" каби сабаблардан ташқари ягона диний эътиқод, қардошлик туйғулари ва яқин қўшничилик алоқалари туфайли ҳам Туркистон маҳаллий аҳолисининг кескин ва қонли курашларига хайрихоҳлик билан қарадилар. Шу сабаблар туфайли Туркистонда совет ҳокимияти олиб борган сиёсат ва унга қарши миллий озодлик учун кураш воқеалари юқорида қайд этилган мамлакатлардаги расмий ва ҳарбий доиралар ҳамда матбуотнинг алоҳида эътиборида бўлди.

Бу мамлакатларнинг Туркистондаги воқеалар ривожидаги ташқи омил сифатидаги ўрни, уларга муносабати, бевосита ёки билвосита таъсири муаммо тарихи билан боғлиқ алоҳида мавзу эканлигини таъкидлаб, юқоридда қайд этилган сабаблар кейинчалик бу давлатларда ушбу муаммо тарихшунослигининг шаклланишига, ривож топишига замин ҳозирлаганини алоҳида қайд этиш лозим.

1920-йиллардаёқ инглиз, француз, турк матбуотида Туркистондаги воқеалар хусусида илк мақолалар[1], рисолалар[2] чоп этила бошланган. Муаммони тарихий нуқтаи назаридан ўрганиш асосан 20-йиллар ўртасидан, аниқроги иккинчи

[1] Macartney Gt. Botshevism as it in Turkestan in 1918 // Journal of the Royal Central Society. vol. VII. - London. 1920. vol 9; Malleson W. The British Military Mission to Turkestan in 1918-1920. // Journal of the Royal Central Society. - 1922 vol.9. pt.2; Chocaev M. The Basmachi movement in Turkestan // The Asiatic Review. -London.1928. vol XXIV. April

[2] Castaqne J. Les Basmatchis.Le mouvement national des indiqenes e Asia Centrale depuis la revolution d octobre 1924. -Paris. 1925.

ярмидан бошланди ва совет тарихшунослиги билан баб-баробар, ғоявий курашлар тўлқинида, мафкуравий таъзийқларсиз, жаҳоннинг турли тилларида ривожланиб келди.

Ушбу тадқиқот доирасида қарийб 70 йил давомида турлича сиёсий қарашлар, ғоявий оқимлар, мафкуравий йўналишлар, илмий марказлар таъсири остида, турли мамлакатларда, турли тилларда ривожланиб келган бой хорижий тарихшуносликни ҳар бир асар мисолида ҳамда беистисно таҳлил этиш имкони чекланган бўлсада, унинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, алоҳида мамлакатлар доирасидаги ўзига хос ва бутун жаҳон миқёсидаги умумий хусусиятлари, илмий натижалари ҳақида қисқа, аниқ маълумотлар бериш мумкин.

Энг аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хорижий тарихшунослик намуналарининг илмий қимматини баҳолашда тадқиқотлар мазмуни ва моҳиятига халқаро аҳвол, совуқ уруш муносабатлари (50-60-йиллар), сиёсий, иқтисодий, стратегик манфаатлар, ғоявий курашлар таълимот ва оқимлар (антикоммунизм, марксизм-ленинизм, маккартизм ва ҳ.к.), сиёсий, мафкуравий кураш каби омиллар ўз таъсирини ўтказганини эътиборда тутмоқ зарур. Бироқ бу омиллар тадқиқотларнинг илмий қимматини баҳолашда бош ва асосий мезон бўла олмаслигини ҳам унутмаслик, уларга мутлақо холисона асосда ёндошиш заруриятини чуқур англаб етиш лозим. Акс ҳолда бу асарлар мисолида халқаро муносабатлар, ғоявий, сиёсий қарашлар ва манфаатлар таҳлилига берилиб кетиш мумкинки, бу муаммони тарихшунослик эмас, сиёсатшунослик нуқтаи-назаридан ўрганиш вазифаларига жавоб беради.

Айни пайтда сиёсий-ғоявий қарашлар ва таълимотлар

баъзи тадқиқотлар йўналишинигина эмас, тадқиқот услуби ва илмий натижаларини ҳам олдиндан белгилаб берганига эътибор бериш лозим. Бу ўринда энг аввало марксча-ленинча дунёқараш назарда тутилади. Дунёни икки қарама-қарши тизимга бўлиб юборган бу таълимот жаҳон миқёсидаги ижтимоий, сиёсий, маданий, ғоявий қарашларни ҳам икки йўналишга бўлиб юборган эди. СССР доирасидан чиқиб, жаҳон миқёсида тарғиб этилган, зўрлик билан қарор топтирила бошлаган, пировардида инқирозга юз тутган марксча-ленинча таълимот каби, Туркистон миллий-озодлиги учун кураш воқеаларининг марксча-ленинча талқини ҳам совет тарихшунослиги доирасидан четга чиқиб, дунёнинг турли мамлакатларига тарқалди, гарчи кенг қулоч ёя олмасада, айрим асарларга[1] муҳр босиб улгурди. Аслида совет адабиётларининг чет тилдаги инъикоси бўлган бундай саноқли асарлар хорижлик коммунистлар қаламига мансуб бўлиб, совет давлатининг сиёсати, "ютуқлари" ҳақидаги сохта ахборотлар таъсирида, совет адабиётлари асосида яратилган. Совет тарихшунослиги билан биргаликда унутилишга маҳкум бўлган бундай асарларга хорижий тарихшунослик талқинида тўхталишга зарурият ҳам йўқ, зеро улар мазмуни ва моҳияти, қайд этилган маълумотлари билан совет адабиётларининг чет тилларидаги нусхаси холос.

Хорижий тарихшуносликнинг қолган асосий қисми совет тарихшунослигида "буржуа тарихшунослиги" сифатида кескин танқид остига олиб келинган.

---

[1] Kunitz J. Dawn over Samarkand. The Rebirth of Central Asia. -London - New York. 1936; Chamberlin W.H. The Russian Revolution 1917-1921. vol1-2. - New York. 1935; Mandel W. The Soviet Far East and Central Asia. -New York. 1944.

Ниҳоятда катта ҳажмда, турли даврларда, турли тилларда яратилган бу тадқиқотларнинг илмий қимматини баҳолаш учун фикримизча аввало қуйидаги масалаларни аниқлаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Хорижий тарихшунослик манбалари.

2. Хорижий тарихшуносликнинг шаклланиши ва ривожланишида айрим шахслар, тадқиқотчилар ва турли омилларнинг роли: (илк ва асосий тадқиқотчилар ҳамда уларнинг асарлари, илмий марказлар, жамиятлар, турли ташкилотлар роли, муаммо талқинида оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение, даврий ҳамда вақтли нашрларнинг роли).

3. Хорижий тарихшуносликнинг илмий натижалари: асосий масалалар бўйича хулосалар, мунозарали, мавҳум ёки нотўғри талқин топган масалалар.

4. Хорижий тарихшуносликнинг айрим мамлакатлардаги ўзига хос ва жаҳон миқёсидаги умумий хусусиятлари.

Бу масалаларни ҳар бир мамлакат доирасида беистисно ва мукаммал ёритишга даъво этмаган ҳолда имкон доирасида маълумот беришга ва ҳозирга қадар кам эътибор берилган Туркия ва Германия тарихшунослигига кенгроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

Хорижий тарихшунослик манбалари. Хорижий тарихшуносликнинг илмий ютуқлари энг аввало манбалардан холисона фойдаланиш эркинлиги ва мафкуравий таъзийқлар йўқлиги билан белгиланади, дейилса муболага бўлмас. Манбаларнинг аксарияти совет давлатида ман этилгани, улар жамоатчиликдан сир тутилгани эътиборга олинса, бу борада *хорижий тадқиқотчилар имкониятларини янада аниқроқ* тасаввур этиш мумкин. Хорижий тадқиқотларда фойдаланилган

манбаларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

а) Туркистонда 1917 йилдан бошлаб 20-йиллар давомида, аниқроғи ўртасига қадар чоп этилган нашрлар. Улардан нусхалар хорижий давлатларга турли йўллар билан олиб кетилган.

б) Туркистонни тарк этган мухожирларнинг асарлари, эсдалик, хотиралари, ёзма архивлари, кўрсатма, далолатлари

в) Туркистонда 1917 йилдан 20-йиллар ўртасига қадар турли ваколат, вазифалар билан, ҳар хил мақсадларда яшаб, ошкора ва яширин иш олиб борган хорижий фуқаролар, расмий, ҳарбий, сиёсий вакилларнинг[1] хотиралари, фикр-мулоҳазалари.

Шуни қайд этиш жоизки, манбалардан холисона фойдаланиш эркинлиги чекланмаган хорижий тадқиқотчилар улардан тўлиқ, беистисно фойдаланиш имконига эга эмас эдилар, чунки совет давлати архивлари улар учун берк эди, хориждаги манбалар эса бутун дунё - Франция,Англия, Германия, Ҳиндистон, АҚШ, Афғонистон, Туркия ва ҳатто Швецария бўйлаб тарқалиб кетган. Масалан, Францияда Париждаги шарқ тиллари ва цивилизацияси Миллий институти кутубхонасида Туркистон (Кўқон) Мухторияти ҳукумат раҳбари Мустафо Чўқаевнинг шахсий архиви, Туркияда қўрбошилар Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммадбек ва туркий халқлар озодлиги, тарихи ва маданиятининг жонкуяр тарғиботчиси, таниқли олим Заки Валиди Тўғоннинг хотиралари,

---

[1] Маллесон У. Туркистонда 1918-20-йилларда Британия ҳарбий миссияси раҳбари: Кастанье Ж. 1917-21-йилларда Туркистонда *археология изланишлари олиб борган, сиёсий ҳаётга тортилган Франция* фуқароси. Ф.Бейли - инглиз полковниги, ҳарбий-дипломатия миссия таркибида 1918 йил Тошкентда бўлган ва бошқалар.

ёзма манбалари, АҚШда Колумбия университетининг Бахметьев архиви, Стэнфорд университетининг Г.Гувер номидаги уруш, тинчлик ва инқилоб институти архиви, ("оқ архив"), Гарвард университетида З.В.Тўғоннинг Туркистон озодлиги учун кураш ҳақидаги қўлёзмасининг инглизча нусхаси, Пешаворда Туркистон қўрбошиларининг Афгонистон шоҳи билан алоқалари, бу ердаги фаолиятлари, Ҳиндистондаги инглизларнинг Туркистон билан алоқалари, иш режалари ҳақида, Германияда Туркистон Миллий Бирлиги архиви ва бошқа кўплаб манбаларда совет ҳокимиятига қарши Туркистон миллий озодлиги учун курашнинг турли масалаларини аниқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга маълумотлар бор. Бу маълумотлар тўлиқ илмий истеъмолга киритилмаган, қисман фойдаланилган, холос.

Хорижий тарихшуносликнинг шаклланиши ва ривожланишида Туркистон мухожирлари катта роль ўйнадилар. Улар яқин-яқингача, яъни, 1991 йилгача "ватан хоинлари", "буржуа миллатчилари","империализм малайлари" деган туҳмат тамғаси остида қораланиб келган эдилар. Аслида Туркистонни совет давлатининг таъқиб ва таъзийқларидан, зўравонлик ва зулмидан қочиб тарк этишга мажбур бўлган мухожирларнинг энг илғор, ватанпарвар вакиллари юртларини фақатгина жон ва мол қайғусида эмас, балки хорижда унинг ҳақиқий ўтмишини, тарихини сақлаб қолиш, тарғиб этиш, мустақиллик ғояларини асослаш, бунга жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратиш мақсадларини кўзлаган эдилар.

Туркистонда совет ҳокимиятига қарши кураш фронтини жипслаштитириш, унга миллий мустақиллик ғоясини сингдириш ва бу йўлда бирлашиш мақсадида тузилган, фаолият кўрсатган "Туркистон Миллий Бирлиги"нинг 1922 йил Тошкентда

яширин суръатда бўлиб ўтган УП конгрессида "Туркистоннинг миллий талабларини чет эллардаги жамоатчиликка етказиш зарурлиги" ҳақида қарор қабул қилинган.[1] Қарорга кўра *хорижда М.Чўқаев ва Заки Валидийлар* томонидан 1924 йилда "Туркистон Миллий Бирлиги"нинг хорижий қўмитаси тузилган[2]. Аҳмад Закий Валидий ва Мустафо Чўқаевга Туркистон ҳақидаги ҳақиқатни ёзиб, жаҳон жамоатчилигига етказиш вазифаси топширилган.[3]

20-30-йиллар давомида М.Чўқаев ва З.Валидий томонидан инглиз, француз, немис ва турк тилларида Туркистон воқеаларига оид қатор мақолалар, асарлар чоп этилди ва улар пировардида шу тиллардаги Туркистон озодлиги учун кураш тарихшунослигининг шаклланиши ва ривожланишига пойдевор бўлди, унинг йўналиши ҳамда моҳиятини белгилаб берди. Айниқса Германия ва Туркияда, шунингдек Францияда ҳам *Мустафо Чўқаев ҳамда Закий Валидий Тўғон раҳбарлигида катта* ташкилий ишлар амалга оширилди. Чунончи 20-йилларда М.Чўқаев Францияда "Туркистон", Германияда "Ёш Туркистон" журналларини нашр этишни йўлга қўйди, уларга муҳаррирлик қилди. Туркияда ҳам Мустафо Чўқаев, Закий Валидий Тўғоннинг бевосита саъйи ҳаракатлари билан "Янги Туркистон" журнали нашри йўлга қўйилди. Уларнинг саҳифаларида Туркистон мустақилиги учун кураш тарихи кенг ёритилиб борилди, совет ҳокимиятининг ўлкада олиб бораётган сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти фош этиди. Бу журналларнинг бош ғояси - "Туркистон истиқлоли учун кураш" шиори бўлиб, уларнинг фаолияти шу ғояни асослаш, очиб

---

[1] Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar. Istanbul - 1969. S.447.
[2] Ўша ерда. Б.560-587.
[3] Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar. Istanbul - 1969. S.577-578.

бериш, кураш воқеаларини ёритишга бўйсундирилган. М.Чўқаев[1] ҳамда Закий Валидий Тўғон[2] асарлари орқали Туркистонда совет *ҳокимиятининг мустамлакачилик* сиёсати ва маҳаллий аҳолининг унга қаршги кураш тарихи ҳақидаги тарихий ҳақиқат Европа, араб ва Осиё давлатлари жамоатчилигига етказилди. Бу асарлар ҳамда уларга қадар эълон қилинган мақолалар хорижий тарихшуносликнинг кейинги ривожида муҳим ва ишончли манбалардан бири сифатида эътироф этилиб, кенг фойдаланилди. Чунончи З.Валидийнинг ўз "Хотиралар"ида таъкидлашича унинг Туркистон тарихига оид Туркия ва Мисрда чоп этган асари немис ва инглиз тилларига таржима қилинган, асарнинг нашр этилмай қолган инглизча нусхаси Гарвард *университетида сақланади, унинг қисқача мазмуни* Олаф Кэроу[3] асарига киритилган бўлиб, шу асар орқали Туркистон озодлиги учун кураш воқеалари жаҳонга маълум бўлган.[4] Шунингдек, «Туркистонда босмачилик ҳаракати» мавзусида Францияда 1925 йилда ўз асарини нашр этган Жозеф Кастанье[5] ҳам З.Валидий билан икки мулоқотда бўлиб, ундан кўп маълумотлар олган[6] З.Валидий асарлари турк тарихшунослигида, шунингдек О.Кэроу асари мисолида инглиз тарихшунослигида муҳим ўрин тутган бўлса, М.Чўқаев асарлари немис ва француз тарихшунослигида катта роль ўйнади.

---

[1] Чокаев М. Туркестан под властью советов. Париж. 1935.

[2] Togan A.Z. Bugunki Turkili (Turkistan) ve Yekin Tarihi. Istanbul. 1942-1947), 1929 йилда Мисрда, 1942 йилда Истанбулда нашр қилинган.

[3] Caroe J. Soviet Empire. The of Turks of Central Asia and Stalinism. - London. 1954

[4] Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar. -Iztanbul. 1969. S.521.

[5] Castagne J. Les Basmatchis: Le mouvement national des indigenes d Asia Centrale depuis la revolution d octobre 1917 jusgu en octobre 1924, Pariz. 1925.

[6] Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar. S.543.

40-йиллар ўртасига келиб турк тарихшунослиги туркистонлик яна бир мухожир-Абдулла Ражаб Бойсуннинг[1] "Туркистон миллий харакатлари" номли асари билан бойиди.

Кейинги йилларда аниқроғи XX асрнинг II ярмида Туркия тарихшунослигида Туркистон масалаларининг ўрганилиши ва ёритишда қуйидаги мухожирлар муҳим роль ўйнадилар:

1. Зиёвуддин Бобоқурбон. Фарғонадан, журналист, тахаллуси «Туркистонли Жонбой». "Ҳур Туркистон учун!"номли истиқлолчи газета ташкил қилган. 1966 йилдан бери "Озодлик" радиосининг "Туркистон" бўйича эшиттиришларини олиб боради. Туркий оламда, ислом дунёсида Туркистон истиқлоли ғояларининг фаол тарғиботчиси бўлган.

2. Доктор Тохир Чиғатой. Тошкентда туғилган, тахаллуси Темир ўғли. "Қизил империализм" номли 4 қисмдан иборат асарида Туркистон тарихи ва истиқлоли масалаларини ёритган. М.Чўқаев билан "Ёш Туркистон" журналини нашр этган.

3. Аҳмад Наим Ўқтой. Бухородан, тахаллуси Ашурбой. "Ёш Туркистон" ноширларидан, иқтисодчи олим.

4. Доктор Иброҳим Ёркин - Тошкентдан, тахаллуси «Орифхон».

5. Доктор Абдуқодир Инон. Бошқирдистондан. Туркистон озодлиги учун кураш масалаларини турк матбуотида ёритган тарихчи олим.

6. Усмонхўжа ўғли Темурхўжа. Бухоро Халқ Республикаси молия нозири бўлган Усмонхўжаевнинг ўғли, тахаллуси «Темирхўжа».[2]

Бу муҳожирлар фаолияти ва ижоди натижасида Туркия

---

[1] Abdulla Ragab Baysin. Turkistan Milli Hareketleri. - Iztandul. 1945.
[2] Тохир Қаххор. "Ҳур Туркистон учун". Т.: 1994.

тарихшунослигида Туркистон тарихи ва ҳаёти масалалари муҳим муаммолардан бири сифатида ўрин тутиб, диққат-эътибордаги мавзу бўлиб келди. Турк тарихшунослигининг ўзига хос хусусиятлари ундаги Туркистон мухожирларининг роли ва "Туркистон истиқлоли учун кураш!" ғояси билан белгиланади. Бу ғоя ва мақсадлар 20-йилларда Туркистонда, 1924 йилдан хорижда ўз ишини давом этказган "Туркистон Миллий Бирлиги" томонидан белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб илгари сурилган ва 1991 йилда Ўрта Осиё республикаларида жумладан, Ўзбекистонда мустақиллик қўлга *киритилгунга қадар кун тартибидан олинмади.*

1967 йилда Истамбулда чоп этилган Заки Валидий «Хотиралар»и ҳам Туркистоннинг 1920-1922- йиллардаги тарихи, хусусан мустақиллик учун кураш воқеалари тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Асарда Туркистон "Миллий Бирлиги" жамиятининг фаолияти, Самарқанд вилоятида совет ҳокимиятига қарши кураш воқеалари ва қатор тарихий шахслар (Анвар Пошшо, Жамол Пошшо, Т.Рискулов, Ф.Хўжаев, Усмонхўжаев, М.Чўқаев, Мунаввархори Абдурашидхонов) Туркистон ватанпарварлари ҳақида қизиқарли ва муҳим маълумотлар қайд этилади. Туркистон озодлиги учун кураш ғояси, уни амалга ошириш йўлида маҳаллий миллий зиёлилар фаолияти аниқ мисолларда очиб берилади.

Турк тарихшунослиги намунаси сифатида Туркистон мустақиллиги учун кураш тарихига оид энг йирик асар сифатида Али Бодомчининг 1975 йилда турк тилида чоп этилган "Туркистон ва Анварпошшо. Туркистонда 1917-1934-йиллар

миллий ҳаракатлари"[1] асарини қайд этиш лозим. Беш бўлимдан иборат асарнинг IV бўлимида 1-6 қисмларида *Туркистонда 1917-34-йиллар давомида* олиб борилган миллий кураш воқеалари қўрбошилар Шермуҳаммадбек, Нурмуҳаммад-бекларнинг хотира, ёзма ва оғзаки кўрсатмалари асосида йилма-йил, алоҳида шаҳар ва қишлоқлар учун жанг тафсилотлари, ички вазиятнинг умумий таърифи асосида ёритилади, курашда фаол иштирок этган қўрбошилар рўйхати, кураш қамраб олган 130 та жўғрофий худуд номи, қўрбошилар хотираларининг араб имлосидаги асл нусхаларидан кўчирмалар, расмлар илова қилинган бўлиб, улар муаммо тарихини тиклашда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Немис тарихшунослигида бу муаммо талқини /40-йиллар ўртасига қадар Мустафо Чўқаев, 50-йиллардан бошлаб эса Туркистонли мухожир Боймирза Хайит (Намангандан) томонидан ёритиб келинди. Боймирза Хаит Европа, АҚШ ҳамда Туркияда туркшунос, ўртаосиёшунос олим сифатида тан олинган бўлиб ва истиқлолчилик ҳаракати бўйича Туркистон тарихига оид қатор асарлар муаллифидир. 1944 йилда у турк тилида илк асарини чоп этган.[2] 1951 йилда "Қўқон ва Алаш урда ҳукуматлари" мавзусида диссертация ёқлаб, докторлик унвонини олган[3] Б.Хайит турк, инглиз ва немис тилларида нашр қилинган. Унинг дунёнинг турли мамлакатларида ижобий тақризлар олган "Туркистон XX асрда" номли ва бошқа асарлари Туркистон тарихига оид муҳим

---

[1] Ali Bademci. Korbasilar. 1917-1934. Turkistan Milli Hareketi ve Enver Pasa. -Istanbul. 1975.
[2] B.Hayit. Turkestanin gisgaca tarihi. Berlin. 1944
[3] "Qogand ve Alas OrdaMilli Hukumatlari"// Milli Turkistan. Mart. 1951. Nr. 70.71. S.15-22.

тадқиқот сифатида эътироф этилган[1]. Асарда Туркистон мустақиллиги учун кураш тарихи илгари эълон қилинмаган қизиқарли маълумотлар асосида, олти босқичда ёритилади ва бу кураш Туркистон озодлиги мақсадида олиб борилганлиги, ҳарбий мухобаралар ва кураш кўлами акс эттирилади.

Боймирза Хайит Туркистон масалалари, хусусан унинг миллий озодлиги учун кураш тарихини жаҳонда, жумладан Совет *Иттифоқида ўрганилиш жараёнини кузатиб, бу ҳақда совет* тарихшунослигида тарғиб этилаётган сохта қарашларга ўз муносабатини билдириш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ҳимоя этиш мақсадида ўзининг "Туркистон замонавий тарихининг баъзи муаммолари"[2] номли асарини яратди. Худди шундай мазмундаги қарашлар, мулоҳазалар Туркияда мухожир олим Тоҳир Чиғатой томонидан унинг "Қизил империализм"[3] тўпламида қайд этилган эди. Бу асарларда Туркистон воқелиги, тарихи ва ҳаёти совет тарихшунослигида сохталаштирилиб, нотўғри, «қизил» бўёқларда акс эттирилаётганлиги аниқ нашрлар, маълумотлар мисолида кўрсатилади. 20-йиллар ва 50-60-йиллардаги совет нашрлари таққосланади.

1992 йилда Кельнда немис тилида Б.Хайитнинг "Босмачилик: Туркистонда 1917-1934-йиллардаги миллий кураш" номли асари чоп этилди[4]. Англия, Франция, АҚШ, Германия, Швецария ва

---

[1] Baymirza Hayit. Turkestan im XX jahrhundert. Darmstadt.1956; Islam and Turkestan under Russian Ruie. -Istanbul. 1987; Turkestan im Herzen Euroasians. Koln. 1980; Turkestan Zwischen Russland Und China. Amsterdam. 1971; Sovyetler Birligindeki Turkugun ve islamin Bazi Meseieieri. -Istanbul. 1987.

[2].Dr.Baymirza Hayit. Some Problems jf Modern Turkistan History. An Analysis of Soviet Attacks on the Alleged Falsifiers of the history of Turkistan.Dusseldarf. 1963.

[3] Tohir Chigatoy. Qizil imperialazm. III.- Ankara: 1967.

[4] Dr.Baymirza Hayit. «Basmatschi». National Kampf Turkestans in den jahren von 1919 bis 1934. - Koln. 1992.

бошқа давлатларнинг миллий архив ва кутубхоналаридаги тарихий ҳужжатлар асосида яратилган бу асарни нафақат немис ёки Европа тарихшунослигида, балки жаҳон тарихшунослигида Туркистон мустақиллиги учун кураш тарихига оид энг қимматли, йирик илмий тадқиқот сифатида эътироф этилди. Асар 5 бўлимдан иборат бўлиб, 1917-34-йиллардаги Туркистон, Хива, Бухоро воқеаларини қамраб олган, ҳали Ватанимиз тарихшунослигида ҳам номаълум бўлган муҳим маълумотларга эга.

Юқорида қайд этилганлардан маълум бўладики, немис ва турк тарихшунослигида Туркистон тарихи, истиқлоли масалалари бевосита туркистонли муҳожирлар томонидан кенг ёритилди ва ривожлантирилди, пировардида катта илмий натижаларга эришилди, ўз ватанида инкор этилиб, қораланган тарихий ҳақиқат хорижда ошкор бўлиб, жаҳон жамоатчилигига етказилди.

Айни пайтда инглиз-америка ва француз тарихшунослигида ҳам Туркистон мухожирлари, хусусан М.Чўқаев, Заки Валидий, Боймирза Хаитнинг инглиз тилидаги асарлари, ёзма манбалари муҳим ўрин тутди, улардан кенг фойдаланилди. Шунингдек бу тилларда муаммо тарихшунослигининг шаклланиши ва кейинги ривожида 20-30-йилларда Туркистонда бўлиб қайтган давлат вакилларининг эсдалик ва хотиралари, 50-йиллардан бошлаб эса Англия, АҚШда ташкил этила бошлаган "советшунослик", "ўртаосиёшунослик" илмий марказларининг фаолияти, мутахассислари муҳим роль ўйнади.

Туркистонда совет ҳокимиятининг фаолияти, миллий сиёсати ва бунга қарши маҳаллий аҳолининг кураши масалаларига хорижда қуйидаги тадқиқотчилар алоҳида эътибор қаратдилар:

АҚШда[1] А.Оллуорт, Беккер, Р.Пайпс, М.Олкотт. С.Зеньковский, М.Рывкин, С.Уимбуш, Э.Арнольд, Л.Дюпри, Г.Масселл.

Буюк Британияда[2] - У.Коларз, Дж.Уилер, Х.Сетон-Уотсон, О.Кероу.

Канадада[3] - Т.Раковска-Хармстоун.

Францияда[4] - А.Беннигсен, Э.Каррер де Анкос, В.Монтей.

Шунингдек, инглиз тилида ижод қилиб, Осиё ва бошқа давлатларда фаолият юргизаётган тадқиқотчилар гуруҳи ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз асарларида Туркистон масалалари, хусусан совет ҳокимиятига қарши олиб борилган кураш воқеаларига тўхталиб ўтадилар. Масалан: Иеруссалим университети профессори Иаков Ландау,[5] Ҳиндистонли тадқиқотчи З.Имам[6] шулар жумласидан бўлиб, улар ҳам бу борада хорижий тарихшуносликда қарор топган илмий қарашларни эътироф этадилар.

---

[1] Park A. Bolshevism in Turkestan: 1917-1927. New York. 1957; Allworth E. The End of Ethnic integration in Southern Central Asis. Washington. 1981; Pipes R. The Formation of the Soviet Union: Communism and Nationalism. 1917-1923. Cambridge.1954; Becker S. Russias Protectorates in Central Asis: Buhara and Khiva 1865-1924. Cambridge.1968; Olcott M. Basmachi or Freemens Revolt in Turkestan 1918-1924//Soviet Studies. University of Glasgow. 1981. vol.XXXIII; Rywkin M. Central Asia and Pris of Sovietozation // Problems of Communism.1964, №1; Relugion. Modern Nationalism and Political Power in Soviet Central Asis //Canadian Slavonic papers. Ottava. 1975. vol.17. 2-3.

[2] Koralz W. Russia and her Colonies. New York.1955; G.Wheler. The Russian Presence in Central Asis//Canadian Slavonic Papers. Ottava.1975. vol.17.2-3. Seton-Watson. The New Imperialism: A.Background Book. London.1961; Caroe O. Soviet Empire. The Turks of Central Asis anl Stalinism. London.1954)

[3] *Rakowska -Harmstone T. Russia and Nationalism in Central Asia. Baltimore,* 1970.

[4] Bennigsen A., Lemercier-Quelguejay Ch. Islam in the Soviet Union. London, 1967. Carrere D Encausse H., Lempire eclate; La revolte des nations en RSS. Paris. 1978. Monteil V. Les Musulmans Sovietogues. Paris. 1957.

[5] Landau J.M. Pan-turkism in Turkey: A Study of Irredentism. London.1981

[6] Imam Z. Colonialism in East-West Relations: A Study of Soviet Policy Towards and Anglo-Soviet Relations.1917-1947. New Dehli. 1969.

Ҳар бир муаллифнинг ҳар бир тадқиқотига муфассал тўхталиш имкони бўлмагани туфайли, қуйида уларда илгари сурилган асосий хулосалар, *фикр-мулоҳазалар* билан таништиришда кифояланамиз:

- "босмачилик" ҳаракати адолатли ҳаракат, умумхалқ ҳаракати, миллий ҳаракат эди - М.Олкот, М.Рывкин, А.Парк, П.Дюман, Д.Дюпри, А.Шуман, Э.Каррер д Анкосс, Оллуорт, Э.Арнольд, Б.Хаит ва бошқалар.

- "босмачилар" - аслида миллий қаҳрамон, эрксевар кишилар эди - М.Олкот, Л.Дюпри, А.Парк, Б.Хаит ва бошқалар.

- совет ҳокимияти Туркистонда мустамлакачилик сиёсатини олиб борди ва бу ҳақли равишда "босмачилик" деб ноҳақ қораланган қрашилик ҳаракатини келтириб чиқарди - Р.Парк, Г.Массел, Т.Раковска-Хармстоун, М.Рывкин, М.Олкот, И.Ландау, А.Беннигсен, М.Броксап, С.Зенковский, Х.Сетон-Уотсон, В.Коларс, О.Кероу, Б.Хаит, А.З.Валидий.

- босмачилик - 1916 йил қўзғолони ва умуман, Туркистондаги миллий озодлик курашининг давоми эди - Б.Хаит, А.Р.Бойсун, М.Чуқаев ва б.

- совет ҳокимияти Туркистондаги эски мустамлака тузумининг давомчиси, янги империя бўлди - А.З.Валидий, Каррер д Анкос, Б.Хаит, М.Чўқаев, А.Парк, Р.Пайпс, В.Монтей, С.Зеньковский, Ж.Кастанье ва б.

- "босмачилик" Қизил Армиянинг ҳарбий устунлиги туфайли енгилди, шафқатсизлик билан бостирилди - Э.Каррер д'Анкосс, С.Шуман, К.Дэвин, *М.Олкот, А.Парк, Н.Монтейл, Б.Хаит ва* бошқалар.

-"босмачилик" - "партизан ҳаракати" шаклидаги совет ҳокимиятига қарши кураш эди - Х.Сетон-Уотсон, С.Зеньковский,

Р.Пайпс ва бошқалар.

Қайд этилган масалалар, яъни Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши курашнинг сабаблари, моҳияти ҳақидаги қарашларда, хорижий тадқиқотчилар ўз якдилликларини намоён қилдилар. Турли мамлакатлардаги тадқиқотчилар ҳамкорликда Ўрта Осиё ҳақида яратган тарихга оид асарларда ҳам бу хусусда якдил хулосалар, фикр-мулоҳазалар илгари сурилади. Бу ҳол тарихий ҳақиқат барча тилларда бир хил маъно ва мазмунда таърифланиши, унинг мезони жаҳоннинг барча халқлари, умуман инсоният учун ягона эканлигининг яққол ифодасидир.

Хорижий тарихшуносликнинг ривожланшида турли марказлар, ташкилот, муассаса ва жамиятлар роли. Хорижий тарихшуносликда Туркистон масалаларининг ўрганилишига эътибор 50-йиллардан бошлаб ниҳоятда кучайгани кузатилади. 20-40-йилларда Германия, Туркия, Францияда олиб борилган изланишлар асосан туркистонли мухожирларнинг саъйи-ҳаракати ва фаолияти натижаси бўлган бўлса, 50-йиллардан бошлаб бу муаммо айниқса Англия, АҚШ, Францияда илмий муассасалар, университетлар, марказлар назоратида, ҳомийлигида ривожланди. Бу борада "советшунослик", "ўртаосиёшунослик" марказларида мутахассислар изланишлар олиб бордилар, уларнинг тадқиқотларини нашр этиш, моддий таъминлаш махсус фондлар (Рокфеллер, Карнеги, Форд фондлари, Давлат фонди) томонидан ажратилган маблағлар ҳисобига таъминланиб келди. Бу марказларнинг тузилиши ва фаолияти, мақсадлари, уларнинг сиёсий ёки ғоявий манфаатлар нуқтаи-назаридан аҳамияти алоҳида мавзу эканлигини таъкидлаб, хорижий тарихшуносликда Туркистон масалаларига эътибор қаратган, мутахассислар та-

йёрлаган асосий муассаса, марказ ташкилотларни қайд этиш билан кифояланамиз.

АҚШда

-Колумбия университети қошидаги советшунос, ўртаосиёшунослар тайёрлаш маркази. Бу ерда Т.Уинер, А.Парк, Э.Оллуорт каби мутахассислар Туркистондаги "босмачилик" мавзусига алоҳида эътибор қаратганлар;

-Гарвард университети қошидаги марказ - Р.Паипс, М.Олкот фаолият юргизади;

-Стэнфорд университети қошидаги марказ;

-С.Зеньковский, М.Рывкинлар иш олиб боради. Шунингдек, Мичиган, Гавай, Калифорния, Вашингтон университетлари, Г.Гувер номли уруш, тинчлик ва инқилоб институти қошида ҳам "ўртаосиёшунослар" тайёрлашга, Ўрта Осиё тарихини ўрганишга эътибор катта.

КАНАДАда

-Монреаль, Ванкувер, Оттава, Торонто университетлари ва институтларида "ўртаосиёшунослар" тайёрланади. Канадалик Т.Раковска-Хармстоун Туркистонда совет ҳокимиятига қарши кураш масалаларига алоҳида тўхталган.

АНГЛИЯда

-"Қиролликнинг Ўрта Осиё жамияти";

-"Туркшунослик маркази" - О.Кероу тузган;

-Ўрта Осиё тадқиқот маркази - Оксфорд университети қошида;

-Британиядаги Шарқий Европа ва совет тадқиқотлари миллий ассоциацияси ва бошқалар.

ФРАНЦИЯда

-Славяншунослик институтида;

-Сорбоннадаги амалий фанлар олий мактабининг VI бўлими

қошида (А.Бенингсен раҳбар);

-Париж университетида;

-Париждаги сиёсий фанлар марказида Ўрта Осиё халқлари тарихи, Туркистон масалалари ўрганилади "ўртаосиёшунослар" тайёрланади.

ГЕРМАНИЯда

-"Остфоршунг" муассасалари;

-"Остоиропа" - Шарқий Европани ўрганиш бўйича Германия жамияти;

-Дюсельдорфдаги Шарқий Европани ўрганиш жамияти;

-"Бундесфрай"- "Озодлик иттифоқи";

-Туркистон Миллий Бирлик Комитети;

-Собиқ СССРни ўрганиш институти. Раҳбар - Боймирза Хаит;

-Осиё халқлари мусулмонларининг немис лигаси (Гамбург)да Туркистон тарихи, Ўрта Осиё масалалари ўрганилади.

ТУРКИЯда

-Туркистонликлар маданий ва ижтимоий ёрдамлашма жамияти. 1975 йилда Истанбулда тузилган;

-Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти 1954 йилда Аданада тузилган.

Қайд этилган илмий марказлар, ташкилот ва муассасаларда "ўртаосиёшунос" мутахассислар, Туркистон тарихи бўйича йирик тадқиқотчилар иш олиб борадилар. Ўрта Осиё халқлари ҳаёти ва ўтмиш ўрганилади.

Бундан ташқари Туркистон тарихи ислом оламида - Араб давлатлари, Осиё ва Шарқ мамлакатларида ҳам қизиқиш билан ўрганилади. Европа, АҚШ университетларидаги исломшунослик факультетларида, турли мамлакатлардаги ислом марказларида ҳам бу масалага қизиқиш кучаймоқда.

Оммавий ахборот воситалари ва нашрлар роли. Хорижий тарихшуносликда Туркистон миллий озодлиги учун кураш ва умуман Туркистондаги ҳаёт, совет ҳокимияти олиб борган сиёсат тарихи масалалари оммавий ахборот воситалари, вақт-ли ва даврий матбуот нашрларидаги маълумотлар ҳисобига бойиб борган, илмий изланишлар натижалари шу воситалар орқали жаҳон миқёсида оммалаштирилган. "Озодлик", "Озод Европа", "Би-би-си", "Америка овози" радиолари орқали инглиз, немис ва турк тилларида "Туркистон" мавзусидаги эшиттиришлар мунтазам бериб борилган.

Бу борада даврий, вақтли, илмий ва оммабоп нашрларнинг ҳам роли катта бўлди. Туркистон тарихи, унинг миллий озодлиги учун кураш масалалари Англияда[1], Францияда[2], АҚШда[3], Германияда[4], Туркияда[5] чоп этилган даврий нашрларда, матбуотда кенг ёритиб келинган ва ёритилмоқда.

Шунингдек, Туркистон миллий озодлиги учун кураш,

---

[1] Central Asian Review-London. -1958. vol. VI. 3; 1959. vol. VII. 2-3; -1961. vol. IX.3; -1964. vol. XII.1); -1965.vol. XIII.1,3; -1967. vol. XV.1); The Asiatik Reviev-London. - 1928. vol. XXIV. April ; Journal of the Royal Central Asian Society-London. -1931. vol.18(3); -1933. vol. XX-3; -192O. vol. VII. -1922. vol 9; -1923. vol. X1X. 4; -1958. vol. XLY.

[2] "Туркистон". Янги журнал. "Туркистон миллий қутқариш" нашри. Париж. - 1934-35; "L Afrigue et L Asie". Paris. -1957. Nu 39.

[3] "Problems of communism". - Washington; The American Historical Review. - Washington; "Slavic Review". -Washington.

[4] "Milli Turkistan" - Дюсселдорф. 194O йилдан чиқади; "Yach Turkestan "(Туркистонни миллий қутултириш учун кураш мажмуаси). -Берлин 1929-1939. М.Чўқай ўғли муҳаррир; "Turk eli". -Мюнхень. 1951-1953. (Туркистон Миллий озодлиги комитети нашри); "Dergi". (Совет Иттифокини ўрганиш институти). -Мюнхень.; Sowiet Studien". -Мюнхень.

[5] "Turkistan" - Истанбул. 1953. апрель-сентябрь; "Hur Turkestan" истиқлолчи газета. Истанбул. 1975-78; "Yangi Turkistan".1927-28-Истанбул. ("Туркистон миллий бирлиги" нашри).; Yeni Turk Gumhuriyatleri Tarihi Seroso. - Istanbul. 1992.

истиқлол масалалари халқаро анжуманларида ҳам бир неча бор кўтарилган. Бу анжуманларда 1990 йилга қадар Туркистон вакили сифатида мухожир ватандошлар - З.В.Тўғон, Б.Хаит, З.Бобокурбонлар иштирок этганлар. Масалан, 1968 йилда Покистонда Қуръони каримнинг 1400 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган халқаро анжуманда З.В.Тўғон, 1972 йилда Ливанда бўлиб ўтган дунё мусулмонлари анжуманида З.Бобокурбон ислом олами эътиборини Туркистон фожеалари, тақдири, истиқлоли учун кураш ғояларига жалб этганлар.

1990 йил Истанбулда «Туркистонликлар маданий ва ижтимоий ёрдамлашма жамияти» уюштирган Туркистон миллий курултойи бўлиб ўтган. Унда иштирок этган Ўзбекистон вакиллари - Шукрулло, Жамол Камол, Одил Ёқубов, Тоҳир Қаҳҳор каби ватандошларимиз илк бор хорижда ватанимизнинг ўтмиши, бугунги ва келажаги хусусида дунёнинг барча мамлакатларидан ташриф буюрган туркистонли муҳожирлар, чет эллик олимларининг фикр-мулоҳазалари, юртимиз истиқлоли орзусидаги қайғуришлари гувоҳи бўлдилар, катта таассуротлар билан қайтдилар.

1994 йилда Истанбулда ўтказилган "Умумтурк дунёси тарихи" мавзусидаги халқаро анжуманда эса Ўзбекистоннинг таниқли зиёлилари, тарихчи олимлари мустақил ватан вакиллари сифатида иштирок этдилар. Ушбу анжуманда ҳам Туркистон мустақиллиги учун кураш тарихига тўхталиб, уни ўрганиш учун доимий суръатда ишлаб турувчи халқаро илмий марказ тузиш таклифи илгари сурилди.

Хорижий тарихшуносликнинг илмий натижалари: ютуқлар, мунозарали, мавҳум ёки нотўғри талқин топган масалалар. Хорижий тарихшуносликда Туркистонда совет ҳокимиятига қарши мустақиллик учун кураш тарихини

ўрганишда қўлга киритилган илмий ютуқлар юқорида қайд этилганидек, энг аввало манбалардан фойдаланиш эркинлиги, мафкуравий таъзийқларсиз ва уларни холисона талқин эта олиш имкони билан белгиланган бўлиб, бу ҳол дастлабки тадқиқотлардаёқ воқеалар моҳиятини тўғри англаб етиш ва ҳаққоний баҳолашга имкон берди. Натижада, бу муаммо тарихшунослигида унинг шаклланиш жараёнгидаёқ холисона қарашлар илгари сурилиб, совет давлатида "босмачилик" сифатида қораланган воқеалар аслида миллий ҳаракат, озодлик учун олиб борилган халқ курашидир, деган хулоса билдирилди ва бу ўтган ярим асрдан ортиқ давр мобайнида турли тилларда ҳаққоний манбалар билан асосланиб, тарихий ҳақиқатни тиклаш йўлида хизмат қилиб келди. Хорижий тарихшуносликда ҳозирга қадар қуйидаги масалалар бўйича ҳаққоний маълумотлар берилиб, тўғри ёритилди:

- курашнинг сабаблари.
- унда кенг халқ оммаси иштироки.
- совет ҳокимиятига маҳаллий аҳолининг муносабати.
- совет давлатининг мустамлакачилик асоси ва фаолияти.
- миллий озодлик учун кураш кўлами, усуллари, қамрови.
- совет давлатининг ҳарбий сиёсатдаги шафқатсиз чоралари, сиёсий , иқтисодий тадбирлар, уларнинг натижалари.
- йирик қўрбошилар, уларнинг ҳаракат доираси, таъсир ҳудуди, хориждаги қурултойлар.
-совет армиясининг ҳарбий устунлиги, унга қарши кураш фронтида ягона бирлик, якдил ҳаракат масаласидаги муваффақиятсизликлар.

Мунозарали, мавҳум ёки турлича ёритилган масалалар

1. Курашнинг енгилиш сабаблари. Бу борада қуйидагича икки хил фикр илгари сурилади:

а) Қизил Армиянинг ҳарбий устунлиги

б) Совет ҳокимияти сиёсатида 1920 йилдан бошланган сиёсий ён босишлар (маҳаллий аҳолини идора, давлат қурилишига жалб этилиш), иқтисодий чоралар (камбағалларга ер, уруғ бериш, мусодарани тўхтатиш), дин масалосидаги вақтинчалик чекиниш (қози судларига, эски мактабга рухсат, вақф ерларига эгалик тикланиши), солиқ сиёсати, савдода ўзгаришларга олиб келган янги иқтисодий сиёсат (НЭП) қўллана бошлагач совет ҳокимиятига қарши кураш ҳам тугади.

Ҳар икки омилдан биринчиси курашни енгилишида ҳал қилувчи роль ўйнаганини алоҳида таъкидлаб, шуни қайд этиш лозимки, иккинчи омил, яъни совет ҳокимияти сиёсатидаги айрим ён босишлар аввало кураш кўлами кенгайиб кескинлашган шароитда, мажбуран, маҳаллий коммунистлар таъзийқи ва талаби билан илюжсиз вазиятда қўлланилган чора бўлган. Бу чоралардан кейин қалбида умид учқунлари пайдо бўлган, узоқ урушлардан безган, оч-яланғоч, хўжалиги вайрон аҳолининг маълум қисми куч тўплаш, мутлақо қирилиб кетишдан сақланиб қолиш мақсадида тинч ҳаётга қайтишган ва бу умумхалқ ҳаракатига айланган оммавий кураш шиддатини сусайтиришга туртки бўлган. Бироқ уни бостирилиши фақат ҳарбий куч билан ҳал бўлган. Бу борада яна бошқа омиллар - сиёсий, мафкуравий ишлар, қариндошларни гаровга олиш, 1924 йилдаги миллий давлат чегараланишни амалга ошириш натижасида ҳаракатга парокандалик киритиш ("бўлиб ташла!- ҳукмронлик қил!") каби чоралар ҳам катта роль ўйнаганки, бу ҳақдаги

маълумотлардан хорижий тадқиқотчилар бехабар эдилар.

2. Қўрбошилар, уларниг ўзаро алоқалари, шахси, сиёсий қарашлари. Хорижда асосан Туркистондан чиқиб кетган Шермуҳаммадбек ва унинг сафдошлари ҳақида муҳим маълумотлар бор ва шу асосда улар ҳақида тўғри қарашлар шаклланган, бироқ Мадаминбек, Эргаш қўрбошиларнинг бутун фаолияти яхши очиб берилмаган. Турк тарихшунослигида қўрбошилар "миллий қаҳрамонлар" даражасида улуғланса, инглиз-америка тарихшунослигида салбий хислатлар, ўзаро келишмовчиликлар, шахсий адоватларга алоҳида урғу берилиб, маълум даражада бўрттирилади ҳам.

3. Марказдан юборилган ваколатли ташкилотлар - Туркбюро, Турккомиссия фаолияти, уларнинг совет хокимиятига карши кучларни бостиришдаги роли. Бу ҳакда немис, турк тарихшунослигида тўғри қарашлар шаклланган, инглиз-америка тарихшунослигидаги айрим тадқиқотларда манбалар етишмовчилиги туфайли совет адабиётлар маълумотлари асосида Туркбюро, Турккомиссиянинг Туркистондаги фаолияти ижобий баҳоланади. Ваҳоланки, айнан шу ташкилотлар Туркистонни марказ измига солишдаги хизматлари беқиёс бўлиб, улар ўлкада олиб борилган мустамлакачилик сиёсатининг бевосита ижрочиси бўлганлар.

4. Курашнинг сўнгги босқичи. Бу ҳакда ҳам турлича қарашлар мавжуд. Айрим тадқиқотларида «1924 йилдан босмачилик-ҳақиқий қароқчилик, босқинчилик тусини олган ва бунга совет ҳокимияти олиб борган сиёсат туфайли халқ бу курашни қўлламай қўйгани, моддий, иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлгани" таъкидланади. Турк, немис тарихшунослигида эса курашнинг сўнгги босқичи ҳарбий, жисмоний имкониятлар

тугагунча давом этгани кўрсатилади.

5. Анвар пошшонинг шахси, фаолияти ва курашдаги роли.

Бу масалада ҳозирга қадар нафақат хорижий тарихшунослик, балки Ватан тарихшунослигида ҳам зиддиятли қарашлар мавжуд. Фикримизча бу ҳақда Анвар пошшо билан у Туркистонда бўлган даврда яқин мулоқотда бўлган З.В.Тўғоннинг хотиралари алоҳида эътиборга лойиқ манбадир. Анвар пошшога инглиз ёки немис жосуси, хомхаёл, тахтпараст, идеалист ҳаёлпараст, пантуркчи каби таърифу-тавсифлар, сиёсий айбловлар қўйилди. З.В.Тўғон эса Анвар пошшони Туркистон ҳаётидаги ролини, амалий фаолиятини аниқ маълумотлар мисолида кўрсатиб, уни Туркистон халқи озодлиги учун жон фидо қилган инсон сифатида баҳолайди. Унинг шахсий фазилатлари - имкониятларга, вазиятга қараб иш тута билмаслиги, ғоя-парастлиги Туркистондаги амалий фаолиятини пучга чиқара олмаслигини таъкидлайди.

6. Совет хокимиятига қарши кураш воқеаларининг ривожланиш босқичлари ёки даврлаштириш. Бу хусусда ҳам турлича қарашлар бор. Айрим тадқиқотларда кураш 1918-24-йиллар билан, бошқа тадқиқотларда, масалан, немис-турк тарихшунослигида 1917-1934-йиллар билан чегараланади. Кураш босқичларини аниқлаштиришда ҳам турлича ёндошилган - баъзи тадқиқотлар илк совет нашрларидаги даврлаштиришга асосланади, яъни совет ҳокимиятининг, қизил армиянинг тадбирлари, ҳарбий юришлари билан белгиланади, баъзи тадқиқотлардаги ўлкадаги кураш фронтидаги муҳим воқеалар асосида ёки йилма-йил босқичланади.

Юқорида қайд этилган тадқиқотлар таҳлилида Туркистон миллий озодлиги учун кураш воқеаларининг хорижий тарих-

шунослигида айрим мамлакатлардаги ўзига хос ва умумжаҳон миқёсидаги умумий хусусиятлар кўзга ташланади. Ҳар бир мамлакатдаги ўзига хос хусусиятлар сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- Германия ва Туркияда муаммо тарихшунослиги асосан туркистонли мухожирлар, туркий халқлар вакиллари томонидан ривожлантирилди (М.Чўқай, З.В.Тўғон, Б.Хаит, А.Р.Бойсун, А.Бодомчи, Ш.Яссавий).

- Туркия тарихшунослигида "Ҳур Туркистон учун!" ғояси устивор бўлиб, унинг амалга ошишига бўган ишонч ва даъватлар 1991 йилгача, яъни Ўрта Осиё давлатлари мустақиллиги қарор топгунга қадар сўнмай, кун тартибидан олинмай келди.

- Турк тарихшунослигида бевосита большевиклар томонидан ўйлаб топилган ва жаҳон тарихшунослигида кўчирма ибора сифатида, моҳиятга зид тарзда ишлатилиб келинган "босмачилик" иборасидан фойдаланишдан ор қилинди. Бу сўзни кўчирма шаклда бўлса-да, жаҳон тарихшунослигида ишлатилиш ҳолатини (гарчи кураш моҳияти тўғри баҳоланса-да) Туркистон халқлари, уларнинг ўтмиши учун ҳақорат, деб баҳоланди. Кураш сардорлари "қўрбошилар", кураш воқеалари эса "миллий қўзғалиш" деб таърифланди.

- Немис тарихшунослигида Туркистон ва унинг истиқлоли учун кураш тарихига эътибор Ўрта Осиё халқлари давлат мустақиллиги қарор топиб, ватанимизда ушбу муаммонинг холисона талқинига имконият туғилганидан кейин ҳам йўқолмади, аксинча, бу муаммога оид жаҳон тарихшунослигида ҳозирча энг йирик илмий тадқиқот бўлиб келаётган асар (Б.Хаит қаламига

мансуб) 1992 йил немис тилида чоп этилди[1] ва жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан катта эътибор билан кутиб олинди. Немис тарихшунослигида Туркистон ва унинг истиқлоли учун кураш масалаларига оид билимлар, тадқиқотлар натижаларини халқаро миқёсда оммалаштиришга жиддий эътибор берилди. Немис тилида яратилган энг йирик асарлар турк, инглиз тилларига таржима этилди, оммавий ахборот воситалари ҳам бу ҳақдаги маълумотлар, билимларни оммалаштириш, жаҳон жамоатчилиги, туркий халқлар дунёсига етказишда катта роль ўйнади. Бу борада "Озодлик" радиоси ва унда фаолият юргизиб келаётган Туркистон мухожирларининг хизмати катта бўлди.

- инглиз-америка ва француз тарихшунослигида Туркистон ва унинг истиқлоли учун кураш масалалари ҳақидаги билимлар, изланишларнинг ривожланишида туркистонли мухожирлар роли ва таъсири ҳал этувчи роль ўйнаб келди. Айни пайтда 50-йиллардан бошлаб "советшунослик", "ўртаосиёшунослик" марказлари ва уларнинг йирик мутахассисларининг ҳиссалари жуда катта бўлди. Бунда махсус фондлар (Дейл Карнеги, Рокфеллер фондлари), давлат таъминоти ва хомийлиги тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижаларини чоп этишга катта имкон ва ёрдам берди.

- инглиз-америка ва француз тадқиқотларида муаммо моҳиятини белгилашда якдил хулосалар билдириш билан бирга баъзи масалаларда турлича, баъзан шошилинч, юзаки, зиддиятли мулоҳазалар илгари сурилади, бу ҳол аввало манбалар, тегишли маълумотлар етишмовчилиги, чекланган тасаввурларга асосланиш, баъзи ҳолларда ғоявий оқимлар,

[1] Dr.Baymirza Hayit. «Basmatschi». National Kampf Turkestans in den jahren von 1917 bis 1934. - Koln. 1992.

қарашлар таъсири билан изоҳланади (Айниқса воқеаларни миллий, ирқий, низо, миллатлараро зиддият сифатида ёритишга уриниш ҳолларида бу яққол намоён бўлади).

- инглиз-америка, француз тарихшунослигида Туркистон воқеаларига нафақат илмий асосда, балки халқаро муносабатлар ва сиёсатда амалий аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган муҳим муаммо сифатида ёндошиш кузатилади. Бу ҳол айниқса икки тизим ўртасида "совуқ уруш" муносабатлари кескинлашган 50-йилларда ва Афғонистон воқеалари билан боғлиқ суръатда 70-80-йилларда яққол намоён бўлди. Бу даврда нафақат хорижий тарихшунослик, балки юқорида кўриб ўтилганидек, совет тарихшунослиги ҳам янги ва йирик тадқиқотлар билан бойиди. Бу даврда хорижий тарихшуносликда унинг асосий хулосалари кенгроқ асосланиб янада бойитилди, турли масалалар тафсилотлари аниқлаштирилди, совет тарихшунослигида эса воқеаларни сохталаштириш учун барча маҳорат ишга солинди ва бунда айнан хорижий тарихшуносликда қайд этилган масалаларга эътибор кучайтирилди, улардаги хулосаларни асоссизлигини "фош этишга" зўр берилди, натижада муаммо талқини гоявий кураш майдонига айланди. Қизиғи шундаки, ҳар икки тараф ҳам воқеалар талқинини тарихий тажриба сифатида ўз нуқтаи-назаридан талқин этишга уринди. Бироқ Афғонистондаги ҳозирги воқеалар ривожи бу ҳодиса миллий, диний, сиёсий, қабилавий зиддиятлар тусини олганини, Туркистон воқеаларидан фарқ қилишини намоён этмоқда, Афғонистон ички ишларига СССРнинг қўпол аралашуви совет давлатининг Туркистондаги зўравонлик сиёсатининг бир кўриниши, қайтарилиши эди, албатта. Бироқ Афғонистондаги воқеаларнинг ички ва кейинги ривожи ҳамда

ташқи омиллар таъсири, мақсад ва йўналишлари улар Туркистон воқеаларидан тубдан фарқ қилишини кўрсатади.

Хорижий тарихшуносликнинг умумий хусусиятлари илмий тадқиқотларда кураш сабаблари, моҳияти, иштирокчилари, ҳақида якдил хулосалар билдирилиши билан белгиланадики, бу ҳол юқорида қайд этилганидек, ҳақиқат барча тилларда ягона мезонда баҳоланишини кўрсатади. Хорижий тарихшуносликда нафақат илмий ютуқларда, балки камчиликларда ҳам умумийлик кузатилади. Бу камчиликлар аввало Туркистон воқеалари ривожида ўлкадаги ички вазият, маҳаллий миллий хусусият, ички омиллар таъсирини тўла тасаввур эта олмасликда намоён бўладики, бундай ҳол тегишли маълумотлар, манбалар етишмовчилиги, улардан бехабарлик билан изоҳланади. Манбалардан бехабарлик, улардан фойдаланишдаги чекланишларга барҳам бериш имкони туғилган ҳозирги мустақиллик, эркин фикр юритиш ва ижод қилиш шароитида хорижлик ва ватан тарихшунослиги мутахссислари бундай камчиликларни ҳамкорликда бартараф этишлари мумкин ва лозим.

Умуман, хорижий тарихшунослик ва ватан тарихшунослиги илмий натижалари ҳақида юқорида қайд этилган маълумотлардан маълум бўладики, хорижий тарихшуносликда эътиборга лойиқ фикр-мулоҳазалар, муҳим маълумотлар жуда кўп. Айни пайтда эндигина ривожланиб келаётган мустақиллик даври тарихшунослигида ҳам бу борада диққатга сазовор ютуқларга эришилди ва улар хорижий тадқиқотчилар учун ниҳоятда қизиқарлидир. Тарихий ҳақиқатни тиклаш эса барча имкониятлардан, манбалардан унумли фойдаланишни, хорижий ва ватан тарихшунослиги ютуқларини бирлаштиришни тақозо

этади. Бу эса ўз навбатида хориждаги ва ватанимиздаги мутахассислар ҳамкорлиги заруриятини илгари суради. Бундай ҳамкорлик тарихий ҳақиқатни нафақат ватан тарихшунослиги ва халқимиз хотирасида, балки жаҳон миқёсида тўла ҳамда холисона тиклаш имконини беради. Бир сўз билан айтганда жаҳон тарихшунослигининг муҳим мавзуларидан бирига айланган бу тарихий ҳодиса жаҳон тарихчиларининг ҳамкорликдаги талқинини кутмоқда.

IV - БОБ
МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА МУАММОНИ ЎРГАНИШДА КЕСКИН БУРИЛИШ

Собиқ мустабид давлат - совет ҳокимияти фожеали инқирозга юз тутиб, унинг мустамлакачилик исканжасида бўлган Ўрта Осиё республикалари давлат мустақиллигига эришгач, бу республикаларда, хусусан Ўзбекистонда тоталитар тузумга барҳам берилди, Мустақил республикамизнинг ҳукумати ва раҳбарияти томонидан изчил ва қатъийлик билан амалга оширила бошлаган демократик тараққиёт йўли ватанимизда мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ сўз, матбуот эркинлиги, ҳурфикрлик, ошкораликни қонуний асосда амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаб берди.

Иқтисод ва маънавиятнинг мафкуравий сиёсий таъзийқлардан халос этилиши, реал дунёқараш ва умуминсоний, умуммиллий қадриятларнинг қарор топа бошлаши республикамизда фожеали инқироз ёқасида турган маънавий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётни янгилаш, қайта тиклаш ва ривожлантириш учун йўл очди. Хусусан, маънавий соҳада ўзлигимизни, миллий анъаналар, қадриятлар, тил ва маданиятимизни, бой ўтмиш меросимиз, тарихимизни тиклаш сари йўл тутилди. Собиқ шўро даврида мафкуравий таъзийқ ва таъқиблар остида қораланиб, унут бўлаёзган бой ўтмишимиз, маънавий қадриятларимизни тиклаш борасида республика раҳбарияти шундай вазифаларни белгилади: "Мустақиллигимиздан олдин ҳамма нарса, шу жумладан, илм-фан, унинг ривожи, чегараси, миқёси, тармоқлари ҳам марказ қаричи билан ўлчанарди. Бошқача қилиб айтганда, ҳақиқатга ҳаммамизга маълум ҳукмрон мафкура кўзи қаралган ва баҳо

берилган... Бизларнинг эндиги вазифамиз - маънавий ҳаётимизни, илм-фанимиз фаолиятини, изланишларимизни мана шу эски мафкура қолипларидан халос этиш, керак бўлса, тафаккуримизни мутелик исканжасидан фориғ қилишимиз лозим. Олимларимиз ҳар қандай таъзийқдан озод бўлишлари керак".[1]

Республика жамоатчилиги олдига қўйилган бундай вазифалар реал ҳаёт ва ўтмишни холисона, ҳаққоний баҳолаш, уни коммунистик мафкура исканжаларидан халос қилиш, сохталикларни фош этишни тақозо этар эди. Тарихимизнинг ана шундай сохталаштирилган, ҳукмрон мафкуранинг таъзийқи остида сийқалаштирилиб, бузиб кўрсатилган саҳифаларидан бири - Туркистон истиқлюли учун кураш воқеалари бўлиб, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бу мавзу илмий жамоатчиликнинг диққат марказидаги муаммолардан бирига айланди. Тарихий воқеаларни аниқ манбалар асосида ҳаққоний ва холисона, мафкуравий таъзийқлардан халос тарзда талқин этиш, уларга нафақат умуммиллий умуминсоний манфаатлар, балки умумжаҳон тараққиёти ва тарихийлик нуқтаи назардан ёндошиш - мустақиллик даври тарихшунослигининг бош ва асосий тамойиллари бўлиб, биз тадқиқ этаётган муаммо ҳам айнан шу тамойиллар асосида тадқиқ этила бошланди. Масалага бундай ёндашув мустақиллик учун кураш воқеаларининг тадқиқида қандай илмий натижаларга олиб келганини ҳар икки муаммонинг талқини мисолида аниқлаштирамиз.

---

[1] Каримов И.А. Ватан фан равнақига хизмат қилсин. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 50-йиллиги муносабати билан сўзланган нутқ. 1993 й. 5 ноябрь // Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2 жилд - Т.: 1996. Б.79-80.

1-§. 1916 йил қўзғолони ҳақидаги янгича қарашлар

Туркистонда Россия империяси ҳукмронлигига қарши кураш воқеалари собиқ совет тарихшунослигида, яъни мустабид тузум ҳукмронлиги шароитида, мафкуравий таъзийқлар исканжасида қандай талқин этилгани юқорида батафсил кўрсатиб ўтилди. Тарихий ҳақиқат ва реал аҳволга зид бўлган расмий андозаларни яратиб, уларга мажбуран амал қилишни талаб қилган, таъминлаб турган коммунистик мафкуранинг барҳам топиши, унинг таъзийқларига чек қўйилиши, барча манбалардан беистисно ва холисона фойдаланиш, эркин фикрлаш имкони бу муаммони тарихийлик нуқтаи назаридан, ҳаққоний, илмий асосда ёритишга йўл очди. Бундай шароитда 1916 йил қўзғолони тарихини қайтадан кўриб чиқишга, унинг ҳаққоний, илмий асосланган талқинини яратишга киришган тадқиқотчилар қуйидаги йўналишларда иш бошладилар.

- Қўзғолоннинг илгари нотўғри талқин этилган, бузиб кўрсатилган масалаларини қайтадан кўриб чиқиш.

- 1916 йил воқеаларини Туркистоннинг ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига кирган уч вилояти - Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятлари доирасида ва бутун Туркистон миқёсида атрофлича ва чуқур ёритиш.

- 1916 йил қўзғолонининг асл моҳияти унинг Россия ҳукмронлигидан халос бўлиш мақсадини,миллий озодлик йўналишини аниқ фактлар мисолида ёритиб, асослаб бериш.

- Муаммонинг манбаларини чуқурроқ ўрганиб, илгари илмий истеъмолга киритилмаган янги маълумотлардан кенг фойдаланиш ва шу асосда тегишли хулосалар қилиш.

Биринчи йўналишдаги изланиш, яъни муаммонинг илгари

нотўғри ёритилган, бузиб кўрсатилган масалаларини қайта кўриб чиқиш энг аввало Жиззах қўзғолонининг ҳаққоний талқин этишга уринишларда яққол намоён бўлди.

Матбуот саҳифаларида ушбу мавзуда эълон қилинган *мақолаларда совет даврида* "реакцион чиқишлар" сифатида қоралаиган Жиззах воқеалари аслида миллий озодлик учун олиб борилган фидокорона курашларнинг бир кўриниши эканлиги алоҳида таъкидланди. Ушбу қўзғолон воқеаларининг *бошланиши* ва ривожланиб боришига доир янги, илгари эътиборсиз қолдирилган маълумотлар эълон қилинди, кураш тафсилотлари, унинг аянчли ва фожеали оқибати кўрсатиб ўтилди. Маълум бўлишича Жиззах қўзғолонини уюштиришга совет адабиётларида таъкидланганидек фақатгина дин пешволари бош бўлмаган. Хайитбой Хайдаровнинг аниқлаган маълумотларига кўра мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги подшо фармони эълон қилиниб, Жиззах уездидан 10.531 кишини фронт орти ишларига жўнатиш буюрилгач, уезд маркази - Жиззах шаҳрининг таниқли оқсоқоллари - Муҳаммадраҳим Абдураҳимов ва Зиёқори Абдуллаевлар Назирхўжа эшоннинг хонадонида тўпланиб, Боғдон, Зомин, Янгиқўрғон, Сангзор волостларида ҳукуматга қарши қўзғолон уюштиришга қарор қилганлар ва ўша тундаёқ *шаҳарнинг барча маҳаллаларига вакил юбориб,* ҳукуматга қарши қўзғалишга чақирганлар[1].

Совет адабиётларида эса юқорида қайд этилганидек, Жиззах воқеаларининг асл моҳияти - Россиядан ажралиб, мустақил бўлиш, миллий озодликка эришиш мақсади хаспўшланиб, "дин пешволарининг зўрлиги билан кофирларга (яъни русларга) қарши мусулмонлар (яъни маҳаллий аҳоли)

[1] Ҳайдаров Х. Жиззах вилояти тарихи. Т.: Меҳнат.-1996.Б.141-150

уюштирган ғазавот" сифатида қораланади, реакцион қўзғолон деб баҳоланади бироқ уни тасдиқловчи аниқ маълумотлар қайд этилмайди. Чунки тарихий ҳужжатлар, манбалар қўзғолоннинг асл моҳиятини очиб беришга, яъни унинг Россиядан ажралиш учун олиб борилган кураш эканлигини асослашга хизмат қилади. Ёзувчи Назир Сафаровнинг[1] Жиззах воқеалари ҳақидаги хотиралари, архив заҳираларидаги илмий истеъмолга киритилмай сарғайиб ётган ҳужжатлар шулар жумласидан бўлиб, улар ҳанузгача тўлиқ илмий истеъмолга киритилмаган.

Иккинчи йўналишда, яъни 1916 йил қўзғолонини алоҳида вилоятлар доирасида чуқур ва атрофлича ўрганиш орасида олиб борилаётган изланишлар ҳозирча Фарғона ва Сирдарё вилоятлари билан чекланган. Маълумки, совет адабиётларида Сирдарё вилоятидаги воқеалар талқинида Тошкентда 1916 йил 11 июлда бўлиб ўтган қўзғолон тафсилотларига кенг ўрин ажратилган ҳолда уездлардаги аҳвол юзаки ва умумий тарзда қисқача таърифланган, холос. Тадқиқотчи О.Суюнованинг шу вилоятдаги қўзғолонлар тарихига бағишланган рисоласида эса 1916 йил воқеалари илк бор атрофлича талқин этилиб, ёритиб берилди. Муаллиф совет даврида атайин эътиборсиз қолдирилган муҳим маълумотларни аниқлаш асосида бошқа вилоятлар каби, Сирдарё вилоятида ҳам 1916 йил қўзғолони ниҳоятда кенг, оммавий ва кескин тус олганини алоҳида уездлар мисолида кўрсатиб берди.[2]

Тадқиқотда айниқса Тошкент қўзғолонига доир янги маълумотлар *алоҳида эътиборга сазовордир. Маълумки, совет* адабиётларида бу воқеалар баёнида шаҳар элликбошилари

---

[1] Сафаров Н. Унутилмас кунлар. Тошкент-Баку. 1932.

[2] О.Суюнова. Туркистонда 1916 йилги миллий-озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида). Т.: 1997.

халойиқни ҳукумат фармонига бўйсундиришга уринганлари таъкидланади[1]. О.Суюнованинг аниқ ҳужжатлар асосида аниқлашича, Шайхонтоҳур, Себзор ва Кўкча даҳаларининг мингбошилари, қозилари ўз элликбошиларини маҳаллаларга жўнатиб, улар орқали халқни аёллар билан биргаликда фармон ижросига қаршилик кўрсатишга даъват этганлар, қўзғолон кўтарган халқни қўллаб қувватлаш учун хориждан ёрдам сўрашга уринганлар. Полиция бошқармасининг бошлиғи Н.Е.Колесников ҳам шаҳардаги нуфузли кишилар мардикорликка сафарбар этиш ҳақидаги фармон ижросига қарши чиққанларини таъкидлаган[2]. Бироқ совет адабиётларида бу маълумотлар илмий истеъмолга киритилмади, чунки улар қўзғолонни синфий кураш сифатида кўрсатишга халал берар, унинг умумхалқ характерини тасдиқлар эди.

Сирдарё вилоятининг Тошкент уездидаги қўзғолон тарихини ўрганиб, О.Суюнова Келесда 20 июль куни 50.000 кишилик, Ғишткўприкда 7-8 минг, Чинозда 6.000, Қибрайда 4-6 минг кишилик ғалаёнлар бўлиб ўтганини, Тошкент-Оренбург темир йўлларига ҳужум уюштиришга уриниш ҳоллари ҳам содир бўлганини аниқлади. Авлиё ота, Тошкент, Казаменск, Перовский уездлари, Амударё бўлимидаги қўзғолонлар, уларнинг шафқатсиз бостирилиб, қўзғолончиларнинг оғир жазоланиши, мардикорликка сафарбарликнинг амалга оширилиши, унинг оқибатлари ҳақида янги-янги маълумотларни аниқлаб илмий истеъмолга киритди, қўзғолон тарихини тиклашга муносиб ҳисса қўшди. Ўз изланишларининг якуний хулосалари сифатида О.Суюнова 1916 йил қўзғолони моҳияти ва йўналиши жиҳатидан

---

[1] Х.Турсунов. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Т.: 1962. Б.255-256.

[2] Суюнова О. Кўрсатилган асар. Б.11.

миллий озодлик учун кураш бўлганини, халқнинг сиёсий онги ва фаолиятини юксалтириб, мустабид рус ҳукуматининг ўлкадаги ҳукмронлиги ва мавқеини заифлаштирганини таъкидлайди. Маҳаллий миллатлар елкама-елка курашганини алоҳида қайд этиб, мағлубият сабабларини ҳарбий таъминот ёмонлиги, сиёсий раҳбар етишмаганлиги билан изоҳлайди.

1916 йил воқеаларини Фарғона вилояти доирасида ўрганиш борасида ҳам эътиборга лойиқ изланишлар олиб борилмоқда. 90-йиллар давомида матбуотда ушбу муаммони бутун вилоят ҳамда унинг айрим уездлари доирасида талқин этувчи илмий мақолалар эълон қилинди[1]. Бу мақолалар муаллифи Ж.Исмоилова қўзғолоннинг умумхалқ характерини, оммавийлиги, мақсад ва йўналишларини очиб беришга, аниқ мисолларда кўрсатишга уринади. Совет адабиётларида Фарғона вилоятидаги ғалаёнларнинг оммавий тус олганлиги умумий тарзда қайд этилсада, воқеалар талқинида уларни синфий кураш нуқтаи назардан баҳолаш мақсадида қўзғолон асосан ва аксарият ҳолларда маҳаллий маъмурият вакилларига қарши қаратилгани таъкидланади. Ж.Исмоилова эса архив манбаларидан топилган ҳужжатлар асосида маҳал-лий маъмурлар орасида халқни қўзғолонга даъват этган мулкдор-лар, маҳаллий маъмурлар кўпчиликни ташкил этганини аниқлаб, бундай даъволар (яъни Фарғона ғалаёнлари синфий кураш йўна-лишида содир бўлгани ҳақидаги даъволар) асоссиздир, қўзғолонда айрим тоифалар ёки синфлар манфаати эмас, умумхалқ, умум-миллий манфаатлар илгари сурилган, деган

[1] Исмоилова Ж. Наманганда 1916 йил халқ қўзғолони // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 1997. №5; Андижонда 1916 йил қўзғолони // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. - 1994. №4; Қонга беланган халқ ҳаракатлари // Шарқ юлдузи. -1998. №2.

хулосага келади.

Фарғона воқеаларини ҳар бир уезд доирасида чуқур ўрганиш муаллифга янги, илмий истеъмолга киритилмаган муҳим маълумотларни аниқлаш имконини беради.

Мустақиллик тарихшунослигида 1916 йил воқеаларининг янги очилган саҳифаларидан бири - бу қузголон бостирилгач, зўрлик билан мардикорликка сафарбар этиш жараёни ва бу қисматга дучор бўлган ватандошлар тақдири масаласидир. Бу мавзуга қўл урган тадқиқотчи З.Чориев[1] мақолаларида ушбу муаммо илгари илмий истеъмолга киритилмаган Украина архивлари хужжатлари асосида ёритилади.

1996 йилда республика илмий жамоатчилиги 1916 йил қўзғолонининг 80-йиллигини кенг нишонлади. Қўзғолоннинг юбилей санаси илк бор мустақиллик, ҳурфикрлик шароитида, мафкуравий таъзийқлар исканжасидан халос тарзда нишонланди. ЎзР ФА тарих институтида ўтказилган илмий анжуман ва давра суҳбатларида республиканинг таниқли олимлари (Х.Зиёев, Н.Абдураҳимова) ҳамда ёш тадқиқотчилар ушбу қўзғолон сабаблари, тарихи ва тарихшунослиги масалаларига батафсил тўхталиб, бу борадаги ўз фикр-мулоҳазалари ва қарашларини илк бор холисона, эркин баён этдилар. Давра суҳбати ва анжуман иштирокчилари 1916 йил қўзғолони миллий озодлик учун халқимиз олиб борган курашларнинг энг ёрқин намунаси эканлигини алоҳида таъкидлади-

[1] Чориев З. Мардикорлар. // Ёшлик. 1991. №5; Туркистон ўлкасида мардикорлар ҳаракати ва мардикорларнинг Россиядаги ҳаёти тарихини ўрганиш манбалари. // «Ўзбекистон халқлари тарихининг долзарб масала-лари». Маърузалар тўплами.Т.:Университет. 1995. Б.17-19; Из истории су-дебных процессов над участниками восстания 1916 года. // «Хозяйства и права» 1998. №1. Б.86-89; Новые источники по истории тыловых рабочих Туркестана. Общественные науки в Узбекистане. 1998. №2. Б.50-53 ва бошқалар.

лар. Совет тарихшунослигида бу муаммога коммунистик мафкура синфий кураш нуқтаи назаридан ёндашув ушбу тарихий ҳодисанинг асл моҳиятини хиралаштиргани, синфий кураш сифатида ёритилгани кўрсатиб ўтилди. Қўзғолон тарихини ҳар бир вилоят доирасида чуқур ва атрофлича ўрганиш, илмий истеъмолга киритилмаган юзлаб ҳужжатларни жалб этиш, уларни холисона таҳлил этиш зарурияти таъкдланди. Шунингдек, Жиззах воқеалари совет адабиётларида юқорида ўтказилган мафкуравий таъзийқ асосида ноҳақ қоралангани алоҳида таъкидланиб, унинг ҳаққоний тарихини холисона тиклаш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилди[1].

Республикамиз олимларининг матбуотдаги чиқишлари, давра суҳбатлари, илмий анжуман, мақолалар ва илк рисолалар нафақат илмий жамоатчиликда, балки кенг халқ оммаси, ёш авлод онгида бу тарихий ҳодиса ҳақида тўғри билимларнинг шаклланишига асос солди. Бироқ бу борада, яъни 1916 йил қўзғолонини чуқур, ҳаққоний тарихини батафсил, илмий асосда атрофлича ёритиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Муаммонинг хали қатор масалалари ўз ечимини кутмоқда. Бу масалалар қуйидагилардан иборат:

- 1916 йил қўзғолонининг Самарқанд ва Фарғона вилоятларидаги бўйича чуқур ва атрофлича таҳлили. Бу масалага доир архив ҳужжатлари хали тўлиқ илмий истеъмолга киритилмаган. Самарқанд вилоятидаги қўзғолон тарихини тиклашда айниқса Жиззах воқеалари алоҳида эътиборга моликдир. Жиззах шаҳрида бошланиб унинг атрофидаги волостларни қамраб олган ғалаёнларнинг барча тафсилотлари (темир йўл бекатларига ҳужум, темир йўл шохобчаларининг

[1] 16 йилнинг хур шамоли. // Ўзбекистон овози. 1996 йил 12 сентябрь.

ишдан чиқарилиб ўлка маркази - Тошкент билан алоқани узилиши, ҳарбий кучлар йўлининг тўсилиши, шаҳар ташқарисида маҳаллий аҳолининг тўпланиши, ҳукумат қўшинлари билан тўқнашувга тайёргарлик, тўқнашув ва унинг оқибатлари, қўзғолончиларнинг шафқатсиз жазоланиши, қўзғолоннинг умумхалқ характери), илгари сурилган мақсадлар (Россиядан ажралиш, мустақил хонлик ёки беклик тузиш) аниқ маълумотлар асосида ёритилиши лозим. Бунда энг аввало замондошлар хотираларига *алоҳида аҳамият берилиши, архив ҳужжатларига эса танқидий* ёндашиш лозимдир.

- 1916 йил қўзғолонининг умумхалқ характерини чуқурроқ очиб бериш. Архив манбаларида буни асослаб берувчи маълумотлар етарли, бироқ улар совет даврида атайин эътиборсиз қолдирилган ҳамда қўзғолонда асосан камбағаллар иштирок этгани таъкидланган. Масалага бундай ёндашув ушбу тарихий ҳодисанинг синфий талқини учун зарур бўлиб, ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатишга олиб келган. Тадқиқотлардан маълум бўлишича маҳаллий маъмурлар - мингбоши, элликбоши, қози, оқсоқоллар халқни ғалаёнга даъват этганлар, кўп ҳолларда ҳатто унга бевосита бошчилик ҳам қилганлар, бунинг учун мустабид ҳукумат уларни оғир жазолагани ҳақида архив ҳужжатлари ҳам далолат беради. Бундай маълумотлар ғалаёнларга маҳаллий маъмурларнинг бевосита алоқаси ва иштирокини, қўзғолоннинг умумхалқ характерини очиб беришга хизмат қилади.

- 1916 йил қўзғолонининг миллий озодлик йўналишини чуқур ва атрофлича ёритиб асослаш. Маълумки совет адабиётларида бу масала коммунистик мафкура манфаатлари нуқтаи назаридан ёритилиб, қўзғолон Россия империализмининг

мустамлака зулмига қаратилгани таъкидланган ва Россиянинг ўлкадаги 1917 йилдан кейинги ҳукмронлиги гўёки "адолатли социализм тузумида мустамлакачилик зулми йўқлиги" билан оқланган. Аслида эса Россия империясининг меросхўри бўлган, мустамлакачиликнинг барча асоратларини сақлаб қолган ва Ўрта Осиёда 1991 йилга қадар иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ҳукмронлигини ўтказиб келган, миллий давлатчиликка, тил ва маданият ривожига йўл бермаган совет давлати учун 1916 йил қўзғолонининг Россия ҳукмронлигига қарши қаратилганини эътироф этиш ўз оёғига болта уриш билан баробар эди. Шу туфайли қўзғолон гўёки фақат «рус империализми»га, унинг мустамлакачилигига қарши қаратилганлиги таъкидланди, Россия ҳукмронлигига қарши йўналиши яширилди, бу эса тарихий ҳақиқатнинг бузилиши, юзаки баҳоланишига олиб келди. Бу ҳақиқатни аниқ маълумотлар асосида тиклаб, асослаб бериш муҳим вазифалардан биридир.

- 1916 йил воқеалари талқинига ва умуман, ижодий изланишларга синфий қарашлар, коммунистик мафкура таъсиридан буткул тозаланиб халос бўлган ҳолда, умуммиллий, умумхалқ манфаатлари, оддий инсоний ҳуқуқлар нуқтаи назаридан ёндашмоқ лозим. Айрим тадқиқотчилар, ҳатто таниқли олимлар ҳам ўз онгида чуқур из қолдирган бу иллатлар таъсиридан, исканжасидан халос бўлолмай ҳаётга, ўтмишга шу нуқтаи-назардан ёндошмоқдалар. Юқорида қайд этилган К.Усенбаевнинг 1996 йилда Қирғизистонда қайта нашр этилган асари[1] бунинг яқол намунаси бўлиб мустақилликнинг 5 йиллигига келиб ҳам бу таниқли олимнинг қарашларида мустабид тузум мафку-

[1] Усенбаев К. 1916 год: героические и трагические страницы. Бишкек. 1997.

раси мустаҳкам ўрнашиб қолганини намоён этади. Муаллифнинг 1967 йилда нашр этилган китобининг тўғридан тўғри қайта нашри бўлган бу асар *1916 йил қўзғолони тарихини худди* аввалгиси каби коммунистик мафкура қолипида ёритган. Ҳеч бир мафкуравий таъзийқ бўлмаган холисона, эркин фикр юритиш имкони бўлган шароитда масалага бундай ёндашув олимнинг ўша мафкура кулига айлангани, янгича мушоҳада юритиш қобилиятига эга эмаслигини намоён этади. Асардаги бой тарихий фактлар ҳамда унда "реакцион" чиқишлар ҳақидаги расмий қарашлар асоссизлигини аниқ маълумотлар билан очиб берилгани муаллифнинг ютуғи бўлса, айрим якуний хулосалар, большевикча андоза асарнинг энг катта камчилигидир. Шу ўринда муаллифнинг қуйидаги хулосаларини қайд этиб ўиш лозим. "Бу ҳаракатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, қўзғолончилар подшонинг мустамлака зулмига қарши чиқиб, миллий мустақиллик учун курашдилар, бироқ улар Россиядан ажралиш мақсадини мутлақо кўзламадилар"[1].

Миллий мустақиллика эришиш учун энг аввало ўзга миллат ва мустабид давлат, яъни Россия ҳукмронлигига барҳам берилиши лозимлигини таниқли тарихчи олимнинг мустақилликнинг 6 йилида ҳам англаб ета олмагани, бу асар ҳозиргача ёш авлодга Қирғизистондаги 1916 йил воқеалари ҳақида сабоқ берувчи энг йирик, янги, ягона асар эканлиги ниҳоятда аяинарли ҳал, албатта.

- Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиёдаги 1916 йил қўзғолони тарихига доир *янги, ҳаққоний, илмий асосланган асар яратиш.* Бундай асар Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон

---

[1] Усенбаев К. 1916 год: героические и трагические страницы. Бишкек. 1997. С.184.

олимларининг ҳамкорлигида яратилиши лозим.

- Ўзбекистондаги 1916 йил қўзолони тарихига бағишланган манбалар тўпламини нашр этиш.

- 1916 йил қўзғолони ҳақидаги халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб нашр этиш.

- Жаҳон тарихшунослигида, хусусан турк, немис, инглиз, француз тилларида яратилган тадқиқотларда 1916 йил қўзғолони тарихи ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар билан яқиндан танишиб, уларни муносиб баҳолаш ҳамда ватан тарихшунослигидаги янги қарашлар ва илмий хулосаларни хорижий тадқиқотчиларга етказиш, улар билан фикр алмашиш, ҳамкорликда асарлар яратиш.

- 1916 йил қўзғолонидаги миллий зиёлилар, хусусан жадид тараққийпарвари ролини тўғри ва холисона ёритиб бериш.

- 1916 йил қўзғолонидаги аёллар ролини чуқур ва атрофлича кўрсатиб бериш. Ҳозирга қадар бу масалада асосан Сирдарё вилояти бўйича маълумотлар аниқланиб, эълон қилинган. Тадқиқотлардан маълум бўлишича Фарғонада ҳам аёллар халқ ғалаёнларида фаол иштирок этганлар.

Бу масалаларнинг ҳаққоний, аниқ тарихий фактларга асосланган холисона ва илмий талқини 1916 йил қўзғолони ҳақидаги тарихий ҳақиқатни тиклашга, муаммонинг мавҳум, мунозарали ёки илгари бузиб кўрсатилган масалаларини ойдинлаштиришга, бу муҳим тарихий ҳодисадан тегишли сабоқ чиқариб, мустақиллик учун курашда қон тўккан аждодлар хизматини муносиб баҳолашга имкон бериши шубҳасиз.

2-§. Истиқлолчилик ҳаракати: янгича талқин ва муаммолар

Мустақиллик учун кураш тарихини ўрганишга мустақиллик шароитидагина катта имкониятлар юзага келгани ўтган қисқа муддат 8 йил давомида чоп этилган ижтимоий-сиёсий, бадиий адабиётлар мисолида яққол намоён бўлмоқда. Йил сайин бойиб, кенгайиб, тобора чуқурлашиб бораётган изланишлар маҳсули бўлган мақолалар, илк рисолалар, илмий тадқиқотлар бу борада дастлабки ютуқлар бўлса-да, аниқ хулосалар қилиш учун етарлидир.

Ушбу муаммо хусусида ҳақиқат садолари мустабид тузум инқирози арафасида илк бор янграб улгургани ҳақида юқорида қайд этилди. Айнан мустақиллик арафасида, яъни 1991 йилда маҳаллий матбуотда, аниқроғи Ўзбекистонда бу хусусда ҳақиқатни ошкор этишга жазм этган илк мақолалар пайдо бўлди. 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон ССР Олий Сессиясида Ўзбекистон ССРнинг мустақиллиги ҳақидаги Декларациянинг қабул қилиниши ва умуман, республикада юзага келган муҳит ошкоралик, марказ ғоявий таъзийқларининг чекланиши ижод аҳлининг эркин фикр билдиришига маълум даражада имкон яратди. Илмий жамоатчиликнинг илғор вакиллари юртимиз тарихини ўрганиш, ўтмишга ҳаққоний муносабатда бўлиш тарихий ҳақиқатни тиклашга даъват эта бошладилар. Айнан шу даврда чоп этилган мақолаларда илк бор маҳаллий миллат вакиллари, яъни юртдошларимиз ватанимиз тарихи ҳақидаги ҳаққоний фикр- мулоҳазаларни илгари сура бошладилар.

А.Акромовнинг[1] "Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти",

---

[1] Акромов А. "Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти" //Ҳаёт ва иқтисод. 1991. №7

Ш.Дониёровнинг[1] "Мадаминбек ким эди?" номли мақолалари *шулар жумласидандир. "Босмачилик ҳаракати" деган сўзнинг* "нотўғри қўлланиб келгани, бу сўз мазкур ҳаракатда қатнашган ижтимоий кучларнинг синфий моҳиятини бузиши, умуминсоний қадриятларни инкор этиши"ни таъкидлаган А.Акрамов ушбу ҳаркат сабабларини "совет Туркистони раҳбарияти йўл қўйган қўпол иқтисодий, сиёсий хатолар" билан изоҳлайди. Шовинизм мафкураси билан суғорилган партия ва совет ходимларининг овруполиклардан иборат катта гуруҳи ерли халқлар вакилларининг ўлкани бошқаришига қарши тургани, руслардаги миллий устунлик туйғуси, Қизил Армияга маҳаллий вакилларни киритмаслик, кейинчалик, яъни 1920 йилдан миллий қисмлар тузилгач эса, уларга салбий муносабатда бўлиш, ишончсизлик билдириш - буларнинг бари маҳаллий аҳолининг ҳақли равишдаги норозилигига сабаб бўлган омиллар сифатида қайд этилади.[2]

А.Акрамов 20-йиллар матбуот адабиётларида қайд этилган фикр-мулоҳазалар, давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлардан келтирилган айрим намуналар асосида ўлкада юзага келган аҳвол ҳақида холисона фикр юритишга уринади ва *айтиш лозимки, совет тарихшунослигидаги "фуқаролар уруши"* тарихи концепциясига мутлақо зид бўлган қуйидаги мулоҳазаларни илгари суради:

1. "Босмачилик" ҳаракати талончилик ҳаракати эмас, балки сиёсий ҳаракат бўлиб, унинг асосий мақсади ерли халқларнинг ҳокимиятдаги ўз ўрнини эгаллашга эришиш, Туркистонни Россиядан ажратиб, унинг мустақиллигини таъминлаш эди.

---

[1] Дониёров Ш. *Мухторият қисмати //Шарқ юлдузи.*1991. №2.
[2] Акрамов А. Кўрсатилган мақола. Б.58-59.

2. Қўрбошилардан Оллоёр, Мадаминбеклар ижтимоий адолат ва озодлик учун, Шермуҳаммадбек, Иброҳимбеклар диний ҳуқуқлар, ислом ҳимояси ва мустақиллик учун курашдилар.

3. Маҳаллий аҳоли хорижий давлатларнинг, чунончи Англиянинг Туркистондаги таъсирига ҳеч қачон хайриҳоҳлик билдирмадилар, уларнинг мустамлакачилик ниятини тўғри англаб етдилар. Мустамлакачи давлат(яъни Россия) мустамлакачилик сиёсатини ўз халқининг қўли билан амалга оширди.

4. Ўрта Осиё жумҳуриятлари компартиялари Марказий Қўмитаси, ҳукуматлари аъзолари ўз жумҳуриятларининг мустақиллиги оёқ ости қилинаётганлигига очиқдан-очиқ қарши чиқдилар, мустақилликни тўла таъминлаш талабини ўртага ташладилар. Бундай талаблар қабул қилинмади, натижада улар юксак лавозимларидан истеъфо бердилар, "босмачилар" томонга ўтиб кетдилар[1].

Ана шундай мутлақо янги қарашларни илгари сурган А.Акромов мақоласида баъзи масалаларда синфий дунёқараш ва сохта тарих тасаввурлари маълум даражада акс этган бўлишига қарамай, унинг юқорида қайд этилган мулоҳазалари ўша даврда, яъни 90-йиллар бошида қарийб 70 йил давомида туҳмат ботқоғига ботириб келинган ҳақиқатни ошкор этиш йўлидаги муваффақиятли ва дадил қадам бўлди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигининг эълон қилиниши билан қарор топган том маънодаги мустақиллик шароитида амалга оша бошлаган оламшумул, тарихий ўзгаришлар, ҳурфикрлик, ғоявий, сиёсий таъзийқларнинг барҳам топиши юртимиз тарихини ўрганиш, уни

[1] Акрамов А. Кўрсатилган мақола. Б. 58-59.

холисона ёритиш учун катта имкониятлар яратди. Миллий, умуминсоний қадриятлар, ўзлигимиз, урф-одатлар, маънавий меросимизни тиклаш сари йўл тутилди, эркин фикр юритиш ва ижод қилиш, ҳақиқатни у қанчалар аччиқ бўлмасин холисона ошкор этиб тегишли хулосалар чиқариш, мустақиллик учун кураш тарихи, истиқлолимиз илдизларини очиб бериш, аждодлар хотирасини тиклаш давр талаби, давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ижод аҳлига кенг имкониятлар яратибгина қолмай, илмий жамоатчилик олдига катта масъулиятли вазифалар қўйди. Хусусан, тарих фани олдида илмий ҳаққонийлик, холислик, чуқур ва атрофлича мулоҳаза юритиш асосида умуминсоний ва миллий қадриятлар, манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, барча турдаги манбалардан тўғри фойдаланиб, юртимиз тарихини, халқимиз босиб ўтган йўлни таҳлил этиш, ўрганиш ва ёритиб бериш, кенг халқ оммасига етказиш вазифалари қўйилди.

Ушбу вазифа ижроси катта ташкилий ишлар ва чуқур изланишларни тақозо этар, 70 йил давомида синфий, партиявий қарашлар, марксча-ленинча таълимот таъсири остида шаклланиб, ижод қилиб келган илм аҳли онгида туб ўзгаришлар лозим эди. Илмий тадқиқотларда ўзини оқламаган, чекланган, бир ёқлама, услубиятдан воз кечиб, унинг ўрнига масалага юқорида қайд этилган нуқтаи-назардан ёндошиш тажрибасини эгаллаб борган илмий жамоатчилик айни пайтда ўз фаолияти, изланишлари натижаларидан кенг китобхонлар, халқ оммасини ҳам баҳраманд қилиб боришлари, айниқса энди камол топаётган ёш авлодни ҳаққоний тарих саҳифалари билан таништириб, уларга ўтмиш ҳақида тўғри тасаввурлар сингдириб боришга ҳам масъул эдилар. Олий ва ўрта таълим мактабларида тарих фанини тўғри ва холисона ўрганишни йўлга қўйиш, ёшлар-

да ватанпарварлик, миллатпарварлик хислатларини уйғотиш, умуминсоний қадриятларни сингдириш, юртимиз ўтмиши ҳақида тўғри билимларни шакллантириш учун янги дарсликлар яратиш зарурияти кечиктириб бўлмайдиган вазифа эди.

Совет даврида шакллантирилган сохта тасаввурлар барча соҳада - кино, театр, илмий ва бадиий адабиётда, дарсликларда чуқур ўрнашиб, халқ онгини заҳарлаб улгурганди. "Босмачи" - халқ тасаввурида қонхўр талончи, шафқатсиз, ашаддий қароқчи, ваҳший жиноятчи, меҳнаткашлар ва совет ҳокимияти душмани сифатида гавдаланувчи тимсолга айланган бўлиб, бу сохта тасаввурни тугатиш, ҳақиқатни ошкор этиш учун кенг тушунтириш ишлари, асосли далилларга асосланган хулосалар, илмий-оммабоп асарлар яратилиши лозим эди. Бу вазифалар ижроси учун давлат томонидан катта имкониятлар берилди - ҳужжатасровлар, кутубхоналардаги илгари махфий тутилган ҳужжатлар, нашрлардан фойдаланишга кенг йўл очиб берилди, Республика оммавий ахборот воситалари - радио, телевидение, матбуот эркин фикр билдириш, тарихий ҳақиқатни ошкор этиш минбарига айланди. Бу ишга нафақат тарихчи олимлар, педагоглар, балки адабиёт аҳли, ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, умуман, ватанпарварлик хислари жунбушга келиб, ҳақиқатни тиклашга отланган илғор фикрли жамоатчилик вакиллари фаол киришдилар.

1991 йилда "Шарқ Юлдузи" журналида Туркистон (Қўқон) мухторияти қисматига бағишланган илк ҳаққоний мақолалардан бири эълон қилинди. Ушбу масала хусусида тегишли ҳужжатлар ва манбалар асосида маълумот берган Ш.Дониёров "Туркистон тарихидаги энг қонли ва фожеали давр ҳисобланган "босмачилик" даври ва ҳаракати қонга ботирилган Қўқон

мухториятининг аччиқ меваси экан"[1] деган хулосага келди. Қўқон мухторияининг зўравонлик билан конга ботирилиши тафсилотларини баён этиб, муаллиф қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: "Қисқа вақтда рўй берган вайронагарчилик, талон-тарож ва ваҳшийликлар бутун Туркистонга ёйилди. Инсоний ҳуқуқи, эътиқоди, орияти топталган халқ қўзғалди, Ва бу ҳолат халқ ҳаракатига ва қўзғолонга айланиб кетди. Биз эса бу миллий озодлик ва қаршилик ҳаракатини босмчилик ҳаракати, даврни эса босмачилик даври деб атаб келдик".[2] Бу маълумотлар ва хулосалар жаҳон илмий жамоатчилиги учун янгилик бўлмаса-да, сохта тасаввурлар сингдирилган, совет тарихшунослигидаги салбий уйдирмалар таъсирида тарбияланган халқимиз учун катта янгилик эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига эришилгач, амалга оширилган янгиликлардан яна бири хорижий давлатларда муҳожирликда юрган ватандошларга она юрт тупроғига келишга имкон бериш ҳақидаги қарор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил 2 июль) Президент И.Каримов ўз нутқида "XX аср алғов-далғовларидан, қатағонлардан озор чекиб, чет мамлакатларга мажбуран кетиб қолган биродарларимизга Ўзбекистон дарвозалари катта очиқ" эканлигини алоҳида таъкидлади. Бундай имконият туғилиши билан хорижда неча ўн йиллардан бери ватангадо бўлиб юрган, Туркистонни таъзийқлардан қочиб тарк этган, Америка, Туркия, Афғонистон, Европа давлатларида истиқомат қилаётган ватандошлар, турли соҳа вакиллари, жумладан илм аҳли ҳам она Ватан зиёратига шошилдилар. Бу бахтга мушарраф бўлолмай,

---

[1] Дониёров Ш. Мухторият қисмати // Шарқ юлдузи. - 1991. №12. Б.173.
[2] Ўша ерда. Б.168.

ҳаётдан кўз юмган, бир умр Туркистон истиқлолини орзу қилиб ўтган, унинг озодлиги учун қонли кураш тарихига, жафоли ва буюк ўтмишига бағишланган қатор илмий асарлар яратиб, *жаҳон жамоатчилигига тақдим* этган олимларнинг асарлари, озодлик кураши сардорларининг хотиралари, чет элларда нашр этилган, бироқ собиқ СССРга яқинлаштирилмаган мақолалари етиб келди, ўзбек тилига таржима қилиниб, қайта нашр этила бошланди. З.Валидий Тўғон,[1] М.Чўқаев[2] хотиралари шулар жумласидан бўлиб, ўзбек китобхонлари томонидан катта қувонч, ҳайрат, армон ва ҳурмат, чексиз миннатдорчилик билан кутиб олинди. Бу асарларнинг таржималари тезда қўлма-қўл бўлиб, китоб дўконларида қисқа муддатда тугаб, тарқалиб кетиши халқнинг ҳақиқатга чанқоқлиги, уни билишга эҳтиёжи қанчалар кучли эканлигидан далолат берарди.

Б.Ҳайит асарлари ҳам шундай эътибор билан кутиб олинди. *1992 йилда "Звезда Востока" журналида Боймирза Хайитнинг* "Туркистон XX асрда" номли асаридан олинган, рус тилида чоп этилган мақола "босмачилик ҳаракати" моҳияти, сабаблари, ривожланиш босқичлари масалаларига бағишланган бўлиб, унда таъкидланишича "босмачилик ҳаракати Россияга қарши миллий озодлик ҳаракати анъаналарининг давоми бўлиб, у пролетариат диктатурасига қарши қаратилган эди, чунки совет диктатураси Россия мақсадларининг бошқа шаклдаги инъикоси эди, холос. Босмачиларнинг большевиклар билан тўқнашувлардаги асосий талаблари миллий давлат тузиш эди".[3]

Б.Хайит совет ҳокимиятига қарши Туркистон истиқлоли учун

---

[1] Заки Валидий Тўғон. Хотиралар // Шарқ Юлдузи. 1993. № 9.
[2] Чўқаев М. Истиқлол жаллодлари. Т.: 1990.
[3] Боймирза Хаит. Басмаческое движение // Звезда Востока.1992. №1. Б.98-99.

кураш фронти ҳақидаги ўзбек китобхонларига илгари маълум бўлмаган, турли манбалардан олинган маълумотлар асосида фикр юритиб, бу ҳаракатни олти босқичда таърифлайди. Қайд этилган маълумотлар муаммо тарихини тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу ҳаракат нақадар кенг кўламда, мураккаб ва кескин, зиддиятли вазиятларда кечганидан далолат беради. Айни пайтда кураш фронтидаги айрим келишмовчиликлар, уларнинг сабаб ва оқибатларидан огоҳ этади.

Б.Хаитнинг 1956 йилда Германияда чоп этилган асарида келтирилган бу муҳим маълумотлар замондошларимизга орадан 40 йил ўтгач, мустақиллик шарофати туфайли етиб келди. Ваҳоланки, хорижий давлатлардаги илмий жамоатчилик бу ҳақда *бундан деярли ярим аср илгари воқиф бўлган эди.*

Совет давлатида 20-йиллар воқеаларига доир ҳужжатларнинг ўта маҳфий сақланиб сир тутилиши, атайин илмий истеъмолга киритилмагани, тадқиқотчиларга фойдаланиш ман этилгани, цензура, ғоявий таъзийқ, сиёсий таъқиқлар туфайли юзага келган бундай аҳвол мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ барҳам топа бошлади. Тадқиқотчиларга архив ва кутубхона заҳираларидан кенг фойдаланиш имкони яратилиши билан матбуотда Туркистон мустақиллиги учун кураш ҳамда бошқа қатор масалаларга доир ҳужжатлар, манбалар эълон қилина бошланди[1], улар асосида дастлабки илмий, шахсий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Қ.Ражабов томонидан ўзбек тилига таржима этилиб, "Саодат" журнали саҳифасида эълон қилинган ҳужжатлар эрк учун курашчилар сардори Муҳаммад Аминбек - Мадаминбек

---

[1] Мадаминбекнинг Сафоновга мактуби. // Саодат.1993. №4-5. Исоқов И. Қирғинни ким қилган-у, жадига қолган ким эди? // Шарқ Юлдузи. 1992. №5

қаламига мансуб мактублар бўлиб, унинг асл қиёфаси, орзу-истаклари ҳамда дунёқарашини баҳолашда катта аҳамиятга эга. Совет ҳокимияти вакиллари ҳамда Фарғона фронти қўшинлари қўмондонига йўлланган, Совет Армияси Марказий Давлат Архивида сақланиб қолган, совет тарихшунослигида атайин илмий истеъмолга киритилмаган мактублар нусхалари илгари қароқчи, босқинчи сифатида қораланиб келган бу шахсни халқпарвар, мард, ўз замонасининг зийрак вакили, халқнинг иймонли, фидойи ўғлони эканлигини яққол намоён этади.

И.Исоқов мақоласида совет ҳокимиятининг мустамлакачилик сиёсати ва жиноий фаолиятини, "босмачилар" сифатида қораланган ҳаракат сардорларининг инсоний қиёфаси, халқпарварлигини намоён этувчи муҳим тарихий ҳужжатлар илк бор эълон қилиниб, совет тарихшунослигининг сохталиги яна бир бор фош бўлди.

Эркин фикр билдириш ва ижод қилиш, турли манбалардан, айниқса, илгари ман этилганларидан фойдаланиш имкони яратилгани туфайли сохта тарих йил сайин, ой сайин, кун сайин фош бўлиб, тарихий ҳақиқат тиклана 1993 йилда қўрбоши Мадаминбек ҳақида чоп этилган ҳужжтли қисса[1] ва ижтимоий-фалсафий очерк[2] бу ватанпарвар инсон ҳақидаги дастлабки ҳаққоний тадқиқотлар бўлди. Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бу икки рисола бир-бирини тўлдириб, тасдиқлаб ва исботлаб, Туркистоннинг адолатпарвар, зийрак ва фидойи вакили Мадаминбек (Муҳаммад Аминбек) ҳақида, унинг олий мақсадлари, эзгу истаклари, шонли кураш фаолияти ҳамда фожеали қисмати ҳақидаги ҳаққоний маълумотларни илк бор

---

[1] Ибодинов А. Қўрбоши Мадаминбек (ҳужжатли қисса). Т.: 1993.
[2] Карим И. Мадаминбек (ижтимоий-сиёсий очерк). Т.: 1993.

эълон қилдилар. Бу тадқиқотлар нафақат Мадаминбек ҳаёти ва қисмати тўғрисида, балки у каби юзлаб, минглаб ватанпарвар тақдирини ҳал этган шафқатсиз, зиддиятли ва мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида, мустабид тузумнинг зўрлик билан қарор топтириш жараёни, унга қарши кураш фронтидаги ички аҳвол, зиддиятларнинг сабаб-оқибатлари ҳақида воқиф этиб, сабоқ чиқаришга ундайди.

И.Карим томонидан юксак бадиий маҳорат билан, аниқ ҳужжат ва маълумотлар асосида яратилган ижтимоий фалсафий очеркда Мадаминбекнинг шахси ва фаолияти, ўша давр воқеаларининг ривожи, сабаб ва оқибатлари ҳақида илгари сурилган асосли фикр-мулоҳазалар, хулосалар китобхонни бефарқ қолдирмайди, унинг қалбида асар қаҳрамони-истиқлолчилар сардорига катта ҳурмат ва миннатдорчилик туйғуларини уйғотиб, унинг мисолида ватанпарварликка ундайди, муаммонинг хали очилмаган қирралари, жумбоқлари кўплигидан далолат беради, ўтмишдан сабоқ чиқаришга имкон беради.

Нафақат тегишли ҳужжатлар, балки замондошлар, хусусан Мадаминбекнинг яқинлари, сафдошлари, уни яхши билганлар хотираларидан кенг фойдаланган А.Ибодинов рисоласи ҳам Мадаминбекнинг ҳаёти, фаолияти ҳамда ўша даврдаги воқеалар ривожининг тафсилотларини маълум даражада аниқлаштириш имконини беради. Хусусан, Мадаминбек билан совет давлати орасидаги сулҳ тузиш тафсилотлари алоҳида эътиборга молик бўлиб, совет тарихшунослигида бу масала бир тарафлама ғолиб томон манфаатлари нуқтаи-назаридан нотўғри асосда талқин этиб келинган эди. Бу ҳақда А.Ибодинов, И.Карим асарида келтирилган далил ва маълумотлар воқеалар ривожини - ҳақиқатни тиклабгина қолмай, муаллифларни бу сулҳ жараёни

ва Мадаминбекнинг тақдирини ҳал бўлиши Туркистондаги ўша кезлардаги сиёсий вазият билан алоқадорликда марказ ва большевикларнинг таъсирида кечган деган мазмундаги мулоҳазага олиб келади. Мадаминбек Туркистон тақдирида бурилиш содир бўлиши мумкин бўлган вазиятда большевиклар томонидан вазият қурбонига маҳкум этилган, деган хулосага ундовчи бу мулоҳазаларга ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазият, давлат арбоблари-маҳаллий коммунистлар ва рус большевикларининг интилишлари, саъйи ҳаракатлари, ҳокимият учун кураш жараёни таҳлили асос бўлган.

Бу фикр-мулоҳазаларни исботлаш учун ҳали қўшимча изланишлар зарурлиги шубҳасиз, бироқ энг асосийси бу изланишларга туртки берилганлигидадир. Мустақиллик даври тарихшунослигининг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида таъкидланишига лойиқ бу ҳол, яъни тарихий ўтмишни тарихчилар, қадимшунос археологлар томонидангина эмас, балки адабиёт аҳли, хусусан ёзувчилар, журналистлар ҳам катта қизиқиш билан тадқиқ этишга катта ташаббус билан киришганлари ижобий аҳамиятга эгалиги шубҳасиз. Зеро кенг китобхонлар оммаси тарихий воқеалар ҳақидаги маълумотларни бадиий, оммабоп усулда тез ва осон қабул қилиши бугунги кунда яхши маълум.

И.Карим рисоласига тўхталиб, яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, унда Мадаминбекнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда фожеали қисмати билан боғлиқ суръатда ўша давр ижтимоий-сиёсий ҳодисалари хусусида юритилган мушоҳада асосида қилинган хулосалар ўтмишдан сабоқ сифатида китобхонларинг ижтимоий-сиёсий онгини ўстиришга хизмат қилади. Чунончи, муаллиф ўтмиш сабоқлари мисолида ўз замондошларини келажакда, ҳозирги кунда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар ва

уларнинг оқибатларидан огоҳ бўлишга ундайди, бу ҳақдаги мулоҳазаларини баён этади. Бу ҳол адабиёт вакиллари ўз зиммаларига совет даврида юклатилган ғайри ихтиёрий мажбурият-юқоридан берилган буюртма ва қолиплар мезонида халқ онгини, тасаввурини маълум ғоялар йўналишида шакллантириш вазифасидан халос бўлиб, мутлақо ихтиёрий равишда ўз ташаббуслари билан ижтимоий сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишга киришганларидан далолат беради.

Туркистон халқларининг мустабид совет ҳокимиятига қарши курашлари таҳлилига мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ киришган тарихчилар ўз изланишларининг натижаларини муҳокама этиш мақсадида 1994 йилда давра суҳбатига йиғилдилар. Бунга қадар турли манбаларни маълум даражада ўрганиб, муаммонинг турли масалалари, жиҳатларини аниқлаб, тегишли хулосалар қилишга улгурган республика тарихчи олимларнинг бир гуруҳи - академиклар А.Аскаров, Э.Юсупов, профессорлар Х.З.Зияев, Р.Е.Ражапова, Р.Т.Шамсутдинов, Р.А.Нуруллин, И.А.Алимов, А.С.Содиқов, К.А.Оқилов, Р.Х.Ҳакимов, тарих фанлари номзодлари Р.М.Абдуллаев, С.Холбоев, Х.С.Содиқов, С.С.Аъзамходжаев, Қ.Ражабовлар билан "Шарқ Юлдузи" журнали таҳририяти ва ЎзР ФА тарих институти ҳамкорликда ўтказган "Ўрта Осиёдаги истиқлолчилик ҳаракати" мавзусидаги бу давра суҳбатида[1] ўз изланишларининг дастлабки натижалари билан таништириб, келажак тадқиқот йўналишлари ҳамда айрим мунозарали масалалар хусусида фикр алмашдилар.

ЎзР ФА Тарих институтида ушбу муаммо устида бир неча

---

[1] Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари. Давра суҳбати // Шарқ Юлдузи. 1995. №11-12. Б.3-29.

йиллар давомида изланишлар олиб борган махсус илмий жамоа раҳбари, тарих фанлари доктори Р.Ё.Ражапова бу борадаги тадқиқотларнинг дастлабки натижалари асосида қилинган илмий хулосалар билан таништирди. Р.Ё.Ражапованинг қайд этишича, ушбу муаммога тааллуқли ҳужжатлар, варақалар, баёнотлар, ҳаракат раҳбарларининг мурожаатномалари, кураш иштирокчилари, уларнинг қариндошларининг хотиралари, миллий матбуот маълумотлари, мухожирларнинг кўрсатмалари, хорижий адабиётлар билан танишиб, уларни таҳлил этиш натижасида тадқиқотчилар "босмачилик ҳаракати халққа қарши, босқинчилик ҳаракати эмас, балки миллий олзодлик ҳаракатидир" деган хулосага келганлар. Р.Ё.Ражапова Туркистонда "миллий озодлик ҳаракати бўлмаган, чунки унинг мафкураси яратилмаган эди", деган мазмундаги асоссиз қарашларни инкор этиб, "ўлкада 1917 йил февралидан 1917 йил октябригача бўлган даврдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлили, бу даврда содир бўлган муҳим сиёсий воқеалар, ижтимоий-сиёсий кучлар фаолияти, уларнинг мақсадлари (жадидлар фаолияти, сиёсий партиялар, уларнинг дастур ва низомларининг мазмуни, мусулмонларнинг Бутун Туркистон қурултойи ва уларда қўйилган масалалар) миллий озодлик ҳаракати мафкураси ишлаб чиқилган, деган хулосага асос бўлиши"ни таъкидлайди. Илмий жамоа томонидан олиб борилган тадқиқотлар "босмачилик" аслида миллий озодлик ҳаракати, оммавий халқ ҳаракати бўлганини тасдиқлаган. Айни пайтда унинг даврлари қуйидагича аниқлаштирилган:

I - давр - 1918-1924-йиллар

II - давр - 1925-1935-йиллар

Тадқиқотчиларнинг 1918-1924-йиллардаги I-давр юзасидан

олиб борган изланишлари бу даврнинг ривожланишида қуйидаги III босқични мавжудлигини кўрсатган:

1 - босқич - 1918 йил февралидан 1920 йил мартигача. Бу даврда куролли кураш бошланиб оммавий халқ ҳаракатига айланган. Воқеалар ривожи, курашнинг ташкил этишда Катта Эргаш, Кичик Эргаш ва айниқса Мадаминбек катта роль ўйнаганлар.

II - босқич. 1920 йил мартдан 1922 йил охиригача. Бу даврда кураш қўрбоши Шермуҳаммадек раҳбарлигида энг кескин тус олган.

III - боскич - 1923-1924-йиллар. Бу йилларда ҳаракат вақтинчалик сусайиб борган. 1918-24-йиллар мобайнида кураш уюшган, ташкилий тус олиб, йирик қўрбошилар томонидан бошқарилган, майда қўрбошилар сони 200 дан ортиқ бўлсада, уларни олий даражадаги лашкарбоши, қўмондонлик бошқаришга киришган, шу мақсадда, ўтказилган ўндан ортиқ қурултойларда кураш тактикаси, ҳаракат ҳудудлари, навбатдаги вазифалар белгитланган, олий бош қўмондон сайланган.

Давра суҳбати иштирокчилари Р.Е.Ражапованинг курашнинг сабаблари, моҳияти ва характери ҳақида билдирган илмий хулосаларини якдиллик билан тасдиқлаган ҳолда қуйидаги масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар:

1. "Босмачилик" ҳаракатини «истиқлолчилик» ҳаракати деб номлаш масаласи.
2. Ушбу муаммо тарихини ўрганиш манбалари ва тарихшунослиги.
3. Бу курашда жадидларнинг тутган ўрни, муносабати.
4. Курашнинг сабаблари.
5. Қизил Армиянинг фаолияти ва унга нисбатан халқнинг му-

носабати.

6. Тинч аҳолининг курашга муносабати.

7. Хорижий давлатларнинг роли.

8. Кураш фронтидаги жиноятчи унсурлар фаолияти қандай баҳоланиши керак.

9. Ҳаракатнинг даврий чегаралари.

Совет даврида зўрлик билан қарор топтирилган "босмачилик ҳаракати" атамаси тарихни сохталаштирувчи туҳмат тамғаси бўлгани, воқеанинг асл моҳиятини мутлақо нотўғри талқин этилганини якдиллик билан эътироф этган иштирокчилар Туркистон мустақиллиги учун олиб борилган миллий озодлик курашининг давоми, таркибий қисми бўлган бу ҳаракатни қандай аташ хусусида турли фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Тарих институти илмий жамоаси бу кураш давомида нафақат миллий озодлик, балки мустақил давлатчилик тузиш, Туркистон тараққиётини белгилаш мақсадлари кўзлангани туфайли бу кураш "истиқлолчилик" ҳаракати деб таърифланишга лойиқдир, деган таклифни илгари сурди. Аксарият иштирокчилар бу таърифни ниҳоятда ўринли эканлигини тан олган ҳолда, уни қўллашни мақсадга мувофиқ деб таъкидладилар. Олимлардан С.Холбоев бу жаҳон тарихшунослигида қўлланиб келаётган "босмачилик" атамаси хорижда масаланинг тўғри таърифига таъсир эта олмагани, фақат совет тарихшунослигида воқеалар моҳияти бузилгани, "босмачилик" сўзини совет ҳокимияти ва қизил армияга қарши "босқинчилик" сифатида қабул қилиб, унинг моҳиятини тўғри акс эттирган ҳолда шу атамани қўллашда давом этишни таклиф этди.[1] Бироқ давра суҳбати иштирокчилари бу ҳаракат Ватан озодлиги, юрт мустақиллиги учун олиб борилган

[1] Шарқ Юлдузи. 1995. №11-12. Б.17-18.

кураш эканлиги, қизил армия ва совет ҳокимияти бунга кескин қаршилик кўрсатгани учун қақшатқич зарбаларга дуч келгани, бу ҳаракат "босқинчилик" мақсадларидан мутлақо халюс ҳаракат бўлгани туфайли уни "босмачилик" деб аташ ҳам мазмунан, ҳам шаклан, кўчма ва тўғри маънода ҳам мутлақо нотўғри, деб таъкидладилар.

Мунозара иштирокчиларидан Э.Юсупов, Х.Содиқовлар "истиқлолчилик" жуда кенг маънодаги, аниқ сиёсий режа асосидаги, маълум дастур, шиорлар қўллаган ҳаракат мазмунини англатишини, совет ҳокимиятига қарши кураш эса қуролли, оммавий ҳаракат бўлганини қайд этиб, уни қандай таърифлашни ўйлаб кўриш лозимлигини таъкидладилар. Бироқ Р.Ё.Ражапова изланишлар натижалари асосида таъкидлашича, совет ҳокимиятига қарши қаратилган бу ҳаракат миллий озодлик курашининг таркибий қисми бўлган, аниқ сиёсий мақсадни - Туркистон мустақиллигини кўзлаган, "Туркистон туркистонликлар учун!", "Туркистонга озодлик" каби шиорларни илгари сурган, маълум мақсадда уюшган, ўз қўмондонлигига, ташкилий асосларга эга ҳаракат сифатида кўлами, оммавийлиги, кескинлиги жиҳатидан алоҳида ажралиб турган. Шуларни назарда тутиб, уни "истиқлолчилик" деб таърифлаш мақсадга мувофиқ деб топилди. Пировардида, давра суҳбати иштирокчилари кўпчилик овоз билан бу таърифни ўринли деб топдилар ва уни илмий истеъмолга киритишга қарор қилинди. (Лекин бу масала хусусида ҳалигача турли қарашлар мавжуд. Воқеанинг мазмуни, моҳияти эмас, шакли, аниқроғи ҳаракатни таърифловчи атама хусусида матбуотда эълон қилинган бу қарашларга қуйида батафсил тўхталамиз).

Мунозарада ушбу муаммо манбалари ҳамда ўрганилиш

тарихи, яъни тарихшунослиги масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Жаҳон тарихшнослигида, айниқса Туркияда ушбу муаммога қизиқиш катталиги, совет тарихшунослигида масалани синфий қарашлар асосида ёритган асарларда қайд этилган катта ҳажмдаги ҳужжат ва маъумотлар эса танқидий кўз билан ўрганилса асқотиши мумкинлиги қайд этилди. Ушбу кураш воқеаларини ёритувчи манбалар хусусида фикр билдириб, олимлар асосий архив маълумотлари Москва ва Санкт-Петербург архивларида сақланаётгани, уларнинг катта қисми илмий истеъмолга киритилмагани, бевосита кураш иштирокчиларининг ўзига тегишли ҳужжатлар қўрбошилар билан хорижга олиб кетилгани, АҚШ, Туркия, Покистонда қолиб кетгани қайд этилди. ЎзР ФА тарих институтида сақланаётган, Москвадаги совет армияси Марказий Давлат архиви ва бошқа архивлардаги ҳужжатларнинг нусхалари, шунингдек, Ўзбекистон Марказий Давлат архиви ҳужжатлари танқидий ёндошув асосида кўп масалаларни ойдинлаштириши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Давра суҳбатида совет ҳокимиятига қарши қуролли курашга жадидлар бефарқ бўлмагани, коммунистик фирқа томонидан кузатув остига олинганига қарамай, бу кураш фронтига таъсир ўтказиш, уларга мафкуравий ёрдам беришга уринган, айрим собитқадам жадидлар бу мақсадда ЗО-йилларнинг бошларига қадар яширин ва ошкора иш олиб борган қайд этилди.

Совет ҳокимиятига қарши кураш сабабларига тўхталиб мунозара иштирокчилари якдиллик билан миллий озодлик ва мустақиллик учун кураш - бош ва асосий сабабдир, деган хулосани билдирдилар. Айни пайтда "босмачилик"нинг

сабабларини, "большевикларнинг Туркистондаги йўл қўйган хатолари" билан изоҳлаш нотўғри эканлиги алоҳида таъкидланди. Р.Е.Ражапова, Р.М.Абдуллаевларнинг фикрича бу "хатолар" - яъни эски мактаблар, қозихоналар, масжидларнинг беркитилиши, озиқ-овқат тақсимотидаги адолатсизлик, "Дашноқцютюн" отрядлари ва биринчи совет ҳарбий бўлинмаларининг аҳолига нисбатан шафқатсизлиги халқ норозилигини кескинлаштиргани табиий, бироқ бош ва асосий сабаб бўлиб хизмат қилмаган.

Давра суҳбатида совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ўлкада олиб борган сиёсати хусусида сўз борганда жазо отрядлари ўнлаб қишлоқларни вайрон қилиб, аҳолини қириб ташлагани мол-мулкини талаб, хўрлагани, бу ишлар режалаштирилиб, ҳарбий операция сифатида, ҳарбий қўмондонлар, совет раҳбарлари буйруғи билан амалга оширилгани, маҳаллий аҳоли эса совет тарихшунослигида қайд этилганидек, совет ҳокимиятини, қизил армияни эмас, балки аксинча, "истиқлолчилар"ни қўллаб-қувватлаганидан далолат берувчи маълумотлар турли манбаларда қайд этилгани кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, давра суҳбатида совет ҳокимиятига қарши куролли кураш ҳаракати тинч аҳоли, яъни урушга тортилмаганлар томонидан моддий, ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлангани, жисмоний куч, яъни йигитлар билан узлуксиз таъминланиб турғани алоҳида таъкидланди ва бу курашнинг миқёси, кўлами ва кучини белгилаб беришда катта аҳамиятга эга бўлгани кўрсатиб ўтилди.

Хорижий давлатларнинг совет ҳокимиятига қарши курашда тутган ўрни ва роли ҳақида совет тарихшунослигида қарор топган, тарғиб этилган қарашлар, яъни "босмачилик чет эл империа-

листлари томонидан ташкил этилган" деган мазмундаги *хулосалар ва уни асослаш мақсадида яратилган асарларни* "уйдирма" сифатида баҳолаган академик Э.Ю.Юсупов "бу борада Англия ўз сиёсий манфаатларини кўзлаб, курашга хайрихоҳлик билан қаради холос», деб таъкидлади. Совет тарихшунослигида 50-йиллар ўртасида "Туркистонда Октябрь инқилоби ва совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун кураш" мавзусида яратилган ҳужжатлар, хотиралар тўпламини тайёрлашда қатнашган, 80-йиллар бошида "босмачилик" ҳаракати мавзусида чоп этилган асарларнинг ҳаммуаллифларидан бири бўлган Э.Юсупов ҳурфикрлик ва ошкоралик шароитида ўз фикрини баён этиш имконидан фойдаланиб тарихни сохталаштириш жараёнида содир этилган мунофиқликларни фош этди. Э.Юсуповнинг совет адабиётларини яратиш жараёнида юқоридан берилган кўрсатмалар асосида йўл қўйилган кўзбўямачиликлар ҳақидаги эътирофлари тарихни сохталаштиришнинг гувоҳлиги сифатида бу сохта тарихни атайин тўқилган эртаклигини яна бир бор тасдиқлади.

Совет ҳокимиятига қарши кураш давридаги айрим жиноятчи унсурларнинг талончилик, зўравонликка асосланган фаолияти давра суҳбати иштирокчиларининг алоҳида диққат эътиборидаги масала бўлди. Мураккаб ва кескин вазият ҳамда оғир иқтисодий шароитда умумиллий ва умумхалқ манфаатларидан шахсий манфаатларни устун қўйиб, ғаразли мақсадларда ҳаракат қилган бундай жиноятчи гуруҳлар совет ҳокимияти томонидан эрк ва озодлик курашчиларини обрўсизлантириш, қоралаш учун қўл келган. Аслида эса бундай салбий ҳолат асосий курашдан мутлақо йироқ бўлиб, унинг мақсадлари ва моҳиятини ўзгартира олмаган.

Айрим иштирокчилар (Э.Юсупов, Х.Содиқов) бундай жиноятчи гуруҳлар мавжуд бўлганини эҳтибордан четда қолдирмасликни алоҳида қайд этди. Бу хусусда Р.Е.Ражапованинг мулоҳазалари алоҳида эътиборга молик бўлиб, унинг таъкидлашича "узоқ давом этган оғир уруш одамлар руҳиятига, хулқ-атворига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Очлик, жудоликларга ҳамма ҳам бардош беролмади. Ўн минг, юз *минглаб кишидан иборат қўзғолончилар орасида ўзларининг тор* манфаатлари йўлида талончилик, ўғрилик билан шуғулланиб, муқаддас ғояларга ҳиёнат қиладиганлар ҳам бор эди. Лекин бундай салбий ҳолатлар учун бутун ҳаракатни айблаш маъсулиятсизликдир. Ўз уйи, оиласидан узоқда бўлган ўн минглаб, юз минглаб қўзғолончилар беқиёс жисмоний ва маънавий мухтожликларга дош бериб, ўз жонларини аямасдан, мардона ва ҳалол кураш олиб бордилар. Уларнинг кўпчилиги муқаддас орзулар йўлида жон бердилар".

Дарҳақиқат, бирор халқ ёки миллат ичидан чиққан айрим жиноятчилар учун шу миллат ва халқни жиноятчиликда айблаш ақлга тўғри келмаганидек, "босмачи" номи остида ҳақиқий босмачилик билан шуғулланган тўдалар туфайли бу номга тухмат сифатида, нолойиқ ва ноҳақ дучор бўлган, шахсий ва гаразли мақсадларда эмас, халқ ва миллат эрки, озодлиги учун курашганларни қоралаш ёки уларни ўз номлари билан, яъни масалан, миллий озодлик учун курашганлар сифатида баҳолашдан чўчиш мантиқан мутлақо нотўғри ва адолатсизликдир. Бундан ташқари Р.Е.Ражапова ўзига маълум ҳужжатлар асосида қайд этишича қўрбошилардан Мадаминбек бундай ҳодисаларга чек қўйиш учун махсус бўлинмалар тузган.[1]

---

[1] Шарқ Юлдузи. 1995. №11-12. Б.9.

Х.З.Зиёевнинг хотирлашича[1] 50-йилларда ЎзССР ФА тарих институти ходимлари томонидан Фарғонага "босмачилик" ҳаракати иштирокчилари ва гувоҳлари хотираларини ўрганиш учун уюштирилган ижодий сафардан кейинги мулоқотларда партия фахрийси Нишон Ризаев "20-йилларда чекистлар тунда "босмачилар"га ўхшаб кийиниб олиб, қишлоқларни талашгани, бегуноҳ одамларни ўлдиришгани, бу билан маҳаллий аҳоли орасида «босмачилар-босқинчи ва қотил» деган фикр уйғотишга ҳаракат қилганликлари" ҳақидаги маълумотларни қайд этган. Совет даврида расмий манбалар ҳам атайин сохталаштирилганидан дарак берувчи бундай маълумотлар уларга нисбатан танқидий муносабатда ёндошиш зарурлигини яна бир бор таъкидлаб, бу сохта манбалар ҳақиқий аҳволни қай даражада акс эттирганини яна бир бор намоён қилади.

Совет ҳокимиятига қарши курашнинг даврий чегаралари хусусида давра суҳбатида турлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. О.С.Содиков, Р.С.Шамсиддиновлар бу курашни 1991 йилгача бўлган даврий чегарада, Р.А.Нуруллин, Р.Е.Ражапова 30-йиллар бошигача бўлган чегарада даврлаштириш лозим, деган фикрни илгари сурдилар. Тарихчилар вазият ва имкониятга қараб гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб, баъзан яширин, баъзида эса ошкора олиб борилган кураш воқеалари ҳақида ҳозирча 30-йиллар ўртасига қадар бўлган даврий чегарада маълум тасаввурлар ва аниқ маълумотларга эгадирлар. Қуролли кураш воқеалари эса 30-йиллар бошига қадар, яъни Сталиннинг "қатағон" тегирмони ишга тушгунга қадар давом этгани ва бунга алоқадор барча шахслар унинг қурбони бўлгани янада аниқ. Бу борада ҳали кўп

---

[1] Ўша ерда. Б.16.

изланишлар лозимлиги шубҳасиз. Ана шундай жумбоқли, мунозарали муаммолар мавжудлигини кўрсатган, қатор масалаларга ойдинлик киритиб, эътиборга лойиқ маълумотлардан бохабар этган, илмий изланишларнинг дастлабки натижалари билан таништириб, кейинги йўналишларини белгилаб олишга катта ёрдам берган ушбу давра суҳбати республика илмий жамоатчилигининг бу борадаги қарашларини янада аниқлаштирди, бўлажак тадқиқотлар, олдиндаги вазифалар кўлами ва масъулиятини кўрсатиб берди. Суҳбат сўнггида тарих институтида истиқлолчилик ҳаракати тарихини ўрганиш илмий марказини ташкил этишга қарор қилинди.

Туркистонда миллий озодлик учун кураш тарихшунослигининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу давра суҳбатида илгари сурилган масалалар юзасидан изланишлар, баҳс ва мунозаралар кейинги йилларда ҳам давом этди. 1995-1996-йилларда "Фан ва турмуш" журнали саҳифаларида "босмачилик" деган туҳмат тамғасини олган, аслида совет ҳокимиятига қарши озодлик учун олиб борилган кураш воқеаларини қандай ном билан аташ мумкин ёки лозим, деган мавзуда баҳс кетди. ЎзР ФА тарих институтида ушбу муамма юзасидан номзодлик диссертацияси ҳимоя қилган ёш тадқиқотчи Қ.Ражабов ўз изланишларининг илмий хулосалари асосида миллий истиқлол учун олиб борилган бу ҳаракатнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уни "истиқлолчилик ҳаракати", қатнашчиларни эса "истиқлолчилар" деб таърифлаш лозимлигини таъкидлади.[1]

Тадқиқотчи С.Холбоев эса совет ҳокимиятига қарши кураш-

[1] Ражабов Қ. Истиқлолчи деган маъқул // Фан ва турмуш. 1995. №3. Б.28-29

ганлар истиқлол учун курашгани аниқ эканини таъкидлаган ҳолда, «бу ҳаракатни истиқлолчилар ҳаракати деб аташ мантиқан ҳам, мазмунан ҳам тўғри келмайди», деган мазмундаги зиддиятли қарашларни илгари сурди. Унинг ушбу ҳаракатни қандай аташ хусусидаги таклифи янада чалкаш ва ноилмий бўлиб, масалани аниқлаштириш ўрнига унинг моҳиятини нотўғри талқин этишга олиб келади. С.Холбоевнинг таъкидлашича, совет ҳокимиятига қарши курашганлар ўзларини ҳеч қачон "босмачи" деб айтмаганидек, ҳеч қачон "истиқлолчи- деб ҳам атамаган. Бироқ улар миллий озодлик, истиқлол учун курашнинг "босмачилик" шакли ва усулларидан фойдалангани учун тарихан "босмачи" номини олган ва шунинг учун бу атамани истеъмолдан чиқариб бўлмайди, "босмачилик"сўзи аслида салбий эмас, ижобий, ўз маъносида бўлган".[1]

С.Холбоевнинг бундай қарама-қарши, зиддиятли қарашлари масалага аниқлик ўрнига чалкашлик киритишини, мантиққа зид хулосаларга олиб келишини яна бир бор қайд этган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоният тарихидаги ҳеч бир урушда кураш усуллари ва шакли унинг моҳияти ва мақсадини белгилаш учун асос бўлолмаган. Масалан, 1945 йилда Берлинга чекинган фашистларни таъқиб этиб борган халқаро озодлик кучларининг фашизмни сўнги қароргоҳини тугатиш учун олиб борган ҳужумларини ёки Тўмарис афсонасидаги воқеа-массагетларнинг Эрон босқинчиларига тўсатдан ҳужум уюштириб мағлуб этган жангларни уларнинг кураш усулидан келиб чиқиб "босмачилик" деб баҳолаш мумкинми?

Адолатсиз урушда, яъни босқинчилик, талончилик урушида ҳам, адолатли, яъни Ватан мудофааси, эрки ва озодлиги учун

---

[1] Холбоев С. Аслининг ўзи тўғри // Фан ва турмуш.1995. №3. Б.29.

олиб борилган урушларда ҳам тўсатдан "ҳужум қилиш", "босиш" усулларидан бирдек, ҳарбий тактика сифатида кенг фойдаланилади ва табиийки, бу уларнинг моҳияти ва мақсадини ўзгартира олмайди. С.Холбоевнинг қарашлари илмий жамоатчилик томонидан эътирозлар билан кутиб олинди ва ўз хайрихоҳлари, аниқроғи ҳамфикрларни топа олмади. Бу масала хусусида (яъни совет ҳокимиятига қарши курашни қандай аташ лозимлиги ҳақида) Р.Умаров томонидан илгари сурилган таклиф ва мулоҳазаларда эса муаммога бутун Ўрта Осиё миқёсида ёндошилиб, унинг барча даврлари ва воқеаларини беистисно қамраб олиш ниятида бу курашни "қаршилик ҳаракати" деб аташ лозим деган фикр асосланади.[1] Муаллиф бу ўринда Ўрта Осиёда совет ҳокимиятига қарши ҳар хил мақсадларда қўлига қурол олган турли ижтимоий табақалар, сиёсий кучлар, маҳаллий ва ерли бўлмаган халқлар, миллатларнинг курашларини назарда тутади. "Истиқлолчилар" деб аталиши лозим бўлган қўрбоши Эргаш ва Холҳўжалар совет ҳокимиятига қарши кураш олиб борган бўлсалар-да, пировардида Қўқон хонлигини қайта тиклаб, хон бўлиш ниятини кўзлагани, бундай ҳукумат халққа ҳақиқий истиқлолни бера олмаслиги"ни таъкидлаб ўтади.

Дарҳақиқат, Туркистонда совет ҳокимиятига қарши курашганларни барчасини (оқ гвардиячилар, эсэрлар, кадетлар, рус деҳқонлари-крестьянлар армияси) истиқлолчилик, миллий озодлик, мустақиллик учун кураш таркибига киритиш мутлақо нотўғри, бироқ ҳур Туркистон мустақиллиги учун қўлига қурол олган маҳаллий аҳолининг, ватанпарвар аждодларнинг ватан

---

[1] Умаров Р. "Қаршилик ҳаракати" - ҳаммасини қамрайди // Фан ва турмуш. 1996.

озодлиги йўлидаги қонли курашларини соддагина қилиб "қаршилик ҳаракати" сифатида ёки унинг таркибида ёритиш уларнинг тарихий хизматларини, олий мақсадларини камситиш, етарли даражада баҳоламаслик бўлур эди. Туркистон мустақиллиги учун маҳаллий халқлар олиб борган кураш совет ҳокимиятига қарши қаратилган "қаршилик" ҳаракатининг муҳим ва кескин кўринишларидан бири бўлиб, энг уюшган, шиддатли ва узоқ давом этган халқ ҳаракати, миллий озодлик ҳаракати эди. Айнан шу оммавийлик, умуммиллий, умумхалқ манфаатлари кўзлангани, олий ззгу мақсадлар унга куч ва шиддат бағишлади, уни совет ҳокимиятига қарши бошқа ҳаракатлардан ажратиб турди. Айнан шу сабаблар туфайли бу кураш ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда мустақиллик учун кураш, истиқлолчилик ҳаракати сифатида таърифланишга лойиқ ва ҳақлидир. Айрим қўрбошиларнинг чекланган дунёқараши, масалан, хонликларни тиклаш ниятлари курашнинг моҳиятини, унинг озодлик учун олиб борилганини инкор эта олмайди, совет тарихшунослигида тадқиқотчилар онгига сингдирилган қарашлар ва мезонлар, яъни умуммиллий, умумхалқ аҳамиятига молик муҳим тарихий ҳодисаларни баҳолашга тор синфий манфаатлар нуқтаи-назаридан ёндашиш, оммавий ҳаракатларда айрим шахсларнинг ғаразли мақсадларига урғу бериш қандай оқибатларга олиб келгани маълум. Бунинг натижасида умумхалқ манфаати ва ғояларининг аҳамияти пучга чиқарилди. Бутун тарих, айниқса миллий озодлик ҳаракатлари тарихи сохталаштирилди (Тарихдаги айрим шахслар - том маънодаги улуғ ва буюк шахслар, халқ ва давлат манфаатларини, эзгу мақсадларни кўзлаган кишиларнинг роли ва ўрни алоҳида масала сифатида бу хулосалардан мустасно, албатта). Шахсий

ёки ғаразли мақсадларда курашга қўшилган кишилар ҳеч қачон *омма орасида обрў-эътибор* қозона олмаган. Айрим кўрбошилар орзу қилгандек хонлик тузумини тиклаш қолоқ, консерватив тузумга қайтиш бўлур эди, лекин совет ҳокимиятига қарши оммавий халқ ҳаракати ўша даврдаги энг демократик ҳукуматлардан бири сифатида баҳоланишга лойиқ бўлган Туркистон мухториятининг ағдарилишига жавобан бошланиб, унинг ғоялари озодлик учун кураш бўлгани, курашнинг бошқа сардорлари, ғоявий раҳнамолари ҳам Туркистон мухторияти каби ҳукумат тарафдори бўлганлари замондошлар томонидан ҳам таъкидлангани юқорида кўрсатиб ўтилди. Эрк ва озодлик учун қўлга қурол олиб жангга кирган аждодларимиз уларнинг давлат идораси усулидаги тасаввуридан қатъий назар, энг *аввало, мустамлакачилик кишанларидан халос бўлиш* учун курашганлар. Бу мақсад йўлида олиб борилган ушбу курашнинг аҳамиятини унинг айрим иштирокчиларининг дунёқараш ва тасаввури чекланганлиги туфайли инкор этиш, соддалаштириш адолатдан эмас. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов айтганидек, "...Элим деб, юртим деб, *миллат* келажагини ўйлаб заҳмат чеккан, Ватан озодлиги йўлида курашган аждодларимиз меҳнатини юзага чиқариш, ... рухи покларини шод этиш биз учун, бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз".[1]

Ўрта Осиё ҳудудида совет ҳокимиятига қарши бошқа мақсадларда, масалан, ҳокимият, адолат ёки бошқача тузум учун *кураш олиб борган* турли ижтимоий-сиёсий кучлар фаолияти қаршилик ҳаракати сифатида баҳоланишга лойиқ, албатта.

---

[1] Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.: 1998. Б.371. (Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги табрик сўзидан. 1997 й. 19 октябрь.)

Туркистон халқлари, айниқса уларнинг сардорлари эзгу ниятлар билан муқаддас озодлик учун жангга отланган мард инсонлар бўлганини кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар тасдиқламоқда. Хусусан қўрбошилар ҳақида эълон қилинган мақолаларда[1] қайд этилган асосли маълумотлар шундан далолат беради. Ушбу муаммо тадқиқига муносиб ҳисса қўшаётган тадқиқотчиларнинг хизматлари туфайли совет даврида ман этилган, эътибордан четлатилган архив ҳужжатлари, хорижий адабиётлар ва бошқа манбаларда қайд этилган маълумотлар асосида истиқлолчилик ҳаракатининг энг йирик, таниқли ва фидоий сардорларининг қиёфаси, фаолияти тиклланмоқда. Чунончи бу борада мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижод қила бошлаган тадқиқотчи Қ.Ражабов ўз изланишлари давомида Кичик Эргаш, Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермуҳаммадбек қўрбошиларнинг ҳарбий фаолияти, сиёсий салоҳияти, мақсадлари, инсоний фазилатлари, ўзаро муносабатлари, дунёқарашлари ҳақида қизиқарли маълумотларни аниқлаб, ўз мақолаларида эълон қилди. Қўрбошилар нафақат эркаклар, балки аёллардан ҳам етишиб чиққанлиги, улар жасурликда эркаклардан қолишмаганлиги ҳақидаги маълумотлар айниқса диққатга сазовордир.

Фарғона қўрбошилари ҳақида турли манбалар - архив ҳужжатлари, мухожирлар хотиралари, хорижий адабиётларда қайд этилган маълумотларни ўзбек китобхонларига етказиш, истиқлолчилик ҳаракати ҳақидаги ҳақиқатни тиклаш ишига катта

---

[1] Ражабов Қ. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати йўлбошчилари. // Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. Т.: 1995. Б.51-62; Шамсиддинов Р.Т. Босмачилар ким бўлган? // Фан ва турмуш. 1997. №1; Ўша муаллиф. Фарғона қўрбошилари // Фан ва турмуш. 1997. №2

ҳисса бўлиб қўшилаётган бу тадқиқотларда қайд этилган далиллар Туркистон халқлари мустабид совет ҳокимиятига қарши курашлари ниҳоятда кенг кўламга, чуқур илдизга, муҳим ташкилий, ҳарбий асосларга эга бўлган, эзгу мақсад - эрк ва озодликни кўзлаган оммавий ҳаракат бўлганлигидан далолат беради.

Қўрбошилар ва умуман, истиқлол учун қўлга қурол олган фидоий инсонлар ҳақида салбий тасаввурларни карор топтиришда совет тарихшунослигигина эмас, совет тузумининг ҳарбий, сиёсий мафкуравий бўғимлари, ЧК, Фавқулодда комиссия ГПУ (Бош Сиёсий Бошқарма)нинг хизматлари ҳам катта бўлган. Чунончи Р.Шамсиддиновнинг Шермуҳаммадбек ҳақида ГПУ (Бош Сиёсий Бошқарма) томонидан тарқатилган уйдирма ва қўрбошининг унга жавобан раддияси ҳақида маълумот берувчи мақоласи совет ҳокимиятининг коммунистик партия, ГПУ, ЧК (фавқулодда комиссия) ва шу каби ташкилотлари "ўз мухолифларини тузоққа илинтириш, халқ орасида обрўсини тўкиш мақсадида ҳеч қандай қабихликдан қайтмаганлиги"[1] ни кўрсатувчи яна бир далилдир. Маълум бўлишича, совет ҳокимиятининг тегишли ташкилотлари бу борада нафақат Туркистон ҳудудида, балки халқаро миқёсда иш олиб борганлар. 1930 йилда Туркияда чиққан "Ёш Туркистон" журналида чекист Оғабеков томонидан Шермуҳаммадбек ҳақида эълон қилинган мақолада қўрбоши ЧК (Фавқулодда Комиссия) билан хуфия алоқаларда айбланади. Бу мақола ҳақида кечикиб хабар топган Шермуҳаммадбек 1934 йилда юборган раддиясида бу маломатларни исботсиз туҳмат эканлиги таъкидланиб, Оғабековни "майдон"га, яъни далиллар асосида курашга

[1] Шамсиддинов Р.Т. Босмачилар ким бўлган? // Фан ва турмуш.1997. №1.

чорлайди. Журнал таҳририяти Оғабековнинг бу тухматини "чекистлар томонидан отилмоқда бўлган ифлос доғ", Шермуҳаммадбекнинг раддиясини эса "большевикларнинг шайтонлигини яна бир дафъа майдонга чиқариш", яъни намоён этиш, фош қилиш деб баҳолаб, қўрбошига ўз ишончини алоҳида таъкидлайди.

Туркистон миллий озодлиги учун олиб борилган қуролли кураш фронтига ўлкадаги яширин сиёсий ташкилотларнинг (масалан "Миллий иттиҳод", "Туркистон миллий бирлиги") ҳамда маҳаллий зиёлилар, жадидлар ва ҳатто ҳукмрон давлат ҳокимияти вакиллари бўлган маҳаллий коммунистларнинг муносабати ва ўзаро алоқалари масаласида ҳам қизиқарли маълумотлар аниқланмоқда. Тоталитар тузум, мустабид ҳукумат ҳукмронлиги шароитида мутлақо махфий ҳолатда олиб борилган бундай алоқалар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўта сир тутилгани назарда тутилса, бу масаланинг аниқ ва асосли талқини нақадар мушкул ва масъулиятли эканлигини тасаввур этиш қийин эмас. Бироқ тарихий ҳақиқат, айниқса, муҳим аҳамиятга молик тарихий ҳодисалар ўтмиш саҳнасидан ҳеч қачон изсиз ўчмаслиги ушбу масала ҳақида бугунги кунга қадар етиб келган айрим маълумотлар мисолида яна бир бор намоён бўлади. Совет ҳокимияти ва коммунистик партия ташкилотлари, мафкура, маориф, маданият бўғимларида, юқори раҳбарлик лавозимларда иш олиб борган раҳбарларнинг миллий озодлик кураш фронтига муносабатлари ҳақида сақланиб қолган айрим маълумотлар тадқиқотчиларни янги мулоҳазаларга ундамоқда. Бундай алоқалар ҳақидаги мулоҳазаларни илгари сураётган муаллифлар илгари эътибордан четлатилган манбалар ва маълумотлар асосида фикр юритиб, бу борада ҳали кўп

изланишлар лозимлигини таъкидлаган ҳолда ўз хулосаларига қатъий ҳукм беришга шошилмайдилар, масалага ўша даврдаги ижтимоий сиёсий вазият, ғоявий-мафкуравий муҳит, сиёсий кучлар мувозанати, мавжуд имкониятлар нуқтаи-назаридан ёндошиб атрофлича мушоҳада юритишга уринадилар. Чунончи Қ.Ражабовнинг[1] Файзулла Хўжаевнинг Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатига муносабат ҳақидаги мақоласида келтирилган маълумотлардан маълум бўлишича, маҳаллий коммунистларнинг айримлари, жумадан, Ф.Хўжаев ҳам қуролли кураш фронтига душманлик муносабатида эмас, ватандошларга хос ҳамдардлик туйғусини туйганлар, аммо совет ҳокимияти олиб бораётган зўравонлик сиёсати, таъқиб ва таъзийқлар шароитида ҳамда хизмат вазифалари туфайли бу муносабатни ҳар доим ҳам ошкора намоён эта олмаганлар, бироқ ўзларининг амалий ҳатти-ҳаракатларида уларга ён босиб, ҳукуматни "истиқлолчилар" билан муросага чорлаганлар. Уларнинг талабларини тинч йўл билан амалга ошириб, келишиш йўлларини излаганлар, ягона олий мақсад йўлида бирлашишни истаганлар, бироқ бунга муваффақ бўла олмаганлар. Вазият тақозоси билан вақтинчалик ён босган ҳукумат бундай кайфиятдаги маҳаллий коммунистларни шубҳа остига олган. Ва имкон туғилиши билан улардан шафқатсиз ўч олган.

Шу ўринда мустақиллик туфайли ошкоралик юзини кўришга мушарраф бўлган муҳим тарихий маълумотлар асосида Туркистон озодлиги учун курашаётган кучларни ягона мақсад йўлида уюштириш бу курашга ғоявий мазмун ва сиёсий тус бериш мақсадида ўлка зиёлилари ташкил этган "Туркистон

---

[1] Ражабов Қ. Ф.Хўжаев ва миллий истиқлол ҳаракати // Файзулла Хўжаев 100 йил. Т.: 1997. Б.48-55.

миллий бирлиги" ташкилотининг фаолияти ҳақидаги илк хулосаларимизни баён этиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Тадқиқотлар кўрсатишича Туркистон бирлиги учун кураш масаласи Ўрта Осиёда совет ҳокимияти ўз ҳукмронлигини ўрнатгандан кейин аждодларимиз олдидаги муҳим ва долзарб муаммолардан бирига айланди. Бунга қадар Туркистонда мустабид совет ҳокимятига қарши олиб борилган курашларда 20-йиллардан бошлаб Туркистон бирлигини сақлаб қолиш мақсади ҳам илгари сурила бошланди. Бу ҳол совет ҳокимиятининг ўлкада олиб бораётган сиёсати ва келажак режалари билан боғлиқ эди, чунки бу пайтга келиб совет давлати Туркистонда ўзига қарши олиб борилаётган кескин курашларни енгиш мақсадида ўлкани парчалаб, республикаларга бўлиб юборишга мақсадини кўзламоқда эди. Бу борада совет давлати "Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил!" мазмунидаги мустамлакачилик мақсадларини кўзлаган эди, албатта. Туркистон халқларининг энг онгли вакиллари "Куч бирликда"!, "Бўлинганни бўри ер!" деган нақлларга амал қилиш-вазият тақазоси эканлигини ўз вақтида тушундилар. Туркистон бирлиги ва озодлиги масалалари ўзаро узвий боғлиқликда қўйила бошланди, яъни Туркистон бирлиги унинг шароитидагина сақлаб қолиниши мумкин эди, ўз навбатида Туркистон мустақиллигига эришиш учун эса унинг бирлигини сақлаш, биргаликда курашиш лозим эди.

Туркистон бирлиги ва озодлигини тинч ва қонуний йўл билан қўлга киритишга эришишга бўлган уринишлар совет ҳокимияти томонидан кескин қаршиликка учраб, унинг ташаббускорлари таъзийқ ва таъқибларга дучор этилгач, бу мақсадга етишиш учун ягона йўл - халқ кураши эканлиги аён бўлди. Туркистонда бу йилларда қудратли тўфондек кўтарилган

халқ қаршилигини ягона олий мақсад йўлида уюштириш. унга изчиллик, сиёсий тус бериш, ғоявий мазмун бағишлаб, маълум режа ва дастур асосида бошқариш зарурлигини англаган зиёлилар совет ҳокимиятига қарши олиб борилаётган ҳаракатларни, сиёсий партиялар, ташкилотлар фаолиятини бирлаштириш, изчил йўналишга солиш ниятида ягона, умумий, яширин ташкилот тузиш ва бу ташкилот орқали мустақиллик учун курашни Туркистон миқёсида бирлаштиришга, уюштиришга ҳаракат қилдилар. Ташкилот яширин фаолият юргизиши, унинг аъзолари, мақсадлари ўта маҳфий тутилиши зарур эди, чунки унинг фаолиятига совет давлати муассасаларида хизмат қилувчи маҳаллий ходимлар ва ҳатто масъул раҳбарлар ҳам бош қўшган бўлиб, ўлкадаги мустабид ҳукуматнинг таъқиб ва таъзийқлари уларнинг бу алоқаларини яширишга мажбур этар эди. Шу сабаблар туфайли ташкилот фаолиятига доир маълумотлар ҳатто у тугатилганидан кейин ҳам ниҳоятда сир сақланган.

Бу ташкилот ҳақида 1921-1922-йилларда унга раислик қилган, Бошқирдистон ҳукуматининг собиқ раҳбари, Туркистон ва умуман, совет давлатидаги туркий ва мусулмон халқлари истиқлоли учун жон куйдирган арбоб, таниқли туркшунос ва шарқшунос олим Закий Валидий Тўғоннинг[1] 1969 йилда Туркияда чоп этилган "Хотиралари"да қайд этилган маълумотлар асосида маълум тасаввурларга эга бўлиш мумкин.

Маълум бўлишича, Туркистон бирлиги ва мустақиллиги учун курашни уюштирувчи ташкилот тузиш учун дастлабки ташкилий ишлар 1921 йилда бошланган. Хива, хозирги Қозоғистон, Туркманистон ерларига, Фарғонага вакиллар юборилиб,

[1] Закий Валидий Тўғон 1923-24 йилларда бошларида совет ҳукуматининг таъқибларидан қочиб Туркистонни тарк этган, Туркияда муҳожирликда яшаган.

ташкилот тузиш мақсадлари етказилгач, ғарбий Бухородаги Харгуш қишлоғига уларнинг вакиллари йиғила бошлаган. Чунончи, Фаргонадан Шермуҳаммадбек қўрбоши ва Раҳмонқул қўрбошиларнинг вакиллари ташриф буюрганлар. Йиғилишда Бухоро вакиллари ҳам ҳозир бўлганлар. 1921 йил июнь ойида Ситораи Моҳи Хосса саройининг хилват хужраларидан бирида Туркистон Миллий Бирлигининг дастури муҳокама этилиб, унинг етти банддан иборат "Умумплатформа"си, яъни дастурий асоси қабул қилинган. Унда қуйидаги мақсад ва вазифалар қайд этилган:

1. Истиқлолга эришиш.

2. Демократик жумҳурият тузиш.

3. Миллий қўшин тузиш.

4. Иқтисодий идора, темир йўллар, суғориш иншоатларини Туркистон истиқлюли манфаатларига мувофиқ тарзда ташкил этиш.

5. Маорифни замонавий даражага кўтариш ва Европа маданияти билан танишишни Россиянинг воситачилигисиз йўлга қўйиш.

6. Мактабларни ташкил этиш, табиий бойликлардан фойдаланиш, миллий масалаларни ҳал этишда шу ерли миллатлар нуфузли нисбатини ҳисобга олиш.

7. Динга бутунлай эркинлик бериш, дин ишларига дунё ишларини (яъни сиёсат ва давлат ишлари назарда тутилган - Д.З.) аралаштирмаслик.

1921 йил 30 июлда Туркистон Миллий Бирлигининг умумий ва марказий қўмиталари ҳамда раиси сайланади, раис этиб Закий Валидий Тўғон сайланади. 1921 йил 2-5 августда Туркистон Миллий бирлигининг биринчи конгресси бўлиб ўтади,

унда ташкилот муҳри тасдиқланади.

1921 йил 5-7 сентябрда Самарқандда Туркистон Миллий Бирлигининг иккинчи конгресси бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг 24 банддан иборат Низоми қабул қилинди, Туркистон байроғи тасдиқланади. Бу байроқ Туркистоннинг озодлик учун кураш байроғи сифатида тан олинади ва байроқ қабул қилинган 6 сентябр Туркистоннинг миллий байрами сифатида эътироф этилади. Байроққа асос қилиниб, Салжуқийлар ва Қорахонийларнинг XI асрдаги турк олими Маҳмуд Қошғарий асарида тасвирлаб берилган байроғи олинган. Уни тайёрлаш комиссиясида Мунавварқори Абдурашидхонов, Тўрақул Жонузоқов, Закий Валидий иштирок этганлар. Ушбу йиғилишда совет ҳокимиятига қарши курашаётган ҳар бир гуруҳ, тузилмаларга сиёсий маслаҳатчилар тайинланади.

Закий Валидий 1921 йил 25 июлда Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти номидан Туркиянинг таниқли арбоби Жамол пошога ёзган мактубида ташкилотнинг мақсадларини шундай таърифлайди: "Мақсадимиз русларни бизнинг талабларимизни қабул қилишга мажбур этувчи йўлларни топиш, миллий ҳаракатимизни кучайтириш, бу курашга бугунги кунга мувофиқ сиёсий руҳ бериш..., "босмачи" тўдаларни ёш зиёлилар раҳбарлигидаги истиқлолчи аскарларга, ҳақиқий маънодаги ҳарбий жанговор кучларга айлантиришдир. Агар руслар Туркистон, Қозоғистон, Бошқирдистонда аскарий ва иқтисодий ишларни мусулмонлар қўлига топширишга рози бўлиб, Бухоро билан Хиванинг тўла мустақиллигини тан олсалар, улар билан сулҳ тузиб, янгидан муносабат ўрнатишга тайёрмиз. Бўлмаса халқ ичида ҳам, чет элда ҳам яқин кунларда советларга қарши жиддий бир ҳарбий ва сиёсий куч сифатида майдонга чиқишга

тайёрланамиз. Туркистоннинг уччала томони - шарқ, ғарб ва жануб учун ҳам Тошкент марказ бўлажак"[1].

Туркистон Миллий Бирлиги фаолиятидан совет муассасалари, коммунистлар партияси сафларида расмий вазифаларда ишлаётган ватанпарвар маҳаллий арбоблар яхши хабрдор бўлиб, ўзаро маслаҳатлашиб турганлар, ягона олий мақсад йўлида имкон даражасида келишиб иш тутишга уринганлар. Бу ҳақда Закий Валидий қуйидагиларни қайд этган: "Биз яширин иш олиб бораётган бўлсакда, бу курашни совет муассасаларида, коммунистлар партиясида расмий вазифаларда ишловчи дўстларимиз билан тўла маслаҳатлашиб, бир йўналишда давом эттирардик... расмий вазифаларда ишловчи ўртоқларимиз Туркистон мусулмонларидан тузилган расмий қўшинларни, қизил миллий аскар қисмларни кучайтириш, совет муассасалари ва партия сафида мусулмон зиёлиларни кўпайтириш, бу ҳақдаги режаларни очиқ гапирмай юриши лозим эди... Махсус идораларнинг жуда қаттиқ кузатуви остига олинган Турор Рисқулов билан кўриша олмасдим, унинг хабарларини менга Тошкентдаги бошқирд армиясининг баъзи аскарлари олиб келарди. Лекин бошқа ҳукумат ва партия раҳбарлари билан Самаркандда учрашиб турардим".[2]

Туркистон Миллий Бирлигининг фаолияти тобора *фаоллашиб боради*. Халқ ҳаракатларини Фарғона, Самарқанд вилоятларида Шарқий Бухорода кучайтириш мақсадида Туркистон Миллий Бирлиги вакиллари қизғин иш олиб *борадилар*. *Чунончи, Шаҳрисабз вилоятидаги* Жаббор кўрбоши, Самарқанд яқинидаги Баҳромбек кўрбошилар Туркистон Миллий

---

[1] Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. Истанбул. 1969. Б.378-379 ёки А.З.*Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер.* Т.: 1997. Б.117-118.

[2] Закий Валидий Тўғон. Хотиралар. Ўзбекча нашрида. Б.123.

Бирлиги билан яқин алоқада, унинг таъсири остида бўлганлар. Туркистон Миллий Бирлиги Раиси Закий Валидий ўзига бириктирилган худудлар - Самарқанд, Нурота, Жиззах, Каттақўрғон ва Ғузорда ташкилий ва тушунтириш ишлари олиб боради. Натижада 1923 йил 23 марта Бухоро ҳарбий нозири Абдулҳамид Орипов, Шаҳрисабз мингбошиси Суюндиқовлар ўз аскарлари билан ҳаракатдаги қўшинлар билан бирлашадилар.

Зарафшон воҳасидаги Очилбек, Қорақулбекк қўрбошилар ҳам Туркистон Миллий Бирлиги вакиллари билан яқин алоқаларда бўлиб, ҳамкорликда иш тутганлар. Самарқанд вилоятида ҳаракат қилаётган кучларни уюштиришда Туркистон Миллий Бирлигининг таъсири катта бўлган, Жиззах ва Нурота орасида Ҳамроқул исмли йигит бошчилик қилган янги жанговор гуруҳ уюштирилган. Очилбек ва Баҳромбек гуруҳлари ҳам шу тариқа Туркистон Миллий Бирлиги буйруғи билан ташкил қилинган. Очилбекнинг ёнида Туркистон Миллий Бирлигининг вакили сифатида Самарқандли зиёли Қори Комил, Баҳромбекнинг ёнида эса зиёлилардан Ҳамроқулбек, Қори Муҳаммадлар иш олиб борганлар. Ҳожи Абдулқодир гуруҳида Туркистон Миллий Бирлиги аъзоларидан муаллим Шакурий бўлган. Шунингдек, Қорақулбек, Холбўтабек, Туроббеклар гуруҳларига ҳам Туркистон Миллий Бирлиги вакиллари сифатида зиёлилар жўнатилган.

1923 йилда 18 сентябрда Тошкентда Туркистон Миллий Бирлигининг навбатдаги йиғилиши Конгресси бўлади. Закий Валидийнинг таъкидлашча, Туркистоннинг таниқли сиёсий арбоблари - Алихон Бўкайхон, Турор Рисқулов, Аҳмад Бойтурсун, ўзбеклардан Мунавварқори, Бухородан Ҳакимзода, Абдулқодир Муҳиддин, туркманлардан адвокат Қақадош Бердиев ва

бошқалар большевикларнинг махсус хизмат таъқиби остида бўлганлари туфайли бу конгрессга кела олмаганлар. Туркистон Миллий Бирлигининг ҳукумат муассасаларида, большевикларнинг махсус идораларида хизмат қилаётган аъзолари конгресснинг ҳавф-хатарсиз, осойишта вазиятда ўтиши учун зарур чора-тадбирларни кўрганлар.

Конгресс 3 кун давом этади, унда 16 киши иштирок этади. Конгресс Туркистонда совет ҳокимиятига қарши олиб борилаётган курашда вазият Қизил Армия фойдасига ҳал бўлаётган бир пайтда бўлиб ўтади. Қизил Армия қўшимча ҳарбий кучлар олиб кетма-кет хужумлар уюштираётганлиги туфайли маҳаллий кучлар чекина бошлаганлар, катта талафотлар кўрганлар. Ана шундай вазиятда Конгрессда Туркистон масалаларини халқаро масала даражасига кўтариш, миллий талабларни жаҳон жамоатчилигига етказиш ҳақида қарор қабул қилинади. Закий Валидийга муҳожирликдаги Мустафо Чўқаев билан биргаликда Туркистон Миллий Бирлигининг хорижий қўмитасини тузиш, Туркистон бирлиги ва мустақиллиги учун кураш тарихини ёзиб, жаҳон афкор оммасига етказиш топширилади. З.Валидий 1924 йил бошида Туркистонни тарк этади. 1924 йи 23 ноябрда Берлинда Туркистон Миллий Бирлигининг хорижий қўмитаси тузилади. ТМБ нинг хорижий фаолияти алоҳида мавзу эканини қайд этиб, шуни таъкидлаш лозимки, унинг Туркистондаги 1923 йилдан кейинги даврдаги фаолиятини "Миллий Иттиҳод" ташкилоти фаолияти асосида тиклаш мумкин, чунки Туркистон Миллий Бирлигининг фаол аъзолари сифатида кўрсатилган Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Тўрақул Жонузоқовлар "Миллий Иттиҳод" аъзолари сифатида ҳам танилганлар. Совет манбаларида ҳам М.Абдурашидхонов

ва Т.Жонузоқовлар "босмачилик"ни авж олдириш, уюштириш мақсадида улар орасида ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борганлари таъкидланади.[1]

Қайд этилган маълумотлардан маълум бўладики, Туркистон зиёлиларининг аксарият қисми мустақиллик ва бирлик учун олиб борилган курашлардан четда турмаганлар, аксинча, оммавий халқ ҳаракатларига сиёсий тус бериб, миллий ғояларни сингдириш, олий ва ягона мақсад йўлида уюштиришдек шарафли ва масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олганлар. Бу йўлда фаол саъйи-ҳаракатлар олиб борганлар. Ҳатто совет муассасаларида хизмат қилган зиёлилар ҳам имкон даражасида авлодлар онгига истиқлол ҳақидаги орзу-умидларни, миллий руҳни сингдиришга уринганлар. Шу туфайли уларнинг аксарияти миллатчиликда айбланиб, қатағон этилганлар.

Қ.Ражабовнинг Фарғона истиқлолчилик ҳаракати тарихига доир номзодлик диссертацияси бўлди. Муаллифнинг чуқур ва атрофлича изланишларининг натижаси бўлган ушбу тадқиқот Туркистонда совет ҳокимиятига қарши мустақиллик учун олиб борилган курашнинг энг қизғин, кескин ўчоғи, юқори чўққиси бўлган Фарғона водийсидаги "истиқлолчилик" ҳаракати тарихига бағишланади. Тадқиқотчи 70 йил давомида қораланиб маломатларга кўмилган ҳақиқат юзидан туҳмат пардаларини олиб ташлашга хизмат қилиши мумкин бўлган барча манбалар - архив ҳужжатлари, матбуот, хорижий ва маҳаллий адабиётларда расмий ва норасмий манбаларда қайд этилган маълумотларни қунт билан ўрганиб, "истиқлолчилик" ҳаракати" яъни совет ҳокимиятига қарши Туркистон халқларининг кураш Фарғона водийси

---

[1] Шамагдиев А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Т.: 1961. Б.224.

доирасида тарихини бирма-бир тиклашга ҳаракат қилади.

"Истиқлолчилик" ҳаракатининг келиб чиқиш сабаблари, ҳаракатлантирувчи кучлари, курашнинг йирик намоёндалари, қўрбошиларнинг сиёсий қиёфалари, ғоявий раҳнамолари, мафкурачилари, асосий ривожланиш босқичларини очиб беришга киришган Қ.Ражабов бу масалаларни аниқ маълумотлар асосида ёритиб, Фарғонадаги кураш тарихи ҳақида умумий ва аниқ тасаввурлар ҳосил қилишга имкон берувчи йирик тадқиқот яратишга муваффақ бўлди. Ниҳоятда тарқоқ, лекин аниқ маълумотларни изчиллик билан бир тизимга солган муаллиф бу ҳаракат тарихини тиклашга катта ҳисса қўшиш билан бирга, унинг мунозарали, ўганишга муҳтож масалаларини ойдинлаштирди. Курашнинг миллий озодлик характери, йўналиши, муҳим воқеалари, таниқли сардорларининг тарихий хизматлари аниқ маълумотлар асосида тикланди.

Мустақиллик даври тарихшунослигида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан яна бири - "истиклолчлик" ҳаракати Ўзбекистон Республикаси тарихига оид асарларда, олий ва ўрт таълим муассасалари, мактаблар учун чиқарилган дарсликларда холисона баҳога сазовор бўлди[1]. Ушбу муаммо юзасидан махсус изланишлар олиб бораётган олимлар - Р.Е.Ражабова, Қ.Ражабовлар томонидан холисона ёритилган ушбу масала талқини ёш авлодлар ва жамоатчиликда тўгри тасаввурлар ва қарашларни шакллантирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда 7 йиллик қисқа даврда шаклланиб, жадал ривожланиб бораётган мустақиллик даври тарихшунослигида Туркистон мустақиллиги учун кураш

---

[1] Ўзбекистон тарихи. Ўрта мактабларнинг 9-синф дарслиги. - Т.: Ўқитувчи. 1994.

масалалари тадқиқида сермаҳсул натижалар қўлга киритилди. Энг аввало бу кураш воқеалари "босмачилик" деган тухмат тамғасидан халос бўлиб, "истиқлолчилик" ҳаракати деган муносиб номга мушарраф бўлди, ўзининг холисона, ҳаққоний баҳосини олди. Ушбу муаммонинг жуда кўп қирралари, хусусан йирик қўрбошилар фаолияти, кураш босқичлари, сабаблари, ҳарбий, ташкилий масалалар, кураш мақсадлари ҳақидаги муҳим маълумотлар аниқланди, хорижий адабиётлар билан танишиш йўлга қўйилди. Ва энг муҳими нафақатилмий жамоатчилик, балки кенг омма ва ёш авлод онгида эрк ва озодлик учун курашган аждодларимиз ҳақидаги сохта тасаввурларга барҳам берилиб, холисона, ҳаққоний қарашлар қарор топа бошлади.

ХУЛОСА

Ушбу тадқиқотда амалга оширилган Туркистондаги 1916 йил қўзғолони ва 1918-1924-йиллардаги кураш воқеаларининг манбашунослик ҳамда тарихшунослик нуқтаи-назаридан комплекс таҳлили (даврий, концептуал ва муаммовий асосдаги) тадқиқотчини қуйидаги илмий хулосаларга олиб келди:

1. Муаммони манбашунослик нуқта-назаридан ўрганиш мақсадида замондош ижтимоий-сиёсий қарашларни акс эттирувчи манбаларининг ўзаро қиёсий ва танқидий таҳлил этиш 1916 йилда ва 1918-1924 йилларда Туркистонда содир бўлган халқ ҳаракатлари ҳақида аниқ тасаввурлар ҳосил қилишга имкон берди. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

-1916 йил қўзғолони ва 1918-124 йиллардаги воқеалар Туркистон халқларининг Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига, зулмига ва ҳукмронлигига қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракати бўлиб, бир-бирининг узвий, мантиқий, тадрижий давоми бўлган.

-ҳар икки тарихий воқеа умумхалқ ҳаракати сифатида жамиятнинг барча тоифа вакилларини қамраб олган бўлиб, умуммиллий, умуминсоний манфаатлар учун, эрк ва адолатга эришиш йўлида олиб борилган.

-1916 йил қўзғолонидаги тажрибалар 1918-1924 йиллардаги курашларда муҳим сабоқ бўлган ва миллий озодлик ҳаракатининг кўлами, уюшқоқлик, оммавийлик даражаси юксалиб, ривожланиб борганини намоён этган.

-1916 йилда мустабид тузум зулмига қарши бош кўтариш, унинг итоат этмаслик кўринишида бошланган халқ ҳаракатларининг мақсадлари тобора аниқ йўналишга эга бўлиб борган ва мустақил давлатчиликни тиклаш учун кураш

даражасига етган.

-бу курашларни уюштиришда, уларга ғоявий мазмун касб этишда миллий зиёлилар, жадид тараққийпарварларининг роли ва хизмати катта бўлган.

-кучлар нисбати тенг бўлмаган шароитларда жуда катта фидоийлик билан олиб борилган бу курашлар мустабид давлатларнинг ҳарбий устунлиги ва шавқатсиз қирғин сиёсати туфайли бостирилган.

2. Муаммонинг тарихшунослик нуқтаи-назаридан жуда кенг доирада ва катта даврий чегарада олиб борилган таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келди: Туркистон истиқлоли учун кураш масалалари қарийб 80 йилдан бери нафақат ватан тарихшунослигида, балки жаҳон тарихшунослигида алоҳида диққат эътибордаги муаммолардан бири бўлиб келган. Бунга энг аввало ушбу курашлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг ўз ватанида нотўғри талқин этилиб, бузиб кўрсатилгани, иккинчидан эса бу курашлар (асосан 1918-1924-йиллардаги кураш) ўзини "меҳнаткашлар ҳокимияти" сифатида жаҳонга эълон қилган совет ҳокимиятининг Туркистонда зўрлик билан ўрнатилиб, куч билан ҳукмронлик қилиб турганини фош этувчи муҳим далил бўлгани билан изоҳланади.

Ушбу кураш воқеаларининг турли йўналишлардаги талқинини ўрганиш асосида маълум бўлишича дастлабки 70 йил давомида, яъни собиқ СССР ҳукм сурган ва жаҳон икки лагерга бўлинган даврларда бу муаммолар тадқиқи кескин ғоявий кураш майдонига айланган. Бу ғоявий курашларда масалага ўз сиёсий манфаатлари, стратегик мақсадлари нуқтаи назаридан бир ёқлама ёндошган совет тарихшунослиги ташаббусни қўлига олиб баҳсларга илмий тус беришга йўл қўймаган, пуч даъволар,

сиёсий айбловлар ва кескин танқидга, назарий ақидаларга, синфий кураш таълимотига асосланиб, бир ёқлама, асоссиз қарашларни зўрлик билан тарғиб ва ташвиқ қилиб келган.

Совет тарихшунослигининг аниқ нашрлар мисолида, манбалар билан қиёсий асосда ва ижтимоий-сиёсий муҳит билан узвий боғлиқликдаги таҳлилидан намоён бўлишича, мустабид тузум даврида тарих фанида олиб борилган тадқиқотлар, жумладан миллий озодлик учун кураш воқеалари (айниса шу тузумга қарши қаратилган ҳаракатлар) тадқиқи бутунлай ҳукмрон мафкура назорати ва таъзийқи остида олиб борилган. Синфий кураш ғоялари билан қуролланган бу мафкура жамият ҳаётининг барча соҳалари - иқтисодий, сиёсий, ғоявий-ижтимоий ва маънавий соҳаларга синфий зиддиятлар нуқтаи-назаридан ёндошиб, синфий манфаатлар асосида баҳолаган ва умуминсоний, умумхалқ ва умуммиллий манфаатларни четга суриб қўйган. Реал воқеликдан узоқ бўлган коммунистик мафкура ҳаёт ҳақиқатини тан олмай, унга ҳамиша қарши борган, бу ҳақиқатни ҳаққоний ёритиш у ёқда турсин, танишни ҳам истамаган. Ана шундай ҳақиқатлардан бири - Туркистонда совет давлати ва тузумига қарши олиб борилган кураш воқеалари бўлиб, оммавий халқ ҳаракатига айланган бу курашлар ҳукмрон мафкуранинг реал ҳаётга зидлиги, меҳнаткашлар манфаатига хизмат қила олмаганини намоён этарди. Бу кураш ҳақиқий халқ ҳаракати бўлиб Туркистон маҳаллий аҳолисининг барча табақаларини умумхалқ, умуммиллий манфаатлар йўлида бирлаштирди ва коммунистик мафкуранинг синфий кураш таълимоти реал ҳаётда ҳақиқий маъно ва асосга эга эмаслигини кўрсатди. Бироқ зўрлик ва куч билан ҳокимият тепасига чиқиб олган коммунистлар партияси халққа ўз таълимотини ҳам зўрлик ва куч

билан сингдиришга киришди, халқ ҳаракатларини шафқатсизлик билан бостирди.

Бу курашларнинг ҳаққоний талқини ушбу мафкура манфаатларига жавоб бермас, аксинча, унинг ҳаётий эмас, ҳаёлий эканлигини, Туркистон халқларининг озодлиги, эркидан маҳрум этиб, жиловлаш учун баҳона бўлганини фош этар эди. Шу сабабли ҳам бу курашлар ҳақида 20-йилларнинг бошларида янграб улгурган ҳақиқат садолари тез орада бўғиб ташланди ҳамда реал воқеликни бузиб кўрсатувчи, ҳукмрон мафкура ва давлат манфаатларига мослаштиришган, синфийлаштирилган, аниқроғи сохталаштирилган талқинлар яратилди. 30-50-йилларда большевикча концепция, 50-йиллар иккинчи ярмидан марксча-ленинча концепция (яъни қарашлар тизими) сифатида таърифланган бундай сохта талқин нафақат тарих фанига, балки адабиётга, санъатга, жамият онгига зўрлик билан сингдирилди.

Зўрлик билан қарор топган бу бир ёқлама, чекланган сохта талқиннинг манбавий асослари ҳам сохта, чекланган эди, уни яратишга хизмат қилган тадқиқот услублари ҳам илмий ёндошишга, реал фикрлашга эмас, партия ва унинг синфий кураш ғояларига, яъни партиявийлик ва синфийликка асосланган эди. Муаммога шу асосда ёндошиш пировардида тарихий ҳақиқатни мутлақо сохталаштиришга, унинг реал аҳволга зид, ҳукмрон ғоялар манфаатига мос талқинини яратишга олиб келди.

Синфий кураш таълимотига асосланган совет тарихшунослигининг тадқиқот усуллари нафақат совет даврида, балки ундан олдинроқ содир бўлган тарихий воқеалар ва жараёнларни ҳам холисона ва ҳаққоний талқин этиш имконини

бермади. Бунинг биринчи сабаби совет тарихшунослигининг синфийлик, партиявийликка, коммунистик мафкура ақидаларига асосланган билан изоҳланса, иккинчи сабаби ҳукмрон давлат халқни ўзлигидан, тарихий хотирасидан, ҳаққоний тарихидан маҳрум этиш ва ўз ғояларига ишонтириш, ҳукмрон давлат манфаатларига, хоҳиш-иродасига бўйсунувчи, итоаткор, коммунизм мутаассибларига айлантириш мақсадини кўзлагани билан изоҳланади. Ўтмишнинг ҳар бир воқеаси халққа ўз илдизлари, ҳаёт тарзи, маънавий меросидан дарак бериши, унга руҳий озуқа бериши шубҳасиз эди. Зеро, Президент И.Каримов таъкидлаганидек ўз тарихини яхши билган, ундан руҳий озуқа олган халқ енгилмасдир[1]. Шу сабабли ҳам бу халқни енгиш, уни ўзлигидан, тарихидан айириб, зўрлик билан турли миллатларнинг сунъий чатишмасидан иборат, (аммо рус тилида сўзлашувчи!) "совет халқи"нинг таркибига қўшиб юбориш, итоаткор оммага, ҳаёлий ғоя фидойисига айлантириш учун унга ҳаққоний тарихни эмас, сохта, совет ғояларига мослаштирилган тарихни яратиш лозим топилди.

Туркистонда 1916 йилда Россия империяси зулмига қарши кўтарилган оммавий халқ қўзғолонининг синфий талқини ҳам шу мақсадда яратилди. Чунки бу воқеанинг ҳаққоний талқини халқда миллий истиқлол ва унинг учун кураш истагини оловлантирар, қўзғолонда қурбон бўлган эрксевар аждодлар мисолида ватанпарварликка ундарди. Қўзғолоннинг Россия ҳукмронлигига барҳам бериш мақсадлари эса бу империя мерасхўри бўлган совет давлатининг ҳукмронлигига таҳдид соларди. Шу туфайли ҳам қўзғолоннинг асл моҳияти ва мақсадларини илк бор илмий

---

[1] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Мулоқот. 1998. №5. Б.13.

асосда ёритишга уринган замондошлар - миллий зиёлилар (Т.Рисқулов ва бошқалар) кескин танқид ва ғоявий хужумларга дучор бўлди, хукмрон тузум "душманлари" деб эълон қилинди. Бу қўзғолоннинг ниҳоятда мавҳум, синфийлаштирилган, сийқалаштирилган талқини яратилди ва зўрлик билан қарор топтирилди. 30-40-йилларда большевикча-сталинча, 50-йиллар ўртасидан эса марксча-ленинча концепция (қарашлар тизими) деб аталган бу талқинда 1916 йил қўзголони Россия ҳукмронлигига эмас, Россия «империализмига, рус буржуазияси ва маҳаллий бойларга» қарши миллий озодлик кураши сифатида ёритилди, лекин рус империализми, маҳаллий бойлар, рус буржуазиясининг совет давлати томонидан тугатилиши Туркистон халқларига миллий озодлик бера олмагани, ўзини гўё "Туркистон меҳнаткашларининг озодликка олиб чиққанлиги" ҳақида жар солган совет давлати ўзига қарши шу халқ олиб борган курашларни 5-6 йилгача енга олмагани эндиликда яхши маълум. Бироқ совет ҳокимияти буни тан олмай, 1916 йил воқеалари талқинида совет тузумининг Туркистон халқларига берган қоғозда бор, амалда йўқ миллий озодлиги қатъий таъкидлаб борилди. Бу қўзғолон талқинида унинг мағлубият сабаби "улуғ рус халқи"нинг раҳбарлик қилмагани билан изоҳланди, уларга тобелик, мутелик ўз кучига ишончсизлик тарғиб этилди. Россиядан ажралиб, мустақил бўлиш мақсадларида аниқ уюшган ҳаракат олиб бориб, ўз мустақил бекликларини эълон қилган Жиззах воқеалари «реакцион чиқишлар» сифатида қораланди.

Ҳар икки кураш воқеалари - 1916 йил қўзғолони ва 1918-1924 йиллардаги оммавий халқ ҳаракатлари моҳияти жиҳатидан бир хил - мустабид тузум зулми ва ҳукмронлигига қарши қаратилган бўлсада, улар совет тарихшунослигида турлича

баҳоланди. Биринчиси, яъни 1916 йил қўзғолони эзилган *синфлар кураши деб*, 1918-1924-йиллардаги курашлар эса "*синфий душман*", -"*эзувчи синфлар*" кураши сифатида кўрсатилди. Оммавийлиги, давоммийлиги, *шиддати*, *кўлами*, уюшқоқлик даражаси ва сиёсий мақсадлари аниқлиги жиҳатидан 1916 йил қўзғолонига нисбатан анча юқори поғонада турган 1918-1924-йиллар воқеаларининг совет тарихшунослигидаги сохталаштирилиши ҳам юксак даражада бўлди. 1916 йил *воқеалари талқинида унинг сабаблари сифатида тор доирада* бўлсада империализмнинг мустамлакачилик зулми кўрсатиб ўтилди, кураш умумий тарзда империализмга қарши миллий озодлик ҳаракати сифатида талқин этилди, лекин 1918-1924-йиллардаги воқеалар талқинида уларнинг сабаблари, моҳияти *ва мақсадлари бутунлай қораланди, чунки 1916 йил воқеалари* совет ҳокимияти барҳам берган Россия империясига, 1918-1924-йил курашлари эса бевосита шу ҳокимиятга, совет давлати ва тузумига қарши қаратилган эди.

Совет тарихшунослиги Туркистондаги курашларда маҳаллий зиёлилар жадид тараққийпарварларининг роли ҳам ўзининг холисона талқинини ололмади. 1916 йил воқеалари талқинида жадидлар "хоин" сифатида, эзилган синфларга қарши чиқиб, мустабид хукуматни қўллаганликда" айбланса, 1918-1924-йиллардаги курашларда "синфий душман - эзувчи синфлар»ни қўллаб қувватлаганликда айбланди. Умуман, совет адабиётларида жадид тараққийпарварлари ҳамиша халққа қарши қўйиб *келинди, уларнинг маърифатпарварлик ва сиёсий фаолияти*, юксак орзу-истаклари, Туркистонда миллий озодлик ҳаракатлари нотўғри талқин этилиб, бузиб кўрсатилди, улар "халқ душмани" сифатида қораланди.

Хуллас, совет тарихшунослигида Туркистон халқларининг *мустабид давлатлар хукмронлигига қарши курашлари* ўзининг ҳаққоний талқинини ололмади, аксинча бу курашлар тарихи сохталаштирилди, нотўғри, бузиб кўрсатилди.Бу курашларнинг умуммиллий ва умумхалқ манфаатлари учун олиб борилгани яширилиб, мутлақо асоссиз равишда синфий манфаатлар ва инқилоб ғоялари соясида кўмиб юборилди, ҳатто 1918-1924-*йиллар воқеалари талқинида курашнинг умумхалқ ҳаракати* инкор этилиб, унинг шиддати ва давомийлиги, умуман авж олиши ташқи омиллар - чет эл империалистларининг хизмати сифатида кўрсатилди, асл моҳияти, сабаблари ва мақсади эътироф этилмади.

3. Ўз ватанида яширилган, бузиб кўрсатилган тарихий ҳақиқат хорижда ошкораликка йўл излади. 20-йиллар охиридаёқ мухожир ватандошларимиз Туркистон истиқлоли учун курашлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни жаҳон жамоатчилигига етказиш мақсадида бу воқеаларнинг ҳаққоний талқини битилган илк мақолалар ва хотираларини хорижий матбуотда эълон қила бошладилар. 30-40-йилларда уларнинг илк илмий асарлари, 50-60-йилларда йирик монографиялари чоп этиди. Инглиз, немис, турк, француз тилларида чоп этилган бу асарлар хорижий тарихшуносликда Туркистон озодлиги учун кураш воқеалари ўзининг ҳаққоний талқинини олишида катта роль ўйнади. Кураш воқеаларининг гувоҳлари, замондоши ва иштирокчилари бўлган Абдулла Ражаб Бойсун, Закий Валидий Тўғон, Мустафо Чўқаев каби замондошларнинг аниқ фактлар ва далиллар билан асосланган хотиралари бошқа манбалар билан тўлдирилган ҳолда йирик тадқиқотларга асос бўлди. Натижада хорижий тарихшуносликда XX асрнинг биринчи ярмидаёқ бу

курашлар моҳияти тўғри баҳоланди, 50-йиллардан бошлаб эса илмий асосланган қарашлар сифатида қарор топиб борди.

Хорижий тарихшуносликда 1916 йил қўзғолони ва 1918-1924-йиллардаги курашлар моҳияти жиҳатидан бир хил, кейингиси аввалгисининг давоми, анча уюшган, сиёсий тус олган, шаклли, юқори босқичи эканлиги эътироф этилди, ҳар икки воқеа Туркистон халқларининг миллий озодлиги учун олиб борилган халқ ҳаракати сифатида баҳоланди. Совет ҳокимияти эса мустабид Россия империясининг давомчиси, мероскўри эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу кураш воқеаларининг асосий мақсади Туркистонда Россия ҳукмронлигига, зулмига чек қўйиш бўлганлиги қайд этилди.

Хорижий тадқиқотларда, масалан немис ва турк тарихшунослигида совет ҳокимиятига қарши курашнинг даврий чегаралари 30-йилларнинг ўртасига қадар белгиланади ва мустабид тузумнинг қатағон қилиш, яъни қириш сиёсати билан барҳам топгани таъкидланади. Умуман, хорижий тарихшуносликда немис ва турк тарихшунослиги бу муаммолар талқинида алоҳида ўрин тутади, катта илмий натижалари билан ажралиб туради ва бу энг аввало ушбу тилларда мухожир ватандошларимиз ижод қилгани билан изоҳланади. Туркистондаги маҳаллий шарт-шароит, хусусиятлар ва ички омиллардан, содир бўлган воқеалардан яхши хабардор бўлган, халқнинг орзу-армонларини яхши билган мухожир ватандошлар ижодида Туркистон миллий озодлиги учун кураш тарихининг энг муҳим масалалари илк бор ўзининг ҳаққоний талқинини олди.

Совет ҳокимиятига қарши кураш сабаби ва мақсадларини тўғри баҳолай олган инглиз-америка тарихшунослигида баъзи масалалар, масалан, кураш босқичлари, мағлубият сабаблари,

сардорлар-қўрбошиларнинг маънавий сиёсий қиёфаси, фаолияти каби масалаларда шошилинч, юзаки ёки зиддиятли мулоҳазалар ҳам учраб туради ва бу, энг аввало, маҳаллий шарт-шароит, ички омиллардан бехабарлик, манбаларнинг етишмаслиги билан изоҳланади. Лекин бундай камчиликлар хорижий муаллифларнинг кураш моҳияти ҳақидаги яқдил қарашларини инкор эта олмайди.

Хорижий тарихшуносликда Туркистонда мустабид давлатлар ҳукмронлигига қарши қаратилган курашлар моҳияти ҳақида яқдил хулосалар билдириш билан бирга айрим тадқиқотларда бу воқеаларни диний ҳаракат (яъни мусулмонларнинг кофирларга қарши юриши) ёки миллатлараро кураш, миллий ихтилоф сифатида талқин этишга уринишлар ҳам учраб туради. Ўлкадаги ҳақиқий аҳволдан бехабарлик, манбалардан фойдаланиш имкони чекланган туфайли юзага келган бундай юзаки ва шошилинч мулоҳазалар айрим тадқиқотларга хос нуқсон бўлиб, муаммо тарихини ниҳоятда сохталаштириб юборган совет нашрлари таъсирида яратилган.

Хорижий тарихшуносликда, хусусан инглиз америка тарихшунослигида бу муаммога Афғонистон воқеалари ёки ислом дини билан боғлиқ равишда тўхтаб ўтган тадқиқотларда масалани сиёсийлаштиришга уриниш ҳоллари кўзга ташлансада, бу ҳол умумий, хос хусусиятга айланмайди, айрим муаллифларнинг шахсий мулоҳазаси сифатида намоён бўлади.

Умуман, олганда хорижий тарихшунослик намуналарининг аксарияти масаланинг моҳиятини тўғри баҳолай олиш, холисона ёритишга уриниш билан совет тарихшунослигидан катта фарқ қилади ва муаммонинг "марксча-ленинча" талқинига мутлақо зид қарашларни илгари суради.

Хорижий тарихшунослик ва совет тарихшунослигининг манбавий асослари таҳлилидан маълум бўлишича хориж тадқиқотчилари муҳим тарихий манба сифатида замондошларнинг хотиралари, кўрсатмалари, асарларидан кенг фойдаланганлар. Совет тарихшунослигида эса асосан мустабид ҳукумат архивидаги расмий ҳужжатлар сараланган ҳолда, чекланган доирада, ғолиб тараф манфаати нуқтаи-назаридан жалб этилган, ҳаққоний ва холис қарашлар эътиборга олинмаган, атайин четга сурилган, улардан фойдаланиш, илмий истеъмолга киритиш ман этилган.

Тадқиқотларнинг манбавий асоси ҳамда масалага ёндошувида кўзланган мақсадлар уларнинг илмий натижаларини белгилаб берган. Энг ишончли манбалар - замондошлар гувоҳлиги ва хотираларидан холисона фойдаланган хорижий тадқиқот намуналарида совет ҳокимиятига қарши кураш моҳияти, сабаб ва мақсадлари ўзининг тўғри баҳосини олишга мушарраф бўлган бўлса, чекланган, бир ёқлама расмий маълумотлардан нохолисона асосда, ноилмий мақсадларда, тор манфаатлардан келиб чиққан ҳолда, сохталаштирилган тарихни асослаш учун фойдаланган совет тарихшунослигида бу муаммо мутлақо нотўғри талқин олган.

4. 1991 йилда, яъни собиқ мустабид совет давлати таркибидан ажралиб чиққан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги қўлга киритилиб, мустамлакачилик, мафкуравий қуллик, иқтисодий, сиёсий, маънавий қарамликка барҳам берилгач, ватанимизда қонуний асосда қарор топган ҳурфикрлик ва ошкоралик шароитида ривожлана бошлаган тарих фанида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўзининг аввалги мажбурий юки - ғаразли сиёсатга, коммунистик мафкурага,

хукмрон мустабид давлат манфаатига хизмат қилиш вазифасидан соқит бўлган тарих фани зиммасига ҳаққоний, *холисона тарихни яратиш, жамият, халқ, миллатнинг маънавий* юксалишига хизмат қилиш масъулияти юкланди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июль іабул іилинган қарори[1] билан бу масъулиятли вазифаларни амалга ошириш учун барча имконият, зарур шарт-шароит яратилди, аниі ҳаракат дастури белгилаб берилди. Бунга қадар ҳам республикамизда сўнгги 7 йил давомида олиб борилган илмий изланишлар янада жонланиб, изчил ва мақсадли йўналишга солинди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ барча тарихий манбалардан эркин фойдаланиш имкони яратилиши билан тарихимизнинг сохталаштирилган, бузиб кўрсатилган ёки унутилган саҳифаларини, қайтадан ҳаққоний асосда тиклаш мақсадида бошлаб юборилган изланишлар ўз илмий самарасини бермоқда.

90 йиллар давомида Туркистонда мустабид давлатлар Россия империяси ва Совет давлати хукмронлиги ҳамда зулмига қарши олиб борилган курашлар тарихининг жуда кўп масалалари ўзининг ҳаққоний ва холисона талқинини олди. Энг муҳими илмий жамоатчиликнинг алоҳида диққат эътиборида бўлиб келаётган бу курашларнинг асл моҳияти, сабаблари ва мақсади ўзининг ҳаққоний баҳосини олишга сазовор бўлди.

Бугунги кунга келиб, Президент И.Каримов таъкидлаганидек, «биз тарихимизни қораланган, бузиб кўрсатилган саҳифаларини оқлаб бўлдик, эндиликда асосий вазифа унинг илмий асосланган

---

[1] «Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон овози. 1998й. 28 июль.

талқинини яратишдир»[1]. Дарҳақиқат, илмий жамоатчилик олдида *турган навбатдаги муҳим вазифа - бу ўтмиш тарихимизни, хусусан Туркистоннинг мустамлакачилик даври тарихини ҳам* чуқур илмий асосланган талқинини яратишдир. Шу даврнинг энг муҳим муаммоси бўлган Туркистондаги мустабид тузумга қарши курашлар тарихи ҳам ўзининг шундай талқинини кутмоқда. Ҳозирга қадар ватан тарихшунослигида эришилган дастлабки натижалар шундай талқин учун *пойдевор, замин ҳозирлади.* Эндиликда бу курашларнинг кам ўрганилган, муаммоли, мунозарали ёхуд хали тадқиқ этилмаган, масалаларни ўрганиш, илмий истеъмолга киритилмаган манбаларни қиёсий ва холисона тадқиқ этиш лозим. Бу борада муаммонинг асосан қуйидаги масалаларига ўз тадқиқини кутмоқда:

Туркистонда 1916 йил қўзғолони бўйича:

-*қўзғолоннинг асосий мақсадлари ва моҳияти, умумхалқ* характери, унда мулкдор тоифалар ва аёлларнинг фаол иштироки, жадид тараққийпарварларининг роли ва муносабати;

-Жиззах воқеаларининг моҳияти, мақсадлари ва фожеали оқибати, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги қўзғолонлар, қўзғолоннинг енгилиш сабаблари, тарихий аҳамияти ва *сабоқлари, қўзғолончилар, мардикорликка сафарбар* этилганларнинг қисмати, «туземлилар комитетлари»нинг фаолияти, муҳожир ватандошлар, қўзғолончиларнинг хотиралари, замондошларнинг кўрсатмалари, қўзғолонга бағишланган халқ оғзаки ижоди намуналари (ашула, шеър, лапар, достонлар). Фикримча, ана шу масалаларнинг *атрофлича* ва чуқур талқини Ўзбекистонда 1916 йил

---

[1] И.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдиди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: 1997. Б.142.

қўзғолонининг ҳаққоний ва илмий асосланган талқинини яратиш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1916 йил воқеалари нафақат ҳозирги Ўзбекистон, балки бутун Туркистон ҳудуди доирасида, қўшни республикалар олимлари билан ҳамкорликда тадқиқ этилиши лозим, чунки 1924 йилга қадар ягона оила сифатида яшаб келган Туркистон халқлари мустабид тузумга қарши биргаликда, бир сафда туриб курашганлар.

Совет ҳокимиятига қарши курашлар - истиқлолчилик ҳаракати тарихининг қуйидаги масалалари ўзининг ҳаққоний, чуқур ва атрофлича талқинини кутмоқда.

-кураш сабаблари (совет ҳокимиятининг зўравонлик, талончилик, миллий зулм ва адолатсизликка асосланган мустамлакачилик сиёсати, Туркистон халқларининг оғир иқтисодий асоратга солиниши, сиёсий ҳуқуқсизлик ва бошқа ҳолатларни аниқ фактлар мисолида илмий асослаш), ижтимоий-сиёсий моҳияти, ғоявий-мафкуравий асослари, асосий мақсадлари, унда жадид тараққиёпарварларининг тутган ўрни ва роли, маҳаллий коммунистларнинг муносабати, кураш фронтидаги ички аҳвол (ҳарбий интизом, моддий-ҳарбий таъминот, ташкилий масалалар, жисмоний ресурслар, кенг халқ оммасининг муносабати), ҳаракатнинг Туркистон ҳудудидаги совет ҳокимиятига қарши бошқа кучлар, фронтлар, ташкилотлар билан алоқалари, ривожланиш босқичлари, асосий сардорлари, ҳаракат доираси ва ҳудудлари, қароргоҳлар, Туркистон, Бухоро ва Хива ҳудудидаги мустабид тузумга қарши кураш фронтларининг ўзаро алоқалари, ўзига хос ва умумий хусусиятлари, хорижий давлатлар - қўшни ва Европа мамлакатларининг таъсири, улар билан алоқалар, кураш

давомида миллий давлатчилик ғояси учун интилишлар ва уларнинг оқибатлари, қизил армиянинг ҳарбий террорга асосланган жиноий босқинчилик, оммавий-қирғин, гаровга олиш, риёкорлик сиёсати, курашнинг сўнгги босқичлари, мағлубият сабаблари.

Бу масалаларни аниқлаштиришда нафақат Ўрта Осиё республикалари ҳамда Россиянинг Москва, Ленинград шаҳридаги архив манбалари, балки муҳожирликда бўлган кураш иштирокчиларининг асосан хорижда сақланиб қолган *ва чоп* этилган хотира ва кўрсатмалари, *оддий замондошларнинг* эсдаликлари, қўрбашилар, *миллий арбобларнинг шахсий архив*лари *(Франция,* АҚШ, Афғонистон, Туркияда сақланиб қолган) *муҳим аҳамиятга эга. Бу муаммога* доир хорижий тарихшунослик (немис, инглиз, турк, француз, араб тилларидаги) намуналари ва уларнинг манбаларини янада чуқурроқ ўрганиш, уларнинг илмий асосланган талқинини яратиш лозим.

Бу курашлар тарихига оид ҳозирга қадар аниқланган маълумотларни ҳамда ҳали тадқиқ этилмаган манбаларни ўрганиш, барча тарихий фактларни ўзаро қиёсий таҳлил этиш асосида Туркистонда, Бухоро ва Хоразм республикаларида, аниқроғи ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1918-1924 йилларда мустабид совет ҳокимиятига қарши халқимиз олиб борган курашларнинг чуқур илмий асосланган, ҳаққоний, тарихий талқинини яратиш тарихчилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Зеро Республикамиз Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «...ватан озодлиги учун курашган аждодларимиз меҳнатини *юзага чиқариш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарздир»*[1].

---

[1] И.А.Каримов. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги табрик сўзидан. 1997 й. 19 октябрь.

Адабиётлар ва манбалар

И.А.Каримов асарлари

1.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Т.:*Ўзбекистон. 1999.*

2.Каримов И.А. Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига багиш-*ланган тантанали мажлисдаги табрик сўзи. // Халқ сўзи.* - 1997 й. - 19 окт.

3.*Каримов И.А. Ватан фан равнақига хизмат қилсин.* Ўзбекистон Фанлар Академиясининг 50-йиллиги муносабати *билан сўзланган нутк. 1993 й. 5 ноябрь // Каримов И. Биздан* озод ва обод Ватан қолсин.2 жилд. - Т.: Узбекистон, 1996. - *Б.79-80.*

4.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI, бўсағасида: хавфсизликка *таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* – Т.: Ўзбекистон, 1997.- 326 б.

5.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ Т.: Шарқ, 1998. - 31 б.

6.Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллат-ни миллат қилишга хизмат қилсин // Тафаккур. -1998. - №2. – Б. 3-16

Диссертациялар ва авторефератлар

7.Абдурахимова Н.А. Революционное движение и карательная политика царизма в Туркестане. К истории царской тюрьмы в Туркестане: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Т., 1969. - 39 с.

8.Аъзамходжаев С. Туркестанская автономия: борьба за свободу и независимость (1917-1918): Дис. ... д-ра ист. наук. –Т., 1997. – 369 с.

9.Ахтямова Ю.С. Национальная политика Советской власти в Средней Азии в американской буржуазной историографии.(1917-1970): Дис. ... канд. ист. наук. - Т., 1973. – 208 с.

10.Жакыпбеков Ж. Советская историография революционного и национально-освободительного движения в Средней Азии во второй половине XIX-начале XX вв. (на материалах Киргизии). Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - М., 1986. - 21 с.

11.Кастельская З.Д. Основные предпосылки узбекского дехканского движения в 1916 году (Тезисы кандидатской диссертации). Л., 1935. - 8 с.

12.Ковалев П.А. Мобилизация на тыловые работы населения Туркестана и восстание 1916 года. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Т., 1953. - 22 с.

13.Норжигитова Н. Туркистонда "босмачилик ҳаракати" тарихшунослиги: Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. –Т., 1994. - 143 б.

14.Прилуцкий Е. Национально-государственное строительство в советском Туркестане: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Т., 1991. – 24 с.

15.Ражабов Қ. Фарғона водийсида истиқлолчилик ҳаракати.: Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. –Т., 1994. 175 б.

16.Хакимов Р. Зарубежная историография истории басмачества в Средней Азии. 1917-1932. (на материалах англо-американской летиратуры): Дис. ... канд. ист. наук. - Т., 1992. - 159 с.

17.Хидоятова Н. Басмаческое движение в современной советологии: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. - Т., 1993. - 24 с.

Хотиралар ва ҳужжатлар тўплами

18.Воспоминания участников гражданской войны в Андижанской области. Вып.1. -Андижан: без изд. 1957. - 215 с.

19.В боях за Советскую власть в Ферганской долине. Воспоминания участников. –Т.: АН Уз.ССР, 1957.- 208 с.

20.Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник документов. - М.: АН. СССР, 1960. – 794 с.

21.Восстание 1916 года в Киргизстане (Документы и материалы, собранные Л.В. Лесной под редакцией и с предисловием Т.Р. Рискулова). –М.: Соцэкгиз. 1937. – 168 с.

22.Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстане. Сборник документов. - М.: АН СССР, 1960. – 794 с.

23.Восстание 1916 года в Туркмении (документы и материалы). – Ашхабад: Туркмен. Гос.Издат. 1938. – 317 с.

24.Дневник Куропаткина // Красный архив. том. XXXIV, -М.: 1929. – 38-94 с.

25.Куприкова Е.Н. Союз рабочего класса и трудового дайханства Туркменистана в период Октябрьской революции и гражданской войны (1917-1920 гг.) Документы и материалы. – Ашхабад: АН Турк.ССР, 1957. – 488 с.

26.Октябрьская революция и гражданская война в Туркестане. Воспоминания участников. –Т.: 1957. – 307 с.

Мақолалар

27.Абуталипов А. Правды истории не опровергнуть: против фальсификации басмаческого движения буржуазными идеологами // Коммунист Узбекистана. -1981.- №10. –С.79-88.

28.Акромов А. "Босмачилик ҳаракати ва унинг моҳияти" // Ҳаёт ва иқтисод. -1991. -№7. –Б.58-64.

29.Алимова Д.А. Тарихий онг нима учун керак (ҳозирги замон тарих фани олдида турган вазифалар ҳақидаги мулоҳазалар) //Халқ сўзи. -1998. -31 июль.

30.Алимова Д.А., Б.В. Лунин. Работы историографов республики Узбекистана // Отечественная история. -1997. -№2. – С.17-24.

31.Алимова Д.А, Э.Каримов. Задачи исторической науки на современном этапе//Общественные науки в Узб-не. -1996. -№11. –С. 13-15.

32.Антонов. Не национальное, а белогвардейское // Красная Фергана, -1921.- 17 мая.

33.Баранов П. Положение Туркестанской республики и реорганизация Красной Армии//Военная мысль. -1921. -№2. – С.26-28.

34.Батманов Н. Басмачество и борьба с ним //Красная Армия.- 1921.- №9. –С.41-44.

35.Босмачилар билан сулҳ музокаралари // Фарғона. -1921. -15 сентябрь.

36.Босмачилик қайдан чиқди ҳам унинг билан кураш // Фарғона.- 1921. - 2 июль.

37.Боймирза Хаит. Басмаческое движение//Звезда Востока. -1992. -№1. - С.97-105.

38.Бройдо Г.И. Материалы к истории восстания киргиз в 1916 году // Новый Восток. 1924. Кн.6. - С 390-434.

39.Верин. Мира и хлеба // Красная Фергана. -1921, - 11 декабря.

40.Галузо П. За большевистскую концепцию восстания 1916 года в Средней Азии (К 15-летию восстания) // Туркменоведение. -1931. -№7-9. –С.59-62.

41.Гр. Кин. Ликвидация басмачества // Еженедельник политработника. -1920. - 14 ноября.

42.Дарвеш (Н.Тўрақулов) Босмачилик // Фарғона. -1921. - 14 июль.

43.Додонов К.И. Борьба за создание советского аппарата власти в Туркестане после Октября //Изв. АН УзССР. –1957. - №4. –С.13-41.

44.Дониёров Ш. *Мухторият қисмати* // Шарқ юлдузи, -1991. -№12. –Б.159-201.

45.Заки Валидий Тўғон. Хотиралар//Шарқ Юлдузи. -1993. - № 9. –Б.151-171.

46.Зима А.Г. К 30-летию национально-освободительного восстания 1916 года в Киргизии // Известия Киргизского филиала АН СССР. –1947. -Вып.6. –С.101-107.

47.Иноятов Х.Ш. Против фальсификации истории Советской Средней Азии // Общественные науки в Узбекистане.-1961. - №1. –С.25-32.

48.Иноятов Х.Ш. Опровергается фактами//Дружба народов. -1971. -№5. –С.141-152;

49.Исоқов И. Қирғинни ким қилган-у, жадига қолган ким эди? // Шарқ Юлдузи. -1992. -№5. –Б.158-173.

50.Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари. Давра суҳбати // Шарқ Юлдузи. -1995. -№11-12. –Б.3-29.

51.Исмоилова Ж. Наманганда 1916 йил халқ қўзғолони // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -1997. -№5. –Б.29-34.

52.Кирш Ю. Мечты и действительность // Еженедельник политработника. -1921. - 31 января.

53.Ким П., Хасанов М. Басмачество: 1921-1924 г. // Звезда Востока. -1989. -№6. –С.141-150.

54.К-ов А. Два голоса: Прокламация "победоносного" начальника войск Ислама Бек Шермухаммеда (Курширмата). // Еженедельник политработника. -1921. - 16 января.

55.Ковалев П.А. Восстание 1916 года в Средней Азии и русская буржуазия // Труды САГУ. Вып.45. Гуманитарные науки. кн.5. -1953.- С.34-41.

56.Коршунова П. Зверская расправа царского правительства с повстанцами Ферганы (воспоминания очевидца) // Советское краеведение. -1936. -№9. – С.31-33.

57.Кузьмин Н., Найда С. и др. О некоторых вопросах истории гражданской войны // Коммунист. -1956. -№12. –С.54-71.

58.О восстании казахов и киргизов в 1916 году // Красный Казахстан. -1926. -№1 С.14-34.

59.Папоров Ю. "Белое солнце пустыни" // Юность. -199О. -№1. –С.80-90.

60.Происхождение басмачества и борьба с ним. Агит. отдел Ферганской области (Тезисы для агитаторов) // Красная Фергана. -1927. - 1 июля.

61.Ражабов Қ. Мадаминбекнинг Сафоновга мактуби. Саодат.-1993. -№4-5. –Б.23-26.

62.Ражабов Қ. Истиқлолчи деган маъқул // Фан ва турмуш. -1995. -№3. –Б.5-7.

63.Рискулов Т. Туркистонда босмачилар ҳаракатини тугатиш масаласи // Туркистон. -1923. -1 июль.

64.Рыскулов Т. Из истории борьбы за освобождение Востока // Новый Восток. -1924. -Кн.6. –С.206-264.

65.Современное положение басмачества // Туркестанская правда. -1922. -№19.

66.Сольц И. Кўршермат и автономия // Красная Фергана. -1921. -1О июля.

67.Тарасов Ю. О характере движения 1916 года в Туркмении // Вопросы истории. -1951. -№ 9. –С.111-117.

68.Тимошков С.П. Разгром английских интервентов в Туркестане // Военно-исторический журнал. -1939 -№5. –С.28-32.

69.Турсунов Х., Юсупов Э. К вопросу о характере восстания 1916 года в Средней Азии.// История СССР. -1981. -№5. –С.157-164.

70.Тўрақулов Н.Т. (Дарвеш) Ферганская проблема//Военная мысль. -1921. -№2. –Б.43-47.

71.Филиппов С.П. Беззастенчивый грабеж (по следам карательной экспедиции ген. Мадритова) //Туркменоведение. -1930. -№11. –С.19-21

72.Филиппов С.П. Карательная экспедиция генерала Мадритова (Очерк из истории восстания иомудов 1916-1917 гг. // Туркменоведение. -193О. -№6-7. –С.17-20.

73.Хидоятов Г.А. Современная английская и американская буржуазная литература о Великой Октябрьской революции и

гражданской войне в Туркестане //История СССР. -1961. -№3. –С.198-220.

74.Холбоев С. "Босмачи уни қандай баҳолаш керак? //Фан ва турмуш. -1995. -№3. –Б.36-39.

75.Чориев З. Мардикорлар. // Ёшлик. -1991. -№5. –Б.36-39.

76.Чориев З. Судебные процессы над участниками восстания 1916 года // Хозяйства и права -1998. -№1. –С.86-89.

77.Чориев З. Новые источники по истории тыловых рабочих Туркестана. Общественные науки в *Узбекистане. -1998. -№2.* – С.50-53.

78.Юсупов Ю., Турсунов Х. К истории восстания 1916 года // Общественные науки в Узбекистане. -1981. -№4. –С.26-30.

79.1916 йилнинг хур шамоли. // Ўзбекистон овози. - 1996. 12 сентябрь.

Адабиётлар

80.Алексеенко П. Что такое басмачество. - Т.: Узбекгосиздат, *1931.* –93 с.

81.Алексеенко П. Кокандская автономия. - Т.: Узбекгосиздат, 1931. –80 с.

82.Ахмеджанов Г.А.Российская империя в Центральной Азии. Т.: Фан: 1995,217 с.

83.*Алексеров. Интервенция и гражданская война в Средней* Азии. -Т.: Госиздат Уз. ССР, 1959. –233 с.

84.Багиров М. К вопросу о характере движения мюридизма и Шамиля. -М.: Полит. лит., 1951. –32 с.

85.Басмачество: социально-политическая сущность. -Т.: Фан, 1984. –155с.

86.Басмачества: правда истории и вымичель фальсификаторов. - М.: Мысль. 1986. - 255 с.

87.Берегин Қ. Гражданлар уруши тарихи тўғрисида. (1935 йилда бўлган Ўзбекистон Совет ёзувчилари Союзининг II Пленумида қилинган доклад). -Т.: Ўздавнашр, 1935. –94 б.

88.Божко Ф. Гражданская война в Средней Азии. -Т.: УЗГИЗ, 1930. – 88с.

89.Божко Ф. . *Восстание 1916 года в Средней Азии. К 10-*летию восстания (материалы для докладчиков). М.- Т.: УзГИЗ - 47 с.

90.Восстание 1916 года в Узбекистане. Тезисы к тридцатилетию со дня восстания. -Т.: нашрсиз, 1946. –8 б.

91.Гражданская война и иностранная военная интервенция в Средней Азии.- Ашхабад: Ылым, 1986. –283 с.

92.Елагин А.С. Из истории героической борьбы партизан Семиречья. Алма-Ата, АН Каз.ССР, 1957. –43 с.

93.Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. -Т.: Адолат,1997. - 279 б.

94.Зевелев А.И. Из истории гражданской войны в Узбекистане. -Т.: Госиздат, 1959. –607 с.

95.Зевелев А.И. Историография Советского Туркестана (историография и источники по истории гражданской войны в Туркестане). -Т.: Узбекистан, 1968. –276 с.

96.Зевелев А.И., Поляков Ю.А., Чугунов А.И. Басмачество: возникновение, сущность, крах. -М.: Наука, 1981. –244 с.

97.Зиёев Х. Туркистонда Россия тажовузига ва хукмронлигига карши кураш. (XVIII-XX аср бошлари). –Т.: Шарк: , 1998 - 467 б.

98.Иброхим Карим. Мадаминбек. Т.: Ёзувчи. 1993. - 171 б.

99.Ибодинов А. Қўрбоши Мадаминбек (хужжатли қисса). -Т. Ёзувчи, 1993. 84 б.

100.Инқилоб олови ичида. Тўплам. –Т.: Ўздавнашр. 1935. - 97 б.

101.Иноятов Х.Ш. Ленинская национальная политика в действии (ответ идеологам антикоммунизма, извращающим исторический опыт строительства социализма в Средней Азии и Казахстане).– Т.: Узбекистан. 1973. -440 с.

102.Иноятов Х.Ш. Против фальсификации истории победы советской власти в Средней Азии и Казахстана. - Т.: Узбекистан, 1976. -376 с.

103.История гражданской войны в Узбекистана. Т.I. - Т.: Фан, 1964. - 438 с.; т.II. - Т.: Фан, 1970. - 364 с.

104.История и историография национально-освободительных движений второй полевины XIX начала XX в. в Средней Азии и Казахстане. Итоги, поиски, перспективы изучения. -Т.: Фан, 1989. - 132с.

105.Кастельская З.Д. Восстание 1916 года в Узбекистане. - Т.: Гос.издат. 1937. - 66с.

106.Кельдыев Т.Х. Разгром контрреволюции в Ферганской и Самаркандской областях Туркестанской АССР. - Т.: Госиздат. 1959. - 149с.

107.Ковелев П.А. Тыловые рабочие Туркестана в годы первой мировой войны. - Т.: Гос.издат.1957. - 189с.

108.Козловский Е. За красный Туркестан. –Т.:, 1926.- 44 с.

109.Ковалов П.А. Революционная ситуация 1915-1917 гг. и ее проявление в Туркестане. –Т.: 1971. – 274 с.

110.Коканбаев А. Борьба за установления и упрочения советской власти в Ферганской долине. - Т.: Госиздат. 1958. - 116с.

111.Кощанов Б.А., Джумашев А.М. Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпакстана в первой четверти XX века. - Нукус: Каракалпакстан. 1997. - 45 с.

112.Кручовский Ю. Хашар.- Москва-Ташкент: 1933. - 170 с.

113.Малышев К. Борьба за Советы в Киргизии и Туркестана. Фрунзе. Киргизгосиздат. 1958. - 138с.

114.Материалы Объединенной научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана. - Т.: АН УзССР, 1955. - 590с.

115.Мейер А. Боевые эпизоды в Фергане и Хорезме. - Москва-Т.: Гос.издат. 1934. - 59 с.

116.Микоян А.Н. Речь на XX съезде КПСС. -М.: Госполитиздат. 1956. - 39с.

117.Мустақиллик - бу ҳуқуқ. Мақолалар тўплами. -Т.: Ўзбекистон, 1977. - 250 б.

118.Национально-освободительное восстание 1916 г. в Узбекистане. Сборник статей. - Т.: Госиздат.Уз.ССР, 1947. - 64с.

119.Никишов П.П. Борьба с басмачеством на юге Киргизии. Фрунзе: Киргизгосиздат. 1957, - 130с.

120.Новоселов К.Н. Против буржуазных фальсификаторов истории Средней Азии. Ашхабад: Туркменгосиздат. 1962, - 319с.

121.Полыковский М. Конец Мадаминбека. Записки о гражданской войне. -Т.: Гафур Гулям, 1984, - 150с.

122.Рыскулов Т. Мусбюро РКП(б) в Туркестане. –Т. Туркгосиздат. 1922. - 94 с.

123.Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана (Сборник главнейших статей, докладов, речей и тезисов. часть 1. 1917-1918. -Т.: Узгосиздат. 1925. - 186с.

124.Сапегина В.А. Борьба за создание советского государственного аппарата в Туркестане. (фев. 1917 – апр. 1918). -Т.: АН УзССР. 1955, - 86с.

125.Сафаров Г. Колониальная революция. (Опыт Туркестана). -М.: Госиздат. 1921, - 147с.

126.Сафаров Н. Унутилмас кунлар (16-йил Жиззах қўзғолонидан хотираларим). - Т.: Уздавнашр. 1932. - 20 б.

127.Сулейманов Б.С., Басин В.Я. Восстание 1916 года в Казахстане. Алма-Ата, Наука. 1977, - 166 с.

128.Суюнова О. Туркистонда 1916 йилги миллий-озодлик кураши (Сирдарё вилояти мисолида). -Т.: 1997. - 131 б.

129.Тайны национальной политики ЦК РКП. - М.: ИНСАН, 1992. - 296 с.

130.Ташлиев Ш. Установление и упрочение Советской власти Туркестане (1917-июнь 1918). - Ашхабад: Туркмен-госиздат. 1957. - 144 с.

131.Тоҳир Қаҳҳор. Хур Туркистон учун. - Т.: Чўлпон. 1994, - 110 б.

132.Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. –Т.: Фан. 1996. - 83 б.

133.Турсунов Х. Восстание 1916 года в Средней Азии и Казахстана. - Т.: Госиздат. 1962. - 428с.

134.Турсунов Х. Ўзбекистонда 1916 йил халқ қўзғолони. -Т.: Ўзбекистон. 1966. - 168 б.

135.Усенбаев К. 1916: героические и трагические страницы. Бишкек, 1997. - 201 с.

136.Усенбаев К. Восстание 1916 года в Киргизии. -Фрунзе: Илим. 1967. - 327с.

137.Федоров Е. Очерки национально-освободительного движения в Средней Азии. - Т.: Госиздат. 1925. - 80с.

138.Фрунзе В.И. На фронтах гражданской войны. Сб. документов. - М.: Воениздат. 1941. - 427с.

139.Хидоятов Г.А. Ленинская национальная политика и современная идеологическая борьба. -Т.: Ўзбекистон. 1972. - 296б.

140.Хидоятов Г.А. Правда против лжи. –Т.: Ўзбекистон. 1964. - 204б.

141.Хроника событий гражданской войны в Узбекистане. 1918-1920. - Т.: Фан. 1991. 212с.

142.Чўқаев М. Истиқлол жаллодлари. -Т.: Ғафур Ғулом. 199О. - 79б.

143.Шамагдиев Ш.А. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. –Т.: АН УзССР. 1961, - 387с.

144.Этштейн М.С. Последние директивы Центрального Комитета Р.К.П. - Т.: Госиздат. 1922, - 21 с.

145.Юсупов Э.Ю., Лунин Б.В. Басмачество - орудие реакции (Исторические параллели) - Т.: Фан. 1981. - 40с.

146.Языков М. Борьба за установление и упрочение советской власти в западном Туркменистане. Ашхабад: АН Турк. ССР. 1957. - 124с.

Хорижий адабиётлар

147.Abdulla. Rajab Boysun. Turkistan Milli Hareketlari. Istanbul. 1945.

148. Ali Bademci. Korbasilar. 1917-1934. Turkistan Milli Hareketi ve Enver Pasa. Istanbul.1975.

149. Baymirza Hayit. Turkestan im XX jahrhundert. Darmstadt.1956; Islam and Turkestan under Russian Ruie. Istanbul. 1987; Turkestan im Herzen Euroasians. Koln.1980; Turkestan Zwischen Russland Und China. Amsterdam.1971; Sovyetler Birligindeki Turkugun ve islamin Bazi Meseieieri. Istanbul.1987; Some Problems jf Modern Turkistan History. An Analysis of Soviet Attacks on the Alleged Falsifiers of the history of Turkistan.Dusseldorf.1963

150. Becker S. Russias Protectorates in Central Asis: Buhara and Khiva 1865-1924. Cambridge.1968;

151. Bennigsen A., Islam in the soviet renionLemercier-Quelguejay Ch. Islam in the Soviet Union. London, 1967.

152. Caroe O. Soviet Empire. The Turks of Central Asis anl Stalinism. London.1954)

153. Charles Hostler. Turkism and the Sarts. London. 1957. A.Pirce. Russian Central Asia. 196O.

154. Chocaev M. The Basmachi movement in Turkestan - Zhe Asiatic Review. London.1928. vol XX1Y. April

155. Dr. Baymirza Hayitning Esereri ve Faaliyetleri hakkinda Bildirilgen Fikirler. (Batu Avrupa, A.B.D. ve Sark). Cilt. Ankara. 1994.

156. Garje J. Sjvien Empire. The of Central Asia and Stalinism. London. 1954

157. Kunitz J. Dawn over Samarkand. The Rebirth of Central Asia. London - New York. 1936;

158. Koralz W. Russia and her Colonies. New York.1955; G.Wheler. Rhe Russian Presence in Central Asis//Canadian Slavonic Papers. Ottava.1975. vol.17. 2-3.

159. Macartney Gt. Botshevism as it in Turkestan in 1918 // Journal of the Royal Central Society. vol. УП. London. 1920. vol 9;

160. Malleson W. Zhe British Military Mission to Turkestan 1918-1920. Journal of the Royal Central Society. 1922 vol.9. pt.2;

161. Olcott M. Basmachi or Freemens Revolt in Turkestan 1918-1924//Soviet Studies. University of Glasgow. 1981. vol.XXXШ; 3

162. Park A. Bolshevism in Turkestan: 1917-1927. New York. 1957; Allworth E. The End of Ethnic integration in Southern Central Asis. Washington. 1981;

163. Pipes R. The Formation of the Soviet Union: Communism and Nationalism. 1917-1923. Cambridge.1954;

164. Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar. Iztanbul, 1969.

165. Rakowska -Harmstone T. Russia and Nationalism in Central Asia. Baltimore, 1970.

166. Rywkin M. Central Asia and Pris of Sovietozation // Problems of Communism.1964, №1;

167. Rywkin M. Relugion. Modern Nationalism and Political Power in Soviet Central Asis //Canadian Slavonic papers. Ottava. 1975. vol.17. 2-3

168. Seton-Watson. The New Imperialism: A.Background Book. London.1961;

169. Tohir Chigatoy. Qizil imperialazm. Anqara, 1967.

170. "Qogand ve Alas Orda Milli Hukumatlari"// Milli Turkistan. Mart.1951. nr,70.71.

Энциклопедиялар

171.Большая Советская Энциклопедия. Т. 5. -М.: БСЭ, 1927. –808 с.

172.Большая Советская Энциклопедия Т. 5. -М.: БСЭ, 1971. –640 с.

173.Большая Советская Энциклопедия. Т. 2. -М.: БСЭ, 1955. –648 с.

174.Гражданская война и военная интервенция в СССР. Энциклопедия. -М.: Сов. Энцикл. 1987. - 720с.(28)

175. Гражданская война и военная интервенция в СССР. Энциклопедия. - М.: Сов. Энцикл. 1983. - 703с.

Архив манбалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви:
Туркистон Генерал-губернатори Маҳкамаси фонди:
31 рўйхат, 1100 - йиғма жилд;
1-рўйхат, 1132 - йиғма жилд;
31-рўйхат, 1337-йиғма жилд;
1-рўйхат. 1139 - йиғма жилд.
Фарғона ҳарбий губернатори фонди:
2-рўйхат. 152- йиғма жилд.
17-фонд. 1- рўйхат, 1187- йиғма жилд;
1-рўйхат. 14 -йиғма жилд.
25-фонд. 1-рўйхат, 79- йиғма жилд.

Газеталар (1916-1924 йиллар)

Еженедельник полиработника. -1920 №1; 2; 3; 6. -1921 №7; 9.
Красная Фергана. -1921. -№74.
Красная Казарма. -1922. -№2 (20 нояб.).
Красная Фергана.-1921. -№61; 67; 69; 70; 74; 92; 94.
Туркестанская правда. -1921-1924.
Туркестанские ведомости. -1916. -№155-258.
Туркестанский голос. -1916.
Туркистон вилояти газети (Туркестанская туземная газета). -1916. -№42-43.
Қизил байроқ. -1921. -№2; 17, 21, 67; - 1922. - №179, 182, 196, 197,199.
Янги шарқ. -1920. - №92.
Туркистон. –1923. - №144, 151, 155.
Улуғ Туркистон. –1918. - №77, 142, 154.
Иштрокиюн. – 1919. - №131, 133.
Фарғона. –1921. -№9, 18, 43.